

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

UO'K: 821.512.133.09(091)

НЕМАТОВА ХУЛҚАР АБДУЛБАКИЕВНА

САФАРНОМА ЖАНРИ: ТАРИХИ, ТАРАҚҚИЁТИ
ВА ПОЭТИКАСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: фил.ф.д., проф. Б.Тўхлиев

Жиззах – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. САФАРНОМАНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ	
1.1. §. Сафарнома адабий жанр сифатида.....	12
1.2. §. Сафарномаларнинг табиати ва намоён бўлиш шакллари.....	26
1.3. §. Ўзбек фольклори ва мумтоз адабиётида сафар мотиви.....	36
Боб юзасидан хулосалар	55
II БОБ. ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА САФАРНОМА ЖАНРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ	
2.1. §. Маърифатпарварлик даври сафарномаларининг вужудга келиши ва шаклланиши.....	59
2.2. §. Жаҳид сафарномаларида устувор ғоя ва мотивлар тизими.....	69
2.3. §. Шўро даври сафарномаларининг етакчи хусусиятлари.....	89
Боб юзасидан хулосалар	109
III БОБ. ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ САФАРНОМАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ	
3.1. §. “Бобурийнома” маърифий романи сафарнома сифатида.....	112
3.2. §. Қамчибек Кенжа бадиий сафарномаларининг илмий-бадиий, ғоявий-эстетик хусусиятлари.....	126
Боб юзасидан хулосалар	149
Умумий хулосалар.....	149
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	153
Иловалар.....	165

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида сафарнома адабий жанрини ўрганишга алоҳида диққат қаратилмоқда. Ундаги аниқ ҳисобот ва ахборот шаклидаги маълумотлар бадиий тўқима билан уйғунлашиб, ҳам бадиий асар, ҳам илмий рисолалик хусусиятларини ўзида жам этган ҳолда китобхонга тақдим этилиши адабиётшунослар эътиборини ўзига қаратиб келмоқда. Бугунги кунга келиб бутун оламга қизиқиш, умумжаҳон миқёсдаги ахборотларга, дунёхабардорликка эҳтиёж мисли кўрилмаган даражада ошди. Мана шу ҳаётий ва маънавий эҳтиёж адабиётда сафарнома ва сафарномашуносликнинг муҳим аҳамиятга молик эканини кўрсатади.

Дунё адабиётшунослигида сафарнома жанридаги асарларни турли муаммолар доирасида Россия ва Марказий Осиё давлатлари олимлари томонидан ўрганилаётганлиги ҳамда филологик тадқиқотларни амалга оширилаётганлиги мавзуни умуминсонийлик ва кенг миқёс касб этаётганидан гувоҳлик беради. Сафарномаларда инсоннинг дунёга, дунё масалаларига муносабати яққол кўринади. Шу маънода сафарномаларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тадрижини ўрганиш билан бир қаторда саёҳат хотиралари, сафар кундаликлари ҳамда очеркларнинг бу жанр тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбек адабиётшунослигида илк сафарномалар сафар мотивига асосланган асарлар кўринишида пайдо бўлган. Мамлакатимизда илм-фан соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, кўп қиррали бу мавзуни бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-

амалий хулосалар чиқариш катта аҳамиятга эга”¹ бўлиб, мазкур илмий жараёнлар натижасида сафарнома ва саёҳатнома мавзусидаги асарларни кенг миқёсда, монографик планда ўрганиш адабиётшунослигимизни янги таҳлил ва қарашлар билан бойитиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сон “Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги Ф-124-сонли “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги Фармойиши ва ушбу соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғояларни шакллантириш ва уларни амалга ошириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётшунослиқда сафарнома жанри нисбатан кам ўрганилган соҳа. Аммо жаҳон, жумладан,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриги // Халқ сўзи. 2018 йил 8 август.

Европа ва Америка адабиётида ушбу жанр кенг тарқалган². Шунга кўра, ушбу жанрнинг илмий тадқиқи ҳам ўша минтақалар адабиётшунослигида анча қадимий даврлар билан алоқадор ҳолда ривожланган. Рус адабиётшунослигида ҳам сафарномалар табиати, жанр хусусиятлари, тадрижи ва такомилли С.В.Сботова, К.А.Панцеров, В.А.Михайлов, Н.А.Громова, О.М.Скибина, В.А.Шачкова³, шунингдек, тожик адабиётида С.Саъдиев, Н.Ш.Бозорзода, З.А.Юнусзода, Н.Д.Давлатзода, Ш.С.Пўлотова⁴ ларнинг бир қатор салмоқли тадқиқотларида ўрганилган.

Ўзбек адабиётшунослигида сафарномалар ва уларнинг тараққиёт тенденциялари, назарияси, сайёҳ-муаллифнинг адабий-эстетик, ижтимоий-маърифий қарашлари, таҳлил ва талқин масалаларини ўрганишга бағишланган алоҳида тадқиқотлар кўп эмас. Х.Жалилова⁵, шунингдек, адабиётшунос олим У.Норматов, И.Ғафуров, А.Расулов, С.Содиқов,

² Adams, P.G. Travellers and Travel Liars // Bekerley, 1962. 194 p.; James, E.A. Daniel Defoe's Many Voices. A Rhetorical Study of Prose Style and Literary Method // - Amsterdam, 1972. 158 p.; The Journey: the Female Travel Experience / ed by B. Frederik and S. McLeod. - Pullman, 1993. 166 p.; Twentieth Century Interpretations of Robinson Crusoe. - Englewood Cliffs, 1969. 128 p.; Moore, J.R. Daniel Defoe: Citizen of the Modern World. - Chicago, 1958. 103p.; Stevenson, Catherine B. Victorian Women Travel Writers in Afrika. - Boston.1982. 289 p.; Russian Travellers to Constantinople in the fourteenth and fifteenth Centuries by G.P. Majeska // Washington, 1984, 113 p.; Gove, R.B. The imaginary voyage in prose fiction // L., 1961. 245 p.; Hunter, J.P. The Reluctant Pilgrim: Defoe's Emblematic Method and Quest for Form. - Baltimore, 1966. 295 p.; Smith A.E. Travel narratives and the familiar letters form in the mid-eighteenth century // Studies in philology. Chapel Hill, 1998. Vol. 95.№ 1. 96 p.;

³ Сботова С. В. Рефлексия темы путешествия (пути) в художественно- философской мысли западной Европы и России XVIII-XX вв. (Диссертация на соискание ученой степени кандидата культурологии) –Саранск, 2005. – 150 с.; Панцеров К.А. Путевой очерк: эволюция и художественно-публицистические особенности жанра. (Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук) – Санкт-Петербург, 2004. – 148 с.; Михайлов В.А. Эволюция жанра литературного путешествия в произведениях русских писателей XVIII-XIX веков: диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Волгоград, 1999. – 152 с.; Громова Н.А. Путевые картины Генриха Гейне// Человек и наука. – Москва, 2006. – 120 с.; Скибина О.М. Творчество В.Л.Кигна-Дедлова: Проблематика и поэтика специальности 10.01.01. русская литература. Диссертация на соискание учёной степени доктора филологических наук. – Москва, 2003. – 146 ст.; Шачкова В.А. “Путешествие” как жанр художественной литературы: Вопросы теории. Вестник Нижегородского университета им. Н.И.Лобачевского. – Нижегород, 2008. – 150 с.

⁴ Саъдиев С. Жанри сафарнома дар адабиёти маорифпарвари тоҷик ва Эрон. Масъалаҳои филологияи тоҷик. Мақола ва гузаришоти илми. – Самарқанд: Нашри ДДС, 1997. – 145с.; Бозоров Н. Жанри сафарнома дар адабиёти муосири тоҷик: диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Душанбе, 2002 –157 с., (ш. Душанбе, 2021, Бозорзода Нуриддин Шодипур дар мавзӯи “Сафарнома ҳамчун жанри публицистика (масъалаҳои назарӣ, таърих ва амалия)” барои дараҷи доктори илмҳои филологӣ аз рӯи ихтисоси 10.01.10; Юнусзода З. А. Жанри сафарнома дар адабиёти маорифпарвари тоҷик: диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Душанбе, 2014. – 172 с., Давлатзода Н.Д. Формирование и эволюция художественного образа Хатама в персидско-таджикской литературе (классический период): диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. –Душанбе –2019. 196 с.; Пўлотова Ш. С. Сафарномаҳои фарзона- маъхазии муҳими иттилоот. Текст научной статьи по специальности “Языкознание и литературоведение”. Ученые записки Худжандского государственного университета им. Академика Б.Гафурова. Гуманитарные науки 2020.

⁵ Жалилова Х. XVIII аср Ғарбий Европа маърифатчилик адабиётидаги ва XIX аср охири-XX аср бошларидаги миллий уйғониш даври ўзбек адабиётидаги саёхатнома жанрининг маънавий-маърифий хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди дис. автореф. – Тошкент, 2008 – 50 б.

Б.Каримов ва А.Нурматов⁶нинг сўнги йиллар сафарномаларининг етакчи жиҳатлари, сайёҳ-муаллиф дунёқараши ва сафарномаларнинг бадиий хусусиятларига бағишланган илмий мақолалари мавжуд.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Жиззах давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2-сон “Ўзбек адабиёти, адабий танқиди тарихи ва бадиий маҳорат масалалари” (2017-2021) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сафарнома жанрининг тарихий ривожланиш тадрижи, тараққиёт тамойиллари ҳамда поэтик хусусиятларини аниқлаш, миллий сафарномаларимизнинг бу жанрнинг янгидан-янги имкониятларини очишдаги ўрни ва аҳамиятини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

диний-руҳоний эҳтиёж, дунёни билиш, таниш, даврлар, жамиятлар тарихида фикрий уйғониш, ислоҳот жараёнларининг ҳосиласи – сафарнома жанрининг пайдо бўлиши, унинг ўзбек адабиётидаги илк намуналарининг ғоявий-бадиий хусусиятларини аниқлаш;

миллий уйғониш даври ва жаид сафарномаларида маърифатпарварлик ғояларининг қиёсий ва солиштириш усулида тарғиб қилинганлигини далиллаш, шунингдек, жаид сафарномаларида муаллиф саёҳат мавзусини ўз ижодий ниятига кўра бадиий усул сифатида қўллаганлигини асослаш;

даврнинг мафкуравий тазйиқлари, ижоддаги мавжуд қолиплар шўро даври сафарномаларининг тадрижи ва тақомилига таъсири масаласини ёритиш;

истиклол даври сафарномаларининг ўзбек адабиётида шу жанрга оид ўзига хос кашфиётлар самараси эканлигини асослаш, уларнинг ижтимоий-адабий-эстетик аҳамияти ва муаллиф маҳоратини очиб бериш.

⁶ Нурматов У. Мафгункор ишқ муждалари. Ижод сеҳри. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 352 б.; Ғафуров И. Миллатнинг биллурланиши. Мангу латофат. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 464 б.; Расулов А. Услуб ва санъаткорлик уйғунлиги. Бадиийлик – безавол янгилик. –Тошкент: Шарқ, 2007. – 336 б.; Содиков С. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 320 б.; Нурматов А. Ўзбек сафарномаларида туркия мавзуси. “Ўзбекистон хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал. – Тошкент, 2018. – № 4 (23).

Тадқиқотнинг объекти сифатида, асосан, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақое”, Муқимийнинг “Саёҳатнома”, Нодим Намангонийнинг “Баёни дар сафари Тошканд”, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Қасди сафар”, Абдулла Авлонийнинг “Афғон саёҳати”, Фитратнинг “Ҳинд сайёҳи”, Чўлпоннинг “Вайроналар орасида”, Ҳожи Муиннинг “Каттақўрғон хотиралари”, Ойбекнинг “Покистон хотиралари”, Ғафур Ғуломнинг “Ҳоки Мусалло” ҳамда “Тахти Сафар”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Қирқ қувонч. Салом Ҳинд халқига”, Хайриддин Султоннинг “Бобурийнома”, Қамчибек Кенжанинг “Ҳинд сориға”, “Андижондан Даққача”, “Буюқлар изидан”, “Андижондан Бағдодгача” номли сафарномалари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек адабиётида яратилган сафарнома мавзусидаги асарларда акс этган ижодкор тафаккури ва нуқтаи назари, ундаги илмий, ижтимоий, маънавий, маърифий маълумотларни бадиий ва публицистик талқин уйғунлигидаги тадрижий тараққиётини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, биографик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк сафарномаларнинг зиёрат характерида эканлиги, уларнинг тадрижий такомилли, ўзбек адабиётида сафарнома жанрининг дунёни билиш, таниш, маънавий, руҳоний эҳтиёж сифатида майдонга келган дастлабки намуналарининг муштарак ғоявий-бадиий ҳамда етакчи ижтимоий-маърифий хусусиятлари асосланган;

Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақое”, Муқимийнинг “Саёҳатнома”, Нодим Намангонийнинг “Баёни дар сафари Тошканд”, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Қасди сафар”, Абдурауф Фитратнинг “Ҳинд сайёҳи”, Чўлпоннинг “Вайроналар орасидан”, Ҳожи Муиннинг “Каттақўрғон хотиралари” каби миллий уйғониш ва жадид сафарномалари моҳиятига

сингдирилган ўрганиш, ибрат, қиёс ва маърифатга чорловчи ғояларнинг талқини далилланган;

Ойбекнинг “Покистон хотиралари”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ҳиндистон хотиралари”, Ғафур Ғуломнинг “Тахти Сафар”, “Ҳоки Мусалло” каби сафарнома характеридаги асарларида шўро даврида тафаккур ва ижод эркинлигини чеклаш мақсадида жорий этилган мафкуравий қолипларнинг таъсири аниқланган;

Хайриддин Султоннинг “Бобурийнома”, Қамчибек Кенжанинг “Ҳинд сориға”, “Андижондан Даккагача”, “Буюклар изидан” ва “Андижондан Бағдодгача” каби истиқлол даври сафарномаларида шакл ва мазмун уйғунлиги ҳамда муаллиф маҳорати масаласи очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сафарномаларнинг жаҳон ва ўзбек адабиётида яратилган илк намуналари муқаддас жойларга уюштирилган саёҳат – зиёрат характерида бўлиб, бу битиклар сафарнома жанрининг юзага келиши ва ривожланишига асос бўлгани назарий ҳамда амалий жиҳатдан кўрсатиб берилган;

миллий уйғониш, жаҳид ва шўро даври сафарномаларининг тадрижи, такомиллини ўрганиш асносида чиқарилган илмий-назарий хулосалар адабиётимиз ривожини, қонуниятлари ва тенденцияларини ёритишда ўзига хос манба, ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамал бўлишига хизмат қилувчи муҳим материал эканлиги асосланган;

шўро даври сафарномаларида воқеалар тасвири ҳамда жамият муаммоларини таъсирчан шаклда етказиш ва ишончлилигини таъминлашда муаллиф услуби ва бадиий маҳоратининг аҳамияти изоҳланган;

истиқлол даври сафарномаларидаги муаллиф “мен”и, ғоявий-бадиий тадрижи кузатилган, шунингдек, сафарнома муаллифининг ижоди, услубидаги такомиллашув жараёни белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, илмий-назарий хулосаларда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик,

биографик ва статистик таҳлил усуллари истифода этилгани, ишончли адабий-тарихий манбалар, интернетнинг халқаро илмий базалар маълумотларидан фойдаланилгани, тадқиқот юзасидан олиб борилган илмий изланиш ва чиқарилган хулосаларнинг илмий-назарий характердалиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юзага келган назарий хулосалари сафарномаларнинг илк намуналарининг яратилиши, сюжет ва композицияси, улардаги турли илмий-маърифий маълумотлар, шунингдек, бу типдаги асарларнинг ўзига хос бадиияти, муаллиф тасвиридаги воқеликка нисбатан субъектив нуқтаи назари сафарномалардаги бадиий, илмий, тарихий ҳамда публицистик талқин уйғунлиги каби бир қатор ўзига хос хусусиятлари ўрганилгани, ундаги айрим мулоҳаза ва хулосалар бу жанрга оид илмий-назарий қарашларни муайян даражада аниқлаштириш ва кенгайтириш вазифасини бажариши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги хулоса ва қарашлар асосида ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, ўзбек адабий танқиди тарихи каби фанларнинг назарий дастур ва ўқув режа, ўқув мажмуаларини тузишда, шунингдек, умумий ўрта таълим ва академик лицей ўқувчиларининг адабиёт ва тарих дарсларида, тўғарак машғулотларида ёрдамчи қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сафарнома жанрининг тарихи, тараққиёти ва поэтикасини илмий тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

илк сафарномаларнинг зиёрат характерида эканлиги, уларнинг тадрижий такомилли, ўзбек адабиётида сафарнома жанрининг дунёни билиш, таниш, маънавий, руҳоний эҳтиёж сифатида майдонга келган дастлабки намуналарининг муштарак ғоявий-бадиий ҳамда етакчи ижтимоий-маърифий хусусиятларига оид хулосалардан Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ

фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2022 йил 4 августдаги 181-сон маълумотномаси). Натижада фундаментал тадқиқот лойиҳасининг фольклоршунослик ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ этишга бағишланган бобининг бойитилишига хизмат қилган;

Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақое”, Муқимийнинг “Саёҳатнома”, Нодим Намангонийнинг “Баёни дар сафари Тошканд”, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Қасди сафар”, Абдурауф Фитратнинг “Ҳинд сайёҳи”, Чўлпоннинг “Вайроналар орасидан”, Ҳожи Муиннинг “Каттақўрғон хотиралари” каби миллий уйғониш ва жадид сафарномалари моҳиятига сингдирилган ўрганиш, ибрат, қиёс ва маърифатга чорловчи ғояларнинг талқини тўғрисидаги хулосалардан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида бажарилган ФЗ-2016-0908165532 рақамли “Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2022 йил 4 августдаги 181-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа назарий қисмида сафарнома жанрини ўрганишнинг аҳамияти ҳамда тарбиявий-эстетик аҳамияти ҳақидаги илмий хулосалар билан бойитилишига хизмат қилган;

Ойбекнинг “Покистон хотиралари”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ҳиндистон хотиралари”, Гафур Ғуломнинг “Тахти Сафар”, “Ҳоки Мусалло” каби сафарнома характеридаги асарларида шўро даврида тафаккур ва ижод эркинлигини чеклаш мақсадида жорий этилган мафкуравий қолипларнинг таъсири ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими томонидан ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда, ёш ижодкорлар билан ижодий учрашувларда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2022 йил 30 сентябрдаги 08-003/47(А)-сон

маълумотномаси). Натижада Ойбек, А.Қаҳҳор ҳамда Ғ.Ғулом каби ижодкорлар қаламига мансуб сафарномаларнинг яратилиш жараёни ва ҳолатлари ўрганилиб, тингловчилар билими кенгайтишига эришилган;

Хайриддин Султоннинг “Бобурийнома”, Қамчибек Кенжанинг “Ҳинд сориға”, “Андижондан Даккагача”, “Буюклар изидан” ва “Андижондан Бағдодгача” каби истиқлол даври сафарномаларида шакл ва мазмун уйғунлиги ҳамда муаллиф маҳорати масаласи тўғрисидаги маълумотлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Очиқ дарс” кўрсатуви тайёрланишида амалий фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг 2022 йил 25 январдаги 40-40-1869-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувнинг илмий савияси, ижтимоий-эстетик, маънавий-маърифийлик каби хусусиятларининг ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та жумладан, 5 таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, умумий ҳажми 152 бетни ташкил этади.

I БОБ. САФАРНОМА ЖАНРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1-§.Сафарнома адабий жанр сифатида

Инсон сийратида уни ўраб турган оламни ва одамни ўрганишга бўлган қизиқиш, эҳтиёж, ҳаракат бўлмаганида эди, бани башар бугун қўлга киритган ютуқларининг ўндан бирига эришиши ҳам амри маҳол эди. Инсоннинг атроф-оламни ўрганишга иштиёқи аслида унинг ўз-ўзини билишга, ўзини англашга қизиқишидан, эҳтиёжидан туғилади. Шу эҳтиёж, қизиқиш натижаси ўлароқ инсон йўлга чиқади, сафар қилади. Сафар эса билим, англаш, ўрганиш, қиёс, иқдор, эътирофнинг энг қулай омилидир. Шу аснода маърифатли инсонлар ўз таассуротларини оқ қоғозга туширадilar. Илмда бундай битикларнинг жанри бадий публицистикага мансуб бўлган очеркнинг уч туридан бирининг номи билан – йўл очерки, дея белгиланган ёки бундай асарларни сафарнома, саёхатнома деб аташ ҳам одат тусига кирган. “Саёхатнома – адабий жанр, йўлчининг сафар давомида кўрган-кечирганлари, ўзга юртларнинг табиати, ижтимоий-маиший турмуши, халқи, урф-одатлари ва бошқа ш.к. Муаллиф мансуб миллат ўқувчилари учун қизиқарли ва фойдали бўлиши мумкин бўлган маълумотлар берувчи асар”⁷. Саёхатнома бадий, илмий ва публицистик характерга эга бўлиб, турли шакл ва жанрларда ёзилиши мумкин. Саёхат ва сафар атамалари туркий ва форс-тожик адабиётида кенг қўлланади. Луғатларда “саёхат” сўзи сафар, сайр қилиш, дам олиш, ҳордиқ чиқариш, дунёни кўриш мақсадида қилинган сафар маъноларини англатади⁸.

Жаҳон, жумладан, ўзбек адабиётида ҳам саёхат таассуротлари, тўпланган материаллар кундалик ёки очерк шаклида баён қилинган. Миллий мумтоз адабиётимизда эса саёхатнома жанри шеърӣ йўлда ёзилган. Маълумки, ўзбек мумтоз адабиётида нома жанри хат, мактуб шаклида ёзилган бадий асар ҳисобланиб, асосан, маснавий усулида қофияланади.

⁷ Д.Қуроноов ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Академнашр, 2014. –Б. 265.

⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 420.

Аммо ўрни билан “... мазкур атама (нома – Н.Ҳ.) кенг маънода умуман асарга, аксари ҳолда бирор ҳодиса, шахс ҳаётини атрофлича ёритган бадиий, тарихий-сиёсий китоб ва рисоаларга нисбатан ҳам қўлланади. Бунда асарлар таркибидаги “нома” сўзи аксар ҳолларда “муайян нарса, ҳодиса, воқеа... ҳақидаги асар” деган мазмунни ифодалайди⁹. Демак, саёхатнома ёки сафарнома сўзи таркибидаги “нома” атамаси яхлит олганда, саёхат, сафар ҳақидаги асар деган маънони билдиради.

Бирон янги, жумладан сафарнома жанрининг ҳам майдонга келишини адабиётнинг ўзига хос ички қонуниятларигагина боғлаб қўйсак, адабий жараёнга жамиятда кечаётган сиёсий-иқтисодий, маънавий-рухий жараённинг таъсирини инкор этган бўламиз. Худди шундай сафарномалар ҳам аксарият ҳолларда диний-руҳоний эҳтиёж, дунёни билиш, таниш, маълум бир даврлар, жамиятлар тарихида фикрий уйғониш, ислохот жараёнларининг ҳосиласи ўлароқ туғилган, шаклланган. Рус файласуф олимаси Светлана Сботова таъкидлагандек, “Йўл, сафарга рағбат нафақат физик, балки метафизикавий мотив сифатида барча буюк динларда учрайди, айни пайтда уларнинг раҳнамолари – Христос, Будда, Магомед (Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам – таъкид бизники, Н.Ҳ.) эса толмас саёхатчилар бўлиб, ҳеч қачон бир ерда муқим туриб қолган эмаслар. Муқаддас жойларнинг зиёрати учун сафар ғояси барча дунё динларида бор”¹⁰.

Изланишлардан шу нарса маълум бўлдики, ҳар бир даврда у ёки бу сабаб туфайли саёхатларга чиқилган. Аммо уларнинг барчаси ҳақида тўлиқ маълумот ола олмаимиз. Чунки сафарга чиққан ҳар бир сайёҳ ўз таассуротларини ёзиб қўймаган. Маълум бўлдики, сафар тафсилотларини ижодкорлар ёзиб қолдиришган. Балки бу уларнинг табиатиға хос бўлган, “Мен санъаткорман ва менинг ҳаётим гўзалликни ахтариш билан ўтади” (Лев

⁹ Салаев Ф. Курбонниёзов Т. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б.170.

¹⁰ Сботова С. В. Рефлексия темы путешествия (пути) в художественно-философской мысли Западной Европы и России XVIII-XX вв. (Диссертация на соискание ученой степени кандидата культурологии). –С.: 2005. –С.. 20.

Толстой) деган тушунчага ҳамоҳанг тарзда ўзлари баҳраманд бўлган гўзалликларни бошқалар билан ҳам бўлишиш истагининг мавжудлигидир.

Қадимги шумерлар даврида яратилган “Гилгамиш ҳақида афсона”¹¹ достони, Вергилийнинг “Энеида”¹², Дантенинг “Илоҳий комедия”¹³, Некрасовнинг “Россияда ким яхши яшайди?”¹⁴, Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари”¹⁵, Марк Твеннинг “Геклберри Финнинг саргузаштлари”¹⁶ романлари саргузашт воқеаларига таянади. Венециялик Марко Полонинг “Оламнинг ранг-баранглиги ҳақидаги китоб”¹⁷ (1298) унинг Шарққа, жумладан, Хитойга қилган саёҳатлари натижасида юзага келган. “Бадий асарларда фақат унинг муаллифига тегишли халқ ва мамлакат ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари акс этибгина қолмайди. Даврлар оша кенг камровда яратилган санъат асарларида у ёки бу тарзда жаҳон маданиятининг нафасини сезамизки, бу ҳолат рассомлар ва хусусан, ёзувчиларнинг турли халқлар, мамлакатлар, минтақалар мавжудлигига қизиқишида намоён бўлади. Шундай қилиб адабиётда чет элларга саёҳат – сафарнома жанри илдиз ота бошлади. Биламизки, Гомернинг “Одиссей” достонида аввалданок сафарномага хос хусусиятлар ўз аксини топган. Шу ўринда Афанасий Никитиннинг “Уч денгиз оша саёҳат”, Н.М.Карамзиннинг “Рус сайёҳининг мактуби”, Байроннинг “Чайлд Гаролд саёҳатлари” асарларини келтиришимиз мумкин”¹⁸.

Ҳиндистонга денгиз орқали бориш йўлини биринчи бўлиб босиб ўтган ватандошимиз Абдураззоқ Самарқандий ўз сафарномасини “Оллоҳу таолонинг сўзи: “ У (Оллоҳ) сизларни куруқликда ва денгизда сайр қилдирувчидир”, – дея Юнус сурасининг 22 ояти билан бошлар экан, ...Энг

¹¹ Эпос о Гильгамеше / Пер.Дьяконов И.М. Наука, 2015, – С. 212.

¹² Вергилий. Энеида. Художественная литература, – М.: 1979. – С. 384.

¹³ Данте Алигьери. Илоҳий комедия (А.Орипов таржимаси). А.Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Учинчи жилд. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 148.

¹⁴ Поэма Н.А.Некрасова. Кому на Руси жить хорошо. – М.: Просвещение, 1968. – С.160.

¹⁵ Жонатан Свифт. Гулливернинг саёҳатлари. –Тошкент: Шарқ, 2009. –Б. 288.

¹⁶ Марк Твен. Приключения Гекльберри Финна/Пер.Н.Дарузес. –Тошкент: Ўзбекистон нашриёт матбаа ижодий уйи, 2017. –С. 288.

¹⁷ Марко Поло. Книга о разнообразии мира. –М.: Эксмо, 2005. – С. 480.

¹⁸ См.: Михайлов А.В. «Западно-восточный диван» Гете: Смысл и форма// Гете И.В. Западно-восточный диван. М., 1988. С. 667–671.

билимдон подшоҳ (тангри)нинг (барчани) ожиз қолдирадиган шаклда терилган каломи (Қуръони карим)да у (сафар) фойдаларининг дурлари ғоят гўзал бир нозиклик билан саранжом топган”¹⁹, – деб таъкидлайди.

Жадид сафарномаларининг муаллифларидан бири Бехбудий ўзининг “Қасди сафар”ида: “Денгиз ойнадек шаффоф ва сокин, ҳаво латиф, ялғуз остимизда суву устимизда Бухородур”, – деб таассуротларини бўлишар экан, “Ердагиларни Сизга мусаххар қилдим – Оллоҳнинг амри ила марокиби баҳрия денгизга жорий бўлур” мазмунидаги оятлар мулоҳаза қилинур”²⁰, – дея Қуръони каримда сафар борасида тайин этилган оятларни эслатади. Тарихчи журналист бу ҳақда шундай мулоҳазаларини билдирган эди: “1914 йилнинг 19 майида Бехбудий яна бир бор араб мамлакатларига саёҳатга жўнайди. Сафардан олган таассуротларини ўз журнали – “Ойна”да “Қасди сафар” сарлавҳаси остида бериб боради. Адабиётшунослар “хотиралар”ни адабиётимиздаги анъанавий тарихий-мемуар жанрининг XX аср бошидаги ўзига хос намунаси деб таърифладилар. “Хотиралар”даги маърифий рух, изтиробга тўла фикр-мулоҳазалар ўқувчини бекфарқ қолдирмайди. Бехбудий қалбини ўртаган бу дард эрк ва маърифат эди”²¹.

Имом Бухорийнинг “Ал-жомий ас-саҳих”²² ҳадислар тўпламида ҳам “Намозни қазо ўқиш” ҳақидаги боблар қисмининг 4-, 5-, 6-, 11-, 12-, 13-; “Умранинг вожиблиги ва фазилати” қисмининг 1-, 14-, 15-, 19-, 20-бобларида сафар билан боғлиқ ҳадислар келтирилган. Уларда сафарнинг зарурати, шукронаси, ҳайрат билан айна пайтда машаққати, масъулияти, қийинчиликлари эслатилган. Сафар заҳматларини бўйнига олиб йўлга чиққан инсонга Исломда ибодат амалларини бажариш борасидаги тартиб-қоидалар Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ибратлари мисолида ривоят қилинган. Шунингдек, ислом оламининг буюк

¹⁹ А.Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.112.

²⁰ М.Бехбудий. Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 69-70.

²¹ Азизов М. Эрк ва маърифатчун берди борини // <https://www.qashqadaryogz.uz/read/erk-va-ma-rifatchun-berdi-borini>.

²² Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ал-жомий ас-саҳих. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. –Б. 173.

мутафаккирлари Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Саодатга элтувчи илм”²³, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний”²⁴ асарларида сафар хусусида кимматли фикрлар айтилган.

Сафарнома жанрининг пайдо бўлиши ва такомилли тадқиқини ўрганган рус олимлари яқдиллик билан рус адабиётида бу жанрнинг пайдо бўлишини X асрда Қадим Русда христианлик динининг юзага келиши билан боғлайдилар. Дарҳақиқат, муқаддас китобларидан бири Библиянинг охириги ва энг муҳим бўлими Инжилда Нажоткор – Исо Масихнинг етмиш шогирдини сафарга юбориши билан боғлиқ “Етмиш шогирднинг воизлик сафари” боби бор. Исо Масихнинг сафарга отланаётганларга қарата: “Ҳосил мўл, бироқ ишчилар оз, Ўз ҳосилингни йиғиб-терадиган ишчилар юбор, деб ҳосил эгасига илтижо қилинглр. Боринглр! Сизни бўрилар орасига кўзилардай юбораяпман”²⁵, – деган сўзларида ўзига хос ички маъно бўлиб, унда сафарнинг мақсади билан айна пайтда машаққати ҳам кўрсатилган. Исо Масихнинг кейинги сўзларида эса сафардаги инсоннинг ўзига яраша одоби, кадр-қиммати, муруввати, ор-номуси бўлиши лозимлиги, сафарга чиқишдан мақсад ва муддаони инсон унутмаслиги кераклиги уқтирилади: “Қайси уйга кирсангизлар, аввал бошда: уйингизга тинчлик бўлсин”, –деб салом беринглр. Агар у ерда бирор тинчликсевар бўлса, унинг боши саломат бўлади. Бўлмаса, саломингиз сизларга қайтиб келади. Кирган уйда қолинглр, сизларга нимани берсалар, уни еб-ичинглр. Чунки меҳнаткаш ўз меҳнатига яраша тақдирланмоққа муносибдир. Уйма-уй ўтиб юрманглр. Қайси шаҳарга келганингизда, сизларни қабул қилсалар, олдингизга кўйилганни енглр. Ўша ердаги касалларга шифо бериб, уларга: “Худонинг шоҳлиги сизларга яқинлашди”, деб айтинглр”²⁶, – дейди.

Рус тадқиқотчилари қадимги рус адабиётида сафарнома (хождения) жанрининг илк намунаси сифатида аббат Даниилнинг 1106-1107 йилларда

²³ Абу Ҳамид Ғаззолий. Саодатга элтувчи илм. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.173.

²⁴ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний; Ахлоқи муҳсиний. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2011. – Б.76.

²⁵ Инжил. /“Тавротдан ибтидо”/ Забур. – Стокгольм. Швеция. 1992. – Б. 165.

²⁶ Келтирилган манба. –Б. 165.

Муқаддас ерга (Исо яшаган ва хочга тортилган жой) қилган зиёрати тафсилоти битикларини кўрсатишади. Аббат Даниил ўз сафарномасида Ўрта аср одамларига аввалдан яхши таниш бўлган қаҳрамонликлар тарихини, Библиядаги ривоятларни қайта сўзлаб, асло баёнчиликка, шарҳловчиликка йўл қўймайди. Рус адабиётшунослари ушбу сафарноманинг адабий-бадиий қимматини ҳам шунда кўрсатадилар ҳамда у ўз олдига мифларнинг ҳақиқатан мавжудлигини, Библияда тасвирланган воқеалар реал тарихий маконда рўй берганини исботлаб беришни мақсад қилиб қўяди. Бунинг учун эса аббатдан Исо яшаган ва хочга миҳланган жойни батафсил тасвирлаб бериш талаб этиларди. Мана шу талаб аббат Даниилни айна пайтда хушёр саёҳатчига, синчков кузатувчига, холис баҳоловчига айлантирди. Шу тариқа аббат Даниил ўзи билмаган ҳолда сафарнома жанрининг илк анъаналарига асос солди. Даниил сафарномасини тадқиқ этган рус адабиётшуноси Панцеров унинг баён йўналишидаги икки характерли жиҳатга эътибор қаратади. Айтиш мумкинки, бу икки жиҳат кейинги яратилган сафарномаларга ҳам хос хусусият сифатида ҳамон яшаб келмоқда. Олим даставвал Даниилнинг баён услубига ундаги “Царьграддан кўрфаз бўйлаб Ўрта ер денгизигача 300 чақирим, Мармала оролидаги Летали лиманигача 100 чақирим. Бу Мармара денгизидagi биринчи орол. Бу ерда бағри кенг лиман ва Эрекли шаҳри бор”²⁷ каби географик номлар, ҳудудлар, уларнинг жойлашиш нуқталари ҳақидаги маълумотларнинг аниқлигига эътибор қаратади. Шу билан бирга Панцеров Даниил сафарномасидан: “Эзгу умидлари амалга ошиб, муқаддас маконга оёқ қўйган кимса кўз ёшларини тиёлмаса керак. Бори Худойимиз Исо Масих, сени севувчи биз осий бандаларингни гуноҳларимизни ўзинг авф этгайсен”,²⁸ – парчасини таҳлилга тортар экан, шундай ёзади: “Аббат Даниил сафарномасида яна бир сюжет чизиғи бор, бу унинг тасвир баёнидаги эҳтирослилик, юксак бир пафоски, бу муқаддас Иерусалим пойида турган инсоннинг (Аббат Даниилнинг – таъкид

²⁷ Житие и хождение Даниила, игулина русской земли/ <http://old-russian.chat.ru>

²⁸ Келтирилган манба.

бизники, Н.Х.) ҳайрати ифодаси бўлганлиги учун ҳам ўқувчи уни жонли, табиий қабул қилади”²⁹. Панцеров фикрларига жиддий эътибор қаратиладиган бўлса, олим томонидан аббат Даниил сафарномаси сюжети чизиғидаги икки йўналишни ажратиб таъкидлагани сезилади:

1. Саёҳат маршрути баёнининг батафсиллиги, шаҳарлар, денгизлар, тоғлар, ороллар, бухталар жойлашган географик ўринларининг аниқ тасвири.

2. Сафар – зиёрат давомида кўрган-кечирганларига саёҳатчи-муаллифнинг субъектив муносабати, баҳоси.

Хулоса қилиб айтганда, аббат Даниилнинг мана шундай ўзига хос услубдаги саёҳат битикларини XII асрда Қадим Русда ўзга юртлар ҳақида дастлабки сафар хотираларини яратишга бўлган уриниш, дейиш мумкин.

XIV-XV асрга келиб инсоннинг ўзи эгаллаб турган дунёни ўрганишга бўлган иштиёқи кескин ошди. Шарқу Ғарбнинг Уйғониш даври сайёҳларини иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳамда руҳоний эҳтиёж, шунингдек, янги мамлакатларни ва шаҳарларни кўриш, ўзга халқларнинг ҳаёти, маиший турмуш тарзини ўрганиш, бегона юртларнинг ўзига хос табиати, ҳайвонот, ўсимлик олами, номаълум маконлар ажойиботларига қизиқиш доимий йўлга, сафарга чорлади. Сайёҳларнинг қизиқиш доиралари хилма-хиллиги, мақсад ва вазифаларнинг турличалиги сафар-битикларининг табиатига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Сафарнома муаллифлари энди ўзлари босиб ўтган йўлни, кўрган-кечирган воқеа-ҳодисаларни, алоҳида аҳамият касб этадиган топонимик объектларни тасвирлаб беришга, воқеа ва ҳодисалар баёнини кундалик лавҳаларда акс эттиришга ҳаракат қилдилар, натижада Қадим Русда аббат Даниилнинг зиёрат характерида яратилган саёҳат битикларига ўхшаш сафарномаларнинг бадий имкониятлари кенгайди, бу эса ўз навбатида саёҳат материалларини қоғозга тушириш жараёнида жанр тамойилларида ҳам кескин ўзгаришларга олиб келди.

²⁹ Панцеров К.А. Путевой очерк: эволюция и художественно-публицистические особенности жанра. (Диссертация на соискание ученой степени кандидата филолог. наук) –Санкт-Петербург: 2004. – Ст. 14-15.

XVIII-XIX асрда рус ёзувчиларининг адабий сафарномаларида жанр эволюциясини ўрганган олим В.А.Михайлов шундай ёзади: “Муқаддас макон саёҳатчилар онгида алоҳида эътиборга молик деб қаралмагани билан ўзининг муқаддаслик, илоҳийлик хусусиятини йўқотмади. Сафарнома муаллифлари хорижий мамлакатлар ҳаётининг диний масалалари билан бир қаторда дунёвий томонларига ҳам қизиқа бошладилар. “Пилинов билан Царьградга саёҳат”, “Номаълум Суздальникнинг Флорентий черковига саёҳати”³⁰ (тадқиқотчилар бу сафарномани Ғарбий Европа ҳақидаги биринчи очерклар, дея эътироф этишади) ва Афанасий Никитиннинг “Уч денгиз оша саёҳат”и сафарномаларида бу ҳолат яққол кўринади. Дастлабки зиёрат характеридаги сафарномалардан Уйғониш даври сафарномалари ахборотнома кўринишдаги сюжети ва композицияси билан фарқлана бошлади, саёҳатнинг ўзи эса сафарда ҳам, адабий ижодда ҳам Худо йўлида бажариладиган муқаддас амал деган маъносидан аста-секинлик билан узоқлашди”³¹.

Қадимги рус адабиётида XII асрда яратилган зиёрат характеридаги сафарномаларга очеркка яқин яратилган сифатида қараш мумкин. Йўл очерклари публицистиканинг энг қадимий жанри сифатида дастлабки вақтли матбуот нашрлари билан туғилиб, ривожланиб узоқ йиллар давомида ўз тадрижида бир қатор жиддий сифат ўзгаришларига дуч келди.

Ўрта асрларда Европада, шунингдек, Ғарбий Европа мамлакатларида йўл очерклари жанрида яратилган сафарномалар майдонга келди. Шундай сафарномалардан бири Ўрта асрларда Осиё мамлакатларининг ҳаёти билан биринчи бор европаликларни аниқ маълумотлар асосида таништиришга эришган венециялик савдогар Марко Полонинг “Дунёнинг ранг-баранглиги ҳақида китоб” асаридир. Мутахассисларнинг эътирофича, ушбу китоб “... Ўрта асрлардаги Осиё мамлакатлари – Эрон, Хитой, Мўғулистон, Ҳиндистон, Индонезия ҳамда Марказий Осиёдаги давлатларнинг географияси,

³⁰Хождение на Флорентийский собор Неизвестного Суздальца//Книга хождений: Записки русских путешественников XI-XV веков. – М.: Сов. Россия, 1984. – Ст. 137.

³¹ Михайлов В.А. Эволюция жанра литературного путешествия в произведениях русских писателей XVIII-XIX веков: диссертация на соискание ученой степени канд. фил. наук. –Волгоград, 1999. – Ст.21

этнографияси ва тарихига оид жуда қимматли тарихий манбадир”³². Аксарият сафарнома муаллифлари чет давлатларга масъул топшириқлар билан борганликларини кўришимиз мумкин.

“Барча давлатларнинг хорижий ўлкаларга жўнатилган расмий вакиллари – элчилар, дипломатлар ва чопарлар сафарлари натижалари ҳақида ўз ҳукуматлари учун расмий ҳисоботлар битишган. Бу ҳисоботларни соф бадий асар деб бўлмайди. Бироқ элчиларнинг сафар кундаликлари билан бадий асарлар ўртасига Хитой деворини ҳам қўйиб бўлмайди. Бадий адабиёт қадимдан расмий ёзишмалар билан узвий алоқада ривожланган”³³. 1253 йили француз қироли Людовик Вильям Рубрукни Мўғулистонга элчи қилиб жўнатган. Мўғулистонда Рубрукни француз қиролнинг тинчлик шартномасини тузишга келган элчиси сифатида эътироф этилиши, унга мўғул ерлари бўйлаб сафар уюштириш, саёҳатлар ташкил этиш имконини берган. Рубрук қиролнинг топшириғи билан икки йиллик саёҳати ҳисоботини тайёрлаган. Натижада Осиёнинг катта ҳудудини ишғол қилган жойларнинг географик тасвири, мўғул ва қипчоқларнинг этнографик хусусиятлари, маиший ҳаёт тарзи, урф-одатлари, диний маросимларига оид қизиқарли маълумотлардан иборат саёҳатнома юзага келган.

1403 йилда Кастилия қироли Эрике III нинг Амир Темур саройидаги элчиси этиб тайинланган Клавихонинг “Самарқандга – Темур саройига 1403-1406 йиллардаги саёҳат кундалиги” Туркия, Эрон, Мовароуннаҳр, хусусан, Самарқандда Амир Темур саройидаги кузатувларини ўз ичига олган сафарнома ҳисобланади.

Ҳамюртимиз, машҳур сайёҳ, тарихчи, олим Абдураззоқ Самарқандий 1441–1444 йилларда Шохрух Мирзонинг топшириғи билан Ҳиндистонга элчи қилиб жўнатилади. Ҳиндистон саёҳати натижасида Яқин Шарқ, Марказий Осиёга қўшни бўлган мамлакатларнинг XV асрдаги қиёфаси,

³² Гадоев К., Бердиева С. Жаҳонгашта сайёҳ олимлар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012. –Б. 73.

³³ Жалилова Х. XVIII аср Ғарбий Европа маърифатчилиқ адабиётидаги ва XIX аср охири – XX аср бошларидаги миллий уйғониш даври ўзбек адабиётидаги саёҳатнома жанрининг маънавий-маърифий хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди дисс. автореферати. – Т.: 2008, –Б. 10.

географик жойлашуви, тарихи, маданияти, этнографиясига оид қизиқарли, ишончли маълумотларни ўз ичига олган “Ҳиндистон сафарномаси” яратилди.

Форс-тожик адабиётида яратилган сафарномалар ҳақида гап кетганда, етук шоир фалсафа, география, риёзиёт, фикҳ илмлари билимдони, ўз даврининг донишманд одами Носир Хисрав тилга олинади. Носир Хисрав 1045 йилдан 1052 йилгача бўлган етти йиллик вақт мобайнида Эрон, Арманистон, Озарбайжон, Сурия, Миср, Арабистон, Ироқ диёрларидаги Табриз, Қоҳира, Қуддус, Макка, Мадина, Лаҳсо, Яман, Боира, Исфаҳон каби шаҳарларда бўлади, Мисрда икки йилдан ортиқ яшайди. “Ўша даврларда ислом динидаги икки асосий мазҳаб бўлган суннийлик ва шиалик ҳам ўз навбатида бир неча оқим ва фирқалардан иборат эди. Носир Хисрав шиа мазҳабидаги исмоилия оқимининг фаол тарафдори бўлди. У Мисрда бўлганида бу ерда давлат мафкураси даражасига кўтарилган исмоилия ғоялари баъзи жиҳатлари билан уни ўзига ром қилади. Баъзи тадқиқотчилар Носир Хисрав бундан олдин Ҳиндистонда бўлганида Мўлтон шаҳрида исмоилийлар жамоалари билан илк бор яқинлашгани, унинг ғарбий ўлкаларга сафар қилишдан кўзлаган асосий мақсадларидан бири ҳам айни шу исмоилия таълимоти билан чуқурроқ танишиш бўлгани ҳақида фикр билдиришган”³⁴, – тарзидаги маълумотларни назарда тутиб, шунингдек, муаллифнинг зиёратгоҳ жойлар, қадамжолар ҳақида маълумотлар беришга кўп эътибор қаратганини ҳисобга олиб, Носир Хисрав саёҳатини Қадим Русда X-XI асрларда христианлик таълимоти натижасида амалга оширилган сафарларига моҳиятан ўхшаб кетади, дейиш ҳам мумкин (Ўрни келганида таъкидлаш жоизки, адибнинг асари Ўзбекистонда ҳам кирилл, ҳам лотин ёзувларида чоп этилган).

Ҳар лаҳзада Оллоҳни эслаш, у яратган яратиклар мўъжизасига қойил қолиш, Оллоҳнинг ҳукму иродасига ҳар сонияда имон келтириш Носир Хисрав сафарномасининг хос хусусиятларидан. Муқаддас қадамжоларнинг жойлашиш ўрни, уларнинг тасвирларидаги аниқлик ҳам муаллиф

³⁴ Хисрав Н. Сафарнома (нашрга тайёрловчи Ғ.Каримов). – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 5.

мақсадидан дарак беради. Жумладан, Носир Хисрав Қуддус шаҳридаги жомеъ масжидини шундай таърифлайди: “Жомеъ масжиди шарқ тарафда. Шаҳарнинг шарқий девори айна пайтда масжид девори ҳамдир. Масжид орқасига ўтсангиз Соҳира номли кенг ва текис дашт кўринади ва қиёмат жойи шу ер бўлади, дейишади. Шу сабабли оламнинг турли бурчакларидан бу ерга минглаб одамлар келиб мақом тутишади. Шу шаҳарда вафот этса, Ҳақ субхонаху ва таоло уларнинг хожатларини раво қилади. Худойим, илтижоларимизни қабул эт! Гуноҳ ва камчиликларимизни ўз раҳматинг юзасидан кечиргин, меҳрибон Парвардигор”³⁵. Эътироф этиш керакки, Носир Хисрав фақат диний масалалар, мавзулар ва кузатувлар билан ўралашиб қолмайди. “Сафарномаи Носир Хисрав” муаллифини ҳамма нарса: шаҳарсозлик, архитектура, суғориш тизими, солиқ-тўловлар масаласи, боғдорчилик, зироатчилик каби соҳалар бирдек қизиқтиради ва қадами етган жойларда худди шу соҳаларга эътибор қаратади. Носир Хисравнинг қиёсий характердаги кузатувлари ҳам диққатга сазовор: “Нил суви жануби-ғарб тарафдан оқиб келади ва Мисрдан ўтиб, Рум денгизига қуйилади. Нил дарёси суви кўпайганда Термиз ёнидаги Жайхунга икки баробар келади”³⁶.

Форс-тожик сайёҳ ва сафарномалари ҳақида гап кетганда Муслиҳиддин Саъдий Шерозий номини асло четлаб ўтиб бўлмайди. Шарқ фалсафаси, тарих, мантиқ, тиб каби фанлар билимдони, шоир, адиб, мутафаккир Саъдий “Шарқ мамлакатлари бўйлаб узоқ йиллик саёҳатга отланади... У гоҳ олим ва воиз, гоҳ сўфий ва дарвеш суратида Эрон, Арабистон, Кичик Осиё, Миср, Хуросон, Шарқий Туркистон каби мамлакатларни баъзида оту эшак, баъзан эса пойи пиёда кезиб чиқади. Саёҳат даврида Саъдийга карвонни қароқчилардан ҳимоя қилиб, муҳорабага киришга ҳам, турли жойлардаги мадраса ва қозихоналарда ваъз ўқишига ҳам, шайху сўфийлар билан мубоҳаса қилишга ҳам тўғри келган. У Ҳиндистонда ҳам бўлиб, бир муддат

³⁵ Хисрав Н. Сафарнома (форсийдан Ғ.Каримов таржимаси). –Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 35.

³⁶ Хисрав Н. Сафарнома (форсийдан Ғ.Каримов таржимаси). –Тошкент: Ўзбекистон, 2010.– Б. 42.

бутхонада истиқомат қилган, салибчиларга асир тушиб, уларнинг калъаларини тузатиш ишларида қатнашишга мажбур бўлган”³⁷.

Буюк мутафаккирнинг афсонага айланиб кетган, ҳаёт йўли билан боғлиқ ривоятларга қараганда юз йилдан зиёд умр кўрган Саъдий ҳаётининг учдан бир қисмини, яъни ўттиз йилини сафарга бағишлаган экан. “Шайх Саъдий ҳаёти ва ижоди жаҳон адабиётининг Алишер Навоий, Лев Толстой, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Сергей Есенин каби улуғ сиймолари ижодига кучли таъсир кўрсатган”³⁸. Саъдий адабий мероси орасида ўзининг саёҳат тафсилотларини бирлаштирган сафарномани учратмасак-да, унинг машҳур “Бўстон” (1257) ва “Гулистон” (1258) асарлари мутафаккирнинг 30 йиллик сафари давомида олам ва одам ҳақида тўплаган билимларининг қаймоғи сифатида юзага келди. Ёзувчи Саид Аҳмаднинг гувоҳлик беришича, Фафур Фулом Комил Алиевнинг: “Сарлавҳаси билан тагига ёзиладиган ўз номинг нақд бўлса, асаринг битди деявер”³⁹, – деган ҳазиломуз, аммо зимнида айна ҳақиқат ётган фикрини бот-бот такрорлар экан. Дарҳақиқат, муаллиф томонидан тўғри топилган, ўзида асарнинг яхлит бир концепциясини ифодалаган сарлавҳа ижодий яратилган учун семиотик калит вазифасини ўтайди, гўё. Саъдийнинг “Бўстон” боғ-роғ, “Гулистон” гуллар макони маъносини ифодалаган муваффақиятли топилмаси ўқувчи образли тафаккурида ассоциатив мушоҳада ҳосил қилади. Боғ-роғ, гулзорда сайр қилинади. “Сайр, саёҳат, сафар” булар бемалол “Бўстон”, “Гулистон” сўзлари билан боғлана оладиган тушунчалар. Бўстон ёки Гулистондан баҳраманд бўлиш учун ўша жойга бориш, сайр, саёҳат, сафар лозим бўлади. Донишманд Саъдий ҳар иккала асари ҳам ўзига хос сафарнома эканлигига сарлавҳанинг ўзидаёқ ишора бериб қўйибди. Ва айтиш мумкинки, ҳар иккала асар ҳам ўзида сафарномага хос жамийки белгиларни: воқеа-ҳодисалар тафсилоти, географик ҳудудларнинг, маршрутнинг аниқлиги, мемуарлик, автобиографик хусусият, портрет-пейзаж, ровий-саёҳатчи образи, муносабати мавжудлигини

³⁷ Келтирилган асар, – Б. 43.

³⁸ Қосимов У. Адабиётнинг ҳаётбахш кучи. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – Б. 16.

³⁹ Саид Аҳмад. Ўқотганларим ва топганларим. –Тошкент: Само-стандарт, 2014. –Б. 55.

намойиш этади. “Дамашқдаги дўстларимнинг суҳбати жонимга тегиб, шаҳардан бош олиб Қуддуси Шариф биёбонига жўнадим-да, ҳайвонлар билан улфатлашиб, то фаранглар кўлига асир тушгунимча ўша ерда яшадим. Мени яҳудийлар билан бирга кўшиб Тароблис хандақини қазिशга олиб ишлатдилар. Ҳалаблик сардорлардан бири мен билан ошно эди, ёнимиздан ўта туриб, мени таниб қолди: “Ие, бу қандай ҳол?” Мен унга: “Нима ҳам дейман?” деб жавоб бердим:

Ётлар билан биргалашиб кезгандан кўра гулшан,

Дўстлар ичра майли эди бўлса оёқда кишан.

Аҳволимга ачиниб, ўн динор тўлаб, асирликдан халос этди ва ўзи Ҳалабга олиб кетди. У ерда юз динорлик қалин пули билан қизини менга никоҳлаб берди. Орадан сал вақт ўтгач, билсам, қизи бадфеъл, шаллақи ва ўжар экан, тилини захар қилиб жонимдан безор эта бошлади:

Яхши эркак уйидаги ёмон хотин, мисоли –

Бу дунёда эркак учун жаҳаннамнинг тимсоли...

Охири бир куни башарамга тик боқиб, таъна-маломат деди: “Сен, отам ўн динор баробарига фаранглардан халос этган одам эмасмисан?”. Мен жавоб бердим: “Ҳа, отанг ўн динор баробарига фаранглардан озод этиб, юз динор баробарига чангалингга топширган одам мен бўламан”⁴⁰. “Гулистон”дан олинган юқоридаги парча сафарноманинг жанр табиатини очиб берган қуйидаги фикрни тўлиқ тасдиқлайди: “Сафарнома бой ва жозибадор мазмунни енгил, қоришиқ бир шаклда юзага чиқариб, ўзида тарих, статистика, ижтимоий фанлар, табиатшуносликнинг унсурларини бирлаштиради. Сафарнома шахсий саргузаштлар, биз учун бегона, ўзга шароитда яшаётган инсонларнинг турмуш тарзи, инсонлараро зиддиятли муносабатлардаги алоҳида бир одамнинг ўй-кечинмаларини ҳикоя қиладиган қисман роман, қисман латифалар йиғмаси, қисман тарих, қисман сиёсат ва табиатшунослик. Сафарнома ўзининг ҳар бир ўқувчисига унинг излаганини,

⁴⁰ Саъдий. Гулистон. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968. –Б. 81.

кидирганини бера оладиган асар”⁴¹. Саъдий яшаган даврга тўғри келган мўғуллар босқини, Европанинг Шарққа уюштирган салиб юриши шоир замонасининг катта бир тарихи. Ҳикоядаги саёҳатчи-ровий ҳаёти, шахсий саргузаштлари, бошидан ўтган воқеалар мисоли қуёшни ўзида акс эттирган зарра каби ўқувчига олис ўтмишдан, асрлар қисматидан сўйлайди.

“Гулистон”дан жой олган: “Дейдиларки Ажам подшоси...”, “Бир куни кечаси Макка биёбонида...”, “Бош яланг, оёқ яланг бир пиёда мусофир ҳижоз карвони билан...”, “Ҳижоз сафарига чиққанимда...” деб бошланувчи барча ҳикоялар саёҳатчи-ровийнинг сафар давомида кўрган-кечирганлари, ўзига хос саргузаштлари, аммо улар зимнида давр тарихи, шахс тарихи ёрқин намоён бўлган. Назарий манбаларда таъкидлангандек, “... саёҳатномалар ўз олдига ўзга юртлар ҳақида маълумот бериш, яъни маърифий мақсад билан бир қаторда, публицистик, бадиий-эстетик, фалсафий, сиёсий мақсадларни ҳам қўяди”⁴².

“Гулистон” ҳам сайёҳ-донишманд Саъдийнинг аниқ мақсадларини ифодалаган ўзига хос сафарномадир. Саъдий “Гулистон”да реал маънодаги сафар кечинмалари орқали аслида ҳар бир инсоннинг бу дунёдаги ҳаёти – сафар, у синов, машаққат ва курашлардан иборат эканлигини, уни муносиб ўташ, инсоний амал ва аъмолга содиқ қолиш жуда мушкул эканлигини ўз ўқувчисига бадиий йўсинда етказишни маъқул кўради. Адабиётшунос Эргаш Очил айтганидек: “Умрининг кўп қисмини саёҳатларда ўтказган, кўп халқлар, миллату элатлар ҳаётини кузатган, турли табақа кишилари билан мулоқотда бўлган Саъдий кўрган-кечирганларини, ҳаётий тажрибасини умумлаштириб, уларни юксак бадиий шаклда, қисқа-қисқа, аммо ғоят ширали, таъсирчан мусажжаъ насрий жумлалар ва шеърий байтлар билан зийнатлаб, ўзига хос ҳикоялар тўпламини яратган”⁴³.

Турли даврларда, турли миллий адабиётларда яратилган сафарнома жанри намуналарини кузата туриб, ҳар бир адабий жанрнинг таянч асоси

⁴¹ Чернишевский Н.Т. Полн. собр. соч. М.: ГИХЛ. 1948, Т IV, 997 ст

⁴² Д.Курунов ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Академнашр, 2010. –Б. 265.

⁴³ Очилов Э. Барҳаёт сиймолар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. –Б. 159.

бўлганидек, сафарноманинг ҳам аниқ йўналтирилган мақсад-моҳияти борлигига амин бўлиш қийин эмас. Бу-саёҳатчи тарафидан кузатилган “ўзга”, бу ўринда хорижий ҳаёт манзараларидир. Саёҳат йўналиши, саёҳатчининг мақсади, ниятига кўра бу чет ҳаёт манзаралари исталган жабҳада ўрганилиши, кузатилиши, ёритилиши мумкин. Бу жараёнда “саёҳатчи-муаллифнинг вазифаси эса кузатув жараёнида тўпланган ахборотларни, фактик маълумотларни ўзининг субъектив дунёсидан ўтказиб, шахсий таассуротлари билан тўйинтириб, тўлдириб ўз ўқувчисига узатишдир”⁴⁴.

1.2.§. Сафарноманинг табиати ва намоён бўлиш шакллари

Сафарномаларнинг пайдо бўлиши жуда қадимги замонлар билан боғлиқ. Унинг илдизларини қадимги фольклор намуналаридан излаш ўринли бўладики, ҳар ҳолда ўша намуналарда қаҳрамонларнинг сафарга чиқиши билан боғлиқ тасвирлар анча кенг ўрин тутаяди. Бунда қаҳрамоннинг муайян саргузаштлари тасвири етакчи мавқе тутаяди. Саёҳатномалардаги асосий таянч нуқтасини қаҳрамоннинг бир макондан бошқа бир маконга (миф ва фольклорда, кўпроқ, бегона маконга) бориши, янги жойнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб кузатиши ҳамда ўз таассуротларини бошқа (тингловчи, ўқувчи)ларга етказиш ташкил этади.

Саёҳатномаларни ёзишнинг ҳам ўзига хос тамойиллари мавжуд. Ҳар хил чалкашликларга йўл кўймаслик ҳамда ўқувчига тушунарли бўлишини ҳисобга олган ҳолда сафарга чиқишдан мақсад, сафарга чиқилган кун, сафардошлар ҳақида қисқача маълумотлар бериб ўтилади (“Қолмай шаҳарда тоқатим, Қишлоқ чиқардим одатим...” (Муқимий). (Баъзан саёҳатга чиқишда қандай уловдан фойдаланганлик ҳам ёзилади). Бундан ташқари ушбу кундаликларда саёҳат санаси, жойи, диққатга сазовор, ҳайратни оширувчи обида ёки бирор буюм ҳақидаги маълумотлар ва шу кабилар ўрин олган бўлади. Шундай сафар таассуротлари ёзилган кундаликлар борки, улар

⁴⁴ Панцеров К.А. Путевой очерк: эволюция и художественно-публицистические особенности жанра. (Диссертация по соисканию ученой степени кандидата филолог. наук) Санкт-Петербург. 2004, –С. 14-15.

инсоният маънавиятини бойитишга бевосита хизмат қилади. Сафар таассуротларини бир хил кайфиятда ёзиш ёки бадий жозибадан маҳрумлик уларни зерикарли қилиб қўяди. Шунинг учун бизга маълум бўлган саёҳатномаларда ёзувчи шоирлар воқеа-ҳодисаларни тасвирлашда сўзларни ўз ўрнида ишлатиш билан бир қаторда, кези келганда турли ривоят, ҳикоя, қиссалардан ўринли фойдаланишган. Баъзан юмористик услубларни маҳорат билан қўллай олишган.

Кенг китобхон оммасига мўлжалланган сафар кундаликлари, албатта, таъсирли ёзилган бўлиши, асарда ижодкор шахсан кузатган, гувоҳи бўлган табиат манзаралари, турли воқеа-ҳодисалар ҳамда инсонлар тасвирини ёзишда ишонарли ва тушунарли тарзда ёндашиш лозим. Бунинг учун эса ижодкор фақатгина кўрган-кечирганларини ҳеч бир муболағасиз, имкон қадар рост, яъни реал ҳаётга яқин тасвир маромида ёзиши керак. Чунки ёзилаётган ҳар бир жумла келажакда ўша жойнинг тарихи ёки бошқа бир хусусиятини ўрганишда далилий манба бўлиб қолиши ҳам мумкин. Сафарнома муаллифи ўта синчков бўлиши билан биргаликда ўзи борган ва танишаётган ҳудуд ҳақида, унинг аҳамиятга молик томонлари: тарихий обидалари ёки машҳур инсонлари ҳақида озми-кўпми маълумотга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Негаки китобхонни маълум бир маконнинг ўтмиши ҳамда бугунги кундаги қиёфасини солиштириш кўпроқ қизиқтириши табиий (Бу жиҳатдан Заҳириддин Муҳаммад Бобур танлаган услуб алоҳида аҳамият касб этади).

Луғатимиздаги саёҳат ҳамда сафар атамаси эгиз тушунчалар кабидир. Ҳар иккисида ҳам бирор шаҳар, қишлоқ ёки хорижга бориш истаги кўзда тутилади⁴⁵. Бадий адабиётимизда “Саёҳатнома” жанри ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида: “Саёҳатнома – бадий адабиётдаги жанр. Саёҳат таассуротлари ва тафсилотлари тасвирига

⁴⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Учинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. –Б. 420.

бағишланган асар. Саёхатномаларнинг тарихий-бадий қиммати муаллиф мақсади, услуби ва маҳоратига боғлиқ”⁴⁶, – деб ёзиб қўйилган.

Саёхатнома – ўзбек мумтоз адабиётидаги бадий, илмий ва публицистик характерга эга бўлган, асосан шеърий услубда ёзилган жанрдир. Саёхат атамаси туркий халқлар адабиётида, сафар атамаси эса форс-тожик адабиётида фаолроқ учрайди⁴⁷. Рус тилидаги адабиётшунослик терминлари луғатларида “саёхат” сўзи путешествие, поездка, странствие; “саёхат қилмоқ” сўзи эса, путешествовать, странствовать бўлиб, саёхатнома атамаси бўлса, описание путешествия; путевые заметки, записки; дневник путешествия дейилади⁴⁸. Ўзбек мумтоз адабиёти учун хос бўлган саёхатнома жанри – шеърий услубда ёзилиши билан характерланган.

Кузатишларимизнинг кўрсатишича, сафарномаларнинг асосий таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: маршрут; транспорт воситалари; йўл хусусиятлари; пейзаж тасвири; архитектура ёдгорликлари тавсифи; шаҳар ва қишлоқларнинг ўзига хос нодир ёдгорликлари; бино ва уйларнинг ташқи кўринишлари, ички безаклари, жиҳозлари (интерьер); янги ўлканинг одамлари, этнографик кузатишлар, урф-одатлар, расм-русмлар; янги олам одамлари билан суҳбатлар, ишонч ва эътиқодлар, ҳикоялар; дидларга оид кузатиш ва қайдлар. Табиийки, бундаги бадий тасвирнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш алоҳида аҳамият касб этади. Энг муҳими эса, улардан ҳосил бўладиган тасаввурнинг кучи қай даражада, кўрилган ва кузатилган ҳодисалардан келиб чиқадиган асосий хулосаларнинг мазмуни хусусиятларидир.

Ўрта асрнинг улуғ сайёҳларидан бўлган Ибн Баттута ҳам кўплаб сайёҳлар сингари Каъба зиёратини ният қилиб, юртидан чиқади ва узок йиллар давомида ислом давлатларида сафар қилиб, улуғ инсонлар суҳбатида бўлади, авлиё ва донолар қабрини зиёрат қилади. У жаҳон маданияти ва

⁴⁶Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-китоб. –Тошкент: 2004. –Б. 416.

⁴⁷ Фарҳанги тафсирии забони тожики (ибора аз 2 жилд) Жилди 2 (О - Я) Зери таҳрири Сайфиддин Назарзода (раис), Аҳмаджон Сангинов, Саид Каримов, Мирзо Ҳасани Султон. – Душанбе, Пажўҳишгоҳи забон ва адабиёти ба номи Рўдаки, 2008, Саҳ. 221.

⁴⁸Ўзбекча-русча луғат. О.Азизов, З.Ризаева. [http:// forum.ziyouz.com /index.php](http://forum.ziyouz.com/index.php).

тафаккури ривожида ўзининг “Саёҳатнома”си билан алоҳида ўрин тутган машҳур араб сайёҳидир. Унинг “Саёҳатнома” асари ўрта аср мамлакатлари, шаҳарлари, уларнинг халқлари маданияти, турмуш тарзига оид ғоят қимматли, кўп ўринларда ягона маълумотлари билан бошқалардан ажралиб туради. Ибн Баттута “саёҳатининг кўлами жиҳатидан ҳақли равишда ўз даврининг энг буюк сайёҳига айланди”. Ибн Баттута “Саёҳатнома”сининг яна бир қиммати шундаки, сайёҳ ўз саёҳати мобайнида таржимонга эҳтиёж сезмай, ташриф буюрган ҳар қайси мамлакатнинг барча ўзига хос томонларини бениҳоя катта қизиқиш ва қониқиш билан ўрганиб, кўрган-кечирганлари ҳақида худди Марко Поло сингари синчковлик билан батафсил тасвирлаш билан бирга, келтириб ўтган кўплаб маълумотларини асослаш мақсадида изланади, қолаверса, ўз кўзи билан кўрмаган, аммо кимдандир эшитган ҳикояларини, албатта, кимдандир ёзиб олганлигини ҳам рўйи-рост эътироф этади.

Муаллифнинг ҳаққоний ва жонли тасвирларини ўқир эканмиз, ушбу саёҳатноманинг нақадар мукаммал ёзилганига амин бўламиз. Ўн саккиз фаслдан иборат қисмларнинг ҳар бир бошланмасида шу фаслга оид хариталарнинг илова қилиниши китобхоннинг янада аниқроқ ва мукаммалроқ маълумотларни қўлга киритиш учун қулайлик яратади. Ҳам илмий, ҳам маънавий озуқа бериш билан бир қаторда тарихий аҳамиятга эга бу каби асарларнинг дунё миқёсида тан олиншининг замирида буюк сайёҳнинг матонати ва машаққати, маҳорати ва қизиқиши ётибди. Қолаверса, хавф-хатардан ҳимояланиш, бунинг устига табиатнинг инжиқликлари ҳамда турли юрт инсонлари турфа одат ва қарашлари билан ҳисоблашишнинг ҳам ўзига хос мушкулликлари бисёрдир. Китобни катта қизиқиш билан ўқиш асносида кўплаб янги маълумотларга эга бўлиш баробарида, муаллифнинг келажак авлодга қолдирган қимматли маълумотлари учун ички миннатдорлик ҳисси пайдо бўлиши аниқ. Негаки унда ҳаётнинг чалкаш ва мураккаб томонлари, ғаройиботлари аниқ далиллар асосида моҳирона чизилган. Демак, биз Шарқ оламида ўз даврининг буюк сайёҳи деб баралла

айта оладиган Ибн Баттута ўзининг олдига қўйган мақсадига эриша олди: у инсоният учун саёҳатдан сабоқ чиқаришнинг олтин қоидаларини ўз асарига муҳраб, келажак авлодлар учун улкан илмий мерос қолдирди.

Саёҳат Ибн Баттутани мукамаллик сари элтди, қолаверса, “дунёни кўриб кўнгил очиш, турли ажойиботларни томоша қилиш, мўъжизалар ҳақида ҳикоя тинглаш, кенг билим орттириш, қизиқарли одамлар билан танишиш, тақдирни синаб кўриш” истаги унинг саёҳат қилишдан кўзлаган асл мақсадларидан эди. Ибн Баттутанинг саёҳатлари ўзгача кечган. У ҳар бир сафарининг маҳсули сифатида ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан бойиб бораверади. Ўзига ишончи ортгани сари янги манзилларни ўрганишда янада кенгроқ ёндашади, “Ҳам саёҳат, ҳам тижорат” деганларидай яхшигина савдо ишлари билан ҳам шуғулланиб юради. Халқимиз: “Йўлга чиққан йўлдан топар” деган ҳикматни бежиз яратмаган. Мусофир одамнинг дунёқараши ҳам кенг бўлади. Муомала-муносабатда кўрган-кечирганлари асосида фикрни умумлаштириб кейин хулоса чиқаради. Бу ҳолат “Саёҳатнома” муаллифининг холис ҳикоялаш тарзида, жойлар ва шахсларга бўлган самимий муносабатларида очик кўринади. Ибн Баттута ҳукмдорлар таърифи билан чекланиб қолмай, ўзи саёҳат қилган юртлардаги шайхлар, воизлар, савдогарлар, сўфийлар ҳақида ҳам қизиқарли ва холис маълумотлар беради.

Ибн Баттута “Саёҳатнома”сининг яна бир аҳамиятли жиҳати бор. Унинг тўртинчи фаслида Ўрта Осиё ҳақида сўз юритилади. Эътиборлиси шундаки, неча минг йиллик тарихига эга машҳур Хоразм шаҳри (Урганч), Самарқанд шаҳри, Хоразм амири ва қозисининг фазилатлари, Хоразм қовуни, Бухоро ва бошқа шаҳарларнинг вайрон қилиниши, Мовароуннаҳр султони ҳақида тарихий қимматга эга бўлган маълумотларни келтириб ўтади. “Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам Хоразм қовунига тенг келадигани дунёда йўқ. Бухоро қовуни бундан мустасно, ундан кейин Исфаҳон қовуни туради”, – дея юксак баҳога лойиқ кўради ва ўзи севган маҳсулот қуритилган қовун қоқи эканлигини ҳам айтиб ўтади.

Ибн Баттута “Саёҳатнома”сини ўқиш жараёнида унинг ёзилиш услубидаги: “Хоразм ёнида Жайхун дарёси оқиб ўтади. Бу дарё жаннатдан бошланадиган тўрт наҳрнинг биридир... Хоразмдан чиқаверишда бир зовия бор. Уни энг буюк авлиёлардан бири бўлмиш Нажмиддин ал-Кубро қабри узра бунёд этишган... Шаҳардан ташқарида аллома имом Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг мазори бўлиб, унинг устида мақбара қурилган”⁴⁹, айнан шунга ўхшаш бир қатор жиҳатлари услуб борасида бизга “Бобурнома”ни эслатиб юборади. Балки Бобур “Саёҳатнома” билан таниш бўлгандир. Лекин асарда бу ҳақда бирор маълумот йўқ.

Форс-тожик адабиётида сафарноманинг гўзал намунасини Носир Хисрав яратган. Носир Хисрав етук шоир бўлиш билан бир қаторда, фалсафа, математика, ҳуқуқ, адабиётшунослик, география каби кўплаб илмларни пухта ўзлаштирган буюк қомусий алломадир. У 1045 йилнинг куз ойларида девон ишлари (хизмат тақозоси) юзасидан Марварруд (ҳозирги Боломурғоб) вилоятига боради. Шу хизмат сафари сабаб бўладию, шоир мол-мулкидан воз кечиб, “қиблага сафар” қилишга азм қилади. 1046 йилнинг баҳорида укаси ҳамда хизматкори (ҳинд боласи) билан Эроннинг Нишопур шаҳрига йўл олишади. Ушбу сафар 1052 йилгача давом этиб, бу давр мобайнида Эрон, Афғонистон, Озарбайжон, Туркия, Сурия, Миср, Арабистон ҳамда Ироқ каби давлатларда бўлиб қайтади. Асарда жой номлари, саналари аниқ берилган. Мамлакатларнинг мудофаа иншоотлари (қалъалари), шаҳарлари, уларнинг эътиборга молик жиҳатлари, аҳолиси, тили, дини, миллати, урф-одатлари, машғулотлари ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Унда жой номларининг келиб чиқиши, халқларнинг урф-одатлари, яшаш тарзи ҳамда улар билан боғлиқ тарихий аҳамиятга молик ривоятлар ўрин олган. Носир Хисрав ўзининг ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, ўқувчининг хулоса чиқариши учун бир қанча ибратли воқеаларни келтириб ўтади. Ана шундай воқеалардан бири қуйидагича:

⁴⁹ Ибн Баттута. Саёҳатнома. –Тошкент: Шарқ, 2012. –Б. 360.

“Мен Ассувонда бўлганимда бир дўстим бор эди. Исми Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Филиж эди. Мен Айзобга жўнаганимда у дўстона мурувват кўргузиб, менга...бир хат ёзиб берган эди. Хатда: “Носир нимаики сўраса бериб, эвазига фақат олгани ҳақида тилхат ёздириб олгин”, – дейилган эди. Айзобда уч ой туриб қолганимизда мен бор маблағимни сарфлаб тугатдим ва ноиложлигимдан хатни ўша одамга элтиб бердим. У олижаноб одам экан ва менга шундай деди: “Худо ҳаққи, менда унинг жуда кўп моллари бор. Сенга хоҳлаган нарсангни бераман, фақат тилхат ёзиб берсанг бўлди”. Мен Муҳаммад Филижнинг олийҳимматлигига қойил қолдим. Мендан бирон манфаат кўрмаган бўлса ҳам, менга шунча яхшилиқлар қилди. Агар мен диёнатсиз одам бўлиб, фурсатдан фойдаланиб қолишни хоҳлаганимда, ўша хат туфайли бу одамдан кўп моллар олишим мумкин эди. Лекин мен ундан фақат юз ман ун олдим. Бунча миқдордаги ун ҳам бу ерда арзон эмасди. Мен олганим ҳақида тилхат ёзиб бердим ва у одам тилхатимни Ассувонга жўнатди. Мен Айзобдан жўнаб кетмасимдан бурун Муҳаммад Филижнинг кўйидаги мазмундаги жавоб хати етиб келди: “У сендан қанча миқдорда мол сўрамасин, айтганини менинг ҳисобимдан бергин. Ўз молингдан берсанг ҳам, кейин мен сенга тўлайман”. Бу ҳикояни келтиришимдан мақсадим шуки, то ўқувчилар инсон инсонга эътиҳод қилишни билиб қўйсинлар. Хайр-саховат ҳамма жойда бор, олижаноб одамлар доимо бўлган ва бўлишади”⁵⁰.

Сафарномалар туркумига кирувчи бир қатор асарларни ўрганиш чоғида, сафар кундалиқларини ўқиганда ҳар ким ўз дунёқараши ва касби нуқтаи назаридан ёндашганлигининг гувоҳи бўлди. Жумладан, “Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар”⁵¹ китобида 44 нафар буюк географ тадқиқотчи ва сайёҳ ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, ҳар бир саёҳатнинг география фанига оид янгилиги атрофлича ёритилган. Қолаверса, сайёҳларнинг дунё эътироф этган буюк кашфиётлари ва илмий мерослари хусусида ҳам сўз юритилган. Рисолада милоддан аввалги XX асрда яшаган хитойлик дипломат ва сайёҳ

⁵⁰ Хисрав Н. Сафарнома (форсийдан Ғ.Каримов таржимаси) – Тошкент: Шарқ, 2003. –Б. 69.

⁵¹ Гадовое К., Бердиева С. Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 272 б.

Чжан Сяннинг “Буюк ипак йўли”нинг очилишидаги хизматлари; буюк алломаларимиз Аҳмад Фарғонийнинг Мисрда, Нил дарёси бўйларидаги самарали тадқиқотлари; Абу Райҳон Берунийнинг Ҳиндистонга қилган сафари натижасида ёзилган “Ҳиндистон” асари ҳинд мамлакатининг энциклопедияси бўлиш билан бирга, ҳинд фани ва маданиятига қўйилган ҳайкал эканлиги; норвегиялик сайёҳ Эрик Рауде (Малла)нинг Гренландия (“Яшил ер”)ни кашф этгани; Носир Хисравнинг 1046 йилда Арабистонга қилган сафари XI асрда амалга оширилган энг узок муддатли ҳамда маълумотларга бой бўлгани; комусий олим Маҳмуд Қошғарий саёҳатлари мобайнида ўзи бўлган шаҳар ва қишлоқларнинг урф-одатлари, афсоналар, мақоллар ва тарихий ҳикояларини, туркий қабилаларнинг тили ва шеваларига оид маълумотларни қоғозга туширгани; буюк мутафаккир аз-Замахшарийнинг тинмай саёҳат қилгани, хусусан, Шарқ мамлакатларини икки маротаба кезиб чиқиб, кўплаб асарларини Маккада ёзиб, шу ерда “буюк олим” деб тан олингани; 16 ёшидаёқ Кичик Осиёга сафар қилган араб географи ал-Идрисий ўзининг “Рожер китоби”да шахсий саёҳатлари натижалари ҳамда бошқа сайёҳларнинг хизмат сафарлари таассуротлари ўрин олгани; Француз қироли Людовик IX нинг хизматида еттинчи салб юриши даврида уни кузатиб, ўша давр воқеаларини ёзиб борган Вильям Рубрук Осиёнинг ичкари қисмларига саёҳат қилган биринчи европалик сайёҳ ҳисобланиши; “Дунёнинг ранг-баранглиги ҳақида китоб”ида венециялик сайёҳ Марко Поло ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги Бухоро, Самарқанд, Қўқон ва Фарғона шаҳарларининг девор, бино ва гумбазлари ҳақида қизиқарли маълумотлар, жумладан, Самарқандни “Буюк ва улуғвор шаҳар” дея атагани; араб сайёҳи “Ибн Баттутанинг саёҳати” китоби саёҳат жанрида битилган мумтоз намуналар бўлиб, сайёҳ 28 йиллик саёҳатлари давомида дунёнинг уч қитъасидаги бир неча юз шаҳарларида бўлгани, қолаверса, Ўрта Осиёнинг йирик савдо марказлари ҳисобланган Урганч, Бухоро, Нахшаб ва Самарқанд шаҳарларига саёҳат қилгани; испан сайёҳи Руи Гонзалес де Клавихонинг Самарқандга қилган сафар кундалиги XV асрда Мовароуннаҳр

ҳаётига бағишланган муҳим асар ҳамда Амир Темур давлатининг Испания киролиги билан ўрнатган дўстона алоқаларидан дарак берувчи муҳим сиёсий-тарихий аҳамиятга эга манба экани; темурийлар сулоласининг тарихчиси ва географи Ҳофиз Абрўнинг “Тарихлар қаймоғи”га илова қилинган суратлар ичида энг қимматлиси дунёнинг харитаси бўлиб, Хуросон, Эрон ва Ўрта Осиёнинг XV аср биринчи чорагидаги тўлиқ тарихий ва географик тасвирини ўз ичига олган асар сифатида қимматлилиги; буюк олим ва давлат арбоби бўлган Мирзо Улуғбек дастлаб бобоси Амир Темурга, кейинчалик отаси Шоҳрух Мирзога турли юришларида ҳамроҳ бўлиб, сафари давомида кўрганларини ўзининг илмий фаолиятида кенг қўлагани; ҳамюртимиз Абдураззоқ Самарқандийнинг “Ҳиндистон сафари достони ва ер ажойиботларининг шарҳи, ғаройиботларнинг баёни” асарида ёки бошқача қилиб “Ҳиндистон сафарномаси” европалик сайёҳлардан анча олдин Ҳиндистонга денгиз орқали бориш йўлини биринчи бўлиб сузиб ўтиб, ушбу йўналишдаги ҳудудларни географик жиҳатдан тасвирлаб бергани, манбаларга кўра, унинг борадиган ҳам қуруқлик, ҳам денгиз йўлини кашф этган илк сайёҳлардан бири эканлиги; таниқли рус сайёҳи, савдогари ва ёзувчиси Афанасий Никитин Озарбайжон ва Эрон орқали Ҳиндистонга саёҳат қилган бўлиб, турли мамлакатлардаги савдо уйлари билан ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилганлиги каби маълумотлар баён этилган.

Агар саёҳатномаларни бадиий асар сирасига киритадиган бўлсак, саёҳатнома туркумига кирувчи асарларда бирорта ҳам тўқима образ бўлмайди, воқеликлар ўша кун нигоҳи, сўзи ва фикри ила ёзилиб бевосита тарихни яратиб кетаверади. Ўхшашлиги эса сюжетга мос тушишида. Масалан, экспозиция – саёҳатнинг қачон, қаердан қаерга, нима мақсадда амалга оширилаётгани, сайёҳларнинг яқка ёки гуруҳларга ажралиши; конфликт – сафар хатардан ҳоли бўлолмайди. Ҳар бир ҳудуднинг ўз принципларини муҳим деб билгувчи шахслари билан кичик тушунмовчиликлар; табиат инжиқликлари ёки жонивор, жонзотларнинг қутилмагандаги ҳужумлари; тугун – вазиятнинг жиддий тус олиши, кўмакка

мухтожлик ёки чорасизлик; воқеалар ривожини – муаммага ечим излаш жараёнида қарашларнинг турфа хиллигини сабаб кечинмаларнинг авж нуқтага кўтарилиши, сайёҳнинг муаммага ечим ахтариш асносида турли воқеликларни бошдан кечириши; кульминация – бирор кўзланган топилманинг намоён бўлиши, мақсадга етишиш жараёни; ечим – мавжуд муаммонинг ҳал этилишидаги муҳим сабабнинг сайёр томонидан тан олинishi; эпилог – сафарнинг якунланиши, хулосавий ҳисобот .

Адабиётнинг бир қадар муҳим вазифалари борки, уларни сафарномалар мисолида ҳам ўзига хос тарзда талқин қилиш имконлари пайдо бўлади. Демак, сафарномаларнинг ҳам худди адабиётда, тўғрироғи, бадий адабиётда бўлгани каби тарбиявий, эстетик ва маърифий вазифалари ҳам мавжуд.

Саёҳатномалар шуниси билан аҳамиятлики, улар реал воқеаларга асосланади. Шунинг учун бўлса керак, ўқилишиданок ундан жўшқин ҳаёт нафаси уфуриб туради. Тасаввуримизда тасвирларни жонлантириш учун кўп ҳам қийналмайди, негаки аслича тасвирлаш орқали барчасига эришиб қўя қолади. Ундаги бирдан бир тўғрисиўзлик ва қандай бўлса, шундайлигича тасвирни намоён этишдаги хайрихоҳлик ҳиссини ўрнига қўя билса бас. Ёзувчи–сайёҳ ўз кўзи билан кўрган-кечирган, ҳис этган воқеликларга шахсий муносабатини билдиради. Севинч ва қайғуси, ҳатто кўркуви ҳам рўйи-рост ифодаланади.

Одатда ҳар бир сайёҳ ўзи кўзлаган мақсад ила сафарга чиққан бўлиб, “топшириқ”ларни адо этиш асносида кунлик, ҳафталик, баъзан ойлик ҳисоботларни ёзиб боради. Нотаниш ҳудуднинг дастлаб кўзга кўринарли жиҳатлари, сўнгра синчковлик назари ила бошқа томонларини ўрганиб боради. Бунда сайёҳ ўз дунёқараши ва менталитетидан келиб чиқиб, ўзининг келган муҳити билан солиштириб, таққослар экан, моддий-маънавий мерос, урф-одат ва анъана, қолаверса, содир бўлажак ҳар қандай воқелик устидан ўзгача хулосаларга эга бўла бошлайди.

1.3.8. Ўзбек фольклори ва мумтоз адабиётида сафар мотиви

Сафар ва мусофир (сафар қилувчи) ҳақидаги ҳадисларда ислом динининг саёҳатга ижобий муносабати сезилади. Зеро, мусофирга садақа беришнинг савоб аталиши, дуоси, шаксиз, мустажоб бўладиган олти турдаги кишилар сирасига мусофирларнинг ҳам киритилиши пайғамбар ўз саҳобаларини дин йўлидаги сафарга чорлаши учун айтилган бўлибгина қолмай, илм йўлида ёки Қуръони карим тавсия қилгандек ибрат олиш учун сафар қилишга ҳам даъват этади.

Ислом оламидаги улуғ ислоҳотчи олим, хужжат ул-ислом Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий “Кимёи саодат” асарида сафарни иккига бўлиб, ботиний ва зоҳирий сафар ҳақида сўз юритади. Ботиний сафар деб руҳий-маънавий саёҳатни тушунган мутафаккир, унинг таърифи бу рисолага сиғмайди, деб маълумот беради. Зоҳирий сафар шартларини баён этган Ғаззолий “Кимёи саодат”нинг “Сафар қилмоқ одоблари” бобида сафарнинг ният, одоб ва бошқа турлари ҳақида маълумот беради:

1. Аввалги сафар илм талабида йўлга тушиш бўлиб, улуғ олим “илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир” деган ҳадисга асосланиб, бундай сафарни фарз деб ҳисоблайди.

2. Иккинчи тариқа ёмон сифатлардан халос бўлмоқ учун сафарга чиқиш бўлиб, бу энди Қуръони каримда бевосита тавсия этилган ва Ибн Баттута эътироф этган ибрат олиш учун қилинган сафардир. Бундай сафар ҳақида Ғаззолий қуйидагиларни ёзади: “... Вақтики сафарда бўлса, ўзига ёмон феъли маълум бўлур ва сафар ранжидин ўзининг ожизлиги, заифлиги ва бадхўйлигини билиб олур”. Бишр Рофий р.а бу ҳақда: “Эй яқинларим, сафар қилинглр, токи пок бўлғайсизлар, чунончи сув бир ерда турса таъми бузилур”⁵² деган қайдларини эслаб ўтади.

3. Учинчи тариқи сув ва қуруқликдаги ажойиботларни томоша қилиш орқали Яратган кудратини билиш, ҳис этиш учун керакдир. Бу навъ сафар ҳам фойдалидир, деган Ғаззолий бундай сафарга ибодат учун ҳаж тавоф қилмоқ, авлиё, анбиё ва тобеъинларнинг мазорларини зиёрат қилмоқ, уламо

⁵² Бу ҳақда қаранг: Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимёи саодат (туркий) II. –Тошкент: Адолат, 2005. –Б. 114.

хамда улуғларнинг дийдорига мушарраф бўлиб, дуоларини олмоқ кабиларни киритади⁵³.

Иккинчи сафар ҳаёт енгилроқ томонга азм этиш, учинчи сафар эса тижорат сафари ҳисобланиб, буни Ғаззолий юқоридаги сафарлар сирасига кўшмаса-да, маъқуллайди. Саёҳатнинг тўртинчи тури кўнгил очиш учун қилинадиган сайру саёҳат бўлиб, Ғаззолий бундай саёҳатни фойдаси ҳам, зарари ҳам бўлмаган сафар сирасига киритади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ҳар бир шарқлик, айниқса, мусулмон кишиси учун сафар қилиш фарз амаллар қаторида саналиш даражасига етди. “Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан” кабилидаги мақоллар пайдо бўлган. Ислоҳ кадриятларини ўзлаштирган сўфийлар, жавонмардлар ҳам сайру саёҳатни маъқул кўрдилар. Жумладан, XV асрда яшаб ўтган воиз ва мутафаккир Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” асарида сафар ҳақида сўфийларнинг қуйидаги фикрлари акс этади: “... Агар нима учун сафарга чиқилади, деб сўрасалар, жавоб бериб айтки, сўфийлар уч нарса учун сафар қилдилар: улуғ авлиёларни зиёрат қилиш, ё нафс риёзати, ёки тариқат йўлига кирган мардларнинг дийдорини кўриш учун. Сафарнинг фойдаси кўпдир, аммо аниқ кўриниб турган фойдаси ўн биттадир: (сафар) биринчидан, таннинг сиҳатига фойдали, чунки ҳаво алмашади ва аъзолар чиниқади, зеро, ҳаракат бадан рутубатини кетгизади, қон айланишини яхшилайдди. Иккинчидан, азиз авлиёлар, улуғ инсонлар қабрини зиёрат қилишнинг савоби беҳад кўпдир. Учунчидан, ғам ва маҳзунликни кетказади, негаки одам доим бир мақомда истиқомат қилса, сустлик ва касаллик кучаяди, баданнинг озуқалари, суви юришмай қолади. Тўртинчидан, ғам ва маҳзунликни кетказади, негаки киши қанчалар ғамгин бўлмасин, сафарга чиқса, кўнгил чигали ёзилади. Олтинчидан, сафарда умр осойишта ўтади. Еттинчидан, сафарда юриб, илминг ортади, зеро, сафарда

⁵³ Келтирилган манба, –Б. 114.

кўп нарса ўрганиш мумкин”⁵⁴. Хусайн Воиз Кошифий ҳам Ғаззолий каби сафарни иккига бўлиб, сурат сафари ва маъно сафари деб атайди.

Саёҳатномаларнинг пайдо бўлиши жуда қадимги замонлар билан боғлиқ. Унинг илдизларини қадимги мифология ва фольклор намуналаридан излаш ўринли бўлади. Ҳар ҳолда ўша намуналарда қаҳрамонларнинг сафарга чиқиши билан боғлиқ тасвирлар анча кенг ўрин тутди. Бунда қаҳрамоннинг муайян саргузаштлари тасвири етакчилик қилади. Мусулмон Шарқининг ҳам ўзида эъзозланган сафар, сайру саёҳат унинг бадиий адабиётига ҳам таъсир этмай қолмади. Исломдан олдин яратилган ва ундан кейин такомиллашган “Минг бир кеча”, “Калила ва Димна” каби ўлмас обидаларда турли саёҳатлар ҳақида сўз боради.

“Минг бир кеча”нинг яратилиш тарихи ҳақидаги биринчи – қолипловчи ҳикоятда Шоҳизамон ва Шаҳриёрларнинг хотинлари қиладиган хиёнат сафар воситасида маълум бўлади. Ака-ука подшолар бу аламини унутиш учун саёҳатга чиқишади ва маълум маънода дардларига давони ҳам сафардан топадилар⁵⁵. “Минг бир кеча”даги Шаҳризода айтиб берган эртақларнинг аксариятида ҳам гоҳ яқин, гоҳ олисга бўлсин, сафар уюштирилади. Халифа Ҳорун ар-Рашид вазири Жаъфар ва Мансур билан оддий фуқаро либосида Бағдод кўчаларига чиқадилар. У ердаги саргузаштлар орқали фуқаронинг аҳволи, амалдорларнинг уларга бўлган муносабатларидан хабардор бўлиш билан бирга қизиқарли саргузаштларга гувоҳ бўладилар. Жумладан, “Бой билан жин ҳақида”ги эртақда билмай қолиб жиннинг ўғлини ўлдириб қўйган бой сафардош дўстлари орқали, яъни улар айтиб берган қизиқарли ҳикоятлар туфайли ўлимдан омон қолади⁵⁶.

“Калила ва Димна” ҳам ҳинд диёрида яратилган ўлмас обидалардан саналади. Гарчи унда кўпгина қаҳрамонлар ҳайвонлар кўринишида намоён бўлса ҳам, унда нозик инсоний муаммолар ўртага ташланади. Китобдаги “Шаҳзода ва унинг ўртоқлари ҳақидаги боб”да инсоннинг ҳаётга бўлган

⁵⁴ Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. –Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994. –Б. 62.

⁵⁵ Минг бир кеча. Араб халқ эртақлари. 1-китоб. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. –Б. 6.

⁵⁶ Келтирилган асар. –Б. 18.

муносабати ва келажаги унинг насл-насабига, болаликда кўрган тарбиясига бориб тақалади, деган ғоя ўртага ташланади. Унда тасвирланишича, тўрт йигит – шаҳзода, зодагоннинг ўғли, савдогарнинг фарзанди ва деҳқон ўғли дўстлашиб қолишади ва бахтларини излаб сафарга чиқадилар. Улар бир кундан бўлиб олиб, ўз хунарларини кўрсатиб, егулик топиб келишга келишибдилар. Деҳқоннинг ўғли ўтин кесиб, дўстларига егулик келтирибди. Зодагоннинг ўғли бошқа тадбир билан, савдогар фарзанди эса бир кема молни бандаргоҳда сотиб олиб, шаҳарга келтириб сотгач, катта фойда кўрибди. Шаҳзодага навбат келган кун у тасодифан сарой дарвозасига бориб ўтирибди. Буни кўрган сарой аъёнлари унинг кимлигини сўраб-суриштиришибди. Маълум бўлишича, ўша куни подшо қазо қилган, ундан ворис қолмаган экан. Аъёнлар шаҳзодани подшоликка муносиб кўришибди. Шаҳзода уч ўртоғини ҳам саройга келтириб, уларнинг ўз қобилиятлари ва имкониятларига яраша вазифа ва лавозим топширибди. Ушбу ҳикоятдан келиб чиқадиган хулосага назар ташлайдиган бўлсак, сафар йигитларнинг яширин имкониятларини юзага чиқаради ва ҳаётда ўз ўринларини топишларига сабаб бўлади⁵⁷.

Эртаклар халқ тафаккурининг энг ёрқин кўзгуси ҳисобланади. Унда халқнинг кундалик ҳаётда кўзга ташланмайдиган пинҳоний томонлари, энг ёрқин орзу-истаклари нажоткор қаҳрамонлар тимсолида кўзга ташланади. 2010 йил нашр этилган “Адабиётшунослик луғати”да эртак истилоҳига куйидагича таъриф берилган: “Эртак – халқ оғзаки ижодидаги эпик жанр, чўпчак. Эртак барча халқлар оғзаки ижодида қадимдан шаклланган ва фаол жанрлардан саналади. Эртаклар, асосан, насрда яратилиб, сюжети асосида сеҳрли-фантастик, саргузашт ёки маиший характердаги воқеалар ётади. Воқеалар баёни ва талқинида ижодий фантазия, тўқима салмоқли ўрин тутади”⁵⁸.

⁵⁷ Калила ва Димна. –Тошкент: Истиклол, 1994. –Б. 232.

⁵⁸ Курунов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Akademnashr, 2010. –Б. 370.

Ўзбек халқ эртаклари қизиқарли саргузаштларга, фавқулодда қаҳрамонлар ва ақл бовар қилмайдиган лавҳаларга бойлиги билан жаҳон халқлари эртаклари хазинасида ўзига хос ўрин тутди. Эртакларда қаҳрамонлар гоҳ зарурат туфайли саёҳатга чиксалар, гоҳ ўз бахтларини кидириб, ихтиёрий равишда сафарга отланадилар. Умуман олиб қараганда, сафар мотиви халқ оғзаки ижодининг энг қадимги жанрларидан бири бўлган ва халқнинг менталитети, маданияти ва турмуш тарзини ўзида ифода этадиган жанр ҳисобланган эртакларда аҳамиятли, айтиш мумкинки, сюжетни ҳаракатга келтирувчи муҳим мотивлардан бирига айланди. Шу ўринда мотив истилоҳини ҳам изоҳласак. МОТИВ (лот.motiv – ҳаракатлантираман) – мусиқашуносликдан ўзлашган термин. Адабиётшуносликда мотив термини турли маъноларда қўлланади. Жумладан, воқеабанд асарларда мотив сюжет схемаси (масалан, қаҳрамон банди этилади, унга бирон-бир қиз ёрдам беради, ўгай она ва муштипар солиҳа қиз; қаҳрамон кимсасиз етимликдан юксак мартабага етади; қаҳрамон отасини танимади, фавқулодда вазиятда унга дуч келади ва ҳ.) ёки бирор бир нарса (масалан, кўзгу, тумор), ҳолат (масалан, туш кўриш, арвоҳ билан суҳбат, ўзини танитмай юриш), образ (доно вазир, вафодор дўст, рақиб) каби қатор кўринишларда воқе бўлади. Мотив унсурининг фольклор асарлардаги аҳамияти ҳақида фольклоршунос олим, филология фанлари доктори Х.Эгамовнинг махсус мақоласи бор. Мақолада тадқиқотчи фольклорда, хусусан, эртакларда мотивнинг қўлланилиши ва аҳамияти хусусида сўз юритади: “Айниқса, эртаклардаги хилма-хил мотивлар унинг сюжет курилишида қолипловчи, зарур ўринлардан бирини ташкил этади. Эртак қаҳрамонларининг уч йўлга (борса келмас, борса келар, борса келар ё келмас) қараб ажраб кетишлари, кенжа ботирнинг (ўғил) нуроний чолга (Хизр) учраши, жодугар кампир ёки девлар билан олишиб, уларни енгиб, сеҳрли буюмларни қўлга киритиши каби қатор воқеаларни кўрамиз. Шунингдек, қаҳрамонларнинг аждар, дев, тимсоҳ ва бошқа ёвуз кучлар билан курашига гувоҳ бўламиз. Эртаклар сюжетидаги бу каби кўплаб учрайдиган воқеалар

тасвири мотивлардир. Эртактлар сюжети эса ана шу мотивлар уюшмасидан ташкил топади”⁵⁹. Ушбу мақолада муаллиф мотивни сюжетнинг ҳаракатга келтирувчи куч эканлигини таъкидлаган ҳолда, рус фольклоршуноси Б.Путиловнинг фикрига таяниб, бир қанча турлари борлигини айтиб ўтади: “... бу кўрсатилган мотивлар ичида мотив – ситуация, нутқ – мотив, мотив – ҳаракат, тасвир – мотив, мотив – характеристикага ажратади. У бу кўрсатилган мотивлар ичида мотив – ситуация, нутқ – мотив, мотив – ҳаракатларни биринчи ўринга қўйиб, қолганларини бевосита юқоридаги мотивларга қўшилиб, уларни тўлдириб келишини айтади”⁶⁰. Тадқиқотчи мотивнинг бундай турларини таърифлар экан, эртактнинг қаҳрамон пассив ҳаракатда бўлган экспозицион ҳолатини мотив – ситуация эканлигини, нутқ – мотив эса подшонинг буйруғи ёки туш кўриш каби ҳолатлар билан қаҳрамоннинг актив жараёнга киришиши деб изоҳланади. “Ҳаракат мотивга қаҳрамоннинг бевосита актив фаолияти, сафарга чиқиши, мусобақаларда қатнашуви, ҳар хил тўқнашувлари, кузатишлари киради”⁶¹. Демак, кузатганимиздек, тадқиқотчи ушбу мақолада мотивнинг бир тури – сюжетни ўзида қамраб олган мотив ҳолатлар ҳақида сўз юритмоқда. Айнан сафар мотивига тадқиқотчининг алоҳида эътибор қаратганлигининг сабаби, сафарни асар сюжетида муҳим ўрин тутган мотивлар сирасига кирганлигидир. Бу фикрнинг исботини биз қуйида кўриб ўтамиз. Тадқиқотчи мақолада ушбу мотивларни умумлаштириб, икки турга бўлади: “Шу жиҳатдан эртактлардаги мотивлар қаҳрамоннинг фаолияти, ҳаракатига, сюжетда тутган ўрни ва ҳолатига кўра икки хил: актив ва пассив тарзда намоён бўлади. Пассив мотивлар – қаҳрамон бевосита иштирок этмаган, унинг актив фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда учрайди”⁶². Мотив – ҳаракатни актив мотивлар қаторига киритган тадқиқотчи, сафарни ҳам актив мотивлар сирасида санаб ўтади.

⁵⁹ Эгамов Х. Ўзбек фольклоршунослиги (антология). –Тошкент: “O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi”, 2017. – Б. 361.

⁶⁰ Келтирилган манба. –Б. 364.

⁶¹ Келтирилган манба, –Б. 364.

⁶² Келтирилган манба. –Б. 370.

Сеҳрли ёки фантастик эртақлар аксарият тадқиқотчилар яқдиллик билан таъкидлаганларидек, энг қадимги даврларда яратилган халқ оғзаки ижоди намуналари саналади⁶³. Бу турдаги эртақларда сафар мотиви сюжетнинг ажралмас қисми бўлиб, қаҳрамон ё душманларидан қочиб ёки подшоҳ буйруғи билан ва ёки ғанимлар чақуви билан сафарга чиқадилар. Бу турдаги эртақларда сафардаги ўзига хос қийинчилик, унга ёрдам берадиган ҳомий кучлар, рақиблар ёки ёвуз кучлар, сафар мақсади ва натижаси каби қўшимча мотив, образ ва персонажлар ҳам тартибга солинган. Сафар машаққати (қуш учса қаноти, одам юрса, оёғи куядиган саҳро, қалин ва ваҳимали ўрмон ёки чакалакзор, чўққиси кўринмайдиган баланд тоғлар, борса келар, борса хатар ва борса келмас номли уч йўл, Қўҳи қоф тоғи, девлар ёки парилар юрти), ҳомий кучларга учраш (парилар, девлар, Ялмоғиз кампир ёки пари момо, нуроний чол ёки Хизр, сеҳрли ёки учар от, бўри ёки қуш, ҳатто маймун) рақиблар ёки ёвуз кучларга дуч келиш (подшонинг ёвуз ниятли вазири, ялмоғиз кампир, кенжа ўғилнинг акалари ва ҳ.к), сафарда ёрдам берувчи буюмлар (сеҳрли игна, тароқ, кўзгу, отнинг ёли, қушнинг пари, бўрининг жуни), сафар мақсади (бахт излаш, сеҳрли қуш, учар от, гўзал парини топиб келиш) каби бутун бир йўналиш ишлаб чиқилган. Жумладан, “Олмос ботир” эртагида ғайритабиий ҳолда туғилган қаҳрамон – Олмос ботир подшонинг топшириғи билан Булбулигўё қушни олиб келиш учун хатарли сафарга чиқади. Яъни ёвуз ниятли вазир подшонинг кўзи хиралашганидан фойдаланиб, Олмос ботирни йўқ қилиб ўз мақсадига эришмоқчи бўлиб, ушбу сафарни уюштиради. Бироқ эзгу ниятли қаҳрамонга бу сафар омад, муваффақият олиб келади. Йўлда пари ва девлар – ҳомий кучларнинг ёрдами билан мақсадига эришиб, эсон-омон қайтади. Ҳажман катта бўлмаган ушбу эртақда сафар мотиви билан боғлиқ бутун бошли стихияли йўналишнинг барчасини ўз ўрнида фаол “ишлаётгани” намоён бўлади. Бу ўринда сафар қаҳрамоннинг мардлигини синаш, жасорат кўрсатиш, ҳомий кучлар билан

⁶³ Бу ҳақда қаранг: В. Пропп. Морфология сказки. Academia. –Л.:1928. –С. 88-89.; В.Пропп. Исторические корни волшебной сказки. – М.: 2000. –С. 335; С. Қўчқорова. Европа ва ўзбек халқ эртақларининг ўрганилишига оид. \ Хорижий филология. №3, 2018. –Б. 97.

яқинлашиш ва ниҳоят уни ўз мақсадига етказиш учун восита бўлгани кузатилади. Профессор Ш.Турдимов “Гўрўғли”⁶⁴, Ж.Эшонқулов “Алпомиш” ва “Дада Кўркут”⁶⁵ дostonларида бу ходисанинг ўзига хос тарзда намоён бўлишини изоҳлаб беришган эди.

“Паҳлавон Рустам” эртагида эса унинг қаҳрамони Рустам ваҳший кўлига асир бўлиб тушиб қолган ватандошларини қутқариш учун сафарга чиқади. Сафарга чиқишдан олдин у отасининг уч ўғлидан бири, бошқалар қатори оддий йигит эди. Сафар олдида ва сафар давомида уч хатарни – дев, аждар ва девнинг хийлагар вакилини енгди, бошқа девларни ҳам маҳв этди. Бунда унга ҳомий куч сифатида отасининг маънавий қиёфаси, сеҳрли буюмлардан эса қирқ газ узаядиган қиличи ёрдам берди. Девсифат деб аталган ёвуз махлукни ҳам маҳв этган Паҳлавон Рустам сафардан ўз мурод-мақсадига етади – Девсифат кўлидаги ватандошларини халос қилади. Бу эртақда сафар қаҳрамонни ҳар томонлама тарбиялайди ва паҳлавон ҳамда доно инсон бўлишида ёрдам беради. Шу ўринда фольклоршунос олима Ш.Назарованинг “Ўзбек халқ эртақларида синов мотивининг генезиси ва поэтикаси” номли диссертациясида сафар мотиви йўл ва синов мотивлари билан бирга келишини таъкидлаб ўтади.

Сафар мотиви ҳайвонлар ҳақидаги эртақларда ҳам муҳим ва кўп учрайдиган ҳолатлар сирасига киради. Гарчи бу турдаги эртақларда сафар билан боғлиқ стихияли йўналиш бўлмаса ҳам, сафар қаҳрамоннинг шаклланишида, мурод-мақсадига етишида муҳим аҳамият касб этувчи мотивлардан саналади. Жумладан, “Сусамбил” эртагида сафардан мақсад орзулардаги қайғу ва алам йўқ диёр – Сусамбилга эришиш бўлади⁶⁶. Одамзоддан жабр кўрган бир гуруҳ ҳайвонлар: эшак, хўкиз, хўрозлар хўжайинларининг уйдан қочиб, ота-оналаридан таърифини эшитган Сусамбил диёрини излаб йўлга равона бўлишади. Сафар давомида улар бир-бирлари билан дўстлашадилар. Биргаликда золимларга қарши курашишни

⁶⁴ Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. –Тошкент: Фан, 2011. –Б. 122.

⁶⁵ Эшонқулов Ж. Миф ва бадиий тафаккур. –Тошкент: Фан, 2019. –Б.66.

⁶⁶ Ўзбек халқ эртақлари. Уч жилдлик. 1-жилд. –Тошкент: Ўқитувчи, 2014. –Б. 45.

ўрғанадилар. Бир қанча қийинчиликлардан кейин золим хўжайинлар бўлмаган ва бунинг устига ўтнинг қуюғи, сувнинг тиниғи бўладиган юрт – Сусамбилга етиб келишади. Демак, бу эртақдан муроднинг ўзи сафардир ва сафар асносида мурод ҳосил бўлади. Сафарга чиқиш ва сафар қилиш жараёнида унинг ҳар бир қаҳрамони маънан юксалди ва ўзи излаган афсонавий диёр Сусамбилга лойиқ бўлади. Бу эртақ, бизнинг тахминимизча, доно бобою момоларимиз айтган “Излаган топади, интилган етади” деган ҳикматли сўзларининг образли ифодаси бўлса керак.

“Овчи, Кўкча ва Доно” номли эртақда каптар Кўкча ва сичқон Доно сафарда бир-бирлари билан дўст бўлишади. Дўстликнинг кадрилини билишади. Доно кабулар Кўкчанинг заковати ёрдамида ҳаммалари биргаликда овчининг тузоғидан ҳалос бўлишади⁶⁷.

Ҳаммамизга яхши таниш ва севимли бўлган “Ур, тўқмоқ” эртагида ҳам деҳқон чол ўзи ҳалос этган Лайлаквойнинг ҳузурига уч бора сафарга боради. Ундан марҳаматлар кўриш баробарида ўзгалардан ўз ҳақини олишни, золимларга қарши курашишни ўрғанади. Бу борада унга ҳомий куч – сеҳргар Лайлак ҳамда сеҳрли буюм – “ур тўқмоқ” ёрдам беради. Демак, сафар унга ҳам шахс бўлиб етишишида кўмаклашади⁶⁸.

“Адабиётшунослик терминлари луғати”да ёзилишича, бошқа турдаги эртақларга нисбатан кейинроқ яратилган маиший эртақларда сеҳр ва фантастикадан аввалги ўринда реаллик, реал воқеа-ҳодисалар ва тарихий шахсларга муносабат турар экан⁶⁹. Бу турдаги эртақларда ҳам сафар мотиви қаҳрамонни қийинчиликларда тоблаб, мурод-мақсадига етказувчи восита саналади. Бундай эртақларда сафар фавқулодда эмас, кўпроқ ихтиёрий ҳодиса ҳисобланади. Жумладан, “Уч оғайни ботирлар” эртагида балоғатга етган уч ўғлини ота ўз ихтиёри билан сафарга юборади. Уларни йўлга кузатаётган ота фарзандларига учта насиҳат беради. “Тўғри бўлинг, бежавотир бўласиз. Мақтанчоқ бўлманг – хижолат тортмайсиз. Дангасалик

⁶⁷ Келтирилган манба. –Б. 12.

⁶⁸ Келтирилган манба. –Б. 16.

⁶⁹ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Akademnashr, 2010. –Б. 181.

қилманг – бахтсиз бўлмайсиз”⁷⁰. Бу насихатларга амал қилган азамат йигитлар – уч оғайни ботирлар уч хатар – шер, аждар ва қароқчиларни ботирлик, ақл ҳамда бирдамлик ёрдамида енгадилар. Фаросат ва фасоҳат билан сафарда ўз бахтларига эришадилар – юрт подшосига куёв бўладилар.

“Мусофирбек” деб номланган эртақнинг қахрамони Йўлдош эса ўртоғи Кўлдош кўрган тушни сотиб олади ва бахтини излаб сафарга отланади. Натижада ўртоғининг қисматига эга бўлади. Гўзал пари қизга уйланади. Унинг ёрдами билан подшонинг шартларини бажаради ва охири золим шохни махв этиб, юртга ўзи шох бўлади. Шунда туш эгаси бўлган ўртоғини чақириб, унинг ҳам ўз бахтини топишига сабабчи бўлади. Йўлдошнинг бундай қизиқарли саргузаштлари ва бахтини топиши ҳам таваккал қилиб, сафарга чиқиши билан боғлиқдир⁷¹.

Айтиш мумкинки, бир эртақда бир неча марта сафар мотивига мурожаат қилиш ҳам бўлади. Масалан, “Гулиқаҳқаҳ” эртагида подшонинг пари хотинидан туғилган ўғли Тилла кокилли бола шум кампирнинг даъвати билан уч бор сафарга чиқади. Биринчисида Гулиқаҳқаҳ парини, иккинчисида қирқ хил таомни ўзи тайёрлайдиган қозонни ва учинчисида ойнаи жаҳоннамони келтиради. Бунда унга нуроний чол кўринишидаги ҳомий куч ёрдам беради⁷².

Эртақлар мифлардан ўсиб чиққани маълум. Мифлардаги худолар ва паҳлавонлар ҳақидаги қарашлар эртақларда дев ва пирларга, ҳомий кучларга эврилган Осмон, Ер ва Ер ости салтанатидан иборат муқаддас учлик эртақлардаги уч йўл, уч ният, уч шарт каби мотивларга айланган. Бироқ туркий халқлар мифларида сафар мотивининг аҳамиятли эмаслигини кузатдик. Балки илк бадий тафаккур маҳсули бўлмиш мифларда аждодларимиз ўзи ва оламнинг қандай яратилгани билан қаттиқ қизиққани учун бошқа нарсаларга кам эътибор қаратгандир. Ҳар нима бўлганда ҳам бу ҳодиса, сафар мотивининг куртақлари халқ эртақларида мавжуд бўлса-да,

⁷⁰ Булбулигўё. Ўзбек халқ эртақлари. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б. 84.

⁷¹ Ўзбек халқ эртақлари. Уч жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ўқитувчи, 2014. –Б. 170.

⁷² Ўзбек халқ эртақлари. Уч жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 2014. –Б, 136.

ислом дини таъсирида мотивнинг устуворлашиш даражаси барқарорлашиб борган, деб хулоса чиқариш имконини беради.

Демак, мотив-ситуациялардан саналган сафар мотиви эртақларда кўлланилганлиги сабабли ҳам исломдаги сафарнинг улуғланиши орқали фаоллашади. Бу мотив туш, синов мотивлари билан чамбарчас боғланади. Қахрамон кимнингдир таклифи билан, ёки подшонинг буйруғи билан ёки туш кўриб, сафарга чиқади. Сафарда у дев, аждаҳо, тилсимлар каби бир қатор синовларга дуч келади, парилар, девлар каби ҳомий кучларнинг ўзлари ёки улар берган сеҳрли буюмлар орқали синовлардан ўтади ва мурод-мақсадига етади. Демак, воқеанинг асосий қисми сафарда кечади. Қахрамон сафарда фаоллашади. Оддийгина шахзода, бойвачча ёки ўтинчи, чўпон сафар давомида мислсиз қахрамонликлар кўрсатади. Демак, сафар оддий, жамият эътиборида бўлмаган инсонни қахрамонга айлантиради. Сафардан қайтган қахрамон мурод-мақсадига етади. Демак, қахрамон яна пассивлашди. Энди унинг ҳаёти бизни қизиқтирмайди.

Достонлар халқ оғзаки ижодидаги энг йирик эпик жанрлардан бўлиб, у ҳақда “Адабиётшунослик луғати”да қуйидагича маълумот берилган: “ДОСТОН – 1) туркий халқлар оғзаки ижодидаги эпик жанр. Халқ оғзаки ижодидаги Д.лар воқеабанд сюжет асосида қурилган йирик ҳажмли асарлар бўлиб, улар баҳши (оқин, жиров, манасчи)лар томонидан мусиқа (дўмбира, кўбиз ва б.) жўрлигида ижро қилинган, оғиздан-оғизга ўтиб, бизгача етиб келган. Бу жараёнда ҳар бир ижрочи ўзидан нимадир қўшган, ниманидир тушириб қолдирган ва шу тариқа Д.лар сайқалланиб борган. Халқ Д.нинг матний қурилиши ижрога мос – унда насрий ва шеърий парчалар алмашилиб туради: ривоя асосан насрда амалга оширилса, қахрамонлар орасидаги энг муҳим диалоглар, уларнинг руҳий ҳолатлари, таърифу тавсифлар, ижрочи муносабати ва ш.к.лар кўпроқ шеърий йўлда берилади”⁷³. Достонлар қахрамонлик, романтик ва тарихий турларга бўлинади. Улар эртақларга

⁷³ Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. –Б. 94.

караганда анча реал воқеа-ҳодисаларга асосланади. Бу борада фольклоршунос олим Ғ.Жалолов “Алпомиш ва халқ эртаклари” номли мақоласида қуйидагича муносабат билдиради: “Алпомиш” достонидаги воқеа-ҳодисалар тасвирида эртакона фантастика, уйдирмаларни эмас, нисбатан реалликка интилиш, ҳаётий воқеаларни бўрттириб талқин этиш ҳолатини яққол кўрамиз”⁷⁴. Дарҳақиқат, дostonда фантастика эмас, балки бўрттириш кучлилигини кўрамиз. Алпомиш образида ҳам мифологик титанларга хос куч-қувват, ўтда ёнмаслик, қилич ўтмаслик каби ғайритабиий хусусиятларни кўрамиз. Дostonларда ҳам сафар мотиви худди эртаклардаги каби сюжетни ҳаракатга келтирувчи муҳим мотивлардан бири ҳисобланади. Жумладан, “Алпомиш” дostonида икки бор сафар уюштирилади. Биринчи сафар Алпомиш ўн тўрт ёшга кирганида Қалмоқ элига кўчиб кетган Барчинойдан хат – арза келади. Ёлғиз ўғлини узоқ юртга юборгиси келмаган Бойбўри хатни бекитади. Уни топиб олган Алпомишнинг синглиси – Қалдирғоч ойим акасини сафарга – Барчинойни қутқариб келишга чорлайди. Ушбу сафарда, худди халқ эртакларидаги каби барча сафарга хос қийинчилик, унга ёрдам берадиган ҳомий кучлар, рақиблар ёки ёвуз кучлар, сафар мақсади ва натижаси каби қўшимча мотив, образ ва персонажлар ҳам анча реаллик касб этган. Жумладан, сафар машаққати (қуш учса, қаноти, одам юрса оёғи куядиган саҳро, қалин ва ваҳимали ўрмон ёки чакалакзор, чўққиси кўринмайдиган баланд тоғлар, борса келар, борса хатар ва борса келмас номли уч йўл, Қўҳи қоғ тоғи, девлар ёки парилар юрти эмас, конкрет манзил – Қалмоқ эли, Кашал чўли, Ойна кўли), ҳомий кучларга учраш (парилар, девлар, Ялмоғиз кампир ёки пари момо, нуроний чол ёки Хизр, сеҳрли ёки учар от, бўри ёки қуш, ҳатто маймун эмас, бу ҳам конкрет Шоҳмардон пир, чилтанлар, Қоражон алп) рақиблар ёки ёвуз кучларга дуч келиш (подшонинг ёвуз ниятли вазири, ялмоғиз кампир, кенжа ўғилнинг акалари ва ҳ.к. эмас, Қалмоқ элининг тўқсон алпи), сафарда ёрдам берувчи

⁷⁴ Жалолов Ғ. “Алпомиш” ва халқ эртаклари. // “Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: Фан, 1999. –Б. 144.

буюмлар (сеҳрли игна, тарок, кўзгу, отнинг ёли, қушнинг пари, бўрининг жуни эмас, Алпомиш кўзга илмаган бир чипор от – Бойчибор), сафар мақсади (бахт излаш, сеҳрли қуш, учар от, гўзал парини топиб келиш эмас, ўзи билан ўсган амакисининг қизи Барчинойни олиб келиш) каби йўналиш ҳам анча реаллашган. Бироқ йўналиш реаллашгани мотив билан ўшандай қолган. Яъни дostonда ҳам худди халқ эртакларидаги каби сафар билан боғлиқ мотивлар, образлар ва персонажлар ўз ўрнида собит. Туш + сафар + синов мотивлари ҳам бор. Фақат бу ўринда сафарга йўлловчи мотив хат бўлиб хизмат қилмоқда. Яъни: хат + сафар + туш + синов. Дostonда сафар пайти кўрилган туш мотивлари воқеалар ривожини кульминацияга, ундан ечимга олиб боришда муҳим ва қизиқ деталь вазифасини ўтаган: Чўпонлар қўшхонасида тунаган Алпомиш шундай бир туш кўради:

Ҳакимбек кирганди ўн тўрт ёшига,

Меҳмон бўлди чўпонларнинг қўшига.

Ул кечаси файзи саҳар бўлганда

Расули Худони кўрди тушида...

“Ғам ема, умматим” – деди пайгамбар.

Остида дулдули, белда зулфиқор.

Жиловида бобо Қамбар жиловдор,

Ғамингда отланди Шоҳмардон пирлар⁷⁵.

Бу туш орқали туғилишиданоқ ҳомийлик қилган, туғилгандан сўнг исм кўйиб, елкасига белги қўйган ҳомий кучлар – Шоҳимардон пирларнинг руҳий мадади хабари берилади. Худди шу пайт ўтовида ухлаб ётган Барчинойнинг кўрган туши бундан ҳам қизиқ:

Хазон бўлиб, боғда гуллар сўлганда,

Жон жасаддан бир беқарор бўлганда,

Зиён ётиб, раҳмат тошар бўлганда,

Раҳмат дарё айни тошиб келганда

Туш кўрибман файзи саҳар бўлганда,

⁷⁵ Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик дostonи. – Тошкент: Шарқ, 1998. –Б. 99.

*Қибла бетдан бир ой туғиб келади,
Ойнинг гирдин тўртта юлдуз олади,
Тушимнинг табгири қандай бўлади?*⁷⁶

Суксур каниз шарофатли туш эканлигини айтиб, таъбирлайди:

*Қибла бетдан бир ой туғиб келсалар,
Ой эмасдур ул ҳам расул, пайгамбар.
Ой гирдида тўртта ёруғ юлдуз бор,
Юлдуз эмас, тўрт чориёр муқаррар*⁷⁷.

Барчиной унаштириб қўйилган ёрига бўлган садоқати туфайли ёруғ кунлар келишини англайди. Учинчи туш қалмоқ алпи Қоражонга тегишли бўлиб, у тушида Худонинг амри билан Алпомишга дўст тутинади. Қалмоқ элига, Кашал чўлига етиб борган Алпомиш Барчиной қўйган тўрт шартни бажариши керак эди. Бу навбатдаги, яъни синов мотивининг дostonда қўлланилиши эди. Шартлар тўртта эди. Шартларнинг иккитаси, яъни ёй тортиш ва минг қадамдан тангани уриш асли бир шарт бўлиб, эртақлардагидек уч шартга жамланганди. Алпомиш ёрининг шартларини адо этиб, Барчинойни юртига олиб кетади. У билан бирга ўн минг уйли Бойсун-Қўнғирот эли ҳам бирга келади. Бироқ унинг отаси Бойсари юртига қайтишни хоҳламайди. Dostonдаги иккинчи сафар Қалмоқлар қўлида хўрланган Бойсарини ўз юртига қайтариш учун бўлади. Бу сафарда тўққиз алп ўғлидан айрилган Сурхайл кампирнинг ҳийласига учган Алпомиш ва унинг қирқ ҳамроҳи асир бўладилар. Ҳамроҳларини ўлдирадилар. Баданидан ўқ ўтмаган, қилич чопмаган Алпомишни эса Муродтепа яқинига бир зиндон қазиб, ўшанда банди қилишга мажбур бўладилар. Иккинчи сафарда Алпомишга ҳомий кучлар мадад бермайдилар. Нима учун? Бу саволга dostonда жавоб йўқ. Балки у Сурхайл мастоннинг сўзига кириб, унинг қасрида меҳмон бўлган чоғида, қизлар билан “ароқ-шароқ” ичганлиги учундир. Шунинг учун ундан “Шоҳмардон пирлар”, “қирқ чилтанлар” юз

⁷⁶ Келтирилган манба. –Б. 100.

⁷⁷ Келтирилган манба, –Б. 100.

ўгиргандир. Бироқ қалмоқ зиндонида етти йиллик асирлик Алпомишни руҳан камолга етказди. Бойчиборнинг ёли қирқ газ ўсиб, зиндон тубига етганда, уни белига чирмаб боғлаган Алпомиш Худогаю авлиё ва анбиёларга шундай тавалло қилади:

Садаганг бўлайин Расул Муҳаммад,

Отингдан айланай Қозиюл ҳожот,

Ўлимнинг кечин бер, имонга қувват.

Аввал берган бош давлатинг – тансиҳат...

Бу сафардаги асосий синов – қалмоқларни енгиш эди. Демак, бу сафарда туш мотиви қўлланилмаган. Асирликдан қутулган Алпомиш юртига қайтиб, ўз элида хору зор бўлган оиласини тиклаши керак эди. Юртига қайтган Алпомиш Қултой қиёфасига кириб, юртдошларини синайди. Унинг қилган ишларидан, сўзлаган дадил сўзларидан юртдошлари унинг кимлигини аста-секин англайдилар. Ёри Барчинойнинг тўйига етиб келган Алпомиш ёяндозлик қилиб, Асқартоғнинг чўққисини учириб юборади. Ана шунда унинг кимлигини биладилар ва ғанимлар қилган ишларига уялиб қоладилар. Бу сафарда ҳомий кучлар ўрнида тулпор бу вазифани бажаради. Айтиш керакки, асарда икки тугун, икки кульминация ва икки ечим бор. Ҳар иккала тугун сафар билан бошланиб, ечим ҳам сафар билан тугайди. Достонда сафарнинг қуйидагича бадиий вазифалари бор:

1.Биринчи сафарда ўспирин Ҳакимбек истар-истамас йўлга чиқиб, йўлда мард баҳодир Алпомишга айланади. Нафақат ёрини топади, балки унинг қўйган уч шартини бажариб, мардона жасорат кўрсатиб, Барчинойни ўз юртига олиб келади. Бу йўлда унга Шоҳимардон пир, чилтанлар каби ҳомий кучлар, тулпори Бойчибор ва ғойибдан дўстлашгани алп Қоражонлар ёрдам беради.

2.Иккинчи сафарда ўз кучига ортиқча ишонган Алпомиш ҳийла билан қўлга олинади ва етти йил зиндонда сақланади. Бу етти йил Алпомишга нафақат жисмонан, балки руҳан камолотга етишига сабаб бўлади. Энди у аввалги содда, фақат билак кучига ишонган Алпомиш эмас. У дўсту

душманни фарқлайди, ҳатто ҳийла ишлатиб, қалмоқ шоҳининг қизи Товка ойимдан фойдаланиб, зиндондан чиқади. Сафарда нафақат кучли, балки ақлли ва эҳтиёткор Алпомиш юртига қайтиб, оиласини тиклайди. Дўст ким, душман ким билиб, душманларни жазолаб, дўстларни мукофотлади.

“Равшан” достони “Гўрўғли” туркум дostonлари сирасига кириб, у Гўрўғлининг Ваянгандан олиб келиб, ўғил қилгани Ҳасан марднинг ўғли Равшаннинг Ширвон юрти маликаси Зулхуморга ошиқ бўлгани воқеаларига бағишланади. Достонда сафарга ундовчи мотив-ситуация бу сафар жуда оригинал – узук ҳисобланади. Юнус парининг сеҳрли узугида Ширвоншоҳ қизи Зулхумор суратини кўрган Равшан унга ошиқ бўлиб, Ширвон юртига кетиши ва у ерда кўрган саргузаштлари дoston воқеаларининг асосини ташкил этади. Бу галги сафар мотиви анча реал. Ҳомий кучлар ўрнида ширвонлик онахон ва тўрт ака-ука каллар иштирок этишади. Бироқ бу ўриндаги сафар ҳам қаҳрамонни тоблаши билан аҳамиятли. Равшан “ҳали далага чиқмаган” ўн тўрт ёшли ўспирин эди. Сафар орқали у ўзининг кимлигини яшириб, ҳийла ишлатишни, ёрини кўриб, унга арзи ҳол айтишни ўрганди ва муҳими, мардлик хусусиятлари шаклланди. Биз бунни:

Уйқуда боғлади нозик қўлимни,

Согиндим, отажон, Чамбил элимни.

Тор зиндонда “во ота” деб йиғладим,

Кўрдингми, отажон менинг ҳолимни⁷⁸, –деб йиғлаган ўспирин

Равшаннинг дор тагида Ширвоншоҳ аъёнларининг “динимизга ўтиб, юртимизда қол” деган даъватига мардларча:

Сен айтган одамнинг, золим, мен эмас,

Бир нечалар ўз ҳолини англамас.

Мен ўлсам ҳам ўз элимдан кечмайман,

Азиз бошинг оёғимга тенг эмас⁷⁹, –

деб берган жавобида кўраимиз.

⁷⁸ Равшан. Халқ оғзаки ижоди. –Тошкент: Yangiyul polygraph servise, 2019. –Б. 208.

⁷⁹ Келтирилган манба, –Б. 208..

Инсоният тарихида яратилган ёзма ёдгорликларнинг энг бебаҳоси (Анетта Бевериж) дея тан олинган “Бобурнома” айна пайтда ўрта асрлар туркий халқлар мумтоз адабиётидаги сафарнома жанрида яратилган асарларнинг энг сарасидир. “Бобурнома”нинг 1502 йил воқеалари тасвиридаги Бобур Мирзонинг қуйидаги фикрлари сафарноманинг тузилиши учун асос бўладиган икки назарий омил: йўл мотиви ва саёхатчи образининг мазкур асарда ҳам мавжудлигини тасдиқлайди: Тоғу тахт қўлидан кетган, ягона марказлашган давлат барпо этишдек орзуси йўққа чиққан Бобур Мирзо шундай ёзади: “Охири бундай саргардонлик ва бу хил қўнимсизлик жонга тегди... бу хил хорлик ва зорлик билан элга қўрингунча оёғим етганча кетсам яхши. Хитойга бормоқни ният қилиб, бош олиб кетиш ҳаракатига тушдим. Кичикликдан бери Хитой тарафларга ҳавасим бор эди. Бирок салтанат ва бошқа боғланишлар туфайли бу ният муяссар бўлмасди. Салтанат ҳам кетди... Сафар монеликлари бартараф бўлди...”⁸⁰

Тарихдан маълумки, Бобур Мирзо сафарни Хитой эмас, Қобул азиматидан бошлади. Бобур Мирзо сафар харитасини Мовароуннаҳр, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон мамлакатлари ҳудудлари доирасида кузатиш мумкин. “Бобурнома”да бу мамлакатларнинг тарихи, халқи, уларнинг урф-одатлари, табиати, наботот ва ҳайвонот олами ҳақида қимматли, ишончли маълумотлар берилган. “Асарда мингтача географик ном-мамлакат, шаҳар, қишлоқ, қалъа, дашт, тоғ, довон, дара, дарё, кўприк, кечик, кўл, чашма, боғ, яйлов, ўтлоқ ва бошқа жойларнинг номлари тилга олинган. Юзлаб географик номлар тарихий ва луғавий жиҳатдан изоҳланган”⁸¹. Энг эътиборлиси, муаллиф-сайёҳ мингларча маълумотлар, фактлар ичида йўқолиб қолмайди. У қуруқ репортёр ёки воқеанавис эмас. Муаллиф–сайёҳ Бобур Мирзо ўзининг ўй-кечинмалари, ҳайрату қувончлари, аламу изтироблари билан ҳар ерда ҳозир у нозир. Сафари давомида ўқувчисини унга нотаниш, номаълум жойлар, элу элатлар, уларнинг урф-

⁸⁰ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Тошкент: Юлдузча, 1989. –Б. 88.

⁸¹ Гадов К., Бердиева С. Жаҳонгашта сайёҳ олимлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. –Б. 114.

одати, анъаналари, ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар дунёси билан таништирар экан, ўз навбатида уларга шахсий муносабатини, баҳосини ҳам беради: “Доим хотирға етар эдиким, Ҳиндустоннинг бир улуғ айби будурким, оқар суви йўқтур... Ҳиндустоннинг яна уч ишидин мутазаррир эрдук: бир иссиғидин, яна бир гардидин, яна бир тунд елидин...” (Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқеалари)⁸² каби таассуротларини ўқиб туриб, инглиз шарқшуноси Монстюарт Элфинстоннинг “... муаллифнинг (Буюк Бобур Мирзонинг – Н.Ҳ.) ёрқин характери асарга энг кўп жозиба бағишлайди” деган фикрига қўшиламыз. Ҳолбуки, сайёҳ-муаллиф образи сафарнома жанрининг марказий масалаларидан бири эканини назарий манбалардан яхши биламыз. Бобур Мирзонинг синчков сайёҳларга хос нигоҳини Ҳиндистон ўлкасининг таърифида янада теранроқ кузатишимиз мумкин. “Ҳиндустон мамолики васе ва пурмардум ва пурҳосил вилоят воқе бўлубтур. Шарқи ва жануби, балки ғарби ҳам Муҳит дарёсиға мунтаҳи бўлур. Шимоли бир тоғдурким, Ҳиндикуш ва Кофиристон ва Кашмир тоғлари била пайваस्तтур. Ғарби шимоли Қобул ва Ғазни ва Қандаҳор воқе бўлубтур. Жамиъ Ҳиндустон вилоятининг пойтахти Деҳли эрмиш”⁸³, – деб ёзади Бобур Мирзо Ҳиндистон кенгликларини таърифлаб.

“Бобурнома”да Ҳиндистон набототи, ҳайвонот дунёси билан боғлиқ маълумотларда муаллиф қиёслаш йўлидан борганлигини кўрамыз: “Агарчи бўдана Ҳиндустон махсуси эмасдур, вале тўрт-беш жинс бўданадурким, Ҳиндустон махсусидур. Бир бўданадурким, бизнинг вилоятларға борур бўданадин улуғроқдур. Яна бир бўданадурким, ул вилоятқа борур бўданалардин қисқароқдур, қанот-қуйруғининг қизилроқ ранги бор”⁸⁴, – дея аниқ маълумотлар беради. Бобур Мирзо шу тахлит зумаж, ола қарға, ҳакка, майнак, бағриқора, сандуғоч, чарз, лўча, чалсий каби 30 га яқин қушлар ҳақида маълумот беради.

⁸² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Тошкент: Юлдузча, 1989. –Б. 275.

⁸³ Келтирилган манба. –Б. 248.

⁸⁴ Келтирилган манба. –Б. 257.

Бобур Мирзонинг Ҳиндистон балиқлари ҳақидаги маълумотлари ҳам ўзига хос: “Ҳиндустон балиқларининг гўшти лазиз бўлур эди ва қилтиғи бўлмас. Ажаб чуфт балиқдирлар. Бир қатла бир сувнинг икки тарафидин тўр солиб келдилар, тўрнинг бир тарафи сувдин ярим қаридин кўпрак юқори эди, балиқларнинг кўпраги тўрдин бир қари юқорроқ сачраб ўттилар”⁸⁵, деб ёзади муаллиф Ҳиндистон балиқларининг хушёрлигидан завқланиб. Сайёҳ-муаллифнинг синчков нигоҳидан Ҳиндистоннинг қуруқликда яшовчи, сувда ҳаёт кечирувчи ҳайвонот олами, бетакрор ўсимликлар дунёси четда қолмайди. Муаллиф пашкал – ёмғир мавсумига тегишли: саъваи, баъдун, кувар, каътик деб номланувчи ойлар ҳақида маълумот бериш орқали китобхонни Ҳиндистоннинг ўзига хос иқлими билан таништиради. “Бобурнома”да ерли аҳоли ҳақида: “Яна бир латофати будурким, ҳар синфдан ва ҳар ҳирфагардин беҳад ва бениҳоят кўптўр. Ҳар иш учун ва ҳар нима учун жами муқаррар ва муайянмурким, ота-оналаридин бери ул иш ва ул нимани қила келгандурлар”⁸⁶, – дейди.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Бобурнома – бу сафарнома. Асар энг мукамал сафарномаларга хос бўлган жамики хусусиятларни ўзида намоён эта олган. Мирзо Бобур талқинидаги маълумотларнинг янгилиги, қизиқарлилиги, қиёсийлиги, энг муҳими, уларнинг тақдим этилишида шоир, ижодкор, олим нигоҳининг сезилиб туриши “Бобурнома” муваффақиятини таъминлаган омилдир.

Боб бўйича хулосалар:

1. Илк сафарномаларнинг пайдо бўлиши анча қадимий даврлар билан алоқадор. Уларнинг юзага келиши барча халқлар адабиётида диний-руҳоний эҳтиёж, муқаддас жойлар зиёрати истаги билан боғланиб кетади.

2. Йўл, сафарга рағбат метафизикавий мотив сифатида барча буюк динларда мавжуд, исломда, динимизнинг муқаддас китоби Қуръони каримда, шунингдек, саҳиҳ ҳадисларда сафар мавзуси алоҳида ўрин тутаяди.

⁸⁵ Келтирилган манба. –Б. 259.

⁸⁶ Келтирилган манба. –Б. 268.

3. Дастлабки сафарномалар сюжети чизиғига хос бўлган сафар маршрути тафсилотлари тасвири кейинги даврларда тобора кўпроқ даражада аниқлик ва реаллик касб этиб борди. Уларда изчиллик, мантикий барқарорлик, саёхатчи-муаллифнинг субъектив баҳоси каби жиҳатлар устувор бўлиб қолди.

4. Ўзбек адабиётида сафарнома жанрининг пайдо бўлиши реал ижтимоий-маънавий ҳамда адабий-эстетик эҳтиёжлар билан боғлиқ. Сафар ва саёхатларда кўрган-кечирганларни қаламга олиш иштиёқи, уларни бошқаларга, хусусан, юртдошлар ҳамда келажак авлодга етказиш иштиёқи мазкур жанрнинг ўзбек адабиётида пайдо бўлиши ва таком依лидаги бош омиллар сифатида қайд этилиши мумкин.

5. Сафарномаларда бир қатор реал факторлар қаламга олинади, доимий унсурлар кўзга ташланади: сафар мақсади; маршрут; транспорт воситалари; йўл хусусиятлари; пейзаж тасвири; архитектура ёдгорликлари тавсифи; шаҳар ва қишлоқларнинг ўзига хос нодир ёдгорликлари; бино ва уйларнинг ташқи кўринишлари, ички безаклари, жиҳозлари (интерьер); янги ўлканинг одамлари, этнографик кузатишлар, урф-одатлар, расм-русмлар.

6. Мусулмон Шарқда сафар мусулмончиликнинг фарз амали даражасига етишиши Қуръони каримдаги инсонларни саёхатга чиқишга ва ундаги ҳар бир ҳодисага ибрат назари билан қарашга даъват этувчи оятлари сабабли бўлган.

7. Пайғамбар ҳадислари натижасида нафақат ибрат олиш учун қилинадиган, балки илм талабида, азиз авлиёларнинг шарофатли қабрларини зиёрат қилиш, улуғ инсонлар билан суҳбатлашиш мақсадида қилинадиган сафар ҳам мусулмон киши учун суннат ва вожиб амал даражасига етди. “Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлолмайсан” деган ҳикматли сўзлар яратилди.

8. Муҳим ҳодиса бўлган сафар ботиний маънода инсоннинг асл ўзлигига томон амалга ошган риёзати сифатида имом Ғаззолий каби Шарқ алломалари ижодида кўзга ташланади. Ва бу айни пайтда ҳаётнинг инъикоси

бўлган Шарқ адабиётида сафарнинг аҳамиятли мотивлар қаторига киришига сабаб бўлди.

9. Ўзбек халқ эртакларида сафар сюжетни ҳаракатга келтирган муҳим мотивлардан ҳисобланади. Сафар мотиви аксарият ҳолларда туш + синов мотивлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳаракат мотивлар сирасига киради ва эртакларнинг ҳар учала турида ҳам фаол қўлланилади. Сафар мотиви, айниқса, сеҳрли-фантастик эртакларда ўзи билан боғлиқ бутун бошли йўналиш марказида туради. Маиший ва ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда ҳам муҳим ўрин тутган сафар мотиви қаҳрамонни шакллантириш, фаолиятга ундаш ва алалоқибат мурод-мақсадига етказишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ғоявий воситалардан саналади.

10. Халқ достонларида ҳам сафар мотиви худди эртаклардагидек муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ягона фарқи достонлардаги сафар ва у билан боғлиқ йўналишлар анча реал бўлади. “Алпомиш” ва “Равшан” достонларини ўрганиш асносида сафар нафақат сюжетнинг муҳим мотивларидан, балки қаҳрамон руҳияти тадрижини белгиловчи муҳим хусусиятлардан бири саналишига ишонч ҳосил қилдик.

11. Бобурнома сафарномаларга хос бўлган жамики хусусиятларни ўзида намоён эта олган. Мирзо Бобур талқинидаги маълумотларнинг янгилиги, қизиқарлилиги, қиёсийлиги, энг муҳими, уларнинг тақдим этилишида шоир, ижодкор, олим нигоҳининг сезилиб туриши “Бобурнома” муваффақиятини таъминлаган омилдир.

II БОБ. САФАРНОМА ЖАНРИНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДАГИ РИВОЖЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

2.1.§. Маърифатпарварлик даври сафарномаларининг вужудга келиши ва шаклланиши

Ўзбек адабиёти тарихи учун, асосан, шеърий саёхатномалар характерлидир. Масалан, Муқимийнинг мураббаъ шаклида ёзилган “Саёхатнома”си бу жанрнинг оригинал намунаси ҳисобланади. Нодимнинг Тошкент ва Самарқандга қилган сафари натижасида юзага келган саёхатномаси эса қасида шаклида ёзилган”⁸⁷.

Муқимийнинг “Саёхатнома”сига назар ташласак, у “Қўқондан Шоҳимардонга”, “Қўқондан Фарғонага”, “Қўқондан Исфарага” ҳамда “Исфара саёхати”дан иборат⁸⁸. Ушбу “Саёхатнома”да алоҳида олинган манзил, бирор жой ҳақидаги маълумот, таъриф умумий тарзда берилган. Шоир ўз кузатишларини шеърий тарзда, қисқа жумлалар билан ифодалайди. “Қўқондан Шоҳимардонга”ча бўлган масофа оралиғида ўнта жой номи келтирилган. Адиб уларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтирмайди. Шоирнинг мақсади батафсил маълумот бериш эмас, балки энг муҳим, аҳамиятли ва шоирни таъсирлантирган жиҳат ҳақида тўхтаб ўтишдир. Масалан, Ўлтарма билан боғлиқ таассуротларда мингбоши ҳақида тўхталади ҳамда унинг “бадкор”лигини, шунингдек, маънавий жиҳатдан анчагина ночорлигини таъкидлайди:

Мағрур, хасису, бешу кам,

Ҳар ганда юз ичгай қасам,

Тагжой олур маховданам,

*Ҳожии ўзи мурдор экан*⁸⁹.

Гарчи Муқимийнинг “Саёхатнома”си ҳажман кичик бўлса-да, аммо унинг маърифий ҳамда бадий-эстетик аҳамияти жуда каттадир. Муҳими,

⁸⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 416.

⁸⁸ Муқимий. Асарлар. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – Б. 480.

⁸⁹ Келтирилган манба. – Б. 427.

унда Муқимий ўз даври ижтимоий қиёфасини такрорланмас тарзда ярата олган, халқ дарди, қувончини сеза олган ва ўз шеърлари ила ўқувчига моҳирона етказа олган. Муаллиф кўрган-кечирганларини борича, рўйи-рост тасвирлашга ҳаракат қилган, ижобий ва салбий жиҳатлар ошкора баён этилган. Аслида, “Саёҳатнома”нинг таъсир кучи ҳам ана шундадир.

Кейинчалик бу анъанани Муқимий билан замондош бўлган шоир Завқий давом эттирди. Завқийнинг “Янгиқўрғон қишлоғи“, “Сув жанжали”, “Шоҳимардон саёҳати” деб номланган шеърлари ҳамда унинг “Деманг” радифли ғазали ҳам сафар асносида вужудга келган шеърлар сирасига киради. У ҳаж ибодатлари адо этилаётган кунларда, Маккайи Муқаррамада ёзилган. Қолаверса, “Муқимий “Саёҳатнома”сига жавобан, 1892 йилда, Фурқатнинг Ҳиндистондан Хитойга қилган саёҳати даврида унга ҳамроҳ бўлган шоир Тажаллийнинг ҳам “Саёҳатнома” ёзганлиги тўғрисида маълумотлар бор”⁹⁰. У.Неъматовнинг “Завқий ва Муҳсинийнинг сафарномалари” мақоласида келтиришича, Муҳсиний ҳам сафарнома ёзган, унинг сафарнома-маснавийси 104 мисрадан иборат бўлиб, “Маъзаратномаи Муҳсиний бахуйи аржуманди йихуд” (Муҳсинийнинг ўз акасига узрномаси) деб номланган.

Юқорида номлари санаб ўтилган шоирларнинг яратган саёҳатномалари шеърӣ услубда битилган. Муқимий “Саёҳатнома” жанрига мумтоз адабиётимизда мавжуд бўлган махсус жанр – “ҳасби ҳол”ни усталик билан пайвандлай олган.

*Фарёдким, гардуни дун,
Айлар юрак-бағримни хун,
Кўрдик, бир аҳли фунун –
Чарх анга кажрафтор экан*⁹¹.

⁹⁰ Келтирилган манба. – Б. 25.

⁹¹ Келтирилган манба. – Б. 427.

Тескари айланувчи кажрафтор дунё кирдикорларидан безган аҳли фунун (саёҳатчи-шоир ҳам улар сафида) унинг пасткашликларидан юрак-бағри конга тўлган. Шунинг учун ҳам:

Қолмай шаҳарда тоқатим,

Қишлоқ чиқардим одатим.

Хоҳи яёв, бўлсун отим

Гоҳ сайр ҳам даркор экан, –

дея Муқимий саёҳат мақсадини, сабабини, йўналишини, воситасини (“хоҳи яёв, бўлсун отим”) кўрсатади.

Муқимий “Саёҳатнома” бандма-банд Қўқон атрофидаги Ўлтарма, Дўрмонча, Бўрбалик, Оқ ер, Ромидон, Зоҳидон, Олтиарик, Чимён, Водил каби қишлоқлар таърифи бир ўйноқи вазн – ражази мураббаи солимда, “экан” радифи билан яқунланадиган тўртликларда ғоятда лўнда, халқчил ифодасини топган. Шоир Рошидонни “Фирдавс боғидин нишон” дея таърифласа, Водилни “мақоми дилфузо, кўчаларидур дилкушо” дея тавсифлайди. Шаҳарнинг торлигидан, шаҳарликларнинг тор кўнгиликларидан сиқилиб “Гоҳ сайр ҳам даркор экан” деган сайёҳ-шоир она юртининг кенгликларидан тўйиб нафас олади гўё. Яйпаннинг хуш ҳавоси, сойида зилол обирахмат оқиб турган Рафқоннинг соя-салқин супалари шоирнинг кўнглини яйратиб юборади. Муқимийнинг ҳассос қалами сайёҳ-шоир қадами етган жойларнинг, манзил-мароҳилларнинг қиёфасини ўқувчи кўз ўнгида бадий бўёқларда бетакрор яратади:

“Яйфан” каби толзор кам

Йўқ соясида зарра гам.

Зебо санам, қоши қалам,

(Жонон)лари бисёр экан.

Муқимийнинг ялпи ижоди учун хос бўлган фош этувчи, танқидий-сатирик, юмористик руҳ ижодкор-сайёҳнинг сафар хотираларига ҳам изчил кўчган. Бу эса Муқимий саёҳатномасининг ўзига хос йўналишини, характерини белгиловчи бир омил бўлиб хизмат қилган. Юртининг беқиёс

табиатини тўлиб-тошиб таърифлаган Муқимий шу юрт табиатига тамомила тескари табиатли инсонларнинг ижтимоий қиёфасини чизиш орқали ўзининг субъектив баҳосини баён қилади:

*“Дўрманча”га кетдим ўтуб,
Ёқамни ҳар соат тутуб
Ётдим ул оқишом гам ютуб,
Дашти қароқчизор экан.*

*Унда бўлис Ғози деди,
Ҳам муфти, ҳам қози деди,
Юрт барча норози деди,
Қилгон иши озор экан.*

Адабиётшунос олим Ғулом Каримовнинг таъкидлашича: “Адабиётимизда “саёҳатнома” тамомила янги жанрдир. Адабиёт тарихида саёҳат эсдаликларини шеърий формада баён қилувчи бадиий асарлар бўлган эмас. Умуман, адабиётда саёҳатдан олинган ёзма хотиралар кўп учрайди. Лекин уларнинг ҳаммаси деярли мемуар характерида бўлиб, Муқимийда кўрганамиздек, маълум қолипга тушган поэтик услубда ишланмайди”⁹².

Муқимий ижод намуналаридан таъсирланган, ҳамма вақт ўзини унга ҳаммаслак, ҳамфикр деб билган Нодим Намангоний шоирнинг ўзи билан 1887-1888 йилларда Тошкентда учрашиб танишади, яқин алоқалар ўрнатади.

Асли исми Сулаймонхўжа Улуғхўжа ўғли бўлиб, адабий таҳаллус Нодим (“пушаймон қилувчи”) бўлган бу маърифатли ижодкорга Муқимий сафарномалари ўзгача таъсир қилади.

“Ижодкорлар ўртасидаги шахсий алоқалар улар ўртасида адабий алоқа ва ҳамкорликнинг вужудга келишида муҳим рол ўйнайди. Муқимий ва Нодим муносабатларида буни яққол кўрамыз. Бу икки шоир ўзаро ҳамкорлик қилиб, кўп ҳолларда бир мавзуда қалам тебратганлар, бир-бирларининг ғазалларига мухаммаслар боғлаганлар, мушоиралар ёзганлар. Дунёқарашдаги

⁹² Келтирилган манба. –Б. 24.

умумийлик улар ижодида муштарак фикрларни, ҳамоҳанг сатрларни туғдирган”⁹³.

“Юрган – дарё” нақлига амал қилган Нодим худди Муқимий сингари халқ ҳаётига чуқурроқ назар ташлаш мақсадида сафарга отланади. Нодим қадами етган юртларнинг табиати, одамлари, уларнинг турмуш тутумлари, одату фаолиятлари ҳақидаги саёҳат хотираларини шеърӣ шаклда баён қилди.

“Баёни саёҳати Нодим”, “Дар сафари ҳазрати Шоҳимардон Нодим гуфта”, “Баён дар сафари Тошканд”, “Баёни воқеоти Бухоро ва Самарқанд”, “Мухаммаси Нодим ба аҳволи замон”, “Мактуби муҳаббат услуб” каби шеърларида Нодим ўзига хос кузатувчанлик, закийлик билан икки тарафлама: ҳам феодал бошбошдоқликлар туғдирган жаҳолат, ҳам чор мустамлакаси зулмидан ночор аҳволга келган халқ ҳаётини ўрганади, қалбида пайдо бўлган саволларга жавоб қидиради.

Нодимнинг саёҳат таассуротлари баён қилинган, илк қарашда ҳар бири алоҳида, мустақил битикдек фикр уйғотувчи номлари юқорида зикр этилган асарларини сафарнома сифатида бирлаштириб турувчи жиҳат бу саёҳатчи-шоирнинг ўзи, унинг объектив ва субъектив дунёси, муаллиф маслағи, дунёқараш ва баҳосидир.

“Кўҳна вилоят” дея баҳо олган Андижоннинг боғу бўстонлари, бир кўп қадамжолари саёҳатчи-шоир эътиборини тортади. “Турфа фараҳбахш” туйғулар дояси, “Ҳар тараф кетган хиёбон кўчалар”га бой Сим (Фарғона), “аруси жумлаи булдон” Марғинон (Марғилон) Нодимда унутилмас таассуротлар қолдирди.

Нодим 1907 йилда Ўш шаҳрига “Зиёрат ва саёҳат тариқасида” қилган сафари билан водий бўйлаб кезишини тугатади. 1887-1888 йилларда Нодим Тошкентга, 1890 йилда Авлиё ота, Бишлак (Бишкек), Олмаота шаҳарларига саёҳат қилиб қозоқ ва қирғиз халқларининг ҳаёти билан яқиндан танишишга ҳаракат қилади. Ўз юртининг деярли барча йирик шаҳарлари, маданий,

⁹³ Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. –Тошкент: Руҳафзо, 1998. – Б. 107.

маъмурий марказ ҳисобланган Бухоро–Самарқанд–Тошкент саёҳатидан сўнг 1902 йилда Нодим муқаддас ҳаж сафарига отланади.

Нодимнинг “Туркистон вилояти газетаси”да ўша пайти босилиб чиққан 149 байтли маснавийсида шоирнинг кўнглидан кечаётган оғир ўйлар, ёрдўст, яқинларидан айро тушиш масъулияти, ғурбатдаги изтироблар юки, кўмсаш, Ватан соғинчи туйғулари ифодаси саёҳатчи-муаллифнинг сафар олди руҳониятини ишонарли очиб бера олган.

*Алвидо, эй дўстони номдор,
Алфироқ, эй ошнойи ҳар диёр!
Сиздан айрилмоқ манга душвордир.
Кўзлар бу гуссадин хунобдир,*

деб ҳасби ҳолидан сўзлайди шоир. Нодим маснавийсида “Эмдиким бўлгум заруратдин жудо, То фалакка етқуриб оҳу нидо...” дейиш орқали сафарни зарурат дея баҳолайди. Зарурат эса амалга оширилиши шарт бўлган зиёрат амали сабаб Кавказ, Туркия, Миср каби ўлкаларни кезиб келган Нодим каби инсонлар маърифат уйғониш, ўзликни таниш дунёхабарликдан, дунёни ўрганишдан, чоғиштириш ва солиштиришдан ҳосил бўлишни яхши англаб етганлар.

Адабиётшунос Б.Қосимов таъкидлаганидек, “80-йиллардан маҳаллий халқ вакилларининг марказий Россия шаҳарларига саёҳатларни уюштириш йўлга қўйилди. Россия маъмурлари истило қилинган ўлкаларнинг фуқароларига мамлакатларининг бепоёнлигини, шаҳарларнинг шаъну шавкати кўрсатишни истар эдилар”⁹⁴.

Россия маъмурларининг ана шундай илтифотларига сазовор бўлган Аҳмад Дониш XIX аср Бухоро илмий-адабий муҳитининг кўзга кўринган вакили, қомусий илм эгаси, наққошлик, рассомлик, хаттотлик ҳунарларини тўлиқ эгаллаган, тарих, фалсафага кўнгил қўйган, зеҳни, салоҳияти, тафаккури кенг маърифатпарвар инсон эди. Адабиётшунос олим, профессор

⁹⁴ Б.Қосимов ва бошқ. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. –Тошкент: Маънавият, 2004. –Б. 19.

Е.Бертельснинг “Дониш–Ўрта Осиё жаидларининг отаси” деган эътирофида, бу инсоннинг амали ва аъмоли яққол намоён бўлади.

1857 йилнинг кузида Амир Насрулло Русия императори Николай Пнинг вафотига таъзия билдириш ва валиахд Александрнинг тахтга чиқишини кутлаш учун элчилар жўнатади. Шу элчилар сафида Аҳмад Дониш ҳам бор эди. Бу Аҳмад Донишнинг Россияга биринчи сафари эди. Ундан кейин ҳам Аҳмад Дониш 1869, 1873-1874 йилларда Россияга яна икки марта элчилар таркибида боришга муваффақ бўлади. Адиб сафар чоғида Петербург, Москвада кўрган-кечирганларини ўзининг йирик бадий-фалсафий, публицистик асари “Наводир ул-вақое”нинг алоҳида, сафарнома характеридаги фаслларида ҳикоя қилиб берган.

1870-1885 йиллар оралиғида ёзилган “Наводир ул-вақое” асари 23 бобдан ташкил топган бўлиб, китобнинг иккинчи боби Россия сафари таассуротларини ўз ичига олади. “Мен бу сафарга ибрат олиш учун чиққанлигимдан ҳар бир нарсага диққат билан қарар эдим”⁹⁵, – дейди Аҳмад Дониш.

Петербург кўчаларидаги тартиб, пиёдалар, аравалар учун алоҳида махсус йўллар, йўлларда яратилган қулайликлар ҳақида Аҳмад Донишнинг таассуротларини ўқир экансиз, беихтиёр ёдингизга Фитратнинг “Ҳинд сайёҳи” асарида тасвирланган: ёзда тиззагача тупроқ, қишда лой-балчиқ босган Бухоронинг тор кўчалари, йўл талашиб бир-бирининг оғзи-бурнини қон қилаётган аравакашларнинг аянчли қиёфаси келади.

Аҳмад Дониш айнан шу муҳит вакили бўлганлиги учун ҳам Петербург кўчаларидаги йўлсозлик маданиятини ҳавас билан кузатар экан: “...кўчанинг ҳар икки томонида эни тўрт газча, ердан бир қарич баланд қилиб пиёдалар учун мармар тошдан йўл ясаганлар. Бу йўлларнинг келар-кетари ўз олдига бўлиб, йўл юрганлар бир-бирларига қарши келмайдилар. Бу икки йўлдан кейин аравалар учун олти қовурға қилиб ёғочдан чатилган махсус ўн чоғлик бир кўча чиқарганлар. Юрганда араваларнинг товуши чиқмасин деб кўчани

⁹⁵ Қаранг: И.Ҳаққул.Тақдир ва тафаккур. –Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 216.

ёғочдан ясаганлар. Кўчанинг ўртасида майда қайроқтош терилган 15 газлик яна бир кўча чиқарилган, бундан отликлар ва аскарлар юрадилар. Кўча сувларининг оқиб тушиши учун ҳар 15 газлик жойда оғзи темир панжаралар билан қопланган чуқурлар қилинган. Ҳар бир газ ерда гўла чўяндан ясалган понусдонлар қўйилган бўлиб, унда тун бўйи газ лампаси ёндириб қўйилади”⁹⁶, – дейди.

Москва, Петербургдаги концерт заллари, мухташам театрлар, ракс-бал кечалари ўтказиладиган санъат саройларининг маҳобати Аҳмад Донишни ҳайратга солади. Бундан ташқари Россиянинг марказий шаҳарларида ташкил этилган зоомузей, гербарий, вивариялар Аҳмад Донишнинг диққатини тортади: “Бу мамлакатда ҳар нарсани йиғиб, хазина қилиб халққа кўрсатадилар. Масалан, ўлик ҳайвонлар, учар қушлар, қанотли парвоналар каби капалак ва бошқа турли жониворлар махсус биноларда сақланиб, бу биноларнинг эшиклари томошабинлар учун ҳамма вақт очикдир”⁹⁷, – деб ёзади сайёҳ-адиб.

Зукко Аҳмад Донишнинг анатомик музейларда сақланаётган одам ва ҳайвон скелетлари, мўмиёланган жасадлар фақат соҳа вакиллари, илм-фан ривожини учунгина эмас, балки оддий инсонларнинг тиббий билимларини ошириш, уларни медицина сир-асрорларидан қайсидир маънода хабардор этиш учун ҳам хизмат қилаётганини англаб етади. “Тиббиёт, ташрихот фанларидан маълумот бериш учун ҳайвон ва инсон жасадларининг куп-қурук суюкларини махсус хоналарга қўйилган, шунингдек, ўлик туғилган болаларни шишаларга солиб сақлаганлар. Одамнинг лутфалик (эмбрионлик) ҳолидан бошлаб туғилганигача бўлган ўзгаришларини кўрсатиш учун уларни махсус дори билан дорилаб, ҳар бирини айрим шишаларга солиб қўйганлар”⁹⁸, – деб ёзади Аҳмад Дониш.

Аҳмад Дониш Русия давлат арбобларининг илм аҳлига кўрсатаётган эътиборларини, ҳурматларини кўриб таъсирланади: “Агар ўзингизнинг

⁹⁶ Дониш А.. Наводур ул-вақое. – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 259.

⁹⁷ Келтирилган манба. – Б. 259.

⁹⁸ Келтирилган манба. – Б. 254.

давлат арбобларингиз ёнига илм-хунар аҳлларида бўлган бирор одам икки-уч қайта кирса, уни оғирсинади. Аммо насоро катталарида тамоман бошқача, хар кўришганларида аввалгидан ҳам яхшироқ муомала билан кўришадилар”⁹⁹, – дея эътироф этади Аҳмад Дониш.

Шуни фахр билан айтиш мумкинки, Русия ажойиботлари фақат Аҳмад Донишни хайратга солаверган эмас. Балки Аҳмад Донишнинг зукколиги, комусий билими, шеъриятга ошнолиги русларни ҳам хайратга солган, эътирофига сазовор бўлган. Шу ўринда адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулнинг кўйидаги: “1871 йил февраль-март ойларида Россияда чиқадиган “Голос”, “Новое время” газеталарида Аҳмад Донишнинг билим-савияси ва сиёсатдонлиги таърифланган фикрлар босилади. Шунга қараганда ул зот рус подшоҳ хизматидаги ёзувчи ва олимларнинг эътиборини тортган”¹⁰⁰ деган сўзлари диққатга сазовордир. Айнан олимнинг фикри тўғрилигини тасдиқлайдиган факт ва маълумотларни Аҳмад Донишнинг сафар хотираларида кўриш мумкин.

Маълумки, фанга Аҳмад Донишнинг “Манозир ул-кавокиб” асари маълум. Фалакиёт илми билан шуғулланган Аҳмад Дониш бу рисоласида нужум-юлдузшунослик илмидан баҳс юритади. Шу билан бирга асосий эътиборни инсон тақдири ва саодат сирларини очишга қаратади.

Аҳмад Донишнинг илми нужум масаласидаги тадқиқотларидан хабари бор рус арбоблари бир йиғинда Аҳмад Донишга шу ҳақда сўз очадилар. Бу ҳақда сафарномада Аҳмад Дониш шундай ёзади: “... улуғ хонлардан бири таржимон дўстим Нозибек орқали мендан толеъ масаласини сўради. Мен уни неча марта рад қилиб кечирим сўрадим. Бироқ иккинчи бир мажлисда менга шундай адабий сўзлар билан тамоллуқ кўрсатиб, мени лол қилди. Бу мамлакатларнинг арзи бизнинг ичларимизда йўқдир, деди. Шунда мен агар бу таржимон осмон курасини (глобусни) топса, бу масалангиз устида бирор нарса ёзиб маълумот беришим мумкин, дедим”¹⁰¹, – дейди.

⁹⁹ Келтирилган манба. – Б. 279.

¹⁰⁰ И.Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 217.

¹⁰¹ Келтирилган манба. – Б. 279.

Мана шу суҳбатдан сўнг Аҳмад Донишга рус подшоҳининг вазиринойри Страмахов бир эмас, иккита глобус ҳадя этади. Бу ҳадядан, илмга, олимга эътибордан таъсирланган Аҳмад Дониш Страмаховга бағишлаб: “Страмаховдир булингкум илмининг зийнати, ҳам шаҳаншоҳ олдида Осифдек эрди ҳурмати ...” дея бошланувчи бир шеър ёзиб уни рус арбобига тақдим этади. Шу вақтдан кейин сафарнома хотиралари билан танишар экансиз, илм аҳли, олимлар, ижодкор дунёси ҳамиша эътиборга, фаолиятларининг ривожини учун мададга, қўллаб-қувватланишга эҳтиёжманд эканликларини сезасиз: “Бу шеър унинг қўлига тегиб мазмунини тушунгандан сўнг, бир ерда кўришиб қолиб сўз кадрига етганлигидан оғиз, юзимни ўпиб, ялаб кетди. Илмга керак нарсалардан сенга нима лозим бўлса, менга айтгин, барини тайёрлаб берурман, Ватанингга борганингдан кейин ҳам зарур бўлган нарсаларни ёзиб юборсанг у ерга ҳам юбораман, деб мени кўп қистади”¹⁰², – деб ёзади Аҳмад Дониш. Шу воқеа билан боғлиқ Аҳмад Донишнинг андишаси, орияти, ғурури уфуриб турган бир фикрини ўқир экансиз, сайёҳ-адибнинг шахс сифатидаги ўзига хос руҳонияти, маълум бир инсоний тамойилларга асосланган субъектив дунёси яққол кўзга ташланади. “Агар, –деб ёзади Аҳмад Дониш, – таманинг хорлигидан ўзимни сақламаганимда эди, беш-олти минг тангалик ажойиб асбобларни ундан олган бўлур эдим”. Рус арбобининг илм одамига ҳурмати, эътибори, рағбати Аҳмад Донишни бир ҳайратлангирса, Страмаховнинг ўзига аталган қасида шеърни ўқиб, шунча ҳиммат кўрсатаётгани, шоирнинг эътиборини кадрлаётгани, мурувват кўрсатишда давом этаётгани яна бир қувонтиради. Аммо гувоҳи бўлганимиздек, ўз навбатида Аҳмад Дониш ҳам бу рағбатлар олдида асло ўзлигини йўқотмайди, тамахўрлигига ўзини ташламайди. “Бизнинг вилоятларимизда эса шоирларимиз тортиқ умиди билан шу каби шеърлар айтиб бойлар, амирлар ҳузуридан ўтказсалар, қуруқ “баракалло” эшитадилар. Мукофот ўрнига солинган қовоқ, совуқ сўз оладилар”.

¹⁰² Келтирилган манба. – Б. 280.

Аҳмад Донишнинг ҳақли эътирозларини ўқиб туриб, беихтиёр Ғазнавийнинг “Шоҳнома” муаллифига кўрсатган “ҳимматини” эслаймиз ва сафарномалар бағрида донишманд бир тарих яшашига ишонамиз.

2.2.§. Жаид сафарномаларида устувор ғоя ва мотивлар тизими

XIX асрнинг охири, XX асрнинг биринчи чораги ўзбек халқи тарихининг муҳим бир қисмини ташкил этади. Адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров бу даврни бир сўз билан “биллурлашиш”, яъни миллатнинг биллурланиши деб атади, жумладан, у шундай ёзади: “биллурлашиш” бизда эртароқ, XX аср бошларида куртакланган ва ғоятда тезлашган эди... Бизда миллатни англаш миллий туйғуларининг кучли танқидидан бошланди. Миллат танқиди билан майдонга чиққан зиёлиларимизнинг ҳаммаси дунё мамлакатларини кўриб келдилар. Жаҳонда бораётган шиддатли ўзгаришлардан хабардор бўлдилар. Ўз ҳоллари ва аҳволларига назар солдилар... Бир миллатнинг аҳволи бошқа миллат аҳволига қиёсланганда яхши билинади... Солиштирилганда, маърифат юзасидан, орифлик, хабардорлик ва ҳаёт тарзининг даражаси юзасидан солиштирилди”¹⁰³.

Дунёдан хабардорлик миллат биллурланишининг бир омили эканлигини яхши билган маърифатпарвар сайёҳлар томонидан кўз билан кўрилган йўл таассуротлари, сафардаги кечмишлар онг билан идрок этилиб қалбга, қалбдан эса қоғозга кўчди. Шу тариқа ижтимоий-маърифий мақсад билан бир қаторда, публицистик, бадий-эстетик, фалсафий, сиёсий мақсадларни ўз олдига қўйган бир қатор саёхатномалар вужудга келди.

XVIII аср Ғарбий Европа маърифатпарварлари адабиёт ва миллий уйғониш даври ўзбек адабиётидаги саёхатнома жанрининг маънавий-маърифий хусусиятларини ўрганган тадқиқотчи Х.Жалилова саёхатнома жанрини икки кўринишга бўлиб тадқиқ этади.

¹⁰³ И.Ғафуров. Миллатнинг биллурланиши. Мангу латофат. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б.10.

1.Реал географик маршрут ва саёҳат асосида яратилган асарлар. Саёҳатномалар – сафар хотиралари, кундаликлар ва сафар очерклари шундай асарлар қаторига киради.

2.Бадиий тўқима асосида яратилган саёҳат адабиёти. Бундай асарларда саёҳат мавзуси фақат бадиий усул сифатида қўлланилади. Асардаги саёҳат мотиви муаллиф ғоясини етказишга хизмат қилади. Бундай асарлар роман, қисса, ҳикоя каби шаклларда бўлиши мумкин¹⁰⁴.

Айтиш мумкинки, шу таснифга кўра, миллий уйғониш даври адабиётининг илк босқичи (XIX асрнинг охирлари)да реал географик маршрут ва саёҳат асосида яратилган самарқандлик Мирзо Бухорийнинг Петербургга қилган саёҳати натижасида ёзилган хотиралари, тошкентлик Тошмуҳаммад Исамуҳамедовнинг Париж саёҳати хотиралари, Фурқатнинг “Аҳволот”и, тошкентлик Орифхўжанинг “Саёҳатнома”лари вужудга келди¹⁰⁵.

Умумтараққиётдан узилиб қолиш, ўз қобилига ўралиб яшаш оқибатини яхши билган маърифатпарвар жадидлар дунёхабардорликнинг ўзликни теран тушуниб етишнинг, ўз-ўзини ислоҳ қилишнинг асоси эканлигини англаб етдилар. Шунинг натижасида XX асрнинг биринчи чорагида ҳам жадид адибларимиз томонидан аниқ белгиланган йўналиш бўйича амалга оширилган сафар хотиралари: М.Бехбудийнинг “Қасди сафар” (1914), А.Авлонийнинг “Афғон саёҳати”, Чўлпоннинг “Вайроналар орасидан” (Андижон–Ўш–Жалолобод) (1924) кабилар яратилди.

Яна бир миллатпарвар, жадид ижодкори Абдурауф Фитратнинг ҳам бу давр ижодига назар ташласак, 1909 йилда “Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси” ҳамда 1912 йилда яратилган “Ҳинд сайёҳи” асарларининг сафар мавзусида эканлигига гувоҳ бўламиз. Фикримизни “Адабиётшунослик луғати”дан олинган қуйидаги кўчирма ҳам тасдиқлайди: “... адабиёт ривожини давомида саёҳатноманинг бир қатор бошқа кўринишлари ҳам пайдо бўлди. Жумладан,

¹⁰⁴ Х.Жалилова Саёҳатнома жанрининг маънавий-маърифий хусусиятлари. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент: 2008. –Б. 21.

¹⁰⁵ Б.Қосимов ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. –Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 4.

кўпроқ публицистик характердаги ва ижтимоий-маърифий мақсадларни кўзловчи “ўз юрти бўйлаб” сафарлар (А.Радищев “Петербургдан Москвага саёҳат”; Муқимий “Саёҳатнома”; Чўлпон “Вайроналар орасидан”); ўз юртидаги ҳолатни шартли равишда таҳлил қилиш, муайян ижтимоий-сиёсий карашларни ифодалаш мақсадларига қаратилган ва кўпроқ сатирик характердаги асли мавжуд бўлмаган “фантастик юртлар”га саёҳатлар (Ж.Свифт “Гулливернинг саёҳатлари”); хорижликларнинг муаллиф юртидаги саёҳати (Монтескье “Форс хатлари; Фитрат “Сайёҳи Ҳинди”) ва бошқалар”¹⁰⁶.

Адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов томонидан: “Ҳинд сайёҳи” роман эмас, ҳатто қисса ҳам эмас, балки ижтимоий-сиёсий, бадиий-публицистик асар”¹⁰⁷ дея жанрнинг табиати тўғри белгиланар экан, унинг яна бир муҳим жиҳати, яъни яратикнинг сафарнома характерда эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш муаллиф мақсадини кенг китобхонга янада теранроқ етказишга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Жаҳон адабиётида бирор мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётини ўрганиб унга муносабат билдириш, ўрни билан танқидий фикрлар айтиш учун муаллифга хорижлик сайёҳ образи қўл келиши соҳа луғатида қайд этилганига юқорида гувоҳи бўлдик. “Йўл очерки, саёҳатнома жанри типологиясининг шаклланишида яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаш лозимки, XIX аср деярли (сафарнома, эссе, очерк, мемуарлар битта умумий ном билан аталувчи беллетристикага мансуб адабий асарлар ҳисобланади, изоҳ бизники – Н.Ҳ.) барча рус беллетристлари ўз саёҳатномаларига енгил, фельетон шаклини бериш учун саёҳатлари давомида ўзларига ҳамроҳ-йўлдош “танлайдилар”. Улар вагонда тасодифий учрашиб қолган суҳбатдош ёки олдиндан таниш мухбир ёки “билгич одам” ва ҳоказо бўлиши мумкин. Одатга кўра, суҳбатдошлардан бири хорижга биринчи чиқиши бўлса, яна бири тажрибали саёҳатчи, яна бири бизнинг чегараларга

¹⁰⁶ Курунов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б. 265.

¹⁰⁷ Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. –Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 102.

биринчи қадамини кўяётган бўлса, бирлари ўша юртларда туғилган. Ана шу ҳолатда диалог юзага келади, фикрлар алмашинади, қарашлар, нуқтаи назарлар тўқнашади, айрим конфликтлик – баён ҳаётӣ, беллитристлик касб этади. Диалоглар асосӣ чизик бўйлаб ҳаракатланмайди, “савол-жавоб берди” шартисиз, улар драматурглик шаклида берилади. Шу тариқа сахна юзага келади”¹⁰⁸, – дейди рус адабиётшуноси Ольга Скибина.

Дарҳақиқат, худди шундай ёндашувни бизнинг ўзбек адабиётида жадид сафарномаларида ҳам кузатишимиз мумкин. Сафар давомида ҳинд сайёҳига, Скибина таъкидлаганидек, турли образлардаги: тасодифий суҳбатдан, сафарда учратиб дўст тутинган бухоролик, бетоб бўлиб қолганида сайёҳ мурожаат қилган табиб ва дўхтир, Қарши қозиси, Хатирчи станциясида поездда учраб қолган икки тожик, бухоролик домла йўлдош, ҳамроҳ бўладилар. Айнан ана шу йўлдошлик, ҳамкорлик, суҳбатдошлик жараёнлари кечган сахналарда асар концепцияси, Фитратнинг ижтимоӣ-сиёсий, иқтисодӣ-маданий, ғоявий-маърифий мақсади юзага қалқиб чиқади. Бухородаги тартибсизликлар ҳинд сайёҳининг кўз ўнгида ҳали амирлик остонасиданок шаҳар дарвозасига рўбарў бўлиши билан бошланади. Дарвоза пулдор арманиларга, яхудийларга, ҳатто уларнинг итларига ҳам очилади. Аммо мусулмон фарзандлари туни билан шаҳар ташқарисида қолиб кетадилар. Изтиробда, ҳайратда қолган ҳинд сайёҳининг кучи фақат овозига этади: “Ёраб, Муҳаммад умматларининг гуноҳи нима?” – деб қичқирдим¹⁰⁹, – дейди у надомат билан.

Ҳинд сайёҳи қиёфасидаги Фитрат Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Самарқанд, Хатирчи, Карманада бўлади. Шу шаҳарлар мисолида Туркистон ва Бухородаги иқтисодӣ, маданий, маиший ҳаётни чуқур, илмӣ таҳлил қилади. Ўта ибтидоӣ ҳолатдаги деҳқончилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, ҳўкиз омочдан воз кечиб, ерга ишлов беришда техника кучига таяниш, тупроқ унумдорлигини ошириш, меҳнатни тўғри ташкил

¹⁰⁸ Скибина О.М. Творчество В.Л.Кигна-Дедлова: Проблематика и поэтика специальност 10.01.01. – Русская литература. Диссертация на соискание учёной степени доктора филологических наук. Московский педагогический государственной университет. Москва – 2003. –С. 124.

¹⁰⁹ Фитрат. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд. –Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 101.

этиб, алалоқибат унинг самараси ўлароқ турмуш даражасини яхшилаш масалаларига эътибор қаратади. Ҳинд сайёҳининг фикрича, “Эртани ўйлаш олам ободлигининг боисидир... Бутун оламда ўтмиш учун қадам қўйган бирор кимса йўқдир”¹¹⁰.

Қўлида жуда нафис, нозик ҳунари бўла туриб, “Ҳозир ишимиз яхши, ўн йилдан кейин ким тирик, ким ўлук?”¹¹¹ қабилида қўл қовуштириб ўтирган қаршилик усталарига қарата: “Оврўпа халқлари агар бирор ишга қўл урсалар, шу ишларнинг ўн йил, йигирма йил, ҳаттоки юз-икки юз кейинги ривожини кўзда тутадилар. Сиз – Қарши халқи ҳам жуда юксак ҳунарга эгасиз. Ана шу ҳунарларининг келгуси тақдирини ҳеч ўйламайсизларми?”¹¹² дея куйилади.

Ҳинд сайёҳи қаршилик тўқувчига ҳунармандлар маҳсулотларини тайёр товар даражасига етказиб ишлов бериб, унинг савдо-сотиғини ҳам ўз қўлларига олмасалар, ҳеч қачон меҳнатларидан барака топмасликларини, бойлик, даромад, тайёрга айёр, ярим тайёр маҳсулотни ўмариб кетаётганларга буюришини уқтиради.

Ҳинд сайёҳи ёпган нонини мушукка олдириб қўйганлиги учун эридан калтак еб, унинг устидан Қарши қозисига арз қилган аёл ва унинг эрини устидан мунофиқларча таъмагирлик билан “мушук ўйини” қилган (Фитрат) қозининг кирдикорларидан ҳайратланади. Шайрий шарифнинг ҳокими – қозининг ўз нафс йўлида камбағал эру-хотиннинг можаросидан фойдаланиб киссасини қаппайтирганини, уларнинг сўнгги тийинигача шилиб ерсиз, мулксиз қолдирганини Қарши қозисининг нафақат ўз лавозимига, балки мусулмончиликка қилган хиёнати деб баҳолайди.

Фитратнинг қаҳрамони – сайёҳ ҳинди Бухоронинг тор, ибтидоий кўчаларида йўл талашиб, бир-бирининг оғзи-бурнини қон қилаётган аравакашларнинг ҳолига ачинади, томошабин масъуллардан нафратланади, чиқинди тўла Девонбеги ҳовузининг суви эпидемия манбаига айланганини, энг афсусланарлиси, шу касаллик ўчоғини оддий санитария ҳолатига риоя

¹¹⁰ Фитрат. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд. –Тошкент: Маънавият, 2000.– Б. 142.

¹¹¹ Келтирилган манба. – Б. 141.

¹¹² Келтирилган манба. – Б. 141.

қилмасликлари, тиббий билимлари етарли эмаслиги оқибатида одамларнинг ўзлари ўз қўллари билан яратаётганларидан надомат чекади.

Фитратнинг лирик меросига назар ташласак, уч сочма ва бир шеърдан иборат “Юрт қайғуси” деб номланган, ўзига хос композицияга эга бадий яратикқа кўзимиз тушади. Шоир Фитрат биринчи сочмадаёқ изтироб ва аламга тўла кўнглини тўкиб солади, афсус ва надоматини баралла айтади. “Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечун кунларга қолдинг? Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, Ўғузларнинг, Отиллаларнинг шонли бешиклари! Қани у чикдиғинг юксак ўринлар? Қуллик чуқурларига недан тушдинг?”¹¹³ – дея ҳайқирган Фитрат “Ҳинд сайёҳи”да ватанпарвар, халқпарвар, виждони уйғоқ бир фарзанд сифатида “бемор” Ватани, “хаста миллат” дардига даво излайди гўё. “Қоронғуликлар ичра ёғдусиз қолган ўзбек кўзлари учун” нур қидиради.

Миллатнинг биллурланишига хизмат қилган сафарномалардан бири М.Беҳбудийнинг “Қасди сафар”идир. Асарнинг бошиданок муаллиф сафарга чиқишдан ўзининг мақсад-муддаоларидан аниқ баён этади: “Кутубхонаи Беҳбудия” исминда “Ойна” идорасинда китоб савдоси очмоқ учун рухсат олинган. Истанбул, Миср, Қирим, Кафказ, Қозон, Ўрунбург, Ҳиндистон китобларидан келтурмоқ керак. “Ойна” қўймоқ учун Русия ва хорижийнинг машҳур иморат ва манзара ақибларининг расм ва суратлари, илмий ва фанний мақолалар учун фанний ва тарихий нақшларни қолиби – клиниси лозим яна... керак”¹¹⁴. Шу жойнинг ўзида Беҳбудий сафар маршрутини ҳам аниқ белгилайди: “Кафказ ва Қирим воситаси-ла Истанбулға, андин Юнонистонға кириб, сўнгра Байрут тариқий-ла Миср ал-Қоҳирағача бориб, яна қайтишга Истанбулға кириб, Рум эли темир йўли ила Булғористон, Австрия ва Берлин тариқий-ла ватани азизимиз Русия ва Туркистонға автат этилса...”¹¹⁵.

¹¹³ А.Фитрат. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 31.

¹¹⁴ Беҳбудий М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 55.

¹¹⁵ Беҳбудий М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 55.

“Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илм ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур... қонун ва Оврўпо одатларини билмаганимиз учун бойимиз бўлсун, қози ва миллий ҳукамомиз ва аҳолимиз бўлсун кўп ташвиш ва зарар кўрар...”¹¹⁶, – дея ўз миллати учун жаҳолат чоҳларидан чиқиш йўлларини қидирган Беҳбудий нажотни ҳар тарафлама тараққий этган мамлакатлардан, хусусан, Европадан ўрганишда, ибрат олишда кўради. Беҳбудий сафарининг туб мақсади ҳам асли шу эди. “Бутун ислом дунёси, боҳусус, жаҳолат қоронғулуғинда қолғон Туркистон ўлкаси муршид ва раҳбарларга ниҳоят даражада муҳтож бўлдиғи бир замонда Туркистон халқиға меҳрибон ота ва устоз манзалласинда бўлғон”¹¹⁷ – Беҳбудийнинг дарсликлар яратган муаллиф-муаллим, муҳбир, драматург, публицист сифатида қалами чархланган, тафаккури кенг, таҳлили ва талқини чуқур ижодкор сифатида “саёҳат хотиралари”ни ҳам муваффақиятли қоғозга тушира олди. 1914 йилдан бошлаб бобма-боб “Ойна” журналида босилиб чиққан “саёҳат хотиралари”да Беҳбудий ушбу жанрнинг талабларидан келиб чиқиб қадами етган жойлар, у ерда яшовчи аҳоли турмуш тарзи, яшаш маданияти, урф-одати, масжиду мактаби, ҳатто қабристонларининг аҳволларигача фикр юритади, мулоҳаза қилади, ҳар нарсага ибрат кўзи билан қарайди ва зимдан сафарнома ўқувчиларини ҳам огоҳ, хушёр, хабардорликка, ўрганишга эҳтиёжманд бўлишларидан умидвор бўлади. “Чироғларим, бирлашайлик! Энди бирлашмоқ замонидир”, – дея дунё мусулмонларининг ғамини еган Беҳбудий саёҳати давомида ҳам шу муаммога алоҳида ёндашади: “2 июнда Бокудан чиқиб, Минерални вўда” (Маъдан сувлари) махаттасиға мутаважжих бўлдим, ораси 755 чақирим бўлиб, бир кеча-кундуз юрулди. Мунинг олти юз чақирими комила мусулмон ерлари ҳам ниҳоятда манбит ва аъло ерлардурким, арпадан шолиғача экилган ва аксариятан баҳорикори ва ерлари қарагасадур. Дарахтлари у қадар кўрким, Самарқанднинг Қарадарахту Миёнколи анга

¹¹⁶ Келтирилган манба. – Б. 200.

¹¹⁷ Ҳожи Муин. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 28.

нисбатан ҳечдур. Халқи бизнинг пирсён, лазги, доғистоний деган халқлар бўлиб, яна дохилан чечен, қумуқ ва бошқа исмлар ила аталадур”¹¹⁸. Йўл очерки жанрининг хос талабларига қатъий риоя қилган Бехбудий саёҳат маршрутларини аниқ кўрсатади. Шаҳарлар орасидаги масофани кўрсатишда, айрим жойларнинг ҳажми, узунлигини белгилашда ҳам муаллиф аниқликда ўқувчини лол қолдиради. Ютуқлар, афзалликларни тан олишда, эътироф этишда Бехбудийга қиёс, солиштириш методи асос, таянч. Зеро, қиёс, солиштириш маърифатпарварларнинг доимо шай қуролига айланганини, бунинг ортида эса миллатнинг аҳволига, ҳаётига теранроқ кириб бориш, таҳлил ва хулоса ётишини яхши биламиз. Бехбудий шу ерда давом этиб шундай ёзади: “Таажжуби шулки, мафқуфлар (истансалар) атрофида алардан савдо қилатурғон эркак, аёл ва бола кўринмайдур. Қишлоқлари йўлдан узокдур. Шу қадар узок йўлда ялғуз иккигина масжид кўринди. Аммо рус муҳожирларининг қишлоқ ва қилислари йўлга яқиндур. Мусулмонларнинг ерлари ҳосилхиз, қўй, пода ва илқилари-да кўп ва аларнинг жунидан яхши маътолар тўқийдурлар. Заргарлик, мисгарлик, чармгарлик ва бошқа ишларда аёлу эркакларнинг маҳорати кўп, фақат замонча илмлари йўқ”¹¹⁹.

“Ҳинд сайёҳи”да қаршилик алача тўқувчининг тақдирига, ҳунарининг келажагига Фитрат қанчалик куйинганининг шоҳиди бўлган эдик. Замонавий билим, дунёвий илм-тажриба, қўлидаги ҳунарнинг келажагини илмий-амалий режалаштириш миллат эртасининг кафолати эканлигини Бехбудий ҳам таъкидламоқда. Бу жойнинг мусулмонлари ҳақида фикр юритиб: “Биз, туркистонийлар топганимизни тўй, ўлук, кўпкарига сарф қилгандек, бу мусулмон қариндошларимизнинг аксари ўз молини қиз олиб қочиб, жанжалига сарф этмоқ, бир-бирларини ўлдуруб, яна қасоси номашруъ тариқида тарафайндаи бир бир нечалаб ўлдуруб, сўнгра бор пулларини суду синод йўлига ва умрларини Сибириё чўлларига сарф қилиб, нобуд бўлар эканлар. Ароларида мадраса номида бир шай йўқ эмиш”¹²⁰. “Ойна”

¹¹⁸ Келтирилган манба. – Б. 61.

¹¹⁹ Келтирилган манба. – Б. 62.

¹²⁰ Келтирилган манба, – Б. 62.

журналининг 1914 йил 35-сонида эълон қилинган бу хотиралар шунчаки саёҳат таассуротлари эмас, балки муаллифнинг ўзига хос ижтимоий таҳлиллари ҳам эди. Эътироф этиш керакки, Бехбудийнинг “Саёҳат хотиралари” беллетристик жанр бўлишига қарамай ўз бадиияти билан “Падаркуш”дан анча устун туради. Кисловодскнинг Бештоғ шаҳри манзарасини Бехбудий шундай таърифлайди: “Бештоғнинг катта тоғ тепалари доимо бошига оқ абрдан салла ва чодир ўраган. Бу тоғларнинг тепасидан охиригача тамоман ўрмон (беша) қоплаган ва булутнинг аксила ажойиб ва кўрган ила манзарасидан тўёлмайдирган бир шакли назарфириб” (мафтункор, жозибали) ташкил этар”¹²¹. Муаллифнинг шу ҳассос тасвирларини назарда тутиб, адабиётшунос И.Ғафуров: “Маҳмудхўжа ўта шоирона табиатли. У гўзал манзараларни севади, қалбига, хотирасига жо қилади, улардан қаттиқ таъсирланади. Саёҳатномалар ёзувчиларнинг дунёга, дунё масалаларига муносабатларинигина эмас, шу муносабатлар орқали уларнинг ким ва қандай инсон эканликларини ҳам ёрқин намоён этади”¹²², – дейди. Олимнинг фикрича, Бехбудий шахсиятининг нозик, жозибадор қирралари ерга сочилиб кетган олтин заррачалардек “саёҳат хотиралари” бағрида сочилиб ётибди. Жуда чиройли образли ифода этилган ҳақроост гап. Бу фикр орқали И.Ғафуров саёҳатчи хотираларида муаллифнинг субъектив дунёси, қалб манзаралари, онги, савияси, дунёқараши туйғу ва сезимлари, инсоний ва ижодий фазилатлари яққол кўзга ташланишини назарда тутган. Умуман, сафарномаларнинг хос хусусияти ҳам энг аввало, уларнинг “барча жанрлар орасида анчайин шахсий жанр” (А.Нурматов) ҳисобланишида, муаллиф “мени”нинг ёрқин намоён бўлишида кўринади. Фикримизнинг исботи тариқасида XVIII аср рус маданиятида, адабиётида катта воқеа бўлган Карамзиннинг “Рус сайёҳининг хатлари” сафарномасини эсласак. Ҳали сафарнома бошлариданоқ юртини, ватани, атрофидаги одамларни, ҳатто ўзининг ёзув столигача чексиз меҳр қўйган муаллиф шахси, олдиндан

¹²¹ Ўша манба. – Б. 63.

¹²² Ғафуров И. Мангу латофат. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 42.

айрилиқнинг изтиробларини ҳис қилаётган муаллиф – саёҳатчи руҳонияти кўз олдимизга келади: “Мен сизлардан узоқлашдим, азизларим, айро тушдим. Энг нозик туйғуларим ила кўнглим, юрагим сизларга бойланган, аммо ўзим эса сизлардан ҳар дақиқада айрилиб кетаяпман ва айриламман. О юрак, юрак! Ким билади, сен нималарни хоҳлайсан? Неча йиллар давомида саёҳат тасаввуримдаги энг ёқимли орзум бўлиб келди. Ҳаяжон билан ўзимга-ўзим: Ниҳоят мана, сен йўлга чиқасан, дедим. Саёҳат, йўлга отланиш завқи билан тонгда кўз очмадимми, шу сурур билан уйқуга кетмадимми?! Қанча вақт ҳеч нимани ўйламай, ҳеч нимага эътибор бермай, фақат саёҳат хаёлида кунлар, соатларни санаб юрдим. Аммо кутилган кун етиб келганда биринчи марта айрилиқ ҳиссини туйдим. Мен учун жуда азиз бўлган инсонларимдан, атрофимни тўлдириб турган барча-барча нарсалардан, етилган-етилмаган ўй фикрларим туширилган қоғозлар сочилиб ётган стол, тарқоқ хаёлларим йиғиб олишга кўмаклашадиган дераза олди, ҳар тонг энди кўтарилаётган кўёш билан учрашадиган жойим – эски уй, бир сўз билан айтганда, нимагаки кўзим тушмасин, улар йиллар давомида умримнинг ажралмас қисми, мен учун қимматли хотираларга айланганини ҳис қилдим... Айниқса, мана шундай пайтда тўкиладиган кўз ёшлар юқумли бўлади...”¹²³.

Худди ана шундай руҳоний ҳолат сафар олдида турган Беҳбудий қалбидан ҳам кечади. Олам ташвишларига елка тутиб, миллат равнақи йўлида олиб бораётган фидоийлиги учун раҳматдан кўра, кўпроқ тухмат ва қаршилиқларга учраган, аммо шунга қарамай ўзининг азиз умрини, ақлу заковатини, онгу шуурини давлат, жамият, миллат ҳаётининг инқилобий ўзгаришларига бағишлаган ўта иродали, жасоратли, қатъиятли Беҳбудий сафар битикларида ўқувчи кўз ўнгида чин маънода кўнгил одами, нозик қалб соҳиби сифатида ҳам намоён бўлади: “29 май 1914 сана 17 ражабул муражжаб 1332 санаи ҳижрия панжшанба куни кеч соат 7, қаторимиз маҳбуб Ватаним Самарқанддан ҳаракат этди. Ўғлум Маъсудхўжа манглайдан шафқат бўсаси олиб айрулдук. Оҳ, видои оила, Ватандан чиқмоқ нақадар

¹²³ Карамзин Н.М. Письмо русского путешественника. – М.: Наука, 1984. – С. 6.

мушкул! Бу мушкулотдан қутулмоқ учун инсонни ўлиб Ватандан чиқмоғи келур.

“Дили аз санги бояд бар сард оҳ видоъ

То таҳаммул кунад он рўзки, маҳмил беравд (Айрилиш вақтинда тошдан кўнгил керак, токи қофила кетсун)¹²⁴.

Сафарномалар сюжети матнда бадиий ва публицистик услубнинг мавжудлигини инкор қилмайди. Бир бадиий мақсад йўлида бирлашган турли ички унсурлар сюжетни яхлит идрок этишда ўзига хос инерция ҳосил қилади. Ҳар хил жанр анъаналарини ўзида намоён этган матнларнинг ўрин алмашиб келиши асарда сюжет ҳаракатини юзага чиқаради”¹²⁵, – дейди адабиётшунос олима Громова.

Дарҳақиқат, “Қасди сафар”дан олинган парчада сафарномаларга хос замон ва маконнинг аниқлигидан ташқари матндаги публицистик руҳ пафос, айрилик остонасида турган сайёҳ-баёнчининг кўнгил ҳолатини ифодаловчи оҳанг мавжудлигини кўрамиз. Аини пайтда муаллиф ўзининг руҳоний вазиятини очиқлантирадиган икки мисра келтираяптики, айрилик, ҳижрон мавзусидаги бу шеър айнан сафар сюжетига, сюжет мантиғига мослиги билан уни тўлдирди, ягона бадиий мақсадга хизмат қилади, сюжетни ҳаракатлантиради.

Чўлпон ижодида айнан сафарнома жанри талабига мос “Вайроналар орасида” номли йўл очерки ва “Йўл эсдалиги” номли сафарнома характеридаги асарлар мавжуд. Шўро адабий танқидчилиги томонидан йўлсизликда, йўлини йўқотганликда айбланган Чўлпон ижодида, хусусан, унинг лирикасида “йўл” образи лейтмотив ҳисобланади. Сафарнома характеридаги “Йўл эсдалиги” асари сарлавҳасида ҳам бу образнинг намоён бўлиши ижодкор бадиий-эстетик ниятига мос эканлигини асар билан танишиш жараёнида кўриш мумкин. “Йўл эсдалиги” бир қарашда ташқи тузилишига кўра сафарномага ўхшаса-да, аслида бу насрда ёзилган шеърга

¹²⁴ Махмудхўжа Бехбудий. Қасди сафар. Танланган асарлар.– Тошкент: Маънавият, 2006. –Б. 57.

¹²⁵ Громова Н.А. Путевые картины Генриха Гейне // Человек и наука. 2006.

ўхшайди. Айниқса, “Йўл эсдалиги”дан жой олган “Кетиш”, “Тенгизлар”, “Капалаклар”, “Қуёшми, Умидимми, севгимми” деб номланувчи битикларда табиат манзараларини лирик-романтик руҳда суратланар экан, ўқувчи бу суратлар ортида ёруғ йўлни – эркни, озодликни, ҳурриятни излаб йўлга чиққан саёҳатчи – Чўлпонни кўради. Чўлпон ижодига хос бўлган рамзийлик сафар таассуротлари билан уйғунлашади. “Кўз олдимда оқиб ётгон Зарафшон, ёш боладай эркалайдур, ўйнайдур”, – дея Чўлпон Зарафшон дарёсининг номини изоҳлайди: “Зар” – тоғ ошиқнинг кўз ёшларидир, дарё ўшал “Зар” кўз ёшларини “Сочғучидир” (“Сочғучи форсчада “афшон”, изоҳ бизники – Н.Ҳ.)

Зарафшон шиқдир...

Тоғлар, юксак тоғлар ошиқдирла...

Қуёш, зўр тенгизлар маъшуқалардир...

Ошиқлари йиғ-йиғлай чопарлар,

Ўзларини ҳалокатга отарлар,

Баъзилари тилакларга етарлар,

Кўплари-да ерга сингиб кетарлар¹²⁶.

Асар билан танишган ўқувчида эрк, озодлик – маъшуқа, унга интилган саёҳатчи-муаллиф – ошиқ йўл-мақсадга элтар восита, “Йўл эсдаликлари” эса мана шу ошиқ-маъшуқанинг бирда маҳзун, бирда масрур тарихидек таассурот қолдиради. Айтиш мумкинки, “Йўл эсдаликлари”да муаллиф саёҳат мавзусини ўз ижодий ниятига кўра бадий усул сифатида қўллаган. Асардаги саёҳат мотивини, сафар таассуротларини: “қип-қизил лолақизғалдоқ тенгизи”, “тоғнинг юксалиши”, “алдагон хаёл”, “буюк табиат”, “қуп-қуруқ қора тош”, “олбости ўлтириши”, “қора лочин, юзи қора сор, йиртғуч чўзахот... қанотлари билан ҳавони ёриб, ўткир кўзлари билан “қурбон” истаб борадур”, “менда қочқон маъшуқамни қувиб бораман” каби

¹²⁶ Чўлпон. Йўл эсдаликлари. Асарлар. Уч жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998. – Б. 326.

манзара ва ҳолатларни Чўлпон ўз ўқувчиси қалбига рамзларда етказа олди, ўз гоъвий мақсадининг ифодаси учун хизмат қилдирди.

Чўлпоннинг “Вайроналар орасидан” (1924) номли сафарномаси реал географик маршрут – Андижон-Ўш-Жалолободга қилинган сафар таассуротлари натижасида яратилган. “Вайроналар орасидан”да Чўлпоннинг фақат “дунё масалаларига муносабатигина эмас, шу муносабатлар орқали унинг ким ва қандай инсон эканлигини” (И.Ғафуров) англаб борамиз. Сафар давомида Чўлпон тажрибали саёҳатчидек воқеаларни, кўрган-кечирганларини саралайди, муҳим деб топганларини ёзиб боради. “Бироқ сафарномани фактларнинг оддийгина қайди дея олмаймиз, зеро, унда фактографик ва таҳлилий қатламлар ёнма-ён боради. Асар марказида турувчи сайёҳ-муаллиф образи икки қатламнинг уйғун бирикувини таъминлайди. Чўлпон келтираётган фактлар реалликдан олинганлиги аён, бироқ буни натуралистик қайдлар маъносида тушунмаслик лозим. Фаол ижодкор шахс сифатида Чўлпоннинг ўз қарашлари, орзу-интилишлари, бир сўз билан, ижтимоий-эстетик идеали мавжуд эди. Демакки, танланаётган фактлар ҳам ўша идеалга мос, биринчи галда адибнинг қарашларию хулосаларини ифодалашга хизмат қиладилар”¹²⁷.

Адиб қарашларида, унинг мулоҳаза, мушоҳада хулосаю тўхтамларида таянч усул – чоғиштириш, қиёслаш. Жумладан, Хўжаободдаги бир боғ ҳақида шундай ёзади: Кўп мевалик дарахтдан иборат бўлган ул кенг боғнинг жуда кўп, ҳадсиз-ҳисобсиз терак кўчатлари бор экан. Ғалати, овруповорий иморатлар, гулшанлар ясалғон, неча юзлаб қўй, неча ўнлаб мол-сийирлар, яхши хўкузлар, неча жуфт отлар турганлар; деҳқончилик асбобларининг ҳам ҳар хили бўлган. Бу, албатта, илгари вақтда. Мана бу ички урушлар вақтида боғча тамом ишдан чиқиб, бир чакалакзор бўлиб қолган, иморатларни истехком ясаб олуб, босмачилар билан аскарларимиз, аскарларимиз билан босмачилар отишканлар. Ҳисобсиз милтиқ тешиклари яқин замондаги даҳшат

¹²⁷ Д.Қуроноф. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 50.

дамларни эсга солиб, масхара қилиб кулуб турадурлар...”¹²⁸. Чўлпон гарчи бу боғнинг бир пайтлари маҳаллий тўранинг “ўзингдан чиққан балога” қабилида иш тутиб яҳудий бой Симхоевнинг фойдасига иш кўриб, ерлик деҳқонларга етказган заҳматлари эвазига барпо бўлганини эсласа-да, бир пайтлари обод бўлган жойни ички урушлар туфайли шундай ҳолга келиб қолганидан ачинади.

Ўрни билан Чўлпон сафарномада водийнинг гўзал табиатини, саховатли тоғларининг таърифини келтиради: “Ўшнинг яқинидаги тоғлар ҳайбатлик бўлиб кўруна бошладилар. Ўш ва Андижон уездларига кўклам фаслида ривоч (шукри) етиштириб бературган “Шукри тоғи” кўм-кўк кўкариб ўнг биқинимизда турадур”¹²⁹, – деб ёзади.

“Вайроналар орасидан” сафарномасида Чўлпон атроф-оламга кўпроқ танқидий назар ташлагандек туюлади. Юқорида эслатганимиздек, сафарномадаги таҳлилийлик конфликтликнинг ўзига хос типи кўзга ташланади, қайсики у саёҳатчи баёнчи ва у тасвирлаётган дунёнинг ўзаро таъсирида пайдо бўлади”¹³⁰. Шу маънода Чўлпон сафар давомида ўзи шоҳид бўлган айрим зиддиятли манзараларни тап тортмай қаламга олади. Миллатнинг руҳи уйғоқ вакили, юрт зиёлиси сифатида Чўлпон шўро давлатининг маданийлаштирилган мустамлака сиёсати моҳиятини ва табиатини нозик фаҳмлайди. Бир ҳалол деҳқонни ноҳақ ўғрилиқда айблаган Хўжаобод пахта пунктининг хазиначиси Зубовнинг ноўрин тухмати, зўравонлиги масъул идоралар томонидан жазоланмай қолаётганидан ғурури оғрийди. Жалолободга кетишда Қорасув станциясида бор билетни йўқ деб, навбатда турган одамларни дўқ уриб тарқатиб юборган, сўнг касса ортига ўтиб, “Бир нарса беринг, билет топамиз!” – демакчи бўлиб қўли билан “оқча”га ишорат қилган” темирўлчининг ҳийласи... поезд ичида ... тубжой

¹²⁸ Чўлпон. Вайроналар орасидан. Андижон-Ўш-Жалолобод. <https://ziyouz.uz/matbuot/jadid-matbuoti/abdulhamid-cholpon-vayronalar-orasidan-1924/>

¹²⁹ Келтирилган манба.

¹³⁰ Громова Н. А. Путевые картины Генриха Гейне // Человек и наука. 2006.

халққа қилинаётган муомалаларни тоза томошо”¹³¹ қилади. Бу ердаги миллий айирмачиликни, энди туғилиб келаётган, 70 йил давомида ўзбек халқининг бошига меҳнат билан баробар миннат ёғдирган пахта монокультурасининг зарарини ҳам Чўлпон олдиндан англаб етган деб ўйлаймиз. Чунки Чўлпоннинг адабий-танқидий мақолаларининг ичида айнан сафарномаси билан тенгдош, 1924 йилда ёзилган “Қаламнинг тойилиши” мақоласи бор. Балки, ушбу мақоланинг ёзилишига сафар таассуротлари ҳам туртки берган бўлиши мумкин. Мақолада Чўлпон шўро матбуотининг шовинистик сиёсатини яхшигина фош қилган, бу мақола озроқ юмшатовчи: “Ҳазил аралаш” сарлавҳа қўшимча изоҳ билан “Муштум” журналида эълон қилинади.

Сафар давомида Чўлпон ҳам тасвирловчи, ҳам таҳлилчи сайёҳ-муаллиф кўзи тушган ҳолат, вазиятга ўзининг тўғри баҳосини беради. Энг эътиборлиси: юртининг тарихини яхши билган, бугунини чуқур таҳлил қилиб турган, эртасининг ташвиши, келажагини тасаввур қилган зукко миллат фарзанди сифатида мавжуд муаммоларга ечим қидиради. Ўш тоғларида табиат инъоми ўлароқ қайнаб чиқиб ётган булоқлар устига танда куриб олган нафси бузуқларни кўриб: “Тоғнинг қора жонсиз ва кўпол тошларининг ҳам бир “хосияти”, бир “каромати” бор бу мамлакатда. Кўл тикилса кўл оғримайтурган, бош тикилса-бош оғримайтурган “муборак” чуқурчиқлари бор у тошларнинг! Ҳар бир “шифоҳона” олдида бир шайх, бир очкўз, таъмакор алдамчи ёлғон ва ёлғон сотиб ўтирадур”¹³², – деб афсус чекади, шу ёлғонларга алданиб, турли ирим-сиримлар ботқоғига ботиб кетаётган ҳам умрини, вақтини, ҳам маблағини бекорга совураётган аёлларга қарата: “Бечора ўзбек хотуни! Сенга 12 ёшингда кафан кийгазган жаноблар туғилган кунингдаёқ сени иримларнинг бемаъни кучоқларига ирғитадурлар!

¹³¹ Чўлпон. Вайроналар орасидан. Андижон-Ўш-Жалолобод. <https://ziyouz.uz/matbuot/jadid-matbuoti/abdulhamid-cholpon-vayronalar-orasidan-1924/>

¹³² Келтирилган манба.

Билмайсен. Билмайсен. Билмаганинг учун сен ҳали кўб йиллар шу иримлар учун энг тоза умидларингни сўлдиргайсен!”¹³³ – деб надомат чекади.

Шу ерда Чўлпон хотин-қизларни эскича қараш, ана шундай ирим-сиримларнинг беъмани кучоғидан суғуриб олишнинг чорасини кўрсатади: “Сенинг билмоғинг, ўрганмоғинг учун кенг йўл очилган шу замонда сенга очилғуси мактабларнинг таъминоти учун маҳаллий маблағ (местное средство) нинг кўпайишини тилайлик!..”¹³⁴.

Шифобахш булоқлар масаласида эса Чўлпон 1914-1915 йилларда матбуотда ўқиган бир “ўрус миллатчисининг” Туркистондаги курортбоп жойларни кўз остига олиб ёзган мақоласини эслар экан, чўлпонона зарофат билан чор мустамлакаси “Осиёнинг шу ёввойи адирлари ўрнида “муаззам ва бўлинмас Русия”нинг рус завқини сепайтурган гўзал “Баден-Баден”ини кўрар эди”¹³⁵, – деб ёзади. Чўлпоннинг фикрича, энди бу масала билан маҳаллий ҳукумат шуғулланиши лозим: “Бугунги ҳазрати Айнъ том маъноси билан бир курурт эмасдур. Лекин шундай қилиниши керак. Туркистон шўролар жумҳуриятининг бу ҳол қимматбаҳо жойларини ҳеч бўлмаганда Қрим ва Қафқазия курортлари билан тенглаштиришга тегиш”¹³⁶.

“Вайроналар орасидан” сафарномасининг муаллифи кўзи билан кўрганларини кўнгилга ўтказди, шоир кўнгил кўзгусида, адиб кўнгил кўзгусида акслантириб, энди уни ақл тарозисига кўяди. Сайёҳ-муаллиф Чўлпоннинг билим закоси, маънавияти, теран дунёқараши, ҳаётий тажрибалари ва энг муҳими, Ватанга, элига, миллатига бўлган буюк муҳаббати билан уйғунлашган йўл хотиралари қоғозга тушади.

Юқорида таҳлилга тортилган сафарномалар тархи-тузилишига эътибор берсак, маърифатпарвар ижодкорлар: Фурқат, Муқимий анъаналаридан фарқли ҳолатда жадид адиблари ўз сафарномаларини насрий йўлда яратганларини кўрамиз. Негаки бу йўл уларга саёҳатлари давомида халқ

¹³³ Чўлпон. Вайроналар орасидан. Андижон-Ўш-Жалолобод. <https://ziyouz.uz/matbuot/jadid-matbuoti/abdulhamid-cholpon-vayronalar-orasidan-1924/>

¹³⁴ Келтирилган манба.

¹³⁵ Келтирилган манба.

¹³⁶ Келтирилган манба.

турмушининг турли жабҳаларига чуқурроқ кириб бориш, ҳаётий муаммоларга теранроқ назар ташлаш, уларни ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил этиш, муносабат ва хулоса билдириш, ўз нуқтаи назарини, позициясини намоён этиш каби имкониятларни берди.

Фитратнинг “Ҳинд сайёҳи”, Бехбудийнинг “Қасди сафар”и жадиличлик ҳаракати Туркистон бўйлаб кенг ёйилаётган бир пайтда яратилиб, бу сафарномаларда бориб кўриш, ўрганиш, чоғиштириш, ибрат олиш, амалда кўллаш, миллатни юксалтиришдек мақсад-моҳият яққол кўринади. Чўлпоннинг “Вайроналар орасидан” сафарномаси эса 1924 йилда ёзилган. Маълумки, бу пайтда туб жой аҳолисига жуда катта ваъдалар бериб, амалда дастлабки қадамлариданоқ тамомила тескарисини қилаётган большевиклар ҳокимият тепасида эдилар. Сафарноманинг яхлит бир руҳоний оламига эътибор берсак, унда чин маънодаги ватанпарвар, халқпарвар, элим, юртим деб жони оғриётган, жафо тортаётган ўз ижтимоий-эстетик идеалига эга бўлган муаллифнинг ҳақиқий миллий қиёфасини, ғурурини, умидини, армон-изтиробларини кўрасиз. Бу армонлар, изтироблар оёғи билан шўролар жамиятида туришга мажбур, онгу шуури билан, тафаккури билан унинг мунофиқона башарасини яққол кўриб турган Чўлпоннинг жадиҳ қаламидан тўкилган битиклардир. Шунинг учун ҳам Туркистон ўлкасининг 20-йиллардаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий қиёфаси ҳақида яхшигина маълумот берадиган “Вайроналар орасидан” сафарномасини ўқиган зукко китобхон унинг қатидаги Чўлпоннинг “Кишан кийма, бўйин эгма” деган ўтли нидосини илғаб олиши қийин эмас.

Ўтган аср бошидаги жадиличлик ҳаракатида фаол иштирок этган маърифатпарварлар орасида Бехбудийнинг садоқатли шогирдларидан Ҳожи Муиннинг ҳам ўз ўрни бор. Миллат тараққийси учун курашган Ҳожи Муин ўқитувчилик қилди, шеърлар битди, пьесалар ёзди, ҳажвиялар яратди. Ҳожи Муиннинг адабий меросидан ҳажман кичик бўлса-да, аммо мазмун-моҳиятига кўра салмоқли “Каттақўрғон хотиралари” деб номланган сафарноманинг ҳам ўрин олганлиги эътиборга лойиқ.

Ҳожи Муин сафарномасида ҳам асосан, жаҳид ижодкор нигоҳини ҳис қиламиз, жаҳид муаллиф қалами йўналтирилган соҳалар, муаммолар ҳам ўқувчи учун янгилик эмас. Аммо Ҳожи Муин сафарномасида ўқувчининг диққатини жалб қиладиган шундай ҳақли эътироф борки, бу ўн йилдан бери Каттақўрғонда ҳоким бўлиб ерли аҳолига ҳамиша инсоф ва адолат доирасида муомала қилиб келган ва шу сабабли ҳам ўн биринчи марта сайловда Каттақўрғон шаҳар думасига раисликка сайланган рус полковниги Рояс ҳақидаги маълумотдир.

Шаҳар думасига ўтказилган сайлов тафсилотларига қизиққан Ҳожи Муин сайловда хотин-қизлар иштирокига ижозат берилмаганига эътироз билдириб: “... хотинлар ҳам инсон болалари эди, уларнинг ҳам бу сайловда иштироқ этмоққа ҳақлари бор”¹³⁷, – дейди. Айни пайтда полковник Рояс ҳақидаги хабарни эшитиб мамнун бўладики, бу мамнунликнинг сабабини шундай изоҳлайди: “Мен 6 йил бурун Каттақўрғонга муаллим бўлиб борғонимда бошлаб шул ҳокимнинг қошига кирган эдим. Ҳоким (полковник Рояс, таъкид бизники – Ҳ.Н.) менинг кимлигимни, нима учун келганлигимни сўраб жавобни олғондан сўнг шу мазмунда насиҳат ва таълимот берганлиги хануз эсимда бор: “Эшитаманки, Самарқандда мулло Абдулқодир деган бир муаллиф усули жаҳид мактаби очиб болаларни яхши ўқитмоқда экан. Сиз ҳам ўшал муаллим каби болаларни яхши ўқутингиз. Болаларга шундай муомала қилингизки, улар ҳам сиздай кўрқсунлар ва ҳам сизни севсунлар”. Мен умримда бир рус оғзиндан шундай тўғри ва хайрихоҳона сўзларни биринчи дафъа эшитганим сабабли ниҳоятда шодлонғон ва руҳлонғон эдим”¹³⁸, – дейди.

Биз миллатимиз тарихи саҳифаларидан “Биз ерли аҳолини 50 йил мобайнида тараққиётдан, мактабдан ва рус ҳаётидан четда тутиб келдик”¹³⁹ деб ғурурланган генерал-губернатор Куропаткин, шовинистликда ундан қолишмайдиган Черняев, Скобелев, Кауфман сингари чор Россияси

¹³⁷ Ҳожи Муин. Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 70.

¹³⁸ Келтирилган манба. – Б. 71.

¹³⁹ Н.Каримов ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – Б. 14.

амалдорларининг ўзбек халқи олдидаги “хизматларини” яхши биламиз. Аммо Ҳожи Муиннинг рус полковниги Рояс ҳақидаги маълумотлари “Саёҳатномалар... энг ишончли тарих ёки тўғрироғи, тарихларнинг энг ишончлисидир... Бу гувоҳликлар бизнинг ўз тарихимизни танишимизда чексиз бир қиммат ва аҳамиятга эга”¹⁴⁰, – деган фикрнинг ҳақлигини тасдиқлайди.

Рус амалдорининг шахсини холислик билан баҳолаган Ҳожи Муин маҳаллий бойларимизнинг ҳимматсизлигидан озорланади: “Қиморимиз ҳам Каттақўрғонга яқинлашибдир. Нарсаларни йиғиб бўлиб, вагун тризасиндан бошимни чиқариб ушбу йил ёмғирсизликдан экин бўлмағон ерларга қарамок ила баробар турли фикрларга чўмиб кетдим. Зотан ёмғир кўб ёғғон йилларида ҳам Туркистоннинг экинлариндан ҳосил бўлғон донлар ўз аҳолисига зўрға етишур эди. Бу йил ёмғурсизликдан экинларнинг баракаси учуб, ўлкамиз қимматчилик устинда қаҳатчиликка ҳам дучор бўлди. Бу жиҳатдан қашшоқ ва камбағаллар, бева ва бечораларнинг тирикчилиги ниҳоятда оғирлашди. Бой ва қашшоқ, табиий, ҳар ўлка ва ҳар миллатда бор. Мутамаддун миллатлар орасидан бойлари кўп бўлиб, қашшоқлари оздур. Аммо бизларнинг ярим маданий бўлғонимиз учун бойларимизга нисбатан қашшоқларимиз ниҳоят кўпдур. Бизлар билан маданий миллат орасидан кўнгилни ачитатурғон яна айирма шуки, унлар ўз қашшоқларини кичикликдан бошлаб тарбият қилалар, ўқуталар, одам қилалар. Ва бу йўл билан ўз фақирлик томирини қуруталар”¹⁴¹, – деб ёзади муаллиф.

Ҳожи Муин Каттақўрғонда ерли аҳоли учун янги мактаб очилмаганлигидан баъзи кишилар ўз болаларини татарларнинг мунтазам мактабларига беришларига мажбур бўлаётганини афсус билан қайд этади. “Қироатхонасини ҳам бориб кўрдим. 60-70 қадар мусулмоний, мундан ортиқроқ русча турли рисола ва китоблари ва 10-15 турли мусулмоний ва

¹⁴⁰ И.Фафуров. Мангу латофат. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 42.

¹⁴¹ Келтирилган манба. – Б. 69.

русий мажмуалари бор экан. Аммо бу нарсаларни ўқиятурғон киши йўқ деярлик даражада оз кўринадир. Сабаб бўлса... маълум...”¹⁴².

Ҳожи Муин Каттақўрғондаги бўм-бўш кироатхонанинг аҳволини Самарқанддагиси билан солиштирар экан, халқимизнинг фаолиятсизлигидан, лоқайдлигидан кўнгли оғрийди: “Самарқандда катта бир шаҳарнинг кироатхонаи исломияси ўн йилдан бери давом этиб, ўзининг кундалик мутолаачисини ҳануз ўн нафарга еткура олмағонда Каттақўрғон кироатхонаси ўз мутолаачиларини нечук кўпайтирсун?”¹⁴³, – дейди киноя билан муаллиф.

Ҳожи Муин бу ҳолатнинг бош сабабини илмсизликда, миллатнинг “фикри очилғон” фарзандлари жуда камсонли эканлигида деб билади ва бунинг ечимини “ҳар ерда кироатхонадан бурун мактаблар очилсун, фикри очик мутолаачилар етишдурулсун. Ундан кейин кироатхона очмоқга эҳтиёж тушар”¹⁴⁴, – деб белгилайди.

Сафар давомида Ҳожи Муин “Марваж ул-ислом”, “Равнақ ул-ислом” каби жамиятларнинг “ёлғуз тумтароқли исмлар”идан бошқа эътироф этадиган биронта ҳам хайрли ишлари йўқлигини таъкидлар экан, улар номларига яраша мусулмонларни тараққий эттирмоқчи бўлсалар, “мунтазам мактаблар очсунлар, сўнгра эски мадрасалардан фойдасиз ҳомийларни чақириб, аларнинг ўрнида кераклик илм ва фанларни киргизсунлар ва бу йўл билан мусулмонларни маорифдай баҳраи об этиб, жаҳолатдан кутқарсунлар”¹⁴⁵, – дейди.

Сафар давомида Ҳожи Муинни миллатимиз вакилларининг бефарқлиги қийнайди, у афсус ва надомат билан шитоб тезлигида ўзгариб бораётган “замонга ярайтурғон билги ва онгимиз йўқ эди, хуррият неъматлариндан керагинча истифода қилолмай турамиз”, – дея афсусланади.

Ҳожи Муин ўз сафарномасининг бошиданок устози Беҳбудий анъанасини кўллаб (“Падаркуш”даги бой образини эсланг), ўз тақдирига,

¹⁴² И.Фафуров. Мангу латофат. – Тошкент: Шарк, 2008.– Б. 72.

¹⁴³ Келтирилган манба.– Б. 72.

¹⁴⁴ Келтирилган манба .– Б. 72.

¹⁴⁵ Келтирилган манба .– Б. 72.

атроф-оламда бўлаётган ўзгаришларга лоқайд қарайдиган миллатдошларини рамзий маънода уйқулик ҳолатда тасвирлайдики, бу аини Каттакўрғон саёҳатида кўрган, ўзи шоҳид бўлган, миллат тараққийсини орқага тортаётган вазият ва бундай вазиятнинг бошида турган масъулларга ўзига хос ишорадир.

2.3.8. Шўро даври сафарномаларининг етакчи хусусиятлари

Ўтган асрнинг 10-йилларида Фитратлар, Чўлпонлар тарафидан илгари сурилган, тарғиб қилинган миллатнинг дунёхабардорлик тушунчаси шўролар даврига келиб мутлақо кераксиз, тақиқланган ақидага айланди. Шоир Жамол Камол айтганидек, “Туркистон халқлари, жумладан, биз ўзбеклар ҳам етмиш уч йил давомида уй қамоғи жазосига маҳкум этилган одамдек, остона хатлаб дунё гузарига чиқишга ҳаддимиз бўлмади. “Чамаси эллик миллион аҳоли яшайдиган регионда бир-икки консулхонани ҳисобга олмаганда, на бир хорижий авиаширкат идораси бор... Биз дунёдан соқитмиз, дунё биздан соқит. Дунё даврасида бор-йўқлигимиз маълуммас”¹⁴⁶, – дейди шоир 73 йиллик шўро давридаги дунёбехабардорликдан нолиб.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин шўролар ўзларининг мафкуравий курулларини яна миллат бошига, унинг илмли, зиёли қатламига қаратиб кўйди. Уруш туфайли Европани кўриб, кенг оламга чиқиб, озми-кўпми дунё хабардорликдан баҳраманд бўлганлар онгу тафаккуридаги янгиланишлар, қарашларни бошқалар билан баҳам кўриб кўймасинлар деган таҳликада шахсан Сталин ташаббуси билан партиянинг санъат ва адабиёт бўйича чиқарган қатор қарорлари (“Звезда” ва “Ленинград журналлари тўғрисида”) зиёлиларнинг, хусусан, ижод аҳлининг тилларига солинган қулф бўлди.

Ана шу шароитда, зуғумда, босимда ижод қилган, онда-сонда бирор сабаб билан хорижга чиқиб келган шоир, ёзувчилар ҳам асл ҳақиқатни айтишга, сафар таассуротларини чин маънода бўлишишга, ҳавас ва ҳайратларини очиқ билдиришга ҳамма вақт ўзларини чеклаганлар.

¹⁴⁶ Жамол Камол. Абдиёт остонасида. Сайланма. Олти жилдлик. III жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – Б. 23.

Билдирганлари ҳам барча соҳада биз зўр эканмиз, ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун тамойили ва амали фақат бизнинг социалистик Ватанда экан, биз манглайи ярақлаганлар яхши ҳам шу юртда яшаймиз, бунинг учун партиямизга тасаннолар қабилдаги сўзлардан ортиғини айта олмаганлар. Албатта, солиштириш, чоғиштириш каби жаид сафарномаларининг етакчи белгилари шўро даври сафарномаларида ҳам қайсидир маънода сақланган аммо бу сиёсат ва мафкура манфаатигагина хизмат қилган. Адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони И.Ғафуров Ойбекнинг Покистон сафари тафсилотларини ўз болалик хотираларида қайта тиклар экан, бу сафар 50-йиллар учун жуда катта воқелик бўлганини мурғак онги билан англаб етганини эслайди. У муаллим тоғаси обуна бўлган нуфузли нашрлардан “Қизил Ўзбекистон” газетаси саҳифаларида ўша пайтлари эълон қилинган Ойбекнинг “Покистон хотиралари” ҳақида шундай дейди: “Аввал бундай нарсани ҳеч кўрмаган ва ўқимаган эдим. Биздан ташқаридаги олам ҳақида ўқиган биринчи нарсамиз худди мана шу Покистон хотиралари. Ўзбекнинг назари ҳам шундай нарсаларга етар экан-да, деб ўйлардик ва бу бизга мўъжиза бўлиб туюлди. Кейин улғайиб, яна Покистон хотираларини ўқимоқчи бўлдим. Ўқий олмадим. Шунчалик жўн, ибтидоий ва арзон сиёсат бўлиб кўринди. Ёзувчи буларни қанчалар кучли тазйиқ остида улкан юрагини минг бора чангаллаб ёзганлигини ва ҳатто ўз ҳаётини катта хавф-хатар остига қўйиб ёзганлигини ўшанда бир оз бўлса ҳам англаб етгандай бўлдим”¹⁴⁷.

Ўзбек адабиётининг пешқадам вакилларида яна бири Ғафур Ғулом ижодида ҳам сафарнома характеридаги, ҳажман кичикроқ, икки қисмдан иборат йўл очерки бор. “Ҳоки Мусалло”, “Тахти Сафар” деб номланган бу битиклар “Совет Ўзбекистони” газетасининг 1966 йил 30 январь сониде босилган. Шоирнинг ўн икки томлик “Мукамал асарлар тўплами”нинг ўн биринчи томидан жой олган.

¹⁴⁷ И.Ғафуров. Ойбек бизнинг ҳаётимизда. Мангу латофат. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 207.

Академик Наим Каримов шундай ёзади: “... Ғафур Ғулом 60-йилларда эса бошлаган “янги ҳаёт” шабадасидан умидвор бўлди... У 1964 йилда вафотидан атиги икки йил аввал орзу қилгани Афғонистонга бориб, улуг ўзбек шоири Алишер Навоий қабрини зиёрат этиш шарафига эришди. “Дилим равшанлигин хиссим йўлида офтоб айлаб, Мазоринг бошида турмакдадурман сарҳисоб айлаб...” – деб ёзди у Навоий қабрини зиёрат қилгандан сўнг”¹⁴⁸.

Муҳтарам олимимизнинг маълумотлари Ғафур Ғуломнинг “Ҳоки Мусалло”, “Тахти Сафар” очерклари сюжетининг шаклланишида сафар, саёҳат маршрутининг аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди. Рус олимаси В.А.Шачкова ўзининг “Сафарнома бадиий адабиётнинг жанри сифатида: Назарий муаммолар” номли мақоласида: “Муаллиф томонидан сафар маршрутини танлашда объектив ва субъектив сабаблар: муаллиф мақсади, кизиқишлари, иштиёқ ва интилишлари асос бўлади. Танланган маршрутга мувофиқ асар у ёки бу фактлар билан тўлади. Бу фактларни танлаш, уларнинг у ёки бу қиррасини урғулаш муаллифнинг хулоса ва баҳолашида ойдинлашади. Бир сўз билан айтганда, фақат маршрут (саёҳат йўналиши)гина бутун асар сюжетини шакллантиради”¹⁴⁹, – дейди.

Маълумки, Ғафур Ғулом Навоий асарларини инсониятни камолотнинг катта йўлига олиб чиқадиган “йўлчи юлдузлар” эканлигини ўзининг қатор тадқиқотларида илмий асослаган. Катта заҳматлар эвазига “Фарҳод ва Ширин” достонининг насрий баёнини яратган. Буюк мутафаккир яратикларидаги қомусийлик, умумбашарий мазмун ва моҳият, мавзу кўламдорлиги теран инсоншунослик, тадқиқ ва талқин йўсини Ғафур Ғулом учун бир умрлик маҳорат сабоқлари бўлиб келган. Академик Наим Каримов таъкидлагандек, Ғафур Ғулом қалбидаги Навоий даҳосига буюк муҳаббат, чексиз эҳтиром уни Афғонистон сафарини танлашига сабаб бўлди. Сафар йўналиши аниқ: Афғонистон, Ҳирот, мақсад эса Навоий қабрини зиёрат

¹⁴⁸ Н.Каримов. XX аср адабиёт манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 268.

¹⁴⁹ Шачкова В.А. “Путешествие” как жанр художественной литературы: Вопросы теории. Вестник Нижегородского университета им. Н.И.Лобачевского. 2008, №3. – С. 280.

килиш. Буюк мутафаккирнинг туғилган, назари тушган, қадами етган масканларни бориб кўриш.

Рус олимаси Шачкова илгари сурган назарий фикр Гафур Гуломнинг ҳар икки асари “Ҳоки Мусалло”да ҳам, “Тахти Сафар”да ҳам ўз исботини топган. “Ҳоки Мусалло” Ўрта Осиёнинг қадим шаҳарларидан саналган Ҳиротнинг географик ўрни таърифи билан бошланади. Каспий денгизидан Ҳинд дарёсигача, Эрон кўрфазидан Амударёсигача чўзилган йўллар айнан Ҳиротда бир-бирини кесиб ўтади, дейди муаллиф. Шаҳар жойлашувининг бундай стратегик ўзига хослиги сайёҳ-муаллифнинг таъкидлашича, ҳамма даврларда ҳам босқинчи зўравонларнинг тамаи-ҳирсини қўзғаб келган. “VII-VIII асрларда араб-ислом истилочилари, 1222 йилда Чингизхон қўшини томонидан эгаллаб олинган ва хароб қилинган. Чунончи, Чингиз қўшинлари босиб олишдан илгари Ҳиротда бир миллиондан ортиқ халқ яшаганлигини ривоят қиладилар. Чингиз қўшинлари бу катта аҳолини қилич дамидан ўтказган, қатли ом қилган эди. 1383 йилда Темур уни босиб олди. У ҳам ўзидан илгариги араб, мўғул босқинчиларидан қолишмади. Ҳиротни бузди, ёрди, талади, халқини қирғин қилди. Лекин кўп қатли омларга учраган Ҳирот Темурнинг ўғли Шоҳрух ва Ҳусайн Бойқаро (1408–1507) даври салтанатларида хийла тузгунликка, қайта обод бўлишга юз тутди. Бутун Осиёнинг кўркам шаҳарларидан бирига айланди”¹⁵⁰.

Шу ўринда Бобур Мирзонинг Ҳирот билан боғлиқ маълумотларига эътибор берсак. “Бобурнома”да шундай дейилади: “Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳирий шаҳри мамлу эрду. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллиғи бор эрди, ҳиммати ва ғарази ул эрдиким, ул ишни камолга тегургай... яна Ҳирийким рубъи маскунда андоқ шаҳр йўқтур ва Султон Ҳусайн мирзонинг замонида мирзонинг тасарруфидин ва такаллуфидин Ҳирийнинг зеб ва зийнати бирга ўн, балки йигирма тараққий қилиб эди”¹⁵¹.

¹⁵⁰ Ғ.Ғулом. Хоки Мусалло. Мукамал асарлар тўплами. 12 жилдлик. 11-жилд. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 378.

¹⁵¹ З.М.Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. –Б.159

Бири XVI асрда, бири XX асрда яратилган, бир шаҳарнинг тарихига бағишланган маълумотларда муштараклик, ўхшашлик жиҳатлар бўлганидек, ўзига хос, ички бир айирмалар ҳам бор. XVI аср кенгликларидан туриб Бобур Мирзо Ҳирот тарихига, унинг ривож ва юксалишида темурий хукмдорларнинг ўрни ва аҳамиятига қанча юксак баҳо берса, 1964 йилда ёзилган “Ҳоки Мусалло”да Гафур Ғулом саёҳат хотираларини ҳам шўроларнинг мафкуравий рақасига солишга мажбур бўлган. Амир Темурнинг тарихдаги хизматлари ноҳолис баҳоланиб, “феодал босқинчи” ёрлиғи билан мустабид тузум таъқиқ ва тазйиқлари авж олган бир пайтда Гафур Ғулом Амир Темурни ҳам Чингизхонлар билан бир қаторда кўришга мажбур эди. Ҳиротнинг иқтисодий, маданий-маънавий юксалишида, “ажаб замоне” даражасида эътироф этилишида Ҳусайн Бойқаронинг жуда катта хизматини очеркнинг бор йўғи бир ўрнида, одмигина тилга олинади. Зеро, Гафур Ғуломдек нуқтадон, қомусий шоир “Бобурнома”ни ўқимаслиги мумкин эмас эди. Ундаги маълумотларда юқорида гувоҳи бўлганимиздек: Хуросон, хусусан, Ҳирот Султон Ҳусайн Бойқаро замонида гуллаб-яшнаб ер юзининг одамлар яшайдиган қисмининг беқиёс кўркам шаҳрига айлангани, Ҳирот фазл аҳли, истеъдодли санъаткорларга Ватан бўлгани, ҳар бир инсон ўзи машғул бўлган ҳунарини камолот чўққисига чиқармаса, тиниб-тинчимаслиги ҳақида алоҳида завқ билан сўйлар экан, Бобур Мирзо Султон Ҳусайн Мирзонинг саъй-ғайрати ва тақаллуфидан Ҳиротнинг зеб-зийнати билан бирга ўн, балки йигирма баравар обод бўлганлигини эътироф этади. Гафур Ғулом “Ҳоки Мусалло”да бу тарихий ҳақиқатларни келтириш у ёқда турсин, “Бобурнома”ни ҳам, унинг муаллифини ҳам эслашдан ўзини чеклайди. Чунки юқорида эслатганимиздек миллий тарихимизнинг бурилиш нуқталарида турган Амир Темурга ҳам, Бобур Мирзога ҳам мавжуд мафкура ўғай муносабатда эди. Энди шу жойда XXI аср сафарномаси: Қамчибек Кенжанин “Буюклар изидан” номли саёҳат хотираларига эътибор қаратсак: “Шаҳар (Ҳирот – Н.Ҳ.) дастлаб Мироншоҳга, кейин Шохрух, Абу Саид, Султон Ҳусайн Бойқаро ва бошқа темурий хукмдорларга пойтахт бўлиб

хизмат қилган, шу пайтларда янада таракқий этган. Ўрта Шарқнинг йирик савдо, ҳунармандчилик ва маданий шаҳрига айланган. Салобатли, кўркам иморатлар, иншоотлар қурилган. Ҳиротнинг энг гуллаган даврларида Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳофизи Аbru, Мирхонд, Бехзод каби машҳур шоир, мутафаккир олимлар, мусаввирлар яшаб ижод қилишган. Афсуски, Султон Ҳусайн вафотидан сўнг Ҳирот яна қўлдан-қўлга ўтиб, ўз обрў-эътиборини йўқота бошлайди”,¹⁵² – деб ёзади сайёҳ-муаллиф.

Мустақиллик шарофати билан жуда улкан маънавий-маърифий-илмий мақсадда ташкил этилган Бобур номидаги халқаро экспедициянинг Афғонистон бўйлаб қилган 3-сафари таассуротлари ёритилган бу асарда Қамчибек Кенжа қалам озодлигига, ижод эркинлигига, тафаккур мустақиллигига эришган адиб позициясида тура олган. Қамчибек Кенжа биргина Камолиддин Бехзод мисолида Бобур Мирзонинг Ҳирот аҳли фазллари, беназир эли ҳақида айтганлари нақадар ҳақлигини исботлаб шундай ёзади: XV асрда Ҳиротда яшаган камбағал ҳунарманд фарзанди Камолиддин етимликда ўсган. Султон Ҳусайн Бойқаро кутубхонасининг китобдори Мирак Наққош ундаги мусаввирлик истеъдодини пайқаб ўз тарбиясига олади. Бехзод Озарбайжон (Табриз), Хуросон (Ҳирот) ва асосан Мовароуннаҳр (Бухоро) мусаввирлик мактабларининг анъана ва ижодий ютуқларини ўрганган ва ўзига мужассамлаштирган. Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий раҳнамолиги ва ғамхўрлигида тасвирий санъатнинг пири комили даражасига эришди. Зеро, ул икки шахс (Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий – Н.Ҳ.) санъат, бадииятнинг, маънавият ва маърифатнинг беғараз ва бемисл ҳомийлари, мураббийлари эдилар”¹⁵³.

Қамчибек Кенжа ўз сафарномасида Шарқда “Моний соний”, Ғарб санъатшунослигида “Шарқ Рафаэли” дея улуғланган Камолиддин Бехзод ҳақида маълумот бера туриб, 70 йил давомида шўро сиёсати айтишга йўл қўймаган, мафқуранинг қора қутисида сақланган шоён ҳақиқатни: Султон

¹⁵² Қамчибек Кенжа. Буюклар изидан. (Сафарнома-3). – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 81.

¹⁵³ Келтирилган манба. – Б. 83.

Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ҳамкорлиги, буюк дўстлигининг хайри, файзи ҳақида ҳам катта бир қониқиш, фахр билан фикр юритган. Шу ўринда рус олими В.М.Гуминскийнинг: “Асосан билиш ва ўрганишдан ташқари, кўшимча равишда сафарномалар эстетик, сиёсий, публицистик, фалсафий ва яна бошқа бир вазифаларни илгари суриш мумкин”¹⁵⁴, – деган фикрларини эслаш жоиз. Чунки биз таҳлилга тортаётган “Хоки Мусалло” қатида ҳам, “Буюклар изидан”да ҳам ўқувчи интеллектини бойтадиган маълумотлар айни пайтда рус олими санаган бир қатор: эстетик, сиёсий, фалсафий мушоҳадаларга ҳам йўл очиб, сафарнома жанрининг бошқа бир қатор вазифаларини ҳам юзага чиқаришга хизмат қилади.

Ғафур Ғулом шундай ёзади: “Айниқса, унинг (Ҳиротнинг – Н.Ҳ.) Мухтор тоғи этакларида жойлашган Хиёбон деган ери ва у ерда обод қилинган Мусалло (Намозгоҳ) деган майдон жаҳонга машҳур бўлди... улут Алишер Навоийнинг Мусалло ерида қурдирган бир талай иморатлари жуда таҳсинга сазовордир. У бу ерда катта бир масжиди жоме бино қилдирди. Дор ул-хуффоз (Қорилар мадрасаси). Дор уш-шифо (Соғайиш уйи) бино қилди. Бу Дор уш-шифо Хиёбоннинг ғоят латофатли ва ҳавоси тоза ўрнида қурилган бўлиб, атрофидан Инжил наҳри оқар эди... Навоий ўз харажатлари ҳисобидан қурдирган бинолардан яна бири Ихлосия хонақоси ва Ихлосия мадрасасидир”¹⁵⁵.

Ғафур Ғулом атроф-оламга яхшилик қилишни, миллат келажагига хизмат қилишни, одамларнинг мушкулини осон қилишни инсонийликнинг олий кўриниши деб билган, “Нафъинг агар халққа бешак дурур, Билки, бу нафъ ўзунгга кўпрак дурур” аъмолини ўзига бир умр амал қилиб олган Навоий даҳосини ўқувчига таништирар экан, бу танишув бевосита Ҳирот тарихи ҳақидаги маълумотлар билан ёнма-ён боради.

Навоий қурдирган бинолар, энг аввало, оддий халққа хизмат қилганини, “Ёлғизбош инсонпарвар Алишер бу давлатларнинг ҳаммасини (вазирликдан

¹⁵⁴ Гуминский В.М. Путешествие // Литературный энциклопедический словарь. – М.: Сов. Энциклопедия, 1987. – С. 314-315.

¹⁵⁵ Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. 11-жилд. Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 378.

келадиган даромад ва бошқа тушумларни – Н.Ҳ.) оч, яланғоч, юпун, бечора халқнинг илм олиши, соғу саломат бўлиши, тўқ бўлиши учун сарф қилганини”¹⁵⁶ ёзади.

Ғафур Ғулом Навоий қурдирган бинолар жами 400 дан ошиқ бўлиб, булар асосан Ҳирот ва унинг атрофида эканлиги, айнан шу бинолар Ҳиротнинг кўркига кўрк қўшиб, уни Самарқанд ва Бухоро каторида тура оладиган ва муаззам шаҳарга айланишига сабаб бўлганини ёзади.

“Ҳоки Мусалло”да ҳам муаллиф қирғинбарот урушларни, тахт ва мазҳаб талашишларнинг оқибатини ўликлару тирикларга бирдек таъсирини катта бир инсоний дард билан Эрон сафавийлари сулоласи шоҳи Исмоилнинг Жомийнинг қабрига қилган тажовузи орқали ёритади. Ғафур Ғулом кўҳна Ҳирот бошига тушган шўришу ғавғоларни хронологик ёритишга ҳаракат қилар экан, воқеалар кечимини бир оз узилишдан сўнг яна Навоий билан боғлайди. Ғафур Ғуломнинг маълумотича, 1837–1856 йиллар Эрон шоҳлари сафавийлар ҳукмронлиги йиқилгандан сўнг, яна қайта Ҳиротга кўз тикадилар. Аммо инглиз ҳукуматининг аралашуви билан бу босқин бартараф этилади. XIX асрга келиб Англиянинг ўзи Ҳиротга кўз тикади, аммо ерлик халқ ва Россия қаршилиги туфайли бу хавф ҳам бартараф этилади.

Минг афсуски, “ўзингдан чиққан балога...” деганларидек, 1887 йилда икки афғон шаҳзодаси сардор Дўстмуҳаммадхон билан сардор Аҳмадхон ўғли Шаҳнавозхон ўртасидаги тож-тахт талашишида замонасининг энг даҳшатли тўпларидан бири – “Зилзила” замбараги орқали ваҳшийларча Мусаллони тўпга тутадилар.

Сайёҳ-муаллиф чуқур алам, катта бир ачиниш билан ўзак қирққан бу ёвуз, жаҳолатпарастларга қарата Ҳирот бошига келган бу харобаликни ҳеч қайси босқинчи: на араб, на мўғул, на Темур қилолган эмас, дейди.

Мана шу жойда сафар таассуротлари, асар сюжети яна Навоий билан боғланади. Бу боғланиш ўқувчига гўёки, ўлимдан кейин ҳам, жисман йўқликдан кейин ҳам, инсон қандай қилиб ҳаётда қолиши мумкин, деган

¹⁵⁶ Келтирилган манба. – Б. 379.

саволга жавоб беради. Сайёҳ-муаллифнинг гувоҳлик беришича, Мусалло бошига тушган мана шу 1887 йил харобалик ҳолатигача Алишер Навоийнинг Масжиди жоме, Дор уш-шифо, Дор ул-хуффо, Ихлосия ва бошқа мадрасаларида ўқишлар давом қилган, мударрис ва талабаларга вақф пуллари мукамал етиб турган. Демак, Навоий ўз амали билан ўлимидан сўнг ҳам яна тўрт аср ўзининг саховат қўлини инсониятга чўзиб турган, у Мусаллода тирик одамдек юрган, тирик одамдек моддият яратган. Ватандошларининг корига худди ҳаётлигида бўлганидек собит туриб яраган. Сафарнинг энг драматизм ва фожеий таассуротлари Ғафур Ғулом тарафидан шундай битилган: “... ўнг-терсига қарамай Мусаллони тўпга тутдилар. Жаҳон меъморчилигининг ноёб обидаларидан бўлган Мусаллодаги барча иншоотлар: масжидлар, жомелар, мадрасалар, саройлар, мақбаралар, нимаки бўлса, ер билан яксон қилинди. Мусалло, чинни пиёладай тошга урилиб, парча-парча қилинди. Темур авлодлари ва Ҳусайн Бойқаро хонадони ётган Даҳмаи шоҳон, Алишер Навоийнинг қабри – ҳаммаси тўпнинг ўтли нафасидан емирилиб ташланди. Жаҳонга машҳур Мусалло ерида қаққайиб қолган, ярми учган, калласи йўқ, хароб минораларни кўрасиз, холос”¹⁵⁷.

“Хоки Мусалло” сафарномасидаги бу лаънатнамо сатрларни ўқир экансиз, беихтиёр Абдулла Ориповнинг “Айтишув” шеъридаги “дунёни порох тўла хум устига ўтқазган” ёвуз авлод қиёфаси кўз олдингизга келади. Маълумки, Афғонистон образли қилиб айтганда, шоир таъкидлагандек, ҳали-ҳамон порох тўла бочканинг устида. Ғафур Ғуломдан кейин 36 йил ўтиб Афғонистонда, Ҳиротда бўлган Қамчибек Кенжанинг “Ҳинд сориға” сафарномасида шундай сатрлар бор: “Тарихда Мусалло ансамбли деб аталган бу қутлуғ масканни “ўраб” Ҳиротни гўё дунёга кўз-кўзланаётгандай кўкка бўй чўзган салобатли, нақшинкор миноралар ҳам инсонлар “талашуви”дан қаттиқ озор чеккан – замбарак ўқлари айримларини тешиб ўтган, баъзиларининг уч қисмини юлиб кетган, биттаси эса умуман йўқ – ер билан

¹⁵⁷ Ғ.Ғулом. Хоки Мусалло. Мукамал асарлар тўплами. 12 жилдлик. 11-жилд. –Тошкент: Фан, 1989. – Б. 381

яксон қилиб ташланган эди. Ансамбл таркибидаги гўзал ва ранг-баранг обидаларсиз миноралар ёниб кетган уйларнинг мўриларидай файзсиз сўппайиб туради...”¹⁵⁸.

“Ҳинд сориға” сафарномасида айтилишича, Мусалло ансамбли 20 йил давомида қурилган, Ғафур Ғуломнинг “Хоки Мусалло”сида ёзилишича бу ансамбл икки кўрнамак афгон шаҳзодалари томонидан бир кунда вайрон қилиб ташланди. Худди мана шу харобалик, вайроналик шу ҳолатда қолиб 36 йилдан сўнг Ҳиротга қадами етиб, хокитуробга айланиб қолган Мусалло қаршида турган сайёҳ Қамчибек Кенжани ҳам изтиробга солади. Айниқса, Алишер Навоий мақбарасининг афтодаҳол, ачинарли кўринишга келиб қолганлигидан сайёҳ-муаллиф хўрланиб кетади. Муаллиф ўзини ўша пайтдаги эзгин руҳиятининг ифодаси учун “Алишер Навоий” драмасидан, Навоий монологидан шундай моментни сафарномага киритганки, беихтиёр Қамчибек Кенжанинг топқирлигига тан берасиз: “Ҳайҳот! Хароба-ку!... мақбара ичида уюлиб ётган синиқлари, тош, кесакларга қараб, бу ерга яқин ўртада таъмирловчилар ҳам, бошқалар ҳам оёқ босмаганини сезиш қийин эмас эди... “Бу ерда Низомиддин Алишер Навоий дафн қилинган” деган ёзув битилган қора мрамор сағана тош синиб бўлиниб кетган эди... Одамнинг хўрлиги, йиғлагиси келадиган манзара... Мен беихтиёр “Алишер Навоий” драмасидаги ушбу байтни эсладим: Кўзим чиқсин сени кўргунча мундоқ, Кесилсин тил сени сўргунча мундоқ...”¹⁵⁹.

Ғафур Ғуломнинг Ҳиротга қилган саёҳати намуналари биргина “Хоки Мусалло”да эмас, балки унинг “Тахти Сафар” деб номланган кичик ўзига хос сафарномасида ҳам ўз аксини топган. Ёзувчи-сайёҳ бу сафарномада Мусалло хиёбонига туташ бўлган Тахти Сафар ҳақида гапириб, бу ерларда Навоий изи, нигоҳи қолганлигидан алоҳида сурур туяди. Ғафур Ғулом ўз сафарномасида оғиздан оғизга ўтиб келаётган халқ афсонасини эслаш билан Тахти Сафар жой номига аниқлик киритади. Сафар исмли чўпоннинг қизига

¹⁵⁸ Қамчибек Кенжа. Ҳинд сориға. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 46.

¹⁵⁹ Келтирилган манба. – Б. 45.

ишки тушиб қолган Ҳусайн Бойқаро қизнинг отаси талабига кўра улар яшаётган даштликларнинг тик ён-бағирларини обод қилади, қаср қуради ва кизни саройнинг биқик муҳитига олиб кетмай, шу ерда никоҳлаб олади. Кейинчалик бу ер катта сайлгоҳга айланиб кетади.

“Тахти Сафар”да ёзилишича: “Навоий замонасида бу ер кўклам, ёз кезлари ҳар оқшом шоирларнинг мушоира давраси, машшоқларнинг, ҳофизларнинг, ўйинчиларнинг санъат мусобақаси сахнасига айланган эди. Бу ерга фақатгина шоирлар, адиблар, мусиқачилар ва сарой аҳлларигина эмас, шаҳарнинг обрў-эътиборли кишилари ҳам чиқиб, вақтларини хуш ўтказар эдилар (Мен бу ерларда 1964 йилнинг кузида бўлдим. Тахти сафар ҳали ҳам ўз тароватини йўқотмаган эди)”¹⁶⁰, – дея гувоҳлик беради Ғафур Ғулом.

Мусаллонинг ғариб аҳволдан ғоят мутаасир бўлган сайёҳ-муаллиф ҳеч бўлмаганда Тахти Сафар бағрида яшаб қолган Навоий даври шукуҳини ҳис этгандек, бўлганига гувоҳ бўламиз. Тахти Сафарнинг бугунги кун қиёфаси ҳақида Бобур энциклопедиясида шундай маълумот берилган: “Тахти Сафар – Ҳирот шаҳри яқинидаги қирликда жойлашган дам олиш маскани... Алишер Навоий ташаббуси билан қир ён-бағрида улкан ҳовуз қовланиб, атрофида сўлим боғлар барпо этилган. Тахти Сафар ҳозир ҳам ҳиротликлар учун йирик сайлгоҳ саналади. Боғ кенгайтирилиб унинг худудида меҳмонхона, замонавий ресторан ва хизмат кўрсатиш корхоналари барпо этилган”¹⁶¹. Нима бўлганда ҳам Мусалло харобатидан сўнг, Ғафур Ғулом қалбида умид чироғини ёққан Тахти Сафарнинг тарих сахнасида тушиб қолмаганлигидан сафарнома ўқувчилари ҳам хурсанд бўлишлари табиий.

Шўро даври сафарномалари қаторида Абдулла Қаҳҳорнинг “Қирқ қувонч. Салом ҳинд халқига” (1956 йил) ҳамда “Ҳиндистон хотираларидан” (1966 йил) номли асарлари ҳам жой олган. Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига хос саёҳатнома характеридаги бу асарларини ўқир экансиз, ҳақиқатан ҳам, сафарномалар бағрида катта бир тарих ётганига, бу тарих бизга ўзлигимизни,

¹⁶⁰ Ғ.Ғулом. Тахти Сафар. Мукамал асарлар тўплами. 12 жилдлик. 11-жилд. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 382.

¹⁶¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент: Шарқ, 2014. – Б. 490.

маънавиятимизни, адабиёт ва санъатимизни эслатиб туришини, бу битиклар бизнинг яқин ва узоқ ўтмишимизни танишимизда катта аҳамиятга эга эканлигини ҳис этамиз. “Қирқ қувонч. Салом ҳинд халқига” сафарномасида Абдулла Қаҳҳорнинг 1955 йилнинг охирида Ҳиндистонга ўзбек санъаткорларидан иборат делегацияга бошлиқ бўлиб борганидаги хотиралари жой олган. Бу сафар ўша пайтлари собиқ шўро тузумининг тинчликсеварлик, байналминаллик сиёсати доирасида амалга оширилган бўлиб, Абдулла Қаҳҳор уни дўстлик сафари деб атайди. Сайёҳ-муаллиф сафарнинг умумруҳиятини, моҳиятинию мақсадини шундай ифодалайди: “Ўтган йилнинг охирида бир группа ўзбек санъат ходимлари Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига кўра, Ҳиндистонга борган эди. Делегация самолётда, поездда, автомобилда, пиёда юриб, олти минг километрдан ортиқ йўл босдик, ҳинд дўстларимиз айтмоқчи, “ҳар бири бир қувонч бағишлаган қирқ кун” давомида группа концерт бериб, концерт кўриб, қадимий ёдгорликлар, ҳозирги ҳинд маданияти, санъати билан танишиб, ўнларча шаҳарларда бўлди, юзларча қишлоқларни кўрди, юз мингларча томошабинлар билан саҳна орқали ва мингларча санъат, маориф, маданият, адабиёт, фан ходимлари, давлат, жамоат арбоблари билан бевосита суҳбат қилди”, – деб ёзади.

Абдулла Қаҳҳор ўзи масъул бўлган вазифадан келиб чиқиб “Қирқ кун...” сафарномасини ҳисоботнома характерида ёзади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, йўл таассуротлари туширилган материал табиати, услуби уни муаллифнинг ижтимоий-касбий мавқеига боғлиқ эканлиги яққол кўзга ташланади. Ана шу боғлиқлик сафарномаларнинг адабий-бадий оламини, мазмун-моҳиятини, сюжет-композициясини белгилайдики, “Қирқ кун...”да биз шунга гувоҳ бўламиз. Ўзбек санъаткорларига Ҳиндистон сафарида раҳбар бўлиб борган Абдулла Қаҳҳор оддий саёҳатчи, кузатувчи доирасида қололмайди. У ўзбек санъаткорларининг Ҳиндистоннинг ҳар бир штатида олий даражадаги чиқишларини ташкил этиш, учрашувлар баланд руҳда, самимий ва дўстона ўтишини таъминлаш, ҳинд-ўзбек ижтимоий-маданий-

адабий алоқаларида узилмас ришталарини намоён қилган тadbирларни баланд савияда ўтказилишига ҳам масъул эди. Ана шу руҳоният, бурч, масъуллик Абдулла Қаҳҳорнинг сафар битикларида ҳам ўз аксини топган. Айниқса, З.М.Бобурнинг инсоний ва ижодий даҳосига юксак баҳо бериб, уни дилбар шахс дея улуғлаган Жавоҳарлаъл Нерунинг беш асрдан кейин Ҳиндистон тупроғига оёқ қўйиб турган Мирзо Бобур авлодига чуқур эҳтиром кўрсатганлигини тасвирловчи лавҳалар ушбу сафарноманинг ҳаяжон билан ўкиладиган нуқталаридир.

Абдулла Қаҳҳор шундай ёзади: “Дехлида берган биринчи концертимизда Ҳиндистон Республикаси бош министри Жавоҳарлаъл Неру, президент ўринбосари Радхаккришнан, министрлар, парламент аъзолари, санъат ва маданият арбоблари, Дехли жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари ҳозир бўлди. Танаффус вақтида Неру кулисга кириб артистларни кутлади, қисқа суҳбат қилди: концертдан кейин саҳнага чиқиб делегациянинг ҳар бир аъзосига гулдаста тутди ва ҳаммани муваффақият билан табриклаб: “Ҳиндистонда қаерга борсаларинг, мана шундай хуш қабул қилинасизлар”¹⁶², – деди.

Ҳиндистон Республикасининг бош министри Жавоҳарлаъл Неру ўзбекистонлик санъаткорларнинг истеъдодини баҳолашда адашмаганлигини сафарнома давомида гувоҳи бўламиз. Абдулла Қаҳҳорнинг ёзишича, Бомбайда ўзбекистонлик санъаткорлар иштирокидаги концертга биринчи кун 8 минг, икки кундан кейин 15 минг, учинчи куни 22 минг томошабин киради. “Ҳинд томошабинлари, ҳинд матбуоти концертларимизга, артистларимиз санъатига жуда юксак баҳо берди”, – деб ёзади А. Қаҳҳор.

Сафарнома давомида делегация сафидаги ўзбекистонлик санъаткорлар номи билан танишар экансиз, Неру назарига тушган бу артистларимиз ҳали ҳаётлигидаёқ тирик афсонага айланган, ўзбек санъатини жаҳонга олиб чиққан истеъдодлар эканлигига амин бўласиз. А.Қаҳҳор улар ҳақида шундай ёзади: “СССР халқ артисткаси Ҳалима Носирова, Ўзбекистон халқ артисти

¹⁶² Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент: Шарқ, 2014.– Б. 106.

Карим Зокиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Дони Зокиров, Саттор Ярашев, Эргаш Шукруллаев, Анвар Бараев, Фоменко, Аюб Қодиров томошабинларнинг катта олқишига сазовор бўлишди. “Индиан экспресс” газетаси “Жозибадор санъаткор” деб атаган Галия Измайлованинг катта муваффақиятларини, яна шу газета “Булбул” деб атаган Саодат Қобуловага, ҳамма ерда бир хилда жуда зўр муваффақият қозонган Комилжон Отаниёзовга томошабин юксак баҳо берганини, ёшлик кучи, талант ва қалб эҳтироси билан қуролланган беш қиз – Жаҳон ёшларининг Варшавада бўлиб ўтган фестивали лауреатлари Қундуз Миркаримова, Тамара Юнусова, Раиса Хўжасаидова, Флора Кайдоний ва Бернора Қориеваларнинг муваффақиятларини алоҳида қайд қилиш керак”¹⁶³.

Адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг Абдулла Қаҳҳорнинг ушбу сафари билан боғлиқ бир хотирасини шу ўринда эслагимиз келди, чунки бу хотира сафар ва сафарнома тарихи билан боғлиқ айрим жиҳатларга аниқлик киритиши табиий. “Абдулла Қаҳҳор қирқ йил ижод қилган бўлса, ҳамиша унинг қалбида истиқлол ёлқини мавжланиб турган... у Ўзбекистонни ҳам, ўзбек халқини ҳам жон-дилидан яхши кўрар, жонажон юртининг дунёдаги ватанлар, юртлар ичида энг гўзал бўлишини, ҳар бир ўзбек ҳар жиҳатдан баркамол ва етук бўлишини истарди. У Ўзбекистон билан ҳам, ўзбеклар билан ҳам ифтихор қилар ва бу туйғусини бошқаларга ҳам юқтиришга ҳаракат қиларди. Мен яқин мулоқотларимиз давомида фақат бир мартагина унинг оғзидан билибми-билмайми, истиқлол ҳақидаги ошкора гап чиқиб кетганини биламан. Ўшанда Абдулла Қаҳҳор ўзбек санъаткорларига раҳбарлик қилиб бир ой давомида Ҳиндистонда бўлиб қайтган ва инглиз асоратидан эндигина озод бўлган бу қадимий ўлканинг қиёфаси, маданияти, тартиблари тўғрисида оғзидан бол томиб гапириб берганди. Ҳикоясининг сўнггида эса чуқур бир хўрсиниш билан “бизни мустамлакачидан ҳам ёлчитмабди-я!” деб афсусланган эди”¹⁶⁴, – дея хотирлайди О.Шарафиддинов.

¹⁶³ Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент: Шарқ, 2014. – Б. 107.

¹⁶⁴ О.Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 239.

Юқорида фикр юритганимиздек, шўро даврида ижодкор эрки ва тафаккурига солинган тушов бадий ижоднинг ҳамма турида амал қилганидек, сафар таассуротларини қоғозга туширишга ҳам сайёх-муаллифдан ўта эҳтиёткорликни, хушёрликни талаб қилган. Шунинг учун ҳам Абдулла Қаҳҳордек жасоратли адиб ҳам 50–60-йиллар шўро даври сиёсатида ўз сафарномаларида бундан ортиғини ёза олмаган. Шу ўринда яна О.Шарафиддинов хотираларига қайтсак: “Ҳиндистонда кўрган-кечирганларини Абдулла акага бир повесть ёки сафарнома тарзида ёзишни маслаҳат бердик. Абдулла ака мийиғида кулди-қўйди. Ўша айтган гапларидан битта кичкина мақола қилдию, нарига ўтмади”¹⁶⁵.

Абдулла Қаҳҳор ижодий мероси ичида айнан ёзувчининг Ҳиндистон сафари билан боғлиқ яна бир сафарнома характеридаги мақоласи бор. Бу мақолада Абдулла Қаҳҳор Ҳиндистонни ажойибот ва ғаройиботлар мамлакати деб атайди ва сафарнома аввалида Ҳиндистонда икки марта бўлганини – 1955 йилнинг охирида ўзбек санъаткорларидан иборат делегацияга бошлиқ бўлиб, кейин 6 йилдан сўнг 1961 йилда сайёх сифатида борганини айтади. Абдулла Қаҳҳорнинг Ҳиндистон сафарига бағишлаб ёзилган кейинги сафарномаси 1966 йилда яратилган бўлиб, “Ҳиндистон хотираларидан” деб номланади. Бу сафарномани ўқир экансиз, беихтиёр XX аср бошида Фитратнинг “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилочилари” драмаларида қўллаган бадий усул эсингизга тушади. Бу асарларда Фитрат Туркистон тақдири билан боғлиқ эрк, истиқлол, миллат ва Ватан озодлиги масаласини олис Ҳиндистон тарихи мисолида ёритганди. Абдулла Қаҳҳор ҳам долғали бу асрнинг нақ ўртасида туриб Ҳиндистон сафари баҳона миллатнинг бир бедор фарзанди сифатида кўнгил тубидаги чўкинди изтиробларни қоғозга туширади. Сайёх-муаллиф майса-майдонларда, йўлакларда, кўча-куйларда ётиб юрган, уйсиз-жойсиз, юпун, бир тери, бир суяк ҳиндларнинг аҳволини кўриб шундай ёзади: “Ҳамма жойда бир нарса кўзга ташланиб туради: баланд даражали тўқ одам бор, тубанларнинг тубани

¹⁶⁵ О.Шарафиддинов. Истеъдод жилолари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 110.

оч одам бор. Ҳамма нарса тўқ одамларники, ҳамма оч одамлар мана шу тўқларнинг хизматини қилиш учунгина яшайди, яшайди эмас, тупроқдан ташқарида умр кечиради”¹⁶⁶.

Кейинги жумланинг залвари шу даражада оғирки, унда нафақат биргина ҳинднинг, балки қуллик заҳмини қуллуғ ўрнида кўриб, шунга кўниб, мослашиб яшаётган бошқа халқларнинг ҳам ўлик сукунатларига қарши исён бор. “Қашшоқлик, тенгсизлик, одамнинг кадр-қимматини ерга урадиган бошқа ҳамма нарса ҳам ўтади; уйсиз уйлук бўлади, оч тўяди, гап бунда эмас, ҳамма гап шундаки, мана шу одамларда одамлик ғурури карахт бўлган, бу одамларда шундай ҳаётга қарши исён руҳи йўқ, аксинча, булар шу ҳаётни қариликдай, табиий ўлимдек ҳақ, деб билишар экан”¹⁶⁷, – деб ёзади Абдулла Қаҳҳор афсус билан. Олти йилдан сўнг 1961 йилдаги Ҳиндистон сафари ҳақида Абдулла Қаҳҳор шундай ёзади: “Мен бу сафар бошқа бир нарсани пайқадим ва бунга бениҳоят хурсанд бўлдим: беш-олти йил ичида катта ўзгариш юз берибди: мустамлакачилик даври ўрнатган қуллик руҳига раҳна тушибди... Модомики, одамлардаги ўша руҳга раҳна тушган экан, халқ қашшоқликдан чиқиш учун кураш йўлига кирган экан, бу халқнинг ғалаба қозонишига шубҳа йўқ”¹⁶⁸.

Адабиётшунос Озод Шарофиддинов Абдулла Қаҳҳор ҳақида ёзган мақолаларидан бирининг номини “Қалбида истиқлол ёлқини бор эди” деб номлаган эди. Ҳақиқатан ҳам, юқорида сафарномадан келтирилган парчаларда Абдулла Қаҳҳор биринчи 1955 йилдаги сафари битикларида айтолмаган фикрларини ҳам бир йўла ёзган, 5-6 йил мобайнида ўю хаёлини чўлғаб, оғир дарддек вужудини қийнаб келган изтиробларини иккинчи сафари баҳона қоғозга тушириб енгил тортган бўлса, ажаб эмас.

XX аср ўрталарида Ғафур Ғуломни Алишер Навоийнинг руҳонияти сафарга чорлаган ва бу сафар натижаси ўлароқ “Ҳоки Мусалло”, “Тахти Сафар” сафарномалари яралган бўлса, аср адоғига келиб Пиримқул

¹⁶⁶ О.Шарафиддинов. Истеъдод жилोलари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 236.

¹⁶⁷ Келтирилган манба. – Б. 237.

¹⁶⁸ Келтирилган манба. – Б. 237.

Қодировни Мирзо Бобур ва унинг авлодлари тарихи ва тақдирига бўлган кизиқиш йўлга чорлади ва бу саёҳат натижасида ёзувчининг “Сафарнома”си яралди.

“Бобур Мирзо ва унинг авлодлари ҳақида тарихий романлар ёзиш жараёнида Ҳиндистонга 3 марта ижодий сафар қилдим. Шимолдаги Кашмирдан тортиб жанубдаги Бомбей, Калькутта, Мадрас вилоятларигача кўп жойлар менда жуда ёрқин таассурот қолдирди. Жамна ва Ганга дарёлари, Ҳимолай тоғлари, йил бўйи ям-яшил бўлиб турадиган баланд хурмо дарахтлари, паҳлавон филлар ва бошқа турли хил табиий мавжудот Бобур Мирзо даврида бўлгани каби ҳозир ҳам бор”¹⁶⁹, – деб ёзади Пиримқул Қодиров.

Сафарнома “Иқлим ва ҳаёт”, “Иқтисод ва техника”, “Эғалик масъулияти”, “Инсон эрки ва давлат назорати”, “Тарих”, “Дин ва ахлоқ” деб номланган кичик-кичик 6 қисмдан иборат. Бизга маълумки, сафарномаларда муайян дунёқарашни, бевосита воқеалар иштирокчиси, кузатувчи бўлган сайёҳ-муаллифнинг образи асосий аҳамият касб этади. Сайёҳ-муаллиф образининг нутқи сафарнома жанрининг тарҳи – тузилишини шакллантиради. Шунинг учун ҳам аниқ мақсадни кўзлаб чиққан сайёҳ-муаллиф Пиримқул Қодиров воқеа, ҳолатларни ўз мақсадига кўра саралайди, ўқувчи ҳаётини нотаниш юртлар, бегона манзил маконларга бошлайди, миллати, дини, тутуми, яшаш тарзи бутунлай ўзгача одамлар ҳаётига нигоҳ ташлайди.

Сафарнома бошида муаллиф Ҳиндистоннинг иссиқ иқлимини таърифлаб, бу ўлка ҳақида ўқувчида дастлабки таассуротларни илиқ бир туйғулар билан қоришиқ ҳолатда уйғотса, Ҳинд уммони бўйида Мадрас, Майсор, Бангола атрофларида ҳатто декабрь ойида ҳам очилиб, муаттар хид таратиб турадиган гуллар тароватини кўзлаб қалбингизни олис ҳинд диёрининг табиати билан ошно қилиб қўяди.

¹⁶⁹ Қодиров П. Қалб кўзлари. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б. 40.

Ёзувчи Ҳиндистоннинг гўзал табиати, сахий боғ-роғлари, зироатчилигидан сўйлаб туриб, ўлканинг олис тарихига назар ташлайди. Минг йиллар давомида Ҳиндистон бирор маротаба ҳам бошқа юртларга кўшин тортиб бормаганлигини, босқинчилик йўлини тутмагани, аммо бу юртнинг бой табиати, меҳнатсевар халқи, унумдор тупроғи, шуҳратпараст фотиҳларни доимо ўзига чорлаб келганини айтади.

Сафарнома саҳифаларини бир-бир варақлар эканмиз сайёҳ-муаллифнинг 300 йилдан зиёд Бобур ва бобурийларга бағрини очган бу диёрга чексиз муҳаббати, ҳурматини сезасиз. Миллий тарихий романчилигимиз устаси А.Қодирий “мен кўрмаган, билмаган нарсам ҳақида ёзмайман... бирор жой тўғрисида асар ёзмоқчи бўлсам, ўша жойни аввал неча маротаба кўрган эсамда, яна бориб текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман”¹⁷⁰, – деб ёзган.

Қодирий романчилик мактабининг истеъдодли давомчиларидан бири Пиримқул Қодиров Бобур ва бобурийлар ҳақида тарихий романларини ёзиш жараёнида, албатта, Ҳинд диёрининг табиатини, халқини, тарихини, иқтисоди, маданиятини шундай ўрганишни мақсад қилиб қўйдикки, бу унинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” каби тарихий бадий эпик кўламдор асарларининг юзага келишида қўл келди. Шу билан баробар ёзувчи ижодида яна бир мустақил жанр сафарнома ҳам яралган ва бу асар қатида ёзувчи ҳинд халқининг кўп минг йиллик тарихига ҳам мурожаат қилар экан, бу тарих саҳнасида Мирзо Бобур ва унинг шонли авлодлари қолдирган изга эътибор қаратади. Қадимдан турли элларни тинч-тотув яшашга, бағрикенг бўлишга, биродарларга муроса қилишга ўргатувчи энг қадимий ахлоқ низомлари Ҳиндистонда минг йиллар давомида ўз кучини йўқотмай келиши, ҳинд халқи минг йиллар давомида “Ману қонунлари”, “Ахтарвавса”, “Гита” каби ахлоқномалар руҳида яшаб келиши ёзувчининг назарида бу халқнинг маънавиятидаги собитликнинг асосий илдизидир.

Сафарномада Пиримқул Қодиров худди жаҳид сайёҳлари каби жанр талабидан келиб чиққан ҳолда қиёс, солиштириш йўлидан борганига ҳам

¹⁷⁰ А.Қодирий. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2014. – Б. 813.

гувоҳ бўламиз. Ўзбекистонда бўлгани каби Ҳиндистонда ҳам кўпчилик аҳоли қишлоқларда яшашига эътибор қаратган ёзувчи, асосан, ҳинд уйларининг томлари бамбук барглари билан ёпилган, оддий, одми уйлар эканлигини, катта кўчалар ёқасида шинам қурилган ғиштин бинолар ҳам учрашини айтади. Ёзувчининг диққатини жалб қилган нарса қишлоқларда ҳам, шаҳарларнинг оддий аҳоли яшайдиган маҳалла-кўйларида одамларнинг қулфу калитсиз, темир панжараларсиз, бемалол бир-бирларига ишониб яшашларидир. “Бир вақтлари ўзимизнинг Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларимизда ҳам қулфланадиган жойлар жуда оз бўларди. Ҳатто бозор расталарида қимматбаҳо буюмлар сотиладиган дўконлар кечаси фақат чий билан бекитиб кетиларди. Мен бу яхши одатни ўша жойда соғинч билан эсладим”¹⁷¹, – деб ёзар экан муаллиф ўзаро инсоний муносабатларда ишонч, садоқат, вафо, иймон, инсоф каби туйғуларнинг ўрни ва аҳамиятини ўқувчига яна бир қарра эслатади. Ҳиндистонда шаҳар, қишлоқлар фаолият юритадиган беш кишидан иборат ҳайъат маъмурий ишларга, тўйга, азага мутасадди бўлиб, худди Ўзбекистондаги маҳалла кенгашлари каби иш олиб боришини айтиб, Ҳиндистондаги биродарлашган шаҳарларнинг маҳалла панчаятлари билан Тошкентдаги маҳалла кенгашлари борди-келди қилсалар, тажриба алмашсалар, деган фикрни ҳам билдиради.

Сайёҳ-муаллифнинг эътиборини саноати шитоб билан тараққий этаётган, индустриал мамлакатга айланаётган Ҳиндистонда ҳамма одамлар тежамкорликка ўргатилгани тортади. “Кимки исрофгарчиликка йўл қўйдими, бунинг пулини чўнтагидан тўлайди. Чунки ҳар бир қарич ер, ҳар бир кило цемент, ҳар бир сўм пул – эгалик. Кўпгина корхоналар, қурилишлар ва йўллар давлатники. Лекин улардаги ҳисоб-китоб ва шахсий манфаатдорлик худди хусусий мулк эгаларидагига ўхшаш иқтисодий жавобгарлик асосига қурилган”¹⁷², – деб ёзади муаллиф.

¹⁷¹ Келтирилган манба. – Б. 42.

¹⁷² А.Қодирий. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2014. – Б. 45.

Сайёҳ-муаллифни мамнун этган яна бир ютуқ, ҳинд олимларининг узок изланишларидан сўнг Жанубий Америкада ўсадиган янги бир буғдой навини Ҳиндистон иқлимига мослаштириб, мамлакатнинг буғдой ҳосилини ўн йил давомида икки баробарга оширганлари бўлди. Шу тариқа 800 миллионлик аҳолини буғдойга бўлган эҳтиёжи қондирилади, чет элдан валютага дон сотиб олиш ташвишига барҳам берилади. Бу катта меҳнат натижасини сайёҳ-муаллиф катта миқёсдаги тадбиркорлик дея баҳолайди. Шу ўринда Абдулла Қаҳҳорнинг “Ҳиндистон хотиралари” сафарномасида ҳинд халқининг мустамлакачилик сиёсатинининг қарахтлик руҳини янчиб, фаровон жамият кура олиш ҳақидаги 60-йилларда билдирилган башоратининг ҳақлигини эслаш жоиз.

Пиримқул Қодиров ўз сафарномасида ҳинд халқининг Бобур ва Бобурийлардан қолган тарихий обидаларни кўз қорачиғидек асраётганларини алоҳида эътироф этади: “Йигирма йил давомида Деҳли ва Аграларга уч марта борган бўлсам, ҳар сафар Мирзо Ҳумоюн, Акбаршоҳ мақбараларининг нураган жойини таъмирлаётган уста сангтарошларни, катта боғ ва ҳовлиларда эса майсазорга зеб бериб, дарахтларни парвариш қилиб юрган ўнлаб боғбонларни кўраман. Айниқса, кейинги борганимда Тожмаҳал ва Акбар боғи кўзимга аввалгидан ободроқ кўринди. Чунки Ҳиндистоннинг ўлмас фарзанди Индира Ганди умрининг охириги йилларида бу обидаларга алоҳида эътибор берган экан”¹⁷³, – дейди.

Сафарноманинг Индира Ганди ва Акбаршоҳга бағишланган саҳифалари сафарнинг ҳам, сафарноманинг ҳам энг ҳаяжонли ифтихорга тўла нуқтаси бўлса керак. Пиримқул Қодировнинг ёзишича, Индира Ганди Германиянинг Франкфурт шаҳрида чиқадиган газетанинг “Сиз Ҳиндистоннинг қайси ҳарбий ғалабаларидан ифтихор қиласиз?” деган саволига Акбарнинг ғалабаларидан ифтихор қиламан дея жавоб берган, ҳамма вақт Акбарнинг узокни кўра оладиган доно ва бағрикенг раҳбар бўлганини таъкидлар экан.

¹⁷³ Келтирилган манба. –Б. 50.

Пиримқул Қодиров тўрт аср ортга қайтиб Бобурнинг бутун Ҳиндистонда ичкилик тайёрлашни ҳам, сотишни ҳам, ичишни ҳам маън этадиган махсус конун чиқарганини эслар экан, Ҳинд халқининг асаби бутунлигини, ҳаёли, андишали, босиқ-вазминлигининг сабабини одамлар орасида ичкиликбозликнинг йўқлигидадир, дейди.

Сайёҳ-муаллифни Ҳиндистоннинг китоб дўконларида Бобур ва унинг авлодлари тарихи билан боғлиқ китоблар савдоси қизиқтиради. Дехлидаги тарихий китоблар билан савдо қиладиган “Oxford book” китоб магазинидан 1983 йилда 500 рупийга сотиб олган китоби – Абдулфазлнинг “Акбарнома”си “Авлодлар довони” романини ёзишда қўл келганини айтади. Китоб дўкони пештоқида Бобур Мирзонинг “Бобурийнома”сининг инглизча нашри, Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома”си, Жаҳонгирнинг “Тузуки Жаҳонгири” жой олиб турганини фахр билан айтади.

Пиримқул Қодиров сафарнома якунида шундай фикрларни айтади: “Сафардаги ўйларимни якунлаб айтмоқчиманки, халқлар ва мамлакатлар бир-бирларининг энг яхши тажрибаларига қизиқиш билан қарасалар, уларни ўрганиб, саралаб, маъқул бўлганини қабул қилсалар, бундан ҳар икки томон ҳам, башарият ҳам ютган бўларди”¹⁷⁴.

Ҳақ рост сўзлар яхши мақсадда амалга оширилган сафар, эзгу ниятда битилган сафар таассуротлари нафақат ўз даври учун, балки вақт ўтиб кейинги авлод китобхонлари учун ҳам ибратли тарих ўлароқ хизмат қилади.

Боб бўйича хулосалар:

1. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётида Муқимий биринчилардан бўлиб мемуар характердаги, маълум қолипга тушган поэтик услубдаги “Саёҳатнома” жанрини бошлаб берди.

2. Нодим Намангонийнинг ҳар бири мустақил битикдек алоҳида номланган асарларини сафарнома сифатида бирлаштириб турувчи жиҳат – уларда саёҳат маршрутининг аниқлиги ва саёҳатчи-муаллиф шахси, унинг объектив ва субъектив дунёси.

¹⁷⁴ А.Қодирий. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2014. – Б. 60.

3. Аҳмад Донишнинг “Наводур ул-вақое” асари тарихий, фалсафий, мемуар асар бўлиб, унинг фақат икки бобида Бухоро амири элчилари сифатида Русияга борган адибнинг сафар таассуротлари берилган.

4. Европа тамаддунини ўз кўзи билан кўрган, Шарқ илм-фанининг Туркистондаги қомусий намояндаси Аҳмад Дониш сафар хотиралари Москва, Петербург каби Русиянинг маданий, маъмурий марказларида ривож топган шаҳарсозлик, йўлсозлик маданияти, илм-фан ютуқлари, давлат раҳбарларининг илм аҳли, адабиёт ва санъат вакилларига муносабати масаласига қаратилганлиги билан ажралиб туради.

5. Жаҳид адабиёти вакиллариининг саёҳатномалари ўзига хосдир. Уларда кўплаб ижтимоий-маърифий, публицистик, бадиий-эстетик, фалсафий, сиёсий мақсадлар кўзда тутилган. Солиштириш, қиёслаш жаҳид сафарномаларининг таянч усули бўлиб, уларда фактографик ва аналитик ёндашув ёнма-ён, параллел олиб борилади.

6. Чўлпоннинг “Йўл эсдаликлари”да муаллиф саёҳат мавзусини ўз ижодий ниятига кўра бадиий усул сифатида қўллаган. Асарда сайёҳ-муаллиф реал, борлиққа эмас, кўпроқ ўз руҳиятига сафар қилгандек бўлади. Лиро-романтик руҳда суратланган сафар таассуротларида сайёҳ-муаллиф ижтимоий-эстетик идеалини ифодалайдиган рамзийлик кўзга ташланади.

7. Октябрь тўнтаришидан олдин ва ундан кейин яратилган жаҳид сафарномаларида ҳам муаллифнинг атроф-оламга қарашларида жаҳидчилик ғояларининг устунлиги кўзга ташланади. Хусусан, “Вайроналар орасидан” сафарномасида муаллиф жамиятда илдиз отаётган шовинистик сиёсатнинг асл юзини кўрсатган.

8. Жаҳид сафарномалари ўзигача бўлган сафарномаларнинг жанр-хусусиятларини, анъаналарини ҳам мазмунан, ҳам шаклан бойитди. Жаҳид сафарномаларида оламга, реал борлиққа муносабат масаласида муаллиф-сайёҳнинг истилочилик характери ўзгараётган жамият фонидида яққол кўзга ташланади.

9. Давр мафкуравий тазйиқлари ва ижоддаги мавжуд қолиплар сабаб шўро даври-ёзувчилари сафар таассуротларини чин маънода бўлишишга, хавас ва хайратларини очик билдиришга ҳамма вақт ҳам ўзларини чеклаганлар.

10. Ғафур Ғуломнинг “Тахти сафар” ҳамда “Ҳоки Мусалло” сафарномалари муаллифнинг Ҳирот сафари, Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаролар ҳимматидан баҳра топган Хоки Мусаллонинг кейинги тақдири билан боғлиқ хотира битикларигина бўлиб қолмай, бу асар ўз даври навоийшунослигида ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Ғафур Ғуломнинг “Тахти сафар”ида сайёҳ-муаллиф тарафидан асар сюжетида киритилган Сафар подачи ва Бойқаро афсонаси сафарноманинг бадиий-эстетик таъсирини оширган ва айна пайтда Навоийнинг ижтимоий фаолияти ҳақида тўлиқ тасаввур уйғонишига сабаб бўлган.

11. Абдулла Қаҳҳорнинг “Қирқ қувонч. Салом Ҳинд халқига” сафарномаси 50-йилларда Англия мустамлакасидан озод бўлган Ҳинд диёри ва Ҳинд халқи ҳаётидан ҳикоя қилиши билан бирга у ўзбек санъатининг дунё миқёсига чиққан шонли тарихидан маълумот берувчи хотиралар ҳамдир.

III БОБ. ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ САФАРНОМАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

3.1.§. “Бобурийнома” маърифий романи сафарнома сифатида

Мустақиллигимиз шарофати билан юзага келган “Бобур” жамғармаси ва “Бобур изидан” экспедицияси жуда катта янги ва яхши ишларни амалга оширди. Унинг бевосита таъсир ва кўмагида бир қанча янги илмий, бадиий, публицистик, тарихий асарлар дунё юзини кўрди. Жумладан, Хайридин Султоннинг “Бобурийнома” маърифий романи ҳам “Бобур изидан” халқаро илмий экспедицияси таассуротлари асосида ёзилган. Бу ҳақда ёзувчи шундай ёзади: “Насибам қўшилган экан, 1992 йили Бобур Мирзо ва унинг авлод-аждодлари изидан йўлга чиққан бир гуруҳ бобурпарвар дўстлар билан Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони мамлакатларида бўлдим. Ўн тўрт кишидан иборат илмий экспедициямиз аъзолари олтмиш кечаю олтмиш кундуз йўл юриб, жуда катта масофани босиб ўтдилар. Бу унутилмас сафар Ўзбекистон тарихида ўзига хос бир воқеа бўлиб қолади”¹⁷⁵.

“Бобурийнома” маърифий романининг муаллифи, ардоқли адибимиз Хайридин Султон – мозий билан бугунги кунни солиштириб, қадимий шаҳарларнинг кўркам қиёфасини гавдалантириб, турли хил инсонлар, уларнинг турмуш тарзи, кечинмаларини ўзида мужассамлаштириб, ҳаётий ва ижодий изланишларни олиб борган ёзувчилардандир. Унинг қаламига мансуб бир неча асарлари ичида “Бобурийнома” асари ўзгача тузилишга эгаллиги билан ажралиб туради: “...унда муайян тарихий шахс ёки ҳодиса ҳақидаги билимлар билан бир қаторда китобхоннинг қалбини ларзага солувчи, ақл-идрокини забт этувчи тўқима қаҳрамонлару воқеалар”¹⁷⁶нинг берилганлиги асарнинг маърифий роман ҳисобланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Роман учун танланган ном унинг мазмуни билан узвий

¹⁷⁵ Х.Султонов. Бобурийнома (маърифий роман). – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа компанияси Бош таҳририяти, 1997. –Б. 5 (Ушбу манбадан олинган кейинги иқтибосларнинг саҳифаси қавс ичида кўрсатилади).

¹⁷⁶ С.Содиқов. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси (адабий-танқидий мақолалар). – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 187.

боғлиқ. Буни муаллиф шундай изоҳлайди: “...китоб Бобур Мирзо ва унинг шонли зурёдлари ҳаётининг маърифий таҳлилига баҳоли қудрат бир интилиш сифатида дунёга келди. Ўлмас “Бобурнома”нинг уммондек теран мазмуни, соф, содда, мардона тароватига чексиз ҳавас қилиб, китобга “Бобурийнома” деб ном берилди. Албатта, маъною мундарижа жиҳатидан улуғ аждодимиз битган мумтоз асар яктодир, бу борада Ҳазратга асло етиб бўлмас. Бизнинг умидимиз улки, шояд шаклан бўлса-да, фаромуш битикларимиз “Бобурнома”ни эслатиб турсин” (7-б.).

Сафарнома туркумига мансуб асарлар қаторидан ўрин олган ушбу асарнинг айрим хусусиятлари, ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Асар ижодкори буюк бобокалонимиз Захириддин Муҳаммад Бобурнинг муборак қадамлари теккан заминларда бўлиб, у ва ул зотнинг шонли авлодлари амалга оширган бунёдкорлик ишларини улкан иштиёқ билан ўргандилар. Шу мақсадда ташкил этилган “Бобур изидан” халқаро илмий экспедиция аъзолари 1992 йилда Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Афғонистон давлатларида бўлиб қайтишди. Ўн тўрт кишидан иборат бир гуруҳ зиёлилар икки ой мобайнидаги сафар давомида бир қанча воқеаларнинг гувоҳи бўлиш билан бир қаторда, кўпгина тарихий маълумотларни тўплашга ҳам муваффақ бўлишди. Келтирилган маълумотлар асарда ўз ўрнида акс эттирилган ва муаллиф муносабати билан шарҳланганлигини кўрамиз. Масалан, экспедиция Бухорога борганда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги маълумотлар, Эроннинг муаззам обидаси – Имом Ризо мақбараси қошида бобурийларнинг Эрон шоҳи Таҳмасп билан биродарлик муносабатлари (Пиримқул Қодиров асари мисолида), Кунёдаги Жалолиддин Румий мақбараси зиёратида Румий ҳақидаги маълумотлар ўз ўрнида, образли қилиб айтганда, “узукка кўз солгандай” тасвирланганки, бу китобхоннинг ҳам бадий савиясини оширишга, ҳам илмий маълумотлар захирасини бойитишга бирдек хизмат қилади. Асарнинг “30 май. Дамаиқ. Шаҳар четидаги кўҳна масжид” кичик сарлавҳаси остида қуйидаги маълумотларни келтирилади: “Мусулмон оламида эътироф этилган бешта

шариф шаҳар бор: Қуддуси шариф, Бухорои шариф, Тоифи шариф, Мозори шариф, Шоми шариф. Дунёнинг беш шаҳридан бири бўлмиш бу кўхна маконга бобурийлардан ҳазрати Бобурнинг иккинчи ўғли Комрон Мирзонинг қадами теккан” (88-б.). Мана шу ўриндан бошлаб Бобур Мирзонинг Комронга муносабати, унга юборган насихатномаси, Мирзо ҳаёти ва феъл-атворидаги мураккабликлар, унинг ижоди ҳақида муҳим, ҳатто ноёб маълумотлар берилган. Шу билан биргаликда, муаллиф адабиётшунос олимлардан қолишмаган ҳолда шахзода шоир ижодидаги муҳим образларни унинг ҳаёт йўли билан қиёслаб ўрганган, Бобур ва Комрон Мирзоларнинг биттадан ғазали орқали ота-бола шоирлар ижодида анъанавийлик ва издошлик тамойилларини акс эттирган (93-б.). Бор-йўғи уч бетлик бу тадқиқот келажакда катта илмий изланишларга замин бўладиган даражада қимматли аҳамиятга молик, назаримизда.

“Бобурийнома”нинг сафарномалардан фарқловчи хусусияти ундаги бадиийликнинг устуворлиги мавзуга яқин бўлган бир нечта ҳикоялар ва бир қиссининг берилганлиги билан ҳам изоҳланади. Жумладан, “Йўлбарснинг туғилиши”, “Ой ботган паллада”, “Паноҳ”, “Бобурнинг тушлари”, “Тавба”, “Нуқта” каби ҳикоялар ва “Саодат соҳили” қиссасининг келтирилиши асар мазмунини янада бойитишга хизмат қилади. Бобур Мирзонинг ҳаёт йўлига, эзгу ишларига баҳо бериш жараёнида муаллиф бевосита мозийга мурожаат этгани сезилиб туради. Тарихий далиллар асосида ўз қимматига эга бўлган воқеаларнинг ёзувчи томонидан моҳирона ёритилгани ушбу китоб ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойитади. Бобур ва бобурийлар даври, ҳаёт тарзи, Бобурнинг ички кечинмалари тўғрисида тўлиқроқ маълумотга эга бўлишни таъминлайди. Масалан, “Йўлбарснинг туғилиши” ҳикояси учун танланган сарлавҳанинг ўзида рамзий маъно бор. “Бобур” исми “йўлбарс” деган маънони англатади. Умаршайх Мирзо ва Қутлуғ Нигорхонимнинг тўнғич ўғлига исм қўйиш жараёнини тасвирлаш, воқеага табиийлик тусини бериш учун ов мавсуми танлангани ҳам бежиз эмас. Бизга маълумки, ҳукмдорларнинг кўпчилиги учун шикор севимли машғулотлардан бири

ҳисобланган, шу жумладан, Умаршайх Мирзонинг ҳам. Шундай шикорларнинг бири Умаршайх Мирзо етти йилдан бери кутган фарзанди дунёга келишига тўғри келади. Бу галги ов бошқаларидан фарқ қилади. Сайёд ҳукмдор ўлжасини мўлжаллаб қанча ўқ узмасин, ўлжа ҳар сафар чапдастлик билан қутилиб қолади. Бундан аччиқланган ҳукмдор унинг кетидан от чоптиради ва ногаҳон даҳшатли ўқирик овозидан ўлжасини таъқиб этишни тўхтатади. Сайёд ҳукмдор безовталанаётган отини тинчлантириб, ўзини чангалзор панасига олади ва унгур ортига назар ташлайди. У ерда тўлғоқ азобидан инграётган мода йўлбарсга кўзи тушади. Узоқдан от чоптириб келаётган навкарларига шовқин солмаслик ишорасини беради. Уларнинг саволомуз нигоҳини сезиб чуқурликда ётган мода йўлбарс томонга ишора қилади. Улар агар ижозат бўлса, йўлбарсни отишларини сўрашади. Умаршайх Мирзо эса, бу номардлик бандасига ҳам, Оллоҳга ҳам хуш келмаслигини уқтиради ва ўлжаларидан бирини шу ерда йўлбарснинг тамаддиси учун қолдириш кераклиги ҳақида буйруқ беради. Қўни-қўнжилари ўлжага тўлиб, ортга қайтишади. Йўлда пойтахтдан от чоптириб келаётган чопардан хушхабар эшитган Умаршайх Мирзо ўзида йўқ хурсандчилик билан сарой томон интилади. У ерда шоду хуррамлик авжида эди. Ниҳоят фарзанди аржумандига исм қўйиш вақти ҳам етади. Умаршайх Мирзо фарзандига Заҳириддин Муҳаммад деб исм қўяди. Шунда Юнусхон (Қутлуг Нигорхонининг отаси) “Бобур” – “Йўлбарс” деб ҳам чақиришни таклиф қилади. Бу тасодиқий ҳодисалар – Бобур Мирзонинг туғилиши билан боғлиқ бўлган хосиятдан нишона эди.

Шу ўринда ёзувчи туркийларнинг фарзанд туғилаётган пайтда бўлажак ота уйда бўлмаслиги керак, у туғилажак фарзанди учун овга чиқмоғи лозим деган қадимги туркийлар удумига ҳам мурожаат қилганлигини кўрамыз.

Бу удум мангу барҳаёт бўлган фольклор намуналари – эртакларда ўз аксини топган. “Тоҳир ва Зухра” каби эртаклар фикримизнинг далилидир¹⁷⁷.

¹⁷⁷ Бу ҳақда қаранг: Булбулигўё. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б.124.

“Бобурийнома” қатларидан ўрин олган ҳикоялар инсон учун маънавий озуқа беради. Сафар таассуротларини ўқиш баробарида бундай қизиқарли қиссаю ҳикояларни мутолаа қилиб бориш тафаккурни бойитади. Муаллиф сафар таассуротлари ҳамда тафсилотларининг баёни асносида ўзининг ҳикоя ва қиссаларини ўзаро уйғунлаштира олган. Ёш Бобурнинг тақдир битиклари ранг-баранг эди. Бирда қувонч ҳадя этган ҳаёт, бирда ғам-ғуссага кўмиб кўярди. Бобурнинг умр дафтаридан айрим лавҳаларни бадиий талқин этган Хайриддин Султон ўзининг “Ой ботган паллада” ҳикоясини яратади. Хайриддин Султон “Ой ботган паллада” ҳикоясини бевосита “Бобурнома”дан илҳомланган ҳолда ёзган, айти сабаб эса Бобур Мирзонинг сўлим Фаркат (ҳозирги Паркент)да бўлганида ёзилган номаларини варақлаш асносида юзага келган, адибни ажиб бир ҳаёллар оғушига ошуфта этган. “Бобурийнома” маърифий романига киритилган ушбу ҳикоянинг аҳамиятли томони шундаки, унда берилган воқеалар асл ҳақиқатга яқин, қолаверса, ёзувчининг маҳорати туфайли бадиий жиҳатдан бойиган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарини мутолаа қилар эканмиз, ундаги сўзлар фақат Бобур Мирзогагина хос бўлган услубда намоён бўлади ва биз уни “Бобурога сўз” деб атаёмиз. “Ой ботган паллада” ҳикояси қаҳрамонларининг тили ҳам айнан Бобурога сўзларга ҳамоҳанг тарзда битилган. Биргина Бобур Мирзо ва Нўён кўкалдошнинг қуйидаги суҳбати фикримизга далил бўла олади:

“–Бегим... ҳали хотирдан фаромуш бўлибдур... Мулла Ҳайдарнинг ўғли Мўмин Аҳмад Қосимни, каминани ва яна баъзиларни оғизлағон эди. Агар жаноблари ижозат берсалар...

–Хўп, ёмғир тингач – ижозат. Бироқ шарт шулким, бу кун ўтиб эрта тонгласи мен айтган манзилга етиб борурсиз. Биз тунда йўлга чиқамиз” (22-б.).

Ҳикоядаги тасвирлар шунчалик жонли, ҳаётий қилиб тасвирланганки, гўё китобхон Бобур Мирзо билан ёнма-ён юргандек таассурот уйғотади. Қаҳрамонларнинг сўзларидаги ҳарорат, самимият, дард – бари-барчаси

кўнглингиз кечмишлари каби таъсирчан ифодаланган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ирода, масъулият, сабр-бардошлилик каби хислатларни ўзида мужассам этган шахс сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Ҳикояда Бобур шахсиятига хос бўлган бир жиҳат хусусида шундай жумлалар берилган: “Бобур ўз табиатида хилофан негадир иккиланарди. Ҳар нечук, Шайбоний яқин, хатар бор. Эҳтимол... Лекин шундай жўмард йигитнинг шахдини қайтаришга нима учундир раъйи бўлмади” (22-б.). Демак, Бобур табиатида хос хусусият қатъиятлилик бўлиб, иккиланишлар унга ёт эди.

Буюк шох, шоирнинг она-ватанидан олисда, Ватан соғинчи ила яшаган кезларини ҳар бир бобуршунос турлича талқин этади. Ҳикояда эса бу туйғу кўйидагича талқин этилади: “Андижондан, киндик қони тўкилмиш, ўн икки яшарлигида тахтини тутган Андижонидан, тангри омонатини оладиган куни баҳузур узаниб, мангуга кўз юмушни ният қилиб қўйгани Андижондан тирик айрилганига Мирзо сира-сира тоқат қила олмас, ҳасратга тўла вужуди шу икки ўт орасида туну кун қоврилар эди” (24-б.). Зеро, Ватан туйғуси, юрт тушунчасини инсон қалбига сингдириш учун умрини ватандан олисда, ватан ишқида ёнган неча-неча тақдирлар мисолида гавдалантирамыз. Хаёлан яратган қиёфамизда эса Бобур сиймоси акс этади. Унинг ҳасратга тўла бўлган “ўтли, ҳароратли” ғазаллари ёдга келади.

Муаллифнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, маълум бир ҳодисалар устидан чиқарилган муайян хулосалари ҳамда мулоҳазакорлиги асарнинг ҳар бир сатрида ўзини намоён этиб туради. Жумладан, “Ой ботган паллада” ҳикоясининг нашр этилиши билан боғлиқ жараёнлар хусусида сўз юритар экан, ҳурмат, андиша каби инсоний фазилатлари намоён бўлишининг гувоҳи бўламиз: “... Шу нарсани ўзингиз бир ўқиб берсангиз”, деб мўлтираб туриб олдим... “Ҳай, майли, қолдириб кетинг. Кейинроқ бир кўнғироқ қиларсиз, - дея Пиримкул ака телефон номерларини айтди... Ўшанда адибни нақадар мушкул аҳволга қўйганимни орадан йиллар ўтиб – ёш ёзувчиларнинг машқларини ўқиб фикр айтиш ташвиши ўзимнинг ҳам бошимга тушганидан кейингина англаб етдим... Профессional адибларнинг вазифаси беминнат

хизмат кўрсатиш бюроси ходимларининг вазифасидан жиндай фарк қилишини ўшанда барча ёш қаламкашлар каби, афсуски, тушунмаган эканман” (39-б.).

Хайриддин Султон “Саодат соҳили” қиссасида “саодатманд шох” дея улуғланса-да, аслида қалбан бир мусофир, ғариб Бобур Мирзонинг ўзи томон зиёратга келган фарқантлик Ҳофиз Кўйкий билан муносабати тасвирида Ватанга бўлган муҳаббати, интилиш ва изтироблари очиб берилган: “Эрталаб беморнинг аҳволи-руҳияси хилий енгиллашди, аммо ҳамон дармонсиз эди. Ҳофиз Кўйкий бомдод намозидан сўнг у билан хайр-хўшлашиб, барча яхшиликлари учун қайта-қайта ташаккур айтди, Оллоҳдан шифо тилади. Хобгоҳда талай одам бор эди, бироқ Бобур мижжаларида йилтираган томчиларни ипак чорси билан артишдан истиҳола қилмади.

–Сизга нечоғли ҳавасим келишини билсангиз эди!

Унинг Ҳофиз Кўйкийга айтган сўнги сўзлари шу бўлди...” (339-б.).

Шу сўзларнинг ўзиёқ шоир Бобурнинг Ватанга ташналиги, бу ташналикни шоҳлик шавкати ҳам, жаҳонгирлик қудрати ҳам, афсуски, боса олмаганлигини сезиш, ҳис қилиш мумкин. Бу қисса алоҳида асар сифатида ҳам, “Бобурийнома”нинг бир қисми сифатида ҳам аҳамиятлики, у ҳақда бир неча адабиётшунослар ўз фикрларини билдирганлар. Жумладан, профессор А.Расуловнинг “Услуб ва санъаткорлик уйғунлиги” мақоласида қисса ҳақида, хусусан, ундаги образлар тўғрисида шундай фикрлар берилади: “Хайриддин Султонов “Саодат соҳили” қиссасида Бобур характерининг энг нозик нуқталарини мутафаккир, ижодкор Ҳофиз Кўйкий образи орқали ёритиб беради. Бошқача айтганда, ёзувчи характерни характер воситасида инкишоф этиш йўлидан боради. Ҳофиз Кўйкий – бетакрор сиймо. Бобур унга алоҳида меҳр, ишонч билан қарайди. Лекин Хайриддин Султонов Бобур қалбининг энг нозик ўринларига Кўйкий назари, тафаккури орқали кириб боради. “Саодат соҳили” қиссаси Хайриддин Султоновга Бобур моҳиятини англаш (англатиш)да бир босқич бўлди”¹⁷⁸.

¹⁷⁸ Расулов А. Услуб ва санъаткорлик уйғунлиги. –Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 308.

Сафарномаларда сафарга чиқилган кун, сафардошлар сони, уларнинг исми-шарифи, сафар муддати, сафардан кўзланган мақсад аниқ, лўнда изоҳланади. Бу жиҳатга ҳар бир ижодкор турлича ёндашади. Баъзи сафарномаларда таништириш қисми асарнинг бошланишида берилса, баъзиларида эса сафар таассуротларини тасвирлаш чоғида берилади. “Бобурийнома”да ҳам сафар иштирокчилари ҳақида мухтасар маълумот берилган. Экспедиция аъзоларининг ҳар бирининг исми-шарифи, касби-кори, энг муҳими эса ҳар бир қатнашчининг экспедиция давомидаги ўрни хусусида ҳам сўз юритади: “Абдуғани ҳожи Ҳамидов. “Эл” халқаро жамиятининг Андижон бўлими раиси. Узоқ йиллар вилоят савдо идораларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган, тажрибали, дунё кўрган, донишманд одам. Ҳожи аканинг сабр-салобати, ҳаётий ўғитлари, диний билимлари сафар давомида бениҳоя кўл келди” (48-б.).

Сафардан олдинги (экспедиция раҳбари билан бўлган учрашуви) воқеалар баёни, сафарга чиқиш тараддуди, сафарга кузатув маросими, сафар қатнашчилари ҳамда сафар таассуротлари, қолаверса, эришилган натижалар тушунарли тарзда акс эттирилган. Инсоний оқибат, ҳурмат, камтарлик, сўзлардаги самимият бизни бефарқ қолдирмайди:

“ЙЎЛБАРС ИЗИДАН

1992 йил, 19 май. Андижон.

Бугун тонгда Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция вилоят жамоатчилигининг дуои фотиҳасини олиб, йўлга чиқди. Сафар ҳомийларидан бири – Андижон пахта тозалаш заводи иккита сутранг “Тойота” микроавтобусини хизматимизга тақдим этди...

Бобур мирзо бир замон Андижонни тарк этганларида навкарлари билан Хакан дарвозасидан чиқиб кетган эканлар. Карвонимиз ҳам айни шу дарвозадан, лекин дилда Ватанга, албатта, қайтиб келиш нияти билан чиқиб, Тошкентга йўл олди” (47-б.).

Сафарда бўлишнинг ўзига яраша гашти бўлгани каби ўзга юртларда мусофир бўлиб юришнинг ҳам кўплаб машаққатлари бор. Бундай

вазиятларда инсоннинг сабри, ирода ва матонати синовдан ўтади. Бундай вазиятлар “Бобур изидан” йўл олган экспедиция аъзолари билан ҳам содир бўлади. Ўша пайтдаги инсонни қуршаб олган тушкунлик, ҳадик ва баъзан қўрқувни енга олиш жасорати бобурога тарзда ўта кучли самимият, ростгўйлик ҳарорати билан қаламга олинади. Бундан ташқари муаллиф кези келганда латифалар, қизиқарли ҳангомаларни ҳам келтириб ўтади: “Айниқса, Қори домлани айтмайсизми! У киши рулга ўтирганида тахминан товуш тезлигида босар экан. Беихтиёр кўзларимизни чирт юмиб оламиз. Тагин ҳам Зокиржон ака ҳайҳайлаб туради, бўлмаса, Қори домла машинага қанот боғлатиб учуриб кетиши шубҳасиз” (72-б.).

Асарда кўплаб тарихий, илмий маълумотлар билан биргаликда, ибратли ҳамда инсон маънавиятини бойитувчи бир қанча воқеалар ҳам берилган. Бевосита Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида китобхон учун маълумотларнинг тушунарли бўлиши ва ёдда узоқроқ сақланиб қолиши мақсадида бир қанча воқеалар, тасвирлар баёни ўзаро таққосланган ҳамда уйғунлаштирилган ҳолда тақдим этилади: “Самарқанднинг муаззам гумбазларига, нилий осмонига термилар экан, у яна Амир Темурни ёд этади: “Самарқандни Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилган эмасдур” (166-б.).

Муаллифнинг ҳар бир воқеани, айниқса, экспедиция мақсади билан боғлиқ ҳолатларни ёзишда кўплаб маълумотлар билан биргаликда тақдим этиши асарнинг илмийлигини таъминлашга ёрдам берса, ҳикояларни ўринли қўллай олиши эса асарнинг бадиий юксак бўлиши учун замин ҳозирлайди. Асарнинг муҳим ва ўзига хос томони шундаки, уни биргина сафарнома туркумидаги асарлар қаторига киритибгина қолмасдан, балки кенг маънода маърифий роман мақомини олишида ҳам кўринади. Умуман олганда, сафар таассуротларини етказишда ёзувчининг ўзигагина хос жиҳатлари намоён этилган. Сафар таассуротлари, воқеалар ривожини кузатар эканмиз, гарчанд экспедиция таркибида бўлмасак-да, аммо ўша олис юртларни муаллиф кўзи ила кўриш, тасаввур этиш имконига эга бўламиз. Аслида, сафарномаларнинг

аҳамиятли томони ҳам шундадир. Негаки саёҳат қилишни хоҳлаган, аммо бундай орзуни амалга ошириш имкони бўлмаганда, бу каби сафарномаларни мутолаа қилиш айти муддаодир. Бу ҳақда атоқли адабиётшунос олим Санжар Содик “Ижоднинг ўттиз лаҳзаси” тўпламидан ўрин олган “Маърифий романми ё тадқиқот” мақоласида қуйидагича мулоҳаза билдирган: “... Хайридин Султоннинг “Бобурийнома” номли чинакам маърифий романини эсга олиш ўринли кўринади. Асар бир вақтлар Заҳридин Муҳаммад Бобур ўтган йўллардан Хайридин Султон ва бир гуруҳ зиёли дўстлари уюштирган сафар кундалиги шаклида ёзилган. Оддий кундаликдек туюлувчи сафарнома саҳифаларида тарихий далиллар билан саёҳат тафсилотлари ва таассуротлари ниҳоятда моҳирона чатиштирилганки, улар биргаликда Бобурнинг деярли бутун ҳаёт йўлини, руҳий ҳолатини, шоир ва шоҳ сифатидаги қиёфасию, буюқлигини, айниқса, ватангадоликдаги изтиробларини, ақлу заковатию, инсоний улуғворлигини ўзаро боғлиқликда тасаввур қилиш имконини туғдиради”¹⁷⁹. Ҳа, муаллиф ўз асарининг ҳеч бир ўрнида Бобур шахсини назардан қочирмайди, гўё унинг муборак руҳи сафарда у билан ҳамқадам, ҳамдаст каби ҳамиша кўнгли тубида асрайди:

“... Боғи Бобурга етиб бордик! Ана, боғ дарвозаси ҳам кўриниб қолди. Хушҳаво, сафоли бир боғ, гир атрофи баланд девор билан ўраб олинган. Яқин-яқинларгача бу жой шаҳарликларнинг севимли гаштгоҳи — истироҳат боғи саналар экан. Боғ паст-баланд тоғ ёнбағрида жойлашган, тепаликка зина орқали кўтарилиб борилади. Дарвоза олдида рўпара бўлишимиз билан курулли соқчилар бизни тўхтатишди. Муҳаммад Али бизни таништириб, мақсадимизни тушунтирди. “Ҳожи”, “ҳаж” деган сўзларни эшитиб, соқчилар бизга сергак тортиб қарадилар. Сўнг улардан бири боғ ўртасидаги икки ошиёнали муаззам кўшкка — қароргоҳга қараб маслаҳатлашгани кетди. Бир оздан кейин ижозат бўлди, шекилли, улардан иккитаси бизни ичкарига бошлади. Бисмиллоҳ айтиб, юрагимиз ҳаяжондан энтикиб, зиналарга қадам кўйдик. Мана, баландда, юксак тоғлар пойида жойлашган оқ мрамор мақбара.

¹⁷⁹ С.Содиқов. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. –Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 187.

Мўъжазгина, худди Бобур Мирзонинг ўзи янглиғ ортиқча ҳашам ва дабдабалардан холи, сипо ва камтарин бир оромгоҳ. Беихтиёр кўзларингиз намланиб, бўғзингизга хўрсиниқ тиқилиб кела бошлайди. Мана шу совук сағана остида, икки газ қаро тупроқ қаърида шиддат-шижоати билан оламга сиғмаган шери мард ётибди... Мақбаранинг атрофи ям-яшил дарахт, эгилган новдалардаги мулойим япроқлар Бобур Мирзо ҳақларига саловат айтиб тургандек. Ҳаво шундай тиниқ, шундай мусаффоки, симириган сари кўкрак қафасларингиз кенгайиб бораётгандек туюлади.

Хаёлимда эса жаҳонгир шоҳ ва оламгир шоирнинг маҳзун мисралари кўзимдаги ёш каби айланиб туради...

Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил,

Ё баҳру иноятингда мустағроқ қил.

Ё раб, сенгадур юзим, қаро, хоҳ оқ қил,

Ҳар нав сенинг ризонг эрур, андоқ қил.

Асрий чинорлар, кўҳна, азамат тут дарахтлари, азим қайрағочлар боққа куюқ кўланка ташлаган. Қуйида Бобур Мирзо замонида қаздирилган иккита мрамар ҳовуз. Шаҳардаги бошбошдоқлик ва уруш ҳаракатларига қарамай, мақбара яхши сақланган, гирдогирди кўкаламзор, озода, ораста. У ер-бу ерида тарихда ном қолдириш ишқида кўли қичиган баъзи кимсаларнинг чизмакашликларини ҳисобга олмаганда сағана ва мақбаранинг умумий ҳолати бинойидек. Маълумки, бу обида 1607 йилда ҳазрати Бобурнинг эвараси Жаҳонгиршоҳ томонидан қурдирилган. Бинобарин, салкам тўрт юз йилдан буён ўз салобати ва шукуҳини сақлаб келмоқда. Мақбарадан сал пастроқда оқ мрамардан бунёд этилган мўъжазгина масжид бор. У 1640 йилда Бобур Мирзонинг чевараси, улуғ ошиқ ва буюк бинокор Шоҳ Жаҳон тарафидан барпо қилдирилган бўлиб, то ҳануз зиёратга келадиган мусулмонлар шу жойда ибодат қилиб, савобини Бобур Мирзонинг руҳларига бағишлар эканлар. Боғнинг ўртасидан шарқираб муздай зилол сув оқиб ётади, таъми ниҳоятда лазиз, тотли.

Қабр пойида тиз чўкиб тиловат қилдик, пешин намозини пастдаги масжидда ўкиб, улуғ бобомизнинг руҳи покларига дуои фотиҳалар қилдик. Мақбарани синчиклаб кўздан кечирдик, қайта-қайта суратга туширдик, тахминий тарҳини чиздик. Собиржон ака қабрнинг бош ва оёқ томонларидан, ён тарафларидан тупроқ олиб, бир халтага солди. Ният қилдикки, шоирнинг ота юрти Андижонда тикланажак рамзий оромгоҳига шу тупроқ қўйилса...” (232-б.). Бундай маълумотларнинг асардаги ўрни ва аҳамияти ҳақида энг лўнда ва асосли фикрни адабиётшунос олим, профессор Умарали Норматов “Мафтункор ишқ муждалари” номли адабий-танқидий мақоласида билдирган: “Бобурнома”даги сафар хотиралари, Бобур аждод, авлодлари ҳақидаги маълумот, ҳикоялар қанчалик бой ва қизиқарли бўлмасин, охир-оқибат асар асосида муаллиф тасавури ва талқинидаги Бобур Мирзо феномени туради”¹⁸⁰. Дарҳақиқат, роман ровийси сафарда ҳам “Бобурнома”ни қўлдан қўймайди. Машаққатларда ундан таскин, илинж изласа, бошқа пайтларда сафар воқеалари билан олис мозий кечмишларини қиёслайди. Асарнинг “24 июнь. Дубай. Даъват маркази” кичик сарлавҳали фаслида шундай қиёслардан бирига дуч келамиз: “Кечқурун бизни мезбонлардан бири – Тавфиқ исмли йигирма беш яшар йигит машинада шаҳар айлантирди. Араб денгизига бориб чўмилдик. Денгиз суви иссиқ, 27-28 даража атрофида. Чарчоғимиз бироз ёзилиб, турғунлик ташвишлари тарқалгандек бўлди.

Кечаси... уйқум келмади. Ҳамма ухлагач, масжиднинг бўм-бўш ва ёруғ залларидан бирига чиқиб, “Бобурнома” ўқидим. Ҳазрати Бобурнинг Амир Темур ҳақидаги мулоҳазалари эътиборимни тортди. Аллавақтга қадар шу икки буюк тақдир ҳақида ўйладим. Уларнинг тарихий қисмати, шахсияти ва мислсиз фаолияти хусусида шу пайтгача хаёлимга келмаган бир қанча ибратли тимсоллар, фавқулодда кузатиш ва хулосалар топдим. Беихтиёр кўлимга қалам олиб, кўнглимдаги таассуротларни қоғозга тушириб қўймоқликка қарор қилдим.

¹⁸⁰ У.Норматов. Мафтункор ишқ муждалари / Ижод сеҳри. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 183.

Захириддин Муҳаммад Бобур улуғ бобокалони Амир Темур даҳосидан конуний равишда ҳамиша ифтихор қилар эди. Бу ифтихор туйғуси унинг дунё миқёсида буюк давлат ва маданият арбоби бўлиб етишувида ҳал қилувчи аҳамият касб этгани шубҳасиз” (161-б.). Сафарнинг ҳар қадамида “Бобурнома” ўқиган, унга мурожаат қилганлиги учунми, гарчи орадан беш юз йил ўтган бўлса-да, китобхонга “Бобурийнома” “Бобурнома”нинг давомидай, “Бобурнома”нинг ворисидай туюлади. Бу ҳақда адабиётшунос олим, профессор А.Расуловнинг “Услуб ва санъаткорлик уйғунлиги” мақоласидаги ушбу фикрлар эътиборга молик: “Бобурийнома”даги ровий нозик руҳшунос, қиёсий таҳлилу талқинда моҳир шахс сифатида намоён бўлади. Асарда бирорта воқеа-ҳодиса йўқки, унга Бобур диди, зехни билан қаралмаган, баҳоланмаган бўлса. “Бобурнома” махражини ҳозирги замон кишиларини “Бобурнома”даги кишилар муносабатларига қиёслаш, чоғиштириш, монандлаш белгилайди. Ниҳоят “Бобурийнома”даги ровий “Бобурнома”даги ровийга эргашади, унга ҳавас билан қарайди”¹⁸¹. Устоз адабиётшунос тўғри таъкидлаганидек, бу ўринда анъанага эргашиш, уни давом эттириш бор. Бироқ Хайридин Султоннинг менлиги ҳам асарда мавжуд, оригиналлик аввалги ўринда, ёзувчи шунчаки тақлидчи эмас.

Хайридин Султоннинг “Бобурийнома” асарида сафарноманинг яна бир хусусияти – ундаги маълумотларнинг аниқлиги, ҳисобот шаклида бўлишига эътибор қаратган ҳолда (биз сафарноманинг бундай хусусиятлари тўғрисида ишимизнинг аввалги бобларида тўхталиб ўтганмиз) экспедиция мақсади ва саъй-ҳаракати натижасида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтилади:

– Экспедиция аъзолари Машҳадда бўлишганида Имом Ризо масжиди ва мақбарасини зиёрат қилишади.

– Каъбатуллоҳни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлишади.

– Лоҳурдаги Шоҳ қалъанинг бетакрор жозибасидан баҳраманд бўлишади, Тарих музейидаги бобурийларга оид ноёб суратлар ҳамда экспонатларини кўздан кечиришади.

¹⁸¹ Расулов А. Услуб ва санъаткорлик уйғунлиги / Бадийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. –Б. 311.

–Бобур Мирзо мангу ором олаётган Боғи Бобурни тавоф айлаб, қабрнинг ён томонларидан тупроқ олиб қайтишади (Бу тупроқ Андижондаги Бобур рамзий қабри учун аталган эди).

– Муаллиф экспедиция сафарлари натижаси ўлароқ, бобурийларнинг сўнгги авлод вакиллари билан ўрнатилган алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилган дўстона учрашувларнинг самараси хусусида муҳим маълумотларни тақдим этади. Хусусан, бобурийларнинг Ўзбекистонга ташрифи, шукуҳли дийдор онлари ва таассуротлари, ҳинд ва ўзбек халқларининг ўзаро ҳурмат ва эътиборини ифода этувчи мактублар ўрин эгаллаган.

– Машҳур Салар Жанг музейида сақланаётган Бобур Мирзонинг “Бобурнома” ҳамда “Девон”ининг туркий қўлёзмаси мавжудлиги ҳақида хабар беради.

Демак, мустақиллигимиз бизнинг адабиётимиз учун сафарнома жанрининг янги бир шакл ва қиёфада майдонга келиши учун мустаҳкам тарихий, мафкуравий, адабий-ижодий замин яратиб берди. Бунинг натижасида халқимиз ҳам ўзимиздаги, ҳам хориждаги юртимизга бевосита дахлдор бўлган кўплаб шахслар ва тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар ҳақидаги кенгроқ ва чуқурроқ тушунчага эга бўлди. Мустақиллигимиз туфайли кўплаб хориждаги ёдгорликларга жаҳон афкор оммасининг, жамотчиликнинг диққат-эътибори тортилди, кўплаб янги ва яхши ташаббуслар юзага келди.

3.2.§. Қамчибек Кенжа бадий сафарномаларининг ўзига хос хусусиятлари

Қамчибек Кенжанинг кўплаб шеърий тўпламлари ҳамда ҳикоялари қаторидан “сафарнома” аталмиш туркум китоблари ҳам ўрин олган. Улар “Ҳинд сориға”, “Андижондан Даккагача” (Сафарнома – 2), “Буюклар изидан” (Сафарнома – 3) ҳамда “Андижондан Бағдодгача” (Сафарнома – 4), “Буюк соҳибқирон юрган йўлларда” (Сафарнома – 5) деб номланади. Ушбу

сафарномалар ўзига хос бир услубда яратилган. Номлари санаб ўтилган сафарномалар бевосита истиқлолимиз шарофати билан юзага келганлиги сабабли уларни истиқлол даври ўзбек сафарномалари деб атаймиз. Сафарномалардаги воқеалар, кечинмалар бир-биридан қизиқарли ва тушунарли тарзда акс эттирилган. Ҳар бирининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, уни ўқиган китобхон ўзи учун янгидан-янги маълумотлар олиши билан бир қаторда худди сафар чоғида муаллиф билан бирга юргандек таассуротда бўлади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров Қамчибек Кенжанинг “Ҳинд сориға” сафарномаси сўз бошида ушбу асарнинг аҳамиятга молик жиҳати ҳақида қуйидагиларни баён этади: “Асар кундалик шаклида ёзилган. Унда тасвирланган саргузаштлар, енгиб ўтилган қийинчиликлар, янги-янги ўлкалар ва мамлакатлар манзараси ўқувчини астойдил қизиқтиради... “Ўнта бўлса, ўрни бошқа” деганларидек, Қамчибекнинг ушбу асари Бобур Мирзога бағишланган китоблар орасидан ўзига хос ўрин олади, сафарнома жанрини кўпгина янгиликлар билан бойитади... Асарнинг яна бир қизиқарли томони – унда ташқи олам тасвири билан бирга муаллифнинг ички дунёси, сафардошларига меҳру оқибати, ўзга юртларда кўп яшаган сари ватанни соғиниши гоҳ лирик, гоҳ юмористик буёқ билан мароқли тарзда ифодаланади”¹⁸².

Қамчибек Кенжа сафарномаларининг бадиий хусусиятлари ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало, уларни таъсирчанлик, ҳаққонийлик, ёзувчи самимияти, мазмун ва шакл уйғунлиги тамойиллари нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз. Бадиийликнинг асосий шартларидан бири “таъсирчанлик” деб номланиши бежиз эмас, албатта. Негаки агар асар ўз китобхони қалбини ларзага солиб, уни ҳаяжонлантириб, кўнглига йўл топа олсагина, ижодкор ўз мақсадига етади. Асарнинг бадиий мукамаллик касб этишида бир қанча омиллар ўзига хос ўрин эгаллайди. Таниқли мунаққидимиз Озод Шарафиддинов бу хусусда: “Бадиийликни бир қолипга жойлаб бўлмайди.

¹⁸² Қодиров П. Бобур Мирзо изидан (Қамчибек Кенжанинг “Ҳинд сориға” китобига сўзбоши). –Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 6.

Негаки бадиият истеъдоднинг меваси, истеъдод эса турфа хил бўлади. Менга қолса, китобхоннинг ҳам ақлига, ҳам туйғуларига озиқ берадиган, уни ҳаяжонга сола оладиган, узоқ муддатга қалбида ўрнашиб қола оладиган асарни бадиий баркамол асар деса бўлар”¹⁸³, – деган фикрларни ёзиб қолдирган.

Сафар кундаликларини нома жанри даражасига олиб чиқиш катта масъулият ва юксак истеъдодни талаб қилади. Ёзувчи илмийлик ва бадиийлик хусусиятларини уйғунлаштира олиши, зерикарли йўл тасвирларини бадиий жозоба билан бойитиши асносида бўрттирма ва ёлғонларсиз холисона ёндашиши лозим. Бу ҳақда “Андижондан Даккагача” китобига сўзбоши ёзган Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг қуйидаги сўзлари эътиборли: “Сафар таассуротлари, хотираларини китобат қилмоқнинг мураккаб ва инжиқ томонлари борки, уларни ҳисобга олмай қалам сурилса, кўзланган мақсадга эришмоқ қийин.

Мана шу талаблардан бири – маълумотларни аниқ, лўнда, ҳаётий, тўқима ва муболағалардан холироқ бўлган тасвирларда беришдир. Сафарноманинг том маънода бадиий тўқима, тасаввур маҳсули эмаслигини унутмаган ҳолда унга бадиийликдан йироқроқ ҳисоботнома сифатида ҳам қарамаслик керак, албатта. Ёзувчи томонидан яратилган асарда, у қандай жанрда бўлишидан қатъи назар, санъаткор қаламининг жозибаси кўзга ташланиши, сўзлар товланиб турмоғи лозим”¹⁸⁴. Қамчибек Кенжа ўзининг “Ҳинд сориға” ва умуман бошқа сафарномаларида ҳар бир воқеа ҳодисаларни ёритишда, ўзига хос услубда ёндашади. Кўзи билан кўриб, гувоҳ бўлган тасвирларга шунчаки бепарво ўтиб кетолмайди. Дилидан кечган кечинмаларни китобхон билан ўртоқлашади. Бу эса ўша онларда самимий лаҳзаларни пайдо этиб, ёзувчи ҳисси китобхонга ҳам кўчгандек туюлади. Ҳар иккиси ҳам сафар жараёни қатнашчисидек тасаввур уйғотади. Қамчибек Кенжанинг ҳар бир сафарномасидаги эпизод – сафарга чиқиш ёки

¹⁸³ Орипов А. “Бобурнома” йўлларида (Қамчибек Кенжанинг “Андижондан Даккагача” китобига сўзбоши). – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 4.

¹⁸⁴ Орипов А. “Бобурнома” йўлларида (Қамчибек Кенжанинг “Андижондан Даккагача” китобига сўзбоши). – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 4.

унинг сабаблари изоҳи воқеалари билан бошланади. “Ҳинд сориға” – адибнинг илк сафарномаси. Сарлавҳанинг ўзиёқ киши қалбига ғулғула солади “Ушалмаган орзулар сари”. Сарлавҳанинг ўзидаёқ сафарга даъват, ғўшанишинликни саёҳат билан алмаштириш дараги ва завқи бор. Ҳали экспедиция билан танишмаган, унинг саёҳатларини шунчаки кузатиб юрган Қамчибек Кенжа сўзни сафарга таклифдан бошлайди: “Ўша куни март ойининг тахминан охириги шанбаси эди. Қишлоқда баҳорги юмушлар қизиган пайт. Эрта туриб, ҳовлида ўғиллар билан энди иш бошлаган эдик, биров чақириб қолди. Чиксам, кўчада Зокиржон ака Машрабов турибди...

–Навбатдаги сафарга ҳозирлик кўраяпмиз, – деб гап бошлади Зокиржон ака салом-алиқдан сўнг, – раҳбарларнинг розилигини олдик. Бу галги йўналишимиз, ниятимиз, асосан, Ҳиндистон, экспедиция аъзоларини танляяпмиз. Бобур шоир, адиб бўлган. Шунинг учун сафимизда андижонлик адиблардан ҳам бўлиши керак. Шу масалада сиз билан маслаҳатлашгани келдим. Тўғрироғи, сизнинг таклифингизни билмоқчиман¹⁸⁵... шу сўзлардан сўнг сафарга расман таклиф қилинган адиб ҳаётида ва ижодий тафаккурида саёҳатлар даври бошланади. Ғўшанишинлик саёҳатга алмашади. Бу ҳолат худди халқ эртакларининг муқаддимасига ўхшаши билан ҳам аҳамиятли. Халқ эртакларида ҳам қаҳрамоннинг пассив ҳаёти сафарга даъват ёки таклиф билан фаоллашадики, биз бу ҳақда ишимизнинг биринчи бобида тўхталиб ўтганмиз. Сафарнинг дастлабки лаҳзаларидаги ҳаяжонлар куйидагича тасвирланади: “... Бошқаларни билмадим, лекин мен ўша лаҳзаларда ниҳоятда ҳаяжонда эдим. Қалбимда шарҳлаш мушкул бўлган ҳиссиётлар қирғоқдан тошаётган дарё тўлқинларидан кўпираётганга ўхшарди. Кўнглида тахминан Бобур қадамжолари, хусусан, мен учун афсонавий ўлка туюладиган Ҳиндистонни кўриш, томоша қилиш қувончию, бутун бир вилоят халқ умиди ва ишончини оқлаш учун арзирли иш қилиб қайтармикинман, деган ҳадик ва масъулият ҳисси уйқаш эди. Айни вақтда менда узоқ сафарга отланаётган, оёғи киндик қони тўкилган азиз юртидан узилаётган, кўнгил яқинларидан

¹⁸⁵ Қамчибек Кенжа. Ҳинд сориға. – Тошкент: Шарқ, 2000. –Б. 7.

айро тушаётган одамда бўладиган дилгирлик ҳам йўқ эмас эди. Лекин баридан завқ ва эҳтирослар устувор эди”¹⁸⁶. Юқоридаги сўзлардаги ҳаяжон, ҳадик ва дилгирлик оғушта бўлиб китобхон қалбига кўчиши асарнинг бадиий-эстетик қувватини оширганлиги билан аҳамиятли.

Қизиғи шундаки, Қамчибек Кенжанинг ҳар бир сафарномаси шундай туйғулар инъикоси билан бошланади. “Андижондан Даккагача” (Сафарнома – 2) китобининг дастлабки “Муқаддима. Гуркиров таърифида” бобида “Яна олис сафар тадориги ва ҳаяжони бошланди. Бу гал Қашқар (Хитой), Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш орқали бобурий ҳукмдорларнинг охириги йирик намояндаси, давлат арбоби ва таниқли шоир Баҳодиршоҳ – II – Зафар умрининг сўнгги йилларини мусофирликда, асирликда ўтказган Рангун (Бирма)гача бормоқ режалаштирилган”¹⁸⁷. Ушбу муқаддимада ҳам юқоридаги ҳаяжон билан таъсирланиш воқеаси бор. Лекин “сафарнома – 2”да муайян даражада аниқлик мавжуд. Бу ҳол “Ҳинд сориға” шаклида берилган сарлавҳадан кўра “Андижондан Даккагача” деб қўйилган китоб номида ҳам, шунга мос равишда асар муқаддимасида ҳам ифодаланган.

“Буюклар изидан” (Сафарнома – 3) китобининг бошидаги эпилог боб “Фазилат сафари” деб номланган: “Экспедициядошларим Афғонистонда бир неча бор бўлишган. Раҳбаримиз Зокиржон ака Машрабов ҳар гал мен учун туманли ва ваҳимали замин бўлиб туюлган ана шу мамлакатда кўрганларини, бошидан кечирган ранго-ранг воқеаларни ҳаяжон билан сўзлаганида юрагим бир ҳапқириб қўяр, кўнгил тубидаги “армон” отлиғ саркаш, бесарамжон бир туйғу ғимирлай бошлар, ўша сафарлардан бирига жўнаш арафасида бетобланиб қолиб кетганим ҳали-ҳали ўзимга алам қилар эди”¹⁸⁸. Ушбу сўзлар китобхонни нафақат ушбу китобни шунчаки ўқиб кўришга эмас, балки унинг ровийси, қаҳрамонлари билан хаёлан бўлса-да, олға юришга, сафарга чиқишга ундайди. Токи унинг ҳам қалбида бу сафардан қолиб кетиш армон бўлмасин. Муқаддимада қизиқиш билан андек ҳадик, озроқ ваҳима

¹⁸⁶ Қамчибек Кенжа. Ҳинд сориға. – Тошкент: Шарқ, 2000. –Б.11.

¹⁸⁷ Қамчибек Кенжа. Андижондан Даккагача. – Тошкент: Шарқ, 2003. –Б. 8.

¹⁸⁸ Қамчибек Кенжа. Буюклар изидан. – Тошкент: Шарқ, 2006. –Б. 10.

намоён бўлаётгандек. Мана шу билинар-билинемас туйғу ровий қалбидан бевосита асарга кўчади ва асар сўнггигача у орқали китобхонга ўз таъсирини ўтказади.

“Андижондан Боғдодгача” (Сафарнома – 4) китобида эса йўлга чиқиш ҳаяжонлари икки бобни ташкил қилган. Бобнинг номлари ҳам шунга монанд: “Ҳаяжон”, “Жаҳоннинг шодлиги”. Бобларда муаллиф сафарга чиқиш тадориғи, элчихоналардан рухсат олиш машмашаларини ҳам эринмай тасвирлайди. Бобларни ўқиган китобхон эса асар ровийси каби, балки ундан ҳам кўпроқ йўлга интилади. Қачон бу машмашалар тугайдию, экспедиция йўлга чиқади, деб кутади. Бу ҳолат драматик пафосни кучайтириб, асар бадиий-эстетик кучини, китобхоннинг сафар таассуротлари билан тезроқ ва кўпроқ танишиб олиш иштиёқини оширишга хизмат қилади. Демак, энди муаллиф сафарга чиқишнинг анча “ҳадисини олиб” қолган, шунинг учун у энди сафарнинг ўзидан эмас, балки унинг тадорикларидан сўз бошлайди.

Ҳар тўртала асарда ҳам сафарга чиқиш қанчалик шавқли бўлса, Ватанга қайтиш ундан-да эҳтиросли тасвирланган. Ровийнинг Ватан соғинчи, интиқ-интизорлик худди сафарга отланишдаги каби унга қайтишдаги интилиши, талпиниши сафарнома ўқувчисига ҳам “юқади”. “Ҳинд сориға” китобининг сўнгги бобларида мана шу интилиш, талпиниш оҳанглари мужассам. Бу сарлавҳаларда намоён бўлишни бошлайди: “Тушларимда Андижон”, “Она юрт нафаси”, “Ватандан яхши ёр бўлмас”.

“Она юрт нафаси” бобида Эрон заминидан Туркменистон ҳудудига ўтгандан кейинги дастлабки таассуротлар, ҳис-туйғулар тасвирланади: “... гарчи кўрқадиган, хавотирланадиган ҳеч нарса бўлмаса ҳам, бир чегарадан иккинчи юрт ҳудудига ўтиб олганингдан беихтиёр енгил тортасан экан. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Туркменистон заминига (аслида бу ҳам бошқа мамлакату, лекин ҳар қалай ўзимизники деган тушунча онгимиздан ҳали бутунлай чиқиб кетмаган-да) қадам қўйганимиз заҳоти Фаррух билан Аҳмаджон қарсак чалишиб, ерга чўккалашиб, қувончини, ватанга, она

тупроққа бўлган муҳаббатини изҳор қилишди. Қувончга ҳамма шерик бўлди. Ҳатто оқсоқолларимизнинг чеҳралари ҳам яшнаб кетди”¹⁸⁹.

Экспедиция билан илк бор сафарга чиққан муаллиф-ровийнинг қалбидаги ҳадик аралаш Ватанга интилиш туйғуси ушбу сўзларида яққол намоён бўлган. Боб давомида ушбу ҳадик Ватанга яқинлашган сари хотиржамликка алмашиниш ўрнига ҳаяжон аксинча кучайиб боради: “... Ҳамма бедор. Деярли ҳеч ким ухлмасди. Бедорлик сабаби ДАН ходимларигина эмас эди. Она юрт, яқинларни соғиниш ҳисси Андижонга яқинлашган сари кучайиб борар ва ана шу туйғу ҳам ухлашга йўл қўймасди. Ёруғ юз билан кўришишга ишончдан кўнгил хотиржамлик, қониқиш ҳиссиёти дилга ғулу ва ғурур соларди”¹⁹⁰. Бундай турфа ҳиссиётлар илк бор узоқ йўлга чиққан кишининг қалбидан ўтиши табиий. Муаллифнинг маҳорати эса мана шу таъсирчанликни ортиқча зўриқишларсиз асарда ифодалай олишидир. Бу ҳодиса худди муқаддималар сингари хотималарда ҳам босқичма-босқич тасвирланган.

“Андижондан Даккагача” (Сафарнома – 2) асари ровийси маълум бир километр йўл босади. Шунга монанд сафарномани аввалгилардан фарқли ўлароқ “Қирғизистон”, “Қашқар (Хитой)”, “Покистон”, “Ҳиндистон”, “Бангладеш”, “Яна Ҳиндистон”, “Яна Покистон”, “Эрон”, “Туркменистон”, “Жон Ўзбекистон” каби катта бўлимларга бўлади. Китобнинг хотима бўлими “Жон Ўзбекистон” деб аталашининг ўзиёқ Ватан соғинчи, муҳаббатини таъкидлаб ифодалайди: “...Бисотимизда қолган ўрик қоқиларни чиқиш постида турган аскар ва ўша ерда пул алмаштириш мақсадида юрганларга “мозор босди” деб улашдик-да, ўзимиз ҳам ўзимизга оқ йўл тилаб, “хайё-хуйт” деб жўнадик. Кайфиятлар чоғ, ўз ватанимиз заминидамиз. Бу азиз тупроққа 48 кун деганда қайта қадам қўйдик. Бухоронинг чўл худудлари кўзимизга жаннатдай кўринарди”¹⁹¹.

¹⁸⁹ Қамчибек Кенжа. Ҳинд сориға. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 326.

¹⁹⁰ Келтирилган манба. – Б. 328.

¹⁹¹ Қамчибек Кенжа. Андижондан Даккагача. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 340.

Сафардан қайтиш юқоридаги китобларга қараганда анча батафсил, бадий жихатдан ҳам мукамал тасвирланган. Бу хиссиётлар муаллиф калбидан китоб саҳифасига, у орқали эса китобхон кўнглига кириб боради. У ҳам худди узок сафарда юргандек, Ҳинду Афғон заминини кезгандек, баъзан оч-наҳор, гоҳида ҳатто бир томчи сувга зор бўлиб, сафар қилгандек юртнинг тупроғини кўзига тўтиё қилишга тайёр бўлади. Ватан чегарасини тезроқ босиб ўтишга, бунинг учун ҳатто қуш каби елишга тайёр бўлади. Афғонистонда 17 кун юриб, юрт дийдорини соғинган муаллиф “Буюклар изидан” асарининг эпилоги – Ватанга интилиш лавҳасини шундай бошлайди: “Жума аслан муборак сана. Бу жума янада муборакрокдир: чунки биз Ватанга қайтадиган кун... йўлга чиқдик. Шабада йўқ. Дашт сокин эди. Йўлнинг ярмида, қум, тупроқ босадиган жойда Ўзбекистондан келган ўндан ортиқ скрепер, бульдозер ва бошқа техникалар кўчани тозалаб, кенгайтирмоқда эди.

Афғонистон божхонасидан тезгина ўтдигу, Ҳайратон кўприги олдида ўзимизникиларнинг рухсат беришларини кутиб, анча туриб қолдик. Ҳартугул, кўприкдан ҳам, ўзимизнинг божхонамиздан ҳам кўп заҳмат чекмай ўтишга мушарраф бўлдик”¹⁹².

Муаллиф бундай пайтларда сафар кундаликларининг реал ёзувчиси, тарихий факрларнинг совуққон ҳисобчиси эмас, чин маънода шоир бўлиб кетади. Биргина *мушарраф бўлдик* каломиде Ватан дийдорига интизорлик, унинг бу дийдорга эришмоғини шараф дея туйиш ифтихори, эҳтироми бор. Бу ифтихор ва эҳтиром ҳар бир нарсага қарашда, илғашда, ҳис қилишда кўринади: “Ўнгга – Ургутга бурилиб кетадиган кўча билан асосий йўл бурчагидаги тепаликда Ҳазрати Навоийнинг салобатли ҳайкали биз томонга қараб турарди – гўё бизни интизорлик билан кутгандай, қучоқ очиб қарши олаётгандай, истиқболимизга талпиниб келаётгандай, “Хуросонда, Ҳирида нима гаплар, устоз Жомийнинг ҳоли нечук?” дея сўрамоқчидай, “Мавлоно

¹⁹² Қамчибек Кенжа. Буюклар изидан. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 231.

Лутфийни йўқлаб борғонингиздин беҳад шодмен”, демокчидай...”¹⁹³ Биз учун, кўпчилик учун Ургут туманига кетиш йўлидаги шунчаки турган Навоий ҳайкали Ватан соғинчини ҳис этган шоир учун, қаранг, қандай таассуротлар бахш этмоқда?!

“Андижондан Боғдодгача” китобининг прологидида қадим аббосийларнинг, умуман, араб ҳалифалигининг муаззам ва қадим пойтахтигача борган муаллифнинг Туркменистон чегараси орқали Ватанга қайтиши қуйидагича тасвирланади: “...Тундаги каби, бугун эрталаб ҳам манзил сўраб, зерикдик. Кўчаларда, айланма ва муюлишларда ҳам йўл кўрсатгич йўқ, кўчалар яхши эмас.

Чегарага эсон-омон етиб олдик. Божхона билан ёнма-ён ўрик гуллаган эди. Назаримда, шу гал сафарда жуда узоқ юргандай, кузда кетиб, баҳорда қайтаётгандай эдик. Соат 12 да Ўзбекистон – жонажон Ватан заминида эдик. Божхонадагилар Зокиржон акани, Бобур экспедициясини билишарди, хужжатларни тезгина расмийлаштириб, оқ йўл тилаб қолишди. Кўча бўйларида арчалар экилмоқда, ток кўтариш, ер текислаш ва бошқа баҳорий юмушлар бошланиб кетган эди”¹⁹⁴. Йўл азоби – гўр азоби, дейдилар. Ушбу сўзларда биз нафақат жисмонан, балки руҳан толиққан, Ватан дийдорини кўмсаган кўнгил истагини кўрамиз, эшитамиз, ҳис қиламиз. Бу ҳиссиётлар ўрикнинг гуллаши, экилаётган арчалар, кўтарилаётган тоқлар, текисланаётган йўллар мисолида моддийлашиб, жонли тасвирланмоқда. Бироқ бу толиқиш, кўмсаш вақтинчалик. Тез орада сайёҳ табиат қўйнига яна сафарга талпинаверади.

Қамчибек Кенжа ўз асарларида сафар ҳақидаги ривоятлардан ҳам ўз ўрнида, йўл устида фойдаланадики, бу ҳам асарнинг бадий қувватини оширади. Қамчибек Кенжа “Ҳинд сориға” сафарномасида лирикадан ўринли фойдалана олган. Бунда ижодкор экспедиция мақсади ва мавзу кўлаמידан келиб чиққан ҳолда ушбу шеърини ўз ўрнида келтириб ўтади. Бу ҳолат

¹⁹³ Қамчибек Кенжа. Буюқлар изидан. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 234.

¹⁹⁴ Қамчибек Кенжа. Андижондан Боғдодгача. Сафарнома – 4. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 247.

шундай тасвирланади, яъни экспедициянинг навбатдаги Ҳиндистон сари уюштирилган сафари чоғида, буюк ватандошимиз изларидан изма-из кетаётиб, Бобур Мирзонинг ўша олис юртларга бош олиб кетиши сабаблари тўғрисида ўйларкан, ўзини қийнаётган саволларга жавоб ахтаришга интилади:

Сўнг бор сенга тушиб Бобурнинг изи,

Намозин ўқиди қалтираб тизи.

Ахир қаро эмас, оқ эди юзи.

Нега қайтармадинг, эй Боғишамол?

Ортига қайрилиб хўрсинганмиди,

Отин ёлин силаб ўй сурганмиди,

Ё у дил амрига бўйсунганмиди,

Нега қайтармадинг, эй Боғишамол?¹⁹⁵

Қаранг, дилни тилка-пора этгувчи ушбу сатрлар сафар таассуротларига илк дебоча бўлмоқда. Тарихнинг мураккаб шахс соҳиби бўлган подшоҳ ва саркардаси, адабиётнинг юрт ишқида дили вайрону саргардон ошиқ шоири бўлган Бобур Мирзо ҳазратларига бўлган буюк муҳаббатнинг маҳсули сифатида ушбу шеър пайдо бўлган.

Қамчибек Кенжа сафарномаларини ўқир эканмиз, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз нафақат ўзларидан қолган адабий-илмий мерос, балки ҳали-ҳануз инсонларга беминнат хизмат қилиб келаётган моддий мерослар: работлар, масжидлар, кўприклар каби иншоотлар билан ҳам башариятнинг мангу алқовига сазовор бўлиб келаётганларига гувоҳ бўламиз. Алишер Навоийнинг доимо халқ манфаати йўлида амалга оширган хайрли ишлари, хусусан, унинг касалхоналар қурдиргани, камбағал халққа кийим-кечак тарқатгани, талабаларни шахсий маблағи ҳисобига ўқитгани ҳақида кўплаб маълумотларга эгамиз. Ҳазрати Навоийнинг бу каби савобли ишлари қаторида унинг Сарипул кўпригини

¹⁹⁵ Қамчибек Кенжа. Ҳинд сориға. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.10.

бунёд этишдаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқдир. Гарчи қадимий бўлса-да, Сарипул кўприги бугунги кунда ҳам халққа беминнат хизмат қилмоқда. Сабаби у жуда мустаҳкам ҳамда пишиқ қилиб қурилган бўлиб, кўприкни ўз кўзи билан кўриб, бунга амин бўлган Қамчибек Кенжа уни шундай тасвирлайди: “Кўприкнинг қадимийлигидан гувоҳлик берувчи тузилиши ва қурилиши кишини ҳайратга солади: биронта чўп ҳам ишлатилмай, юпқа, энлик мусулмон ғишдан, гумбаз сифатида қурилган. Остидан ўтган Сарипул дарёсининг кенг ўзанидаги озгина сув қариялар каби сипо, шошилмай, катта-кичик тошларга урилиб-сурилиб бормоқда. Албатта, Алишер Навоий даврида бу баҳри асов тўлиб оққан бўлиши керак. Лекин ҳарқалай, ана шу бир ҳовучгина оби ҳаёт дарёнинг номини хануз мўътабар қилиб, эъзозу шарафга бурқаб келмоқда”¹⁹⁶. Буюк бобомерос иншоотларни кўздан кечираркан, муаллиф “Бадииятнинг олтин хазинасига айланган, бўйи баробар дурдона асарларини, қаздирган ариқлари, етим-есир, бева-бечораларга кўрсатган мурувватларини, олтмишта иморат-иншоотидан эллик тўққизтасини бир томонга қўя турайлик, мана шу биргина кўприкнинг ажри бир бандаи мўминни пулсиротдан бехатар олиб ўтса ажабмас”¹⁹⁷, – дейди қалби ғурур ва ифтихорга тўлиб.

Қамчибек Кенжанинг ушбу Ҳиндистон сари бўлган сафар чоғидаги таассуротлари акс этган сафарномасини мутолаа қиларканмиз, ундаги тадрижийлик билан ёзилган воқеаларнинг таъсирли баёнларига гувоҳ бўлиб борамиз. Ёзувчининг ёзилиши муҳим деб ҳисоблаган жумлаларидан тортиб, тарихий аҳамиятга молик жиҳатлари ҳам эътиборимиздан четда қолмайди. Сафарномани синчиклаб ўқиб борарканмиз, ундаги кичик-кичик сарлавҳаларнинг қўйилиши бизни бефарқ қолдирмайди. Ўзида маълум бир маънони ифода этиб турувчи ушбу сўзларнинг бадиий жозибаси шундоққина билиниб туради. Мисол учун “Ушалмаган орзулар сари”, “Амир Темурни

¹⁹⁶ Қамчибек Кенжа. Буюклар изидан. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 46.

¹⁹⁷ Қамчибек Кенжа. Буюклар изидан. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 46.

кўрган намозгоҳ”, “Султон хотирасига қолган тош” кабиларни келтириб, “Орзудаги шаҳар” номланишли воқеалар ривожини белгилаб беради.

Афғонистон ҳақида гап кетганда, бугунги кунда уруш ўчоғига айланган, таҳликали мамлакатни тасаввур этамиз. Аммо биламизки, қадимда бу ўлка ўзининг кўркам қиёфаси, мухташам обидалари ила тилларда дoston бўлган. Айни пайтларда ҳам бу ўлканинг ўша вақтлардаги улуғвор қиёфасини сезиш қийин эмас. Бир пайтлар Афғонистон, ўша даврдаги Хуросоннинг энг гуллаган шаҳри Ҳирот бўлиб, унинг тарихий манбалардаги таърифу тавсифи бениҳоя кўп бўлган. Аммо бугунги кунга келиб, бу афсонавор шаҳар тобора вайронага айланиб бормоқда. Ушбу ўлканинг биз учун аҳамиятли томони, унда буюк мутафаккиримиз, сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоийнинг таваллуд топганлиги ҳамда бу азим шаҳарда бир қанча боболаримизнинг хоки пойлари борлигидадир. Экспедиция аъзолари Афғонистон бўйлаб сафарларини давом эттиришар экан, Қамчибек Кенжа китобнинг ушбу фаслида Ҳиротни “Орзудаги шаҳар” деб атади ва шундай таърифлайди: “Жаҳон маданияти, фани, адабиёти, санъати тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган не-не истеъдод эгалари, умумбашарий обрў-эътиборга сазовор буюк алломаларга бешик, ватан бўлган, донғи дунёга кетган шаҳар бу. Биз изларини кўзимизга тўтиё қилиб бораётган ҳамюртимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг назари тушган, пойқадами теккан табаррук тупроқ бу...”¹⁹⁸.

Бир ўйлаб кўрайлик-чи, ёзувчи уни бошқача номлар билан эмас, нега айнан “Орзудаги шаҳар” деб атади экан-а?! Оламга донғи кетган буюк алломалари учунми ёки тарихнинг қадим шаҳри бўлганлигиданми, балки Бобур Мирзонинг муборак қадамлари етганлиги боисиданмикан?! Келинг, бу саволга жавобни ёзувчининг ўзидан ахтариб кўрайлик: “Мен Ҳиротни бутунлай бошқача тасаввур қилиб юрардим... Ҳирот кўз олдимда афсонавор ва фусункор шаҳар қиёфасида гавдаланар эди... Ҳиротга – улуғ

¹⁹⁸ Қамчибек Кенжа. Ҳинд сориға. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 37.

устоз зиёратига, унинг муборак қадамжоларини тавоф этгани ич-ичимдан тошиб чиқаётган сабрсизлик билан ошиқардим”¹⁹⁹.

Инсон орзу билан яшайди ва доимо унга етишиш илинжини тарк этмайди. Лекин доимо ҳам ҳамма нарса биз ўйлагандек бўлавермайди. Асарни мутолаа қилар эканмиз, муаллифнинг Ҳирот ҳақидаги тасаввурлари буткул ўзгача бўлиб чиққанлиги, унинг тасаввуридаги Ҳирот орзулигича қолиб кетганлиги маълум бўлади. Тасаввур қилайлик, рўпарамизда нотаниш бино қад ростлаб турибди. Бизга шу бинони тасвирлаб беришимизни сўраб қолишди. Орамизда рассомчиликка иштиёқманд шеригимиз ўз хисларини мўйқалам ила гавдалантиришга уриниб кўради. Бинонинг бор тароватини нафис бўёқларда акс эттиради. Архитектор эса бинони лойиҳалаш тизимига кўйиб кўради, тарихчилар бўлса қачон, ким томонидан, нима мақсадда қурилганлиги билан қизиқадилар. Қамчибек Кенжанинг бадиий маҳорати шундаки, бирор жой номлари, иншоотлар ҳамда жамият ҳаётидаги воқеа – ҳодисаларни тасвирлашда муҳим илмий, тарихий маълумотлардан ўринли фойдаланади. Китобхонни ўтмиш ва бугунги кун билан боғлайди. Қамчибек Кенжа Ҳиротдаги Мусалло ансамблининг ўша вақтлардаги кўринишини, ғариб аҳволини тасвирлар экан, гўё ўша манзаранинг бевосита иштирокчиси бўлгандек ҳис этамиз ўзимизни. Ҳаққоний ва ишонарли тарзда бераётган ҳар бир маълумоти бир - бири билан узвий боғлиқ бўлиши билан бирга бир-бирини тўлдириб ҳам боради. Ёзувчи кўрган-кечирганлари ҳақида шундоққина ёзиб қўймаган, балки асарга ўзгача руҳ олиб кириб, бадиий талқин этиб, тарихий маълумотларни ҳам уйғунлаштира олган. Мисол учун, дастлаб Абдулло Ансорий мақбарасини зиёрат этган экспедиция аъзолари, Алишер Навоий ўзига устоз деб билган – форс-тожик шоири Абдурахмон Жомий мақбараси томон йўл оладилар. Жомий мақбарасини ғариб ва қаровсиз аҳволдаги кўринишидан мутаассир бўлишади. Шу ўринда ёзувчи Абдурахмон Жомийнинг таҳликали ҳаётига бир назар ташлайди. Китобхонни бефарқ қолдирмайдиган муҳим маълумотни келтириб ўтади. Жумладан, унда

¹⁹⁹ Келтирилган манба. – Б. 36.

шиа ҳамда сунний мазҳаблари ўртасидаги тўсиқлар борасида сўз юритиб, Хусайн Бойқаронинг жума намозидаги хутбаларда шиаларнинг 12 имомининг номини кўшиб ўқиши ҳақидаги фармонга имзо чекишидан Абдурахмон Жомий уни қайтариб қолганлиги, шу сабабдан шоир Жомий Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг ғазабига дучор бўлганлигини, оқибатда эса Исмоил Сафавийнинг Ҳиротга бостириб келганида Жомий қабрини вайрон этмоқчи бўлгани, аммо Жомийнинг жасади ўғли томонидан бошқа жойга олиб ўтилгани ҳақида ёзаркан, ўз мулоҳазаларини “Хўп, шоҳ Исмоил-ку Жомий қабрини бир ният билан бузган экан. Бу гал-чи? Бу гал абадий оромгоҳда ётган бир табаррук зотнинг руҳи покини кимлар чиркиратди. Нима учун”²⁰⁰, – дея эҳтирос билан ўз хайратини изҳор қилади.

Ҳа, ўринли эътироз. Бунинг боиси вайронкор кучларга, ўзини илму фанга фидо этган буюк инсонларнинг ҳурматини бажо келтира олмаганларга қаттиқ ғазаб ва нафратнинг ифодаси эди бу. Ҳали буниси ҳолва экан. Экспедиция аъзолари Алишер Навоий мақбараси қошида бўлишганида бундан-да ғамнок аҳволга тушишади. Бутун олам эътироф этган, инсоният учун илмий, маънавий мерос қолдирган буюк мутафаккиримиз мақбараларининг аянчли кўриниши ҳақида таассуф билан ёзар экан, Навоийнинг мақбарасини бир аҳволда кўрганлигидан нолиб, буни кўргунча “Кўзим чиқсин” деб, “Ҳайҳот! Хароба-ку!” дея унсиз фарёд чекади. Мақбарани кўздан кечиран экан, “...улуғ, беназир алломалар қабри, мақбараси дахлсиз бўлиб, ҳар қандай қирғинбаротларда ҳам безиён, бешикаст қолмоғи керак эди. Лекин... жоҳиллар қўлидан учган ўқлар, снарядлар жой ҳам, одам ҳам танламайди-да”²⁰¹, – дея ғамгин хаёлларга берилади. Мақбаранинг бу каби ўйламаган, кутилмаган аҳволдаги кўринишидан, елкаларида гўё ботмон-ботмон тош орқалагандек оғир хўрсиниқ билан қайтади.

²⁰⁰ Қамчибек Кенжа. Ҳинд сориға. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 41.

²⁰¹ Қамчибек Кенжа. Ҳинд сориға. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 44.

Сафарнома орқали китобхонга етказилиши лозим деб топилган маълумотлар талайгина. Экспедициянинг мақсади ва амалга оширган фаолиятлари замирида вужудга келган ушбу асардаги барча воқеалар маълум бир тизгинга солинган. Тадрижийлик таъминланган. Мавзулар бир-бирига мутаносиб тарзда ёритилган. Ўз ўрнида муаллиф ҳам ўзининг нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, муносабатини бадиий воситалар орқали намоён этганининг гувоҳи бўламиз.

Бизга маълумки, дунёга машҳур Салор Жанг музейига 1963 йилда Ҳиндистоннинг ўша даврдаги бош министри бўлмиш Жавоҳарлаъл Неру асос солган. Ёзувчи ушбу музей ҳақидаги фикрларини баён этиш асносида, муҳим янгиликлардан ҳам бохабар этмай қолмайди. Унга китобхоннинг кизиқиш ва ҳайратини ошириш мақсадида “Бобур авлодлари бор экан!” деб сарлавҳа қўйган. Даставвал, музей ҳақида, унинг Бобуршоҳга тааллуқли томонлари хусусида сўз юритади: “Мозийгоҳнинг бўлимлари ниҳоятда кўп бўлиб, улардан бири Бобурийлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган эди. ”Бобурнинг “Бобурнома”ни ёзаётган чоғлари” дея изоҳланган сурат, Акбаршоҳ ҳаётидан лавҳалар, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб, Акбар – II, Баҳодиршоҳ расмларини мусаввирлик санъатининг намуналари дейиш мумкин эди”²⁰² (Музейнинг Кашмир бўлими. Кашмир бобурийлар ҳаётида алоҳида ўрин эгаллайди).

Сафарномани ёзиш мобайнида муаллиф ибратомуз шеърлар, ғазаллар, ривоятлар ҳамда тарихий далиллардан ўринли фойдаланган. Муаллиф ҳар бир нарса, воқеа-ҳодисалардан шунчаки бепарво ўтиб кетолмайди, балки атрофга синчков ва зийрак нигоҳ билан боқади. Улардан қандайдир ибрат, эзгулик каби инсон маънавиятига дахлдор туйғуларни ахтаради.

Демак, сафарномалар шунчаки саёҳат асносида кўрган-кечирганларни қайд этиб боришдангина иборат бўлган асар эмас. Унда турфа хил тақдирлар, турфа маъноларни топиш мумкин.

²⁰² Қамчибек Кенжа. Ҳинд сориға. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 256.

Хайридин Султон, Қамчибек Кенжа сафарномаларини ўқиш жараёнида муаллифларнинг худди “Бобурнома”да кузатилган ҳаётий воқеаларни тасвирлашда холислик, самимият, китобхонни ўзи ҳайратланган, диққатини тортган бирор жабҳадан бебаҳра қолдирмаслик каби фазилатларни кўриш мумкин. Сафарномалар бизга Мирзо Бобур яшаган, “Бобурнома” яратилган вақтдан бошлаб бугунги кун – йигирма биринчи асргача бўлган беш асрлик тарихий, ижтимоий, адабий-маданий, маънавий-тарбиявий ўзгаришлар, тараққиётлар ҳақида маълумот беради, тасаввур беради. Қайсики ўқувчи агар “Бобурнома”ни ўқиган бўлса, ундаги Бобур хотираларидан, таассуротларидан бохабар бўлса ўз-ўзидан, ғайриихтиёрий равишда бундан беш аср олдин устувор бўлган халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, ахлоқий-маънавий қарашлари, улар эътиқод қўйган тушунчалар, улар инкор этган, қабул қилмаган удумлар билан мустақиллик сафарномаларида тасвир этилган бугунги куннинг худди шу жиҳатлари ўртасида қиёс кетади. Беш асрдек улкан вақт уммонида нималар унинг қаърига ботиб кетди-ю, нималар ҳали ҳам ўз мавқеини, аҳамиятини сақлаяпти, деган савол сафарнома ўқувчисини қизиқтириши табиий. Мирзо Бобурнинг “Бобурнома”сида подшо Қобулда Боғи Бинафшада хазон сайли уюштиргани ҳақида хотиралари бор. Мирзо Бобурнинг эслашича, шу сайлда подшоҳ мулозимлари Хулхул энага исмли бир аёлни Мирзо Бобур билан шароб ичиш армони борлигини айтадилар. Шунда: “Мен ҳам хотин кишининг ичганини кўрган эмасман, суҳбатга чақиринг”, дейди. Ўша сайлда Бобур аёл кишининг ичиши жуда хунук кўринишини таъкидлаб, “Хулхул энага келиб, менга кўп шалойинликлар қилди. Охири ўзимни мастликка солиб ундан қутулдим”²⁰³, – дейди. Қамчибек Кенжанинг “Андижондан Даккагача” сафарномасида худди шунга ўхшаш бир манзара борки, бу икки ҳолатни қиёслаш жараёнида ўзбек миллатининг мусулмон шахсининг аёл ҳақида, унинг ахлоқ-одоби ҳақидаги қарашларида беш асрлик вақт жуда

²⁰³ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – Б. 186 (1509-1510 йил воқеалари).

катта, тубдан бошқа-бошқа талаблар ясаб улгурмаганини кўришимиз мумкин.

Қамчибек Кенжа Қирғизистон божхонасидаги можаролар туфайли, чегарадан ўтолмай пастда қолиб кетганда вагон уйини бир кеча ижарага берган, маслаги фақат пул ишлашдан иборат бўлиб қолган Гули исмли қирғиз аёлининг эркеклар олдидаги беўхшов ҳаракатлари, тап тортмай сигарета тутатишларини кўриб, “...унинг мана шу қилиғи ўсал экан”, – дейди. Унинг андишасизлиги, эркекшодалиги Мирзо Бобур айтгандайин экспедиция аъзоларига-да эришроқ туюлади, уни ҳатто “Сарвқомат дилбарим”даги Хадичага ҳам ўхшатишади. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, сафарномаларнинг тарбиявий, маърифий аҳамияти деярли ҳар бир сарлавҳа ортидан чиқиб келаётган таассуротларда кўриниб туради. Хусусан, неча асрлардан буён Ҳиндистон катта таракқиёт сари юз тутди. Иқтисод, маданият, архитектура, илм-фан, табобат соҳасида энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олмоқда. Аммо бу таракқиёт ҳинд аёлларининг миллий қадриятларига, одоб-ахлоқларига, кийим-кечакларига асло салбий таъсир этмаётганини Қамчибек Кенжа жуда ўринли эътироф этади. “Андижондан Даккагача” сафарномасининг “Яна Ҳиндистон” бўлимининг “Байрамларингдан”, “Қиз-жувонлар ўша-ўша”, “Ҳиндларнинг кинога олғони ёлғон...” сарлавҳалари остида берилган муаллиф мулоҳазалари ҳақиқатдан ҳам кишини ўйлатиб қўяди. Дарвоқе, нега биз муаллиф мулоҳазалари дедик, таассуротлари, хотиралари дейиш сафарнома жанрининг талабига мосроқ эди-ку. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, Қамчибек Кенжа “Андижондан Даккагача” китобини “Сафарнома – 2” дея жанрини кўрсатиш билан бирга унга қўшимча тариқасида *“Кўрган-кечирилганлар. Турфа олам: одамлар, одатлар. Муаммолар, мулоҳазалар. Манзумалар”* дея сафарноманинг моҳият асосига ишора қилади. Дарҳақиқат, юқорида берилган сарлавҳалар ортида мазмун хотира, таассуротлардан иборат эмас, балки айнан шулар натижасида туғилган фикр-мулоҳаза, қайсидир маънода муаммо ҳам кўтарилганки, бу ўқувчини ўйлашга, бош қотиришга, огоҳликка даъват этади. Хусусан,

Қамчибек Кенжанинг ҳинд халқи ҳаёт тарзини, маиший, оила ва никоҳ турмуш тарзини тасвирлашга бағишланган кино асарларидаги ярим яланғоч ҳолатда бир-бирини қувишиб, ирғишлаб, ғалати, беўхшов қилиқлар билан рақсга тушиш оддий ҳаётда йўқ экан. Ҳинд киноларидаги бундай ошиқ-маъшуқлар ҳаракати бутунлай реал ҳаётдан йироқ эканлигини экспедиция аъзолари жойлашган меҳмонхонанинг техходими – отаси инглиз, онаси ҳинд аёли, танасида европаликларнинг қони бўлишига қарамай ҳинд урф-одатларини юксак даражада кадрлайдиган инсон билан суҳбатда очилади.

Қамчибек Кенжа ўз китобхонига Ҳиндистонда оила ва никоҳ борасида урф-одатлар ҳақида маълумот бериб: “Худо кўп деган ақида ҳукмрон бу юртда никоҳ тангриси (Пражанати) ҳам бор деб ишонадилар, шунинг учун никоҳ, оила жуда муқаддас тутилади, ажралиш энг оғир, мудҳиш фожиа ҳисобланади. Яқин-яқинларгача аксарият келин-куёвлар биринчи марта чимилдикда дийдор кўришадилар. Бу ҳолат “юз кўриш”, “назари бахайр” деб аталади. Ҳиндларда, шунингдек, эр бирон бахтсизликка учрамаслиги учун хотин унинг номини атамаслиги лозим, деган тушунча ҳам бор. Бу одат бизда ҳам бўлган. Сабаблари шарҳланмаган тарзда эр-хотин бир-бирларига тўнғич фарзандларининг исми билан мурожаат қилишарди, ҳозир ҳам бу удум қишлоқларда, кексалар орасида сақланиб қолган”²⁰⁴. Қамчибек Кенжа санъат ичида энг олийжаноби, тарбия омили дея таърифланган кинонинг ҳаёт ҳақиқатидан йироқлашиб бораётганини сўнги йилларда ишлаб чиқарилаётган ҳинд кинофильмлари мисолида таъкидлаб: “Продюсер, режиссёр, актёрларнинг мақсади нима ўзи? Ўз халқи, қавми, миллатини шармсиз, беодоб, ёвуз, каззоб қилиб тасвирлашдан ҳам тоймади-я... Пул, бойлик учунми? Одамларнинг, хусусан, ёшларнинг дийдаси қотиб, аёлларнинг кийимлари тобора юпқалашиб, калталашиб, торайиб, қиз билан йигитнинг ёпишиб туришлари жўн ҳолга айланиб бораверса (кинолар шуни тарғиб қиляпти-да), ҳамма “маънавият” деган ахлоқ қўрғонидан узоқлашиб бораверса, эртага, индинга, эллик, юз йилдан кейин нима бўлади?..

²⁰⁴ Қамчибек Кенжа. Андижондан Даккагача. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 265.

эллигинчи, олтмишинчи йиллардаги ҳинд фильмлари нечоғлик ҳаётӣй, таъсирли, ибратли бўларди: “Дайди”, “Жаноб 420”, “Она Ҳиндистон”, “Чангда қолган гул”... Уларда қизлар ғалат кийинишиб, йигит билан бемақсад қувалашиб, бекордан бекорга қўшиқ айтиб юришмасди. Йигит билан қиз, ошиқ-маъшук ўртасидаги ҳаё пардаси қалину жозибали эди, бутун ўша нарса йўқ”²⁰⁵. Қамчибек Кенжанинг ҳинд кинолари мисолида куйиниб айтаётган мулоҳазалари аслида ҳамма миллатнинг, жумладан, бизнинг ўзбек кино санъати учун ҳам даҳлдор эканлигини зукко ўқувчи сезиб турибди, албатта.

Қамчибек Кенжа ўз сафарномасида халқимиз орасидаги ҳаётӣй муаммоларнинг яна бирига – ўзбек аёлларининг тижорат мақсадида чет элга чиқиб кетиш масаласига эътибор қаратади. Машҳадда Имом Ризо мавзейидаги “Сино” меҳмонхонасида тижоратчи-савдогар иккита ўзбек аёлини кўриб қолган ёзувчи даставвал ўз юртдошларини кўриб суюнади, аммо тижорат деб, савдо деб оиладан, бола-чақадан, юртдан олислаб, чет элларда, тамомила бегона одамлар орасида қисматини гаровга қўйиб юрган бу аёллардан ранжийди ҳам: “Бу ижобий ҳодисами, ё?... Мана, Шарқ мамлакатларининг кўпида бўлдиқ, аёл савдогарларни-ку учратмадик, дўконларда ишлаётган қиз-жувонлар ҳам ниҳоятда кам эди. Ҳатто қашшоғи кўп, турфа миллат, турфа динли Ҳиндистонда ҳам... Кўчада ҳам узун кийиниб, юзларини ёки бутун вужудларини беркитиб юришибди”²⁰⁶, – дея мулоҳаза юритади Қамчибек Кенжа.

Биз тадқиқотнинг бошида ўтган асрнинг дастлабки 10 йиллигида тарих саҳнасига чиққан туркистонлик жадидларнинг йўлбошчиси маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг саёҳатномаларини, “Қасди сафар”ни тилга олиб ўтган эдик. Қуддуси Шарифга азимат этаётган Беҳбудий Истанбулда ҳаж сафарига кетаётган туркистонликларни кўриб қолади. “Бир неча туркистоний биродарлар аёл ва болалари ила Ҳажга борарлар ва тўрт оила Фарғона

²⁰⁵ Келтирилган манба. –Б. 273.

²⁰⁶ Қамчибек Кенжа. Андижондан Даккагача. – Тошкент: Шарқ, 2003. –Б. 323.

халқидан хижрат этиб кетмоқдадур. Парахўдга бизнинг Туркистон аёлларининг аҳволи ниҳоят қаттиқ ва асафмидур. Бу ханжор ила аёлларни судрамоқ ва аларни аёқлар остида ва парахўдни энг яман жойларида сақламоқ, “дум”лариға ўралтуриб, парахўд нардобонидан йикитмоқ... гунохдур. Ҳамда аларни боиси кулфат ва азийят ва касалликлари бўлур. Бу бечора аноларимизни бу ҳолат ила келтурулмаса яхшидур. Фаранжичоршофлари бўлсун, бу “дум” – “қуйруқ”лар нимаға керак? Қиркилсун бу думлар, токи азийят ва меҳнатлари озайсун”²⁰⁷, – дейди Бехбудий. ХХІ аср саёҳатчиси Қамчибек Кенжа Бехбудийнинг сафарномаси ёзилгандан сўнг (1914) салкам бир асрдан сўнг (2003) Машҳаддаги “Сино” меҳмонхонаси деворига “... биз томондан (Ўзбекистон – Н.Ҳ.) келишадиган ва рус тилини билишадиган, кийиниш ва бўяниш борасида руслар таъсирига қаттиқ берилган аёлларга қарата... “Муҳтарам опа-сингиллар! Ислому тартибларига биноан кийинишларингиз сўралади... (Уважаемые сестры, просим вас одеваться по законам ислама)”²⁰⁸, деган чақириқ, даъват осиб қўйилганини афсус билан таъкидлайди.

Бехбудий оёғини учигача судралиб юрадиган паранжи, чодраларга ўралган аёлга пароходда юриш, уни нарвонидан ўтиш, бошқаларга ҳам, ўзига ҳам тез-тез, чаққон ҳаракат учун халақит берадиган, ҳатто босиб олса, оёғига ўралашиб ҳалокатга сабаб бўладиган бу ноқулай либосни “дум”, “қуйруқ” деб нафратланиб, уларни “қиркулсун” дея ўз муносабатини билдирса, “Сино” меҳмонхонасидаги даъват ёки Қамчибек Кенжа мулоҳазаларида бошқа бир истак, хоҳиш сезилади. “Қайси саёҳатчининг фикрига қўшилмоқ зарур? Қайси бири ҳақ?” деган савол туғилиши табиий. Бизнингча, ҳар иккала муаллиф ўз даври учун, ўз ўрнида ҳақ. Бехбудий ва Қамчибек Кенжа фикри баён этилаётган замон, давр, рух, муҳит, инсонлар табиати, ахлоқи, маънавияти, тараққиёт ва ўзгаришларни ҳисобга олиб муносабат билдиришимизга тўғри келади. Табиат ҳам, жамият ҳам ўз давомийлигини

²⁰⁷ Бехбудий М. Танланган асарлар. (тўпловчи Б.Қосимов). – Тошкент: Маънавият, 2009. – Б. 86.

²⁰⁸ Қамчибек Кенжа. Андижондан Даккагача. (Сафарнома – 2.) – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 324.

хамма вақт мувозанатда кўради. Мувозанат бор жойда барқарорлик бор. Меъёр сақланган жойда бузилишлар бўлмайди.

Беҳбудийни ташвишга солган, унинг ғашини келтирган кийимлар юз йил давомида қирқила-қирқила, торая-торая шу даражага келиб қолдики, энди эркак билан аёлнинг уст кийими ўртасидаги тафовутни кўрсатиш қийин бўлиб қолди. Юришга қулай деб кийиладиган калта юбкалар, ихчам ва тез ҳаракатланиш мумкин дея кийиладиган шимлар қиз-жувонларнинг нафақат суратларига, ҳатто сийратларига-да таъсир этиб, эркакшода қиёфага солиб қўяётганини тан олиш вақти келди. Тўғри, инсоннинг уст кийими қулай, ихчам, замона, тараққиётга мос, ўзига ҳам, атрофдагиларга ҳам халақит бермайдиган бўлиш керак, аммо бу дегани ярим яланғоч ёки эркаклардек кийиниб олиш керак, дегани эмас-да. Аёлларга кийиниш одобини деворга осиб қўйилган илтимоснома орқали эслатишнинг ўзи уят, ор эмасми?! Шу даражага етиб келган, ўзини-да, ўзлигини-да унутган, атрофдаги миллион кўзларнинг нигоҳини писанд этмайдиган, дунёни ҳам, ўзини ҳам гуноҳи азимга ботириб юрган аёллар устларидаги кийимни бир энлик паст кийганларида нима йўқотадилар, ёки тиззаларидан баланд кийганларида нима топадилар? Хуллас, сафарнома қатидан ана шундай бахсли, ўринли фикр-мулоҳазалар қалқиб чиқиб келаверади.

“Бобурнома” асари бугунги кунда яратилаётган қатор сафарномалар учун дастуриламал вазифасини ўташ билан бир қаторда, ёзувчиларимизга маънавий мадад ҳам бўлмоқда. Зеро, мазкур асардан таъсирланиб кўплаб асарларнинг дунё юзини кўраётганлиги барчамизга бирдек аён дир. Бу билан асарга айнан тақлидан ёзилган деган фикрдан йироқмиз, албатта. Балки, бобуро на услубга ҳавас билан ундаги ҳар бир маълумотнинг аниқ далил эканлигини эътироф этиб, кези келганда муҳим маълумот ўрнида ана шу фактларни келтириб ўтишлари хусусида сўз юритмоқчимиз. Шу ўринда Қамчибек Кенжа ўз сафарномаларини ёзишда “Бобурнома”дан таъсирланиб, ундаги муҳим маълумотлардан ҳам ўринли фойдалана олганлигини таъкидлаш жоиз. “Бобур изидан” экспедицияси давомида рўй берган,

кутилган ва баъзан кутилмаган воқеалар ривожини сўзлаб бериш, бирда кўтаринки, бирда эса тушкун вазиятларга дуч келгандаги ҳис-туйғуни китобхонларга етказиш осон иш эмас. Бу борада, ёзувчимиз бевосита “Бобурнома”га мурожаат этишини эътироф этади ҳамда бу мумтоз асар “...тили, услубининг анча мураккаблиги, уни луғатсиз тушуниш қийинлиги ҳақида кўп гапиришади. Ҳатто мазкур қомусий асарни табдил қилиш, яъни содалаштириш керак, дегувчилар бор. Бу борада анча-мунча уринишлар ҳам бўлган. Дарҳақиқат, мен ҳам Бобур Мирзога дахлдор мавзуда бирон маълумот зарур бўлиб қолса, албатта, “Бобурнома”ни варақлайман”²⁰⁹, – деб айтиб ўтади.

Бобуршоҳнинг пурҳикмат сўzlари сафарномани янада жонли қилган. Жумладан, Қамчибек Кенжа “Андижондан Бағдодгача” номли сафарномасидаги “Жаннат олмалари” сарлавҳаси остида берилган сафар таассуротларини Жиззах воҳаси билан боғлиқ воқеалар тасвирига бағишлаган. Унда Жиззахнинг сўлим маскани бўлмиш Бахмал тумани худудидан ўтаётган пайтларидаги манзараларни тасвирлаш чоғида Жиззахнинг тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтиб, “Ўрта асрларда Жиззахда савдо-сотик ва хунармандчилик ривожланган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур қадамжоларидан. “Бобурнома”да “Дизак” ёзилган. Асар муаллифининг гувоҳлик беришича, Дизакда “Семиз отлар ва майда этмаклар арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон” эди”²¹⁰, – дейилади. Бундан ташқари, айнан шу сафарномада “Машҳад. Имом Ризо ва унинг ҳарами” тўғрисида сўз юритилар экан, “Темурийлар, сафавийлар даврида Машҳад ҳар жиҳатдан равнақ топган... Дарвоқе, “Бобурнома”да келтирилишича, Машҳадда бир қанча муддат Султон Ҳусайн Мирзо (Бойқаро)нинг ўғли, Бобур Мирзонинг яқин жигарларидан Ҳайдар Мирзо ҳам ҳокимлик қилган”²¹¹, – дея илова қилиб ўтилади. Бундан кўриниб турибдики, муаллиф бирор жой номлари ёхуд воқеалар тасвири-таассуротини “Бобурнома”даги тасвирларга боғлаган

²⁰⁹ Қамчибек Кенжа. Андижондан Даккагача. –Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 36.

²¹⁰ Қамчибек Кенжа. Андижондан Бағдодгача. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 17.

²¹¹ Келтирилган манба. – Б. 30.

холда етказиши сафарноманинг китобхонлар учун манзур бўлган жихатларидан бири бўлиб қолди. Негаки муҳим манбалардан ўз ўрнида фойдалана олиш асар мазмунини бойитиши билан бир қаторда ўқувчининг савиясини оширишга ҳам хизмат қилади.

Қамчибек Кенжанинг “Андижондан Даккагача” номли сафарномаси хусусида ҳам юқоридаги фикрларни билдиришимиз мумкин. Чунки ушбу сафарномада ҳам “Бобурнома”га қиёслар берилган. Сафарномадаги кўплаб фикрларда Бобур Мирзонинг услубига ҳамоҳанглик эътиборни тортади. Муаллиф Гуркиров қишлоғининг таърифини келтиришда Бобур Мирзога хос бўлган услубда, яъни маълумотларни аниқ ва лўнда, тушунарли тарзда ифодалашга ҳаракат қилган. Жумладан, “Гуркиров – мўъжазгина, хушманзара қишлоқ. У жанубдан Қорадарё ва шимолдан Тошпичан (уни кейинчалик Чиртаксой, Тентаксой деб ҳам атай бошладилар) дарёлари оралиғида жойлашган. Ерлари унумдор. Қишлоқ аҳли тирикчилигининг асосий манбаи деҳқончилик ва боғдорчиликдир. Айниқса, анорга мутахассис улар. Анори йўқ ҳовли йўқ. Аҳли меҳнаткаш”²¹², – дейди.

Қамчибек Кенжа сафарномаларининг мазмунан бойишида буюк Бобур Мирзонинг шоҳ асаридан мавзуга дахлдор бўлган парчалардан кенг фойдаланган. Ҳар бир келтирилган парчалар муаллифнинг ҳикоя қилаётган воқеаларига далил бўлиши билан бир қаторда, сўзларининг асосли ва ишонарли бўлишига замин яратади. Ёзувчи, айниқса, жой номлари ва улар билан боғлиқ воқеаларни тасвирлаш мобайнида бевосита “Бобурнома”га мурожаат этади: ”Карнал, Сомона деган лавҳа-кўрсаткичларни кўриб, Неъматилло: “Қаранг-а, Бобур тилга олган номлар ҳали ҳам бор экан”, – деб қолди. “Бобурнома”да Сомона айнан келтирилган, лекин “Карнал”, “Карол” тарзида берилган ва Қозон босма нусхасида “Кармол” ёзилганлиги эслатилган. Сомона вилоятини Бобур Мирзо “Муҳаммад кўкалтошга... иноят қилиб” эди. Демак, бу ҳудудлар Бобур Мирзо, Хумоюн ва бошқа

²¹² Қамчибек Кенжа. Андижондан Даккагача. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 8.

Бобурийларнинг пойқадами теккан табаррук манзиллар эди”²¹³. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Муҳими, биз айтмоқчи бўлган фикр шундаки, бугунги кунда яратилаётган сафарномалар ўзининг мазмуни ва кўлами жиҳатидан ўзига хос янги ва муносиб босқичга кўтарилмоқда. Бу эса, албатта, бугунги кунга қадар яратилган сафарномаларнинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда уларнинг мазмунан янада бойитилиши ва маълум тажрибаларга таяниши асосида вужудга келаётганидан нишонадир. Ушбу сафарномалар бугунги ва келажак авлоднинг маънавий ва руҳий камолотида, қолаверса, интеллектуал салоҳиятини ўсишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бунга сабаб эса сафарномаларнинг ҳам илмий, ҳам бадий, ҳам маърифий жиҳатларни ўзида камраб олганлигидадир. Шу боисдан ҳам нафақат илм эгаларининг, балки оддий китоб ихлосмандларининг ҳам эътиборини тортмай қолмайди.

Боб бўйича хулосалар:

1.Маърифатпарвар олим, буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шонли ҳаёти ва беназир ижоди доим инсонлар диққат марказида бўлган. Республикамизда Заҳириддин Муҳаммад Бобур номини абадийлаштириш, унинг ҳаёт йўлига оид ҳалигача номаълум сиру синоатларни очиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, Бобур меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида Бобур номидаги халқаро жамғарма тузилди. Шунингдек, “Бобур изидан” экспедициясининг ташкил этилиши орқали ўзбек адабиётида янгича шакл ва мазмундаги сафарномаларнинг яратилиши ва китобхонлар ҳукмига ҳавола этилиши маънавий ҳаётимизда катта адабий воқеа бўлди.

2.Экспедициянинг илк таассуротлари ҳақида маълумот берувчи Хайриддин Султоннинг “Бобурийнома” маърифий асаридаги сафарнома жанрига хос хусусиятларини ёритишга ҳаракат қилдик. “Бобурийнома”дан

²¹³ Келтирилган манба. – Б. 115.

ўрин олган тарихий ҳақиқатнинг бадиий ифодаси сифатида юзага келган бир канча ҳикоя ва қиссаларнинг аҳамияти хусусида сўз юритар эканмиз, сафар таассуротларини баён этишда бу каби ҳикояларнинг ўринли қўлланилиши асар савиясини янада ошириб, китобхоннинг маънавий ва эстетик эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади, деган хулосага келдик.

3. “Бобурийнома”да, 1992 йилги сафар хотираларидан тортиб 1996 йилга қадар Бобур билан боғлиқ воқеа-тадбирлар “Бобурнома” услубига хос тарзда аниқ ва лўнда, мухтасар ва ишонарли ҳикоя қилинган. “Бобурийнома”да, энг аввало, экспедициянинг сафар хотиралари, бобурийлар ҳақида, илмий, маданий, архитектура ёдгорликлари ҳақидаги маълумотлар ўз ифодасини топган бўлса-да, аммо сафарнома марказида муаллиф тасавурида Мирзо Бобур сиймоси туради. Бу борада фикрларимизни бир қатор адабиётшунос олимларнинг мулоҳазалари билан асослаб ўтдик.

4. “Бобурийнома” маърифий романи сафарномалар орасида ҳам бадиий савияси, ҳам илмий далиллар билан ёндашуви жиҳатидан шу пайтгача яратилган сафарномалар, шу типдаги асарлар орасида бир поғона баландлиги билан ажралиб туради.

5. Миллатимиз тарихидагина эмас, жаҳон тарихида ҳам учрайдиган қомусий билим ва фазилатлар эгаси Мирзо Бобур шахсиятини бугунги китобхон кўз ўнгида бор-бўйи билан тиклашда, буюк аждодларимизнинг инсоний ва ижодий даҳоси ҳақидаги ҳақиқатни англаб етишда “Бобурийнома”нинг маърифий-тарбиявий аҳамияти беқиёсдир. “Бобурийнома”, образли қилиб айтганда, оиланинг қобил тўнғич фарзанди укаларини эзгулик сари етаклаганидек, ўзидан кейин адабиётимизга кириб келган сафарномаларнинг яралишига илҳом берадики, бу асарлар, хусусан, Қамчибек Кенжа сафарномалари бугунги кун китобхонида ва ўзгаришлари буюк аждодларимиз даҳоларининг бизгача етиб келган манзил-мароҳилларидан сўзлайди.

6. Қамчибек Кенжа наср ва назмда самарали ижод қилган серқирра ижодкордир. Уни шеърӣ ва насрий асарлар, қолаверса, кўплаб таржималар

муаллифи сифатида эътироф этарканмиз, бевосита ушбу фаслни Қамчибек Кенжа сафарномаларини ёритиш ва таҳлил қилишга бағишладик. Қамчибек Кенжа ўз сафарномаларида бевосита Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сидан илҳомланиб, унга эргашгани, керакли ўринларда асардан иқтибослар келтиргани ҳам мисоллар орқали ёритилган. Шунга қарамасдан, сафарномаларни мутолаа қилиш жараёнида барибир ёзувчининг ўз услуби кўзга яққол ташланиб туради.

7. Юқорида биз таҳлил қилган сафарномаларда жуда катта маърифий маълумотлар жамланган. Бу маълумотларнинг тарихий, интеллектуал ҳамда маърифий жиҳатлари ўқувчиларимизнинг онг ва тафаккурини янада бойитиши шубҳасиз. Уларда юртимиз тарихининг шонли саҳифаларига муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг ўзига хос ҳаёт тарзлари, буюк миллий-ижтимоий фаолиятлари, жасоратлари кенг ёритиб берилган.

8. Қамчибек Кенжа яратган сафарномалар ўзбек адабиётининг шу жанрига оид катта кашфиётлар сифатида эътироф этилишга муносибдир. Уларда ҳаққонийлик ва бадий тўқима, тарихийлик ва замонавийлик, тасвир тиниқлиги ва таъсирчанлик жуда мутаносиб тарзда уйғунлашган.

9. Бу асарлардан таълимнинг барча қатламларида ёшларимизни кўпроқ баҳраманд этиш уларнинг ақлий ва маънавий салоҳиятларининг ортишига, дунёқарашларининг кенгайишига, маънавий оламларининг янада бойишига муносиб ҳисса қўша олади.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк сафарномалар барча халқлар адабиётида диний-руҳоний эҳтиёж, муқаддас жойлар зиёрати истаги ўлароқ юзага келган ва улар зиёрат характерида бўлган. Вақт ўтиши билан зиёрат характеридаги сафарномалардан Уйғониш даври сафарномалари ҳисобот характеридаги сюжет ва композицияси билан фарқлана бошлади. Сафар худо йўлида адо этиладиган муқаддас амал деган тушунча ўз маъносини йўқота бошлади.

2. Дунёни билишга, уни ўрганишга отланган сайёҳнинг қизиқиш доирасининг хилма-хиллиги, мақсад ва вазифаларнинг турлилиги сафарномалар табиатига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Энг дастлабки сафарнома сюжети чизиғига хос бўлган: сафар маршрути батафсиллиги ва сафар воқелигига саёҳатчи-муаллифнинг объектив ва субъектив баҳоси каби икки жиҳат кейинги давр сафарномалари учун ҳам хос хусусият бўлиб қолди.

3. Мусулмон Шарқда сафарнинг мусулмончиликдаги фарз амал даражасига етишиши Қуръони каримдаги инсонларни саёҳатга чиқишга даъват этувчи оятлари сабабли бўлган. Пайғамбар ҳадислари натижасида илм талабида, азиз авлиёларнинг шарофатли қабрларини зиёрат қилиш, улўф инсонлар билан суҳбатлашиш мақсадида қилинадиган сафар ҳам мусулмон киши учун суннат ва вожиб амал даражасига етди. Бу айни пайтда ҳаётнинг инъикоси бўлган Шарқ адабиётида сафарнинг аҳамиятли мотивлар қаторига киришига сабаб бўлди.

4. Ўзбек халқ эртакларида сафар сюжетни ҳаракатга келтирган муҳим мотивлардан бўлиб ҳисобланади. Сафар мотиви, айниқса, сеҳрли-фантастик эртакларда ўзи билан боғлиқ бутун бошли йўналиш марказида туради. Маиший ва ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда ҳам муҳим ўрин тутган сафар мотиви қаҳрамонни шакллантириш, фаолиятга ундаш ва алалоқибат мурод-мақсадига етказишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ғоявий воситалардан саналади. Халқ дostonларида сафар мотиви муҳим аҳамиятга эга ҳисобланиб, у билан боғлиқ йўналишлар анча реал бўлади.

5. Сафарномалар кейинчалик ўз моҳияти, мазмун-мундарижасидан келиб чикиб бир қатор турларга бўлинди:

– илмий сафарномалар. Буларга милоддан аввалги II асрда яшаган хитойлик дипломат ва сайёҳ Чжан Сяннинг “Буюк ипак йўли”нинг очилишидаги хизматлари ёритилган, шунингдек, алломаларимиз Абу Райхон Берунийнинг “Ҳиндистон”, Аҳмад Фарғонийнинг Мисрда, Нил дарёси бўйларидаги самарали тадқиқотлари баён этилган, қолаверса, сафарлари натижасида пайдо бўлган Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғот-ит турк”, Исҳоқхон Ибратнинг “Луғати ситта алсина” каби асарларни ҳам санаб ўтиш мумкин;

– тарихий сафарномалар. Булар сафига Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома”си, Носир Хисравнинг “Сафарнома”си, венециялик Марко Полонинг “Оламнинг ранг-баранглиги ҳақидаги китоб” (1298), тверлик рус сайёҳи ва савдогари Афанасий Никитиннинг “Уч денгиз оша саёҳат”, қолаверса, элчилик фаолияти натижасида ёзилган ҳисоботнома характеридаги Руи Гонзалес де Клавихонинг “Амир Темур саройига саёҳат”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” каби асарларини ҳам киритиш мумкин;

– бадий асар сифатида ёзилган сафарномалар қаторидан Карамзиннинг “Рус сайёҳининг мактублари”; Радишевнинг “Петербургдан Москвага саёҳат”, Байроннинг “Чайлд Гаролд саёҳатлари”, шунингдек, Муқимийнинг “Саёҳатнома” каби асарлари ўрин олган.

6. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сафарномаларда бир қатор реал фактлар, албатта, қаламга олинади. Буларнинг энг муҳимлари, доимий элементлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: Маршрут; Транспорт воситалари; Йўл хусусиятлари; Пейзаж тасвири; Архитектура ёдгорликлари тавсифи; Шаҳар ва қишлоқларнинг ўзига хос нодир ёдгорликлари; Бино ва уйларнинг ташқи кўринишлари, ички безаклари, жиҳозлари (интерьер); Янги ўлка одамлари, этнографик кузатишлар, урф-одатлар, расм-русмлар; Янги олам одамлари билан суҳбатлар, ишонч ва

этиқодлар, ҳикоялар, дидларга оид кузатиш ва қайдлар. Бундан ташқари сафарномаларда ҳар бир шахснинг атроф-муҳитга, маълум бир маконга, муайян шахсларга, воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабати ўта субъектив бўлиб, айнан муаллиф дунёқарашидан келиб чиқади.

7. Бадиий адабиётда афсонавий-хаёлий маконга саёҳат билан боғлиқ асарлар ҳам учрайди. Бундай асарларда саёҳат қилинган макон афсонавий “Гилгамиш ҳақида афсона” достони, Гомернинг “Илиада” “Одиссея”, Вергилийнинг “Энеида”, Дантенинг “Илоҳий комедия”, Некрасовнинг “Россияда ким яхши яшайди?”, Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саргузаштлари”, Марк Твеннинг “Геклберри Финнинг саргузаштлари» романларини, шунингдек, ўзбек адабиётида яратилган бундай асарлар мисолига ёзувчи Аҳмад Аъзамнинг “Ғулистонга сафар” асарини киритиш мумкин. Ушбу асарларда воқеа хаёлий бўлганлиги учун улардаги сафар элементлари ҳам қисман ёки бутунлай нореалдир.

8. Бобурнома – бу сафарнома. Асар энг мукамал сафарномаларга хос бўлган жамики хусусиятларни ўзида намоён эта олган. Мирзо Бобур талқинидаги маълумотларнинг янгилиги, қизиқарлилиги, қиёсийлиги, энг муҳими, уларнинг тақдим этилишида шоир, ижодкор, олим нигоҳининг сезилиб туриши “Бобурнома” муваффақиятини таъминлаган омилдир.

9. Дунёхабардорлик миллат юксалишининг бир омили эканлигини яхши билган маърифатпарвар сайёҳлар сафарда кўрган-кечирганлари, таассуротларини ибрат сифатида битиб, ижтимоий-маърифий, публицистик, бадиий-эстетик, фалсафий, сиёсий мақсадларни ўз олдига қўйган саёҳатномалар яратдилар. Қиёслаш жадид сафарномаларининг таянч усули бўлиб, уларда фактографиклик ва аналитиклик ёнма-ён, параллел олиб борилади.

10. Давр мафкуравий тазйиқлари ва ижоддаги мавжуд қолиплар сабаб шўро даври-ёзувчилари сафар таассуротларини чин маънода бўлишишга, ҳавас ва ҳайратларини очиқ билдиришда кўпинча ўзларини чеклаганлар. Ғафур Ғуломнинг “Тахти Сафар” ҳамда “Ҳоки Мусалло” сафарномалари

муаллифнинг Ҳирот сафари, Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаролар ҳимматидан баҳра топган Ҳоки Мусаллонинг кейинги тақдири билан боғлиқ хотира битикларигина бўлиб қолмай, бу асар ўз даври навоийшунослигида ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

11. Хайриддин Султоннинг “Бобурийнома” маърифий асаридаги сафарнома жанрига хос хусусиятлари ёрқин кўзга ташланади. “Бобурийнома”дан ўрин олган тарихий ҳақиқатнинг бадиий ифодаси сифатида юзага келган бир қанча ҳикоя ва қиссалар сафар таассуротларини баён этишда бу каби ҳикояларнинг ўринли қўлланилиши асар савиясини янада ошириб, китобхоннинг маънавий ва эстетик эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

12. Қамчибек Кенжа ўз сафарномаларида бевосита Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сидан илҳомланиб, унга эргашгани, керакли ўринларда асардан иқтибослар келтиргани ҳам мисоллар орқали ёритилган. Қамчибек Кенжа яратган сафарномалар ўзбек адабиётининг шу жанрига оид катта кашфиётлар сифатида эътироф этилишга муносибдир. Уларда ҳаққонийлик ва бадиий тўқима, тарихийлик ва замонавийлик, тасвир тиниқлиги ва таъсирчанлик мутаносиб тарзда уйғунлашган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга

молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриги // Халқ сўзи. 2018 йил 8 август.

2. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 486 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Андижондаги “Бобур ва жаҳон маданияти” музейига қилган ташрифидаги нутқи // www.uza.uz. 2017, 2 июнь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаати // Халқ сўзи. 2020 йил, 29 декабрь.

5. Адабиёт ва санъат, маданияти ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувидаги маърузаси // Жаҳон адабиёти. – Тошкент: 2017, № 8, 3–8-бб.

II. Илмий-назарий адабиётлар

1) Миллий нашрлар

6. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. 2-нашр. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2012. – 322 б.

7. Гадоев К, Бердиева С. Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 272 б.

8. Дониш А. Наводур ул-вақое. – Тошкент: Фан, 1964. – 387 б.

9. Дониш А. Бухородан Санкт-Петербургга саёҳат. – Душанбе: Билим, 1976. – 280 б.

10. Жалолов Ғ. “Алпомиш” ва халқ эртаклари // “Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: Фан, 1999. – 144 б.
11. Завқий ижоди. Мақолалар, хотиралар, шеърлар. “Фарғона” нашриёти, 2008. – 230 б.
12. Зоҳидов В. Бобирнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси. Сўз боши. Бобирнома. – Тошкент: Фан, 1960. – 514 б.
13. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Муҳаррир, 2011. – 124 б.
14. Каримов Н. Адабиёт манзаралари. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 536 б.
15. Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 544 б.
16. Назаров Б., Расулов А., Ахмедова Ш., Қаҳрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди. – Тошкент: Tafakkur qanoti, 2012. – 396 б.
17. Норматов У. Жанр имкониятлари. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. – 136 б.
18. Очилов Э. Барҳаёт сиймолар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 422 б.
19. Расулов А. Услуб ва санъаткорлик уйғунлиги / Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 334 б.
20. Содиқов С. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси (адабий-танқидий мақолалар). – Тошкент: Шарқ, 2005. – 320 б.
21. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 408 б.
22. Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан, 2011. – 240 б.
23. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 277 б.
24. Эгамов Х. Мотив ва сюжет. // Ўзбек фольклоршунослиги. Антология. – Тошкент: “O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2017. – 592 б.

25. Эшонкулов Ж. Миф ва бадиий тафаккур. – Тошкент: Фан, 2019. – 310 б.
26. Ўзбек насри тарихидан. (Масъул муҳаррирлар И.Султонов ва А.Ҳайитметов). – Тошкент: Фан, 1982. – 194 б.
27. Қодиров П. Қалб кўзлари. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б. 340.
28. Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш., Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. - 456 б.
29. Қосимов У. Адабиётнинг ҳаётбахш кучи. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – 208 б.
30. Қудратуллаев Ҳ. Бобур армони. – Тошкент: Шарқ, 2009. – 384 б.
31. Қўшжонов М. Ижод масъулияти. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 340 б.
32. Ғафуров И. Мангу латофат. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 460 б.
33. Ҳаққул, И. Такдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 217.
34. Ҳомидий Ҳ. Кўҳна шарқ дарғалари. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 352 б.

2) Хорижий нашрлар

35. Adams, P.G. Travellers and Travel Liars // Bekerley, 1962. – 194 p.
36. Gove, R.V. The imaginary voyage in prose fiction // L., 1961. – 245 p.
37. Гуминский В.М. Путешествие // Литературный энциклопедический словарь. – М.: Сов. Энциклопедия, 1987. – 315 с.
38. James, E.A. Daniel Defoe's Many Voices. A Rhetorical Study of Prose Style and Literary Method// – Amsterdam, 1972. – 158 p.
39. Митрохин Л.Б. Индия: вступая в век XXI. – Москва: Политиздат, 1987. – 477 с.
40. Moore, J.R. Daniel Defoe: Citizen of the Modern World. – Chicago, 1958. – 103 p.
41. Путилов Б. Мотив как сюжетобразующий элемент // – М.: Наука, 1975. – 142 с.

42. Гачев Г. Д. Европейские образы Пространства и Времени. Культура, человек и картина мира. – Москва, 1987. – 223 с.
43. Дедлов В. Л. Переселенцы и новые места. СПб., - Москва: 1894. – 165 с.
44. Russian Travellers to Constantinople in the fourteenth and fifteenth Centuries by G.P. Majeska // Washington, 1984. – 113 p.
45. Smith A.E. Travel narratives and the familiar letters form in the mid-eighteenth century // Studies in philology. Chapel Hill, 1998. Vol. 95. № 1. – P. 77–96.
46. Stevenson, Catherine B. Viktorian Women Travel Writers in Afrika. – Boston, 1982. – 289 p.
47. The Journey: the Female Travel Experience / ed by B. Frederik and S. McLeod. – Pullman, 1993. – 166 p.
48. Twentieth Century Interpretations of Robinson Crusoe. – Englewood Cliffs, 1969. – 128 p.
49. Фарҳанги тафсирии забони тоҷики (ибораат аз 2 жилд) Жилди 2 (О – Я) Зери таҳрири Сайфиддин Назарзода (раис), Аҳмаджон Сангинов, Саид Каримов, Мирзо Ҳасани Султон. – Душанбе, Пажӯҳишгоҳи забон ва адабиёти ба номи Рӯдаки, 2008. – 221 с.
50. Шачкова В.А. “Путешествие” как жанр художественной литературы: Вопросы теории. Вестник Нижегородского университета им. Н.И.Лабачевского. 2008, №3. – 280 с.
51. Чернишевский Н.Т. Полн.собр.соч. – М.: ГИХЛ, 1948, IV том. – 997 с.
52. Щадрина М.Г. К вопросу о становлении и развитии жанра путешествий. // Русский язык в школе. 2003, №3, 78–83 с.

53. Тойбаев Э.М. Эволюция развития казахских путевых очерков// доклад сделанный на международной конференции «Массовая коммуникация Казахстана в XXI веке: реалии и прогноз развития», 18 марта 2005 г. <http://www.conf.freenet.kz>

54. Хализев В. Е. Теория литературы. М., 1999. – С. 133.

55. Hunter, J.P. The Reluctant Pilgrim: Defoe's Emblematic Method and Quest for Form. – Baltimore, 1966. – 295 p.

III. Диний манбалар, адабиётлар

56. Инжил. /“Тавротдан ибтидо”/ Забур. Библия таржима қилиш институти. Стокгольм. Швеция, 1992. – 952 б.

57. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима (Алоуддин Мансур таржимаси). – Бишкек, 2001. – 768 б.

IV. Луғатлар

58. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 744 б.

59. Мумтоз адабиёт манбалари луғати. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – 432 б.

60. Салаев Ф., Қурбонниёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 332 б.

61. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Учинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 687 б.

61. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 568 б.

62. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 408 б.

V. Бадий адабиётлар

63. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис. 4 китоб. Ал-жомий ас-саҳих. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 361 б.
64. Аъзамов Э. Эрталабки хаёллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 560 б.
65. Абдуллоев, К. Эронга саёҳатлар / – Душанбе, 2005. – 186 б.
66. Армений Вамбери. Путешествие по Средней Азии. – Москва: Восточная литература, 2003. – С. 389
67. Айний, С. Тарихий байрам. Куллиёт. Ж. 5. – Душанбе, 1963. С. 123-140.
68. Аҳмад С. Йўқотганларим ва топганларим. – Тошкент: Саностандарт, 2014. – 352 б.
69. Беруний. Танланган асарлар. - Тошкент: Маънавият, 2006. - 277 б.
70. Беҳбудий М. Қасди сафар. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 280 б.
71. Беҳбудий М. Танланган асарлар(тўпловчи Б.Қосимов). – Тошкент: Маънавият, 2009. – 280 б.
72. Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент: Фан, 1960. – 514 б.
73. Булбулигўё. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 320 б.
74. Гулбадан бегим. “Ҳумоюннома”. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ботирали Йўлдошев. – Тошкент: Фан, Очун. 2022. – 128 б.
75. Жамол Камол. Абадият остонасида. Сайланма. Олти жилдлик. III жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 464 б.
76. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (В.Раҳмонов, К.Муллахўжаева табдили). – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – 288 б.

77. Ибн Баттута. Саёҳатнома. Тухфат ан-нуззор фи ғароиб ал-амсор ва ажоиб ал-асфор. – Тошкент: Шарқ, 2020. – 688 б.
78. Кошифий Ҳусайн Воиз. Футувватномаи султоний; Ахлоқи муҳсиний. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – 376 б.
79. Калила ва Димна. – Тошкент: Истиқлол, 1994. – 302 б.
80. Карамзин Н.М. Письмо русского путешественника. – М.: Наука, 1984. – 708 с.
81. Кенжа Қ. Ҳинд сориға. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 205 б.
82. Кенжа Қ. Андижондан Боғдодгача (Буюклар изидан; Сафарнома – 4). – Тошкент: Шарқ, 2007. – 256 б.
83. Кенжа Қ. Андижондан Даккагача. (Сафарнома – 2.). – Тошкент: Шарқ, 2003. – 384 б.
84. Кенжа Қ. Буюклар изидан. (Сафарнома – 3). – Тошкент: Шарқ, 2006. – 240 б.
85. Кенжа Қ. Соҳибқирон юрган йўлларда (Сафарнома – 5). – Тошкент: Шарқ, 2011. – 346 б.
86. Кенжа Қ. Бобурийлардан бири (Ҳужжатли роман). – Тошкент: Шарқ, 2022. – 464 б.
87. Ключевский В.О. Исторические портреты. – Москва: 1991. 444 с.
88. Маҳмуд Тоир. Европа саёҳати: хайрат ва шукроналик. Сафарнома. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 168 б.
89. Минг бир кеча. Араб халқ эртаклари. 1-китоб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 204 б.
90. Муқимий. Асарлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 480 б.
91. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. Таржимонлар: В.Раҳмонов ва б. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 720 б. + 32 зарв.

92. Муҳаммад Али. Мен кўрган Америка: очерклар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2022. – 176 б.
93. Ойбек. Покистон таассуротлари. Мукамал асарлар тўплами. Ўн тўққиз томлик. 12-том. – Тошкент: Фан, 1978. – 440 б.
94. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406-йиллар). – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 164 б.
95. Самарқандий А. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Ҳиндистон сафари достони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 632 б.
96. Саъдий. Гулистон. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – 187 б.
97. Султонов Х. Бобурийнома. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 414 б.
98. Сафаров Н. Кўрган-кечирганларим. Повесть. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – 312 б.
99. Скалковский К.А. Новые путевые впечатления. СПб., 1889. –С. 168.
100. Ўзбек халқ эртаклари. Уч жилдлик. 1-, 2-, 3-жилдлар (3-нашри) – Тошкент: Ўқитувчи, 2014. – 384 б.
101. Фитрат А. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 256 б.
102. Хисрав Носир. Сафарнома (форсийдан Ғ.Каримов таржимаси). – Тошкент: Шарқ. 2003. – 112 б.
103. Хожение на Флорентийский собор Неизвестного Суздальца//Книга хожений: Записки русских путешественников XI-XV веков. – М.: Сов. Россия, 1984. – Ст. 137.
104. Чўлпон. Йўл эсдаликлари. Асарлар. Уч жилдлик. II жилд. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 376 б.
105. Янус Э. Хождение игумена Даниила // ТОДРЛ. – М.: 1968. Т 23. – 304 с.

106. Қодиров П. Юлдузли тунлар. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 306 б .
107. Қудратуллаев Ҳ. Бобур армони. – Тошкент: Шарқ, 2009. – 384 б.
108. Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимёи саодат. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 352 б.
109. Ғулом Ғ. Ҳоки Мусалло. Мукаммал асарлар тўплами. 12 жилдлик. 11-жилд. – Тошкент: Фан, 1989. – 494 б.
110. Ҳерманн Ҳессе. Нюренбергга саёхат. Сафарнома. (қисса ва ҳикоялар). – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 192 б.
111. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 256 б.
112. Ҳайдаров Б. Сафар олдидан сафар. Бадий публицистика. – Тошкент: “Vektor-Press”, 2008. – 224 б.

VI. Диссертация ва авторефератлар

113. Бозоров Н.Ш. Жанри сафарнома дар адабиёти муосири тоҷик. – Душанбе, 2002. – 157 с.
114. Гуминский В. М. Жанр путешествия в русской литературе и творческие искания Н.В. Гоголя. Автореф. дис. д.ф.н. – М.: 1996, 50 с.
115. Давлатзода Н.Д. Формирование и эволюция художественного образа Хатама в персидско-таджикской литературе (классический период): диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Душанбе, 2019. – 196 с.
116. Жалилова Х. XVIII аср Ғарбий Европа маърифатчилиги адабиётидаги ва XIX аср охири-XX аср бошларидаги милл ий уйғониш даври ўзбек адабиётидаги саёхатнома жанрининг маънавий-маърифий хусусиятлари. Филология фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2008. – 170 б.
117. Жамолов С. “Бобурнома”нинг бадий хусусиятлари. Филология фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 1966. – 168 б.

118. Лихачев Д.С. Путешествия на Запад. История русской литературы: диссертация на соискание ученой степени канд. фил. наук.– М.: 1948, С. 270 .
119. Маслова Н.М. “Путешествие” как жанр публицистики: Автореф. канд. дис. – М.: 1973, 54 с.
120. Михайлов В.А. Эволюция жанра литературного путешествия в произведениях русского писателей XVIII-XIX веков: диссертация на соискание ученой степени канд. фил. наук. – Волгоград, 1999. – 170 с.
121. Назарова Ш. Ўзбек халқ эртақларида синов мотивининг генезиси ва поэтикаси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2017. – 150 б.
122. Панцеров К.А. Путевой очерк: эволюция и художественно-публицистические особенности жанра. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филолог. Наук. – Санкт-Петербург, 2004. – 207 с.
123. Саъдиев С. Жанри сафарнома дар адабиёти маорифпарвари тоҷик ва Эрон. Масъалаҳои филологияи тоҷик. Мақола ва гузаришоти илми. – Самарқанд; Нашри ДДС, 1997. – 210 б.
124. Сботова С. В. Рефлексия темы путешествия (пути) в художественно- философской мысли западной Европы и России XVIII-XX вв. Диссертация на соискание ученой степени кандидата культурологии. – Саранск, 2005. – 168 с.
125. Скибина О.М. Творчество В.Л.Кигна-Дедлова: Проблематика и поэтика специальност. Диссертация на соискание учёной степени доктора филологических наук. Московский педагогический государственной университет. – Москва, 2003. – С. 376.
126. Щербакова М.И. Проза С.В.Максимова. Текстология и вопросы поэтики: Диссертация на соискание учёной степени доктора филологических наук. – Москва, 2003. – 376 с.
127. Юнусзода З.Ю. Жанри сафарнома дар адабиёти маорифпарвари тоҷик. Филология фанлари номзоди диссертацияси.-Самарқанд, 2010. – 158 с.

VII. Илмий тўплам, журнал ва газеталардаги мақолалар

128. Аҳмедов С. Ўзбек демократик адабиётида саёҳатнома. – Тошкент: Адабий мерос, 1986. № 1 (35).
129. Айний С. Канали Маргедар. Душанбе: – Қизил тож. 1940. – с. 28-29
130. Болтабаева О. Хилватийнинг “Сайрул жибол” саёҳатномаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2016, № 3, 78 б.
131. Гурвич И. Русская беллетристика: эволюция, поэтика, функции. Вопр. Литературы. 1990. № 5. С. 113-142.
132. Джалилова Х. Саёҳат жанрининг хусусиятлари (тарихи ва таҳлил) // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. – Тошкент: 2020, ISSN 2181–7324, 206 б.
133. Жабборова Ф. “Саёҳатнома”ларда маърифатпарварлик ғоясининг поэтик таҳлили // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент: 2019, № 3, 25–27-бб.
134. Каримов Б. Абдиат йўлига чиққан шоир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент: 2017, № 1, 230 б.
135. Краснов А.В. Снегах и льдах Восточного Тянь-Шаня. Книжки “Недели”. СПб., 1887. № 8.
136. Мадраимов А., Турдихўжаева. Гиёсиддин Накқошнинг “Хитой сафарномаси” манбасидаги темурийлар ҳамда Хитой тарихини ёритувчи маълумотлар таҳлили // Uzbekistan–China: development of cultural, historical, scientific and economic relations. 2021. November. ISSN 2181-1784, SJIF 2021:5.423.
137. Пардаев Қ. Муқимий “Саёҳатнома”си матни тарихидан // Шарқ юлдузи. – Тошкент: 2015, № 4, 113–120-бб.
138. Пропп В. Исторические корни волшебной сказки. – М.: 2000. – 335 с.
139. Пропп В. Морфология сказки. Academia. – Л.:1928. – 89 с.
140. Фитрат А. Ҳинд сайёҳининг баёноти . – Тошкент: Шарқ , 1988. № 6, 12- 57 бб.
141. Шачкова В.А. “Путешествие” как жанр художественной литературы: Вопросы теории. Вестник Нижегородского университета им. Н.И.Лобачевского. 2008, №3. – С. 280.

142. Қахҳор Т. Исмоилбек Ғаспирали. Туркистон саёҳатлари // Жаҳон адабиёти журнали. – Тошкент: 2010, № 10, 104–107-бб.
143. Қўчқорова С. Европа ва ўзбек халқ эртақларининг ўрганилишига оид // Хорижий филология. – Тошкент: 2018, №3, 101-б.
144. Ҳошимов Ў. Покистон сафари. <https://saviya.uz/ijod/publitsistika-/pokiston-safari/?imlo=k>
145. Ҳошимов Ў. Шудрингли ўтлоқлар. <https://ziyouz.uz/matbuot/sovet-matbuoti/utkir-hoshimov-shudringli-utloqlar-1971/>

VIII. Интернет манзиллари

146. <http://old-russian.chat.ru>
147. <http://www.e-tarix.uz/milliyat-insholari/>
148. <http://www.ijod.uz>
149. <http://www.sharqyulduzi.uz>
150. <http://www.ziyonet.uz>
151. <http://ziyouz.com/uzbek-nasri/>
152. <https://forum.ziyouz.com/>
153. <https://kitobxon.com/ru/kitob/safarnoma>
154. <https://www.ef.ru/blog/language/50-luchshih-citat/>
155. www.book.uz
156. www.google scholar.com

Иловалар

1-жадвал

Дастлабки сафарлар	Дастлабки сафарлар
	Диний-руҳоний эҳтиёж, муқаддас ерлар зиёрати
	Уйғониш давридаги ҳисобот ҳаракатдаги сафарномалар
	Дунёни билишни ўрганишга отланган сайёҳнинг қизиқишлари

2-жадвал

Сафарномаларнинг сюжет чизиғи	Сафар маршрути батафсиллиги
	Сафар воқелигига саёҳатчи-муаллифнинг субъектив баҳоси

3-жадвал

Мусулмон Шарқда сафарнинг аҳамияти	Қуръони каримдаги инсонларни саёҳатга чиқишга даъват этувчи оятлар сабабли
	Пайғамбар ҳадислари таъсиридаги
	Илм олиш учун
	Азиз авлиёлар қабрини зиёрат қилиш учун
	Улуғ инсонлар билан суҳбатлашиш мақсадида

Муслмон шарқи ва унинг адабиётида сафар ҳодисаси	Зоҳирий, яъни жисмоний сафар
	Ботиний, яъни маънавий сафар

Сафарномаларнинг моҳияти, мазмун- мундарижасига кўра турлари	Илмий сафарномалар (ёки ҳисоботномалар)	Чжан Цяннинг Буюк ипак йўли очилишидаги хизматлари
	Тарихий сафарномалар (кундаликлар)	Ибн Баттута “Сафарнома”
		Марко Поло “Оламнинг ранг- баранглиги ҳақида китоб”
		Афанасий Никитин “Уч денгиз орти бўйлаб сафар”
	Бадий асар сифатида ёзилган сафарномалар (очерк, поэма, роман)	Н.М.Карамзин “Рус сайёҳнинг мактуби”
		А.Н.Радищев “Петербургдан Москвага саёҳат”
		Байрон “Чайлд Горалд

	Афсонавий хаёлий маконга саёҳат билан боғлиқ асарлар	саёҳатлари”(поэма)
		“Гилгамиш ҳақида афсона”
		Гомер “Илиада”, “Одиссея”
		Вергилий “Инаида”
		Данте “Илоҳий комедия”

б-жадвал

Сафарномаларда ҳисобга олинадиган реал факторларнинг элементлари	Маршрут, транспорт воситалари, йўл хусусиятлари, пейзаж тасвири.
	Янги ўлканинг одамлари этнографик кузатишлар урф-одатлар, расм-русумлар.
	Архитектура ёдгорликлари таснифи шаҳар ва қишлоқларнинг ўзига хос осори атиқалари бино ва уйларнинг ташқи кўринишлари ички безаклари жиҳозлари (интерьер).
	Ҳар бир сафар иштирокчисининг атроф- муҳитга, маълум бир маконга, муайян шахсларга, воқеа ҳодисаларга муносабати.
	Янги олам одамлари билан суҳбатлар, ишонч ва эътиқодлар, ҳикоялар, дидларга оид кузатиш ва қайдлар

<p>XX аср сафарномалари</p>	<p><i>Миллий уйғониш даври сафарномалари</i></p> <p>Муқимий “Саёҳатнома”, Аҳмад Дониш “Наводир ул-вақое”</p> <p>Аминхўжа Муқимий “Саёҳатнома”</p> <p>Нодим Намангоний “Баёни саёҳати Нодим”</p> <p><i>Жадид сафарномалари:</i></p> <p>Абдулла Авлоний “Афғон саёҳати”.</p> <p>Чўлпон “Йўл эсдаликлари” ва “Вайроналар орасидан”.</p> <p>Абдурауф Фитрат “Ҳинд сайёҳи”.</p> <p>Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Қасди сафар”.</p> <p>Хожи Муин “Каттақўрғон хотиралари”.</p>
	<p><i>Шўролар даври адабиёти сафарномалари:</i></p> <p>Ғафур Ғулом “Хоки Мусалло”, “Тахти Сафар”.</p> <p>Абдулла Қаҳҳор “Қирқ қувонч. Салом ҳинд халқига” ва “Ҳиндистон хотираларидан”.</p> <p>Пиримкул Қодиров “Иқлим ва ҳаёт”, “Иқтисод ва техники”, “Эғалик масъулияти”, “Инсон эрки ва давлат назорати”, “Тарих”, “Дин ва ахлоқ”.</p>

	<p><i>Истиқлол даври адабиёти сафарномалари:</i></p> <p>Хайриддин Султон “Бобурийнома”; Қамчибек Кенжа “Ҳинд сориға”, “Андижондан Даккагача”, “Буюклар изидан”, Андижондан Бағдодгача”, “Соҳибқирон ўтган йўлларда”.</p>
--	---

8-жадвал

<p>“Бобурийнома”нинг мазмун- мундарижаси</p>	<p>Бадий асарлардан ўз ўрнида фойдаланиш</p>
	<p>Сафарномага хос аниқ ҳисоботлар</p>
	<p>Муаллифнинг воқеликка субъектив муносабати</p>
	<p>“Паноҳ”, “Ой ботган паллада”, “Нуқта” ҳикоялари</p>
	<p>“Саодат соҳили” қиссаси</p>
	<p>Экспедициянинг сафар хотиралари илмий-маданий, архитектура ва бошқа маълумотлар</p>
	<p>Сафар хотиралари, кузатишлари таассуротлар</p>
	<p>Муаллиф тасавуридаги Бобур Мирзо сиймоси билан бақамтилик</p>